

*Ўзбекистон халқаро ислом академияси*  
*“Дин психологияси ва педагогика” кафедраси*

ХЎЖАГЕЛДИ АЛИМОВ

**ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИ: МАКТАБЛАР,  
ЙЎНАЛИШЛАР, ЁНДАШУВЛАР**

*Монография*

Тошкент-2020

**Алимов, Хўжагелди**

Психология тарихи: мактаблар, йўналишлар, ёндашувлар [Матн]: диний-ижтимоий / Х.Алимов. – Тошкент.: ....., 2020. – 219 б.

*Мазкур монография психология тарихида шаклланган ва ривожланган психология мактаблари, алоҳида тадқиқот йўналишлари, психологиянинг долзарб муаммоларига нисбатан ёндашувлар масалалари тадқиқ этилган илмий-тадқиқот ишларидан бири бўлиб, унда бой назарий материал асосида психология тарихи турли хил даврлар кесимида таҳлил қилинади. Шунингдек, психология тарихига тааллуқли бўлган муаммоларни бартараф этиши йўл-йўриқлари кўрсатиб ўтилади. Муаллиф монографиянинг илова қисмида психология тарихида кўзга кўринган, мактаблар яратган, психологик ҳодисаларга нисбатан ўзига хос ёндашувларга эга бўлган гарбнинг 50 нафар психологи тўғрисида маълумотлар беради.*

*Монография психология тарихи, дин психологияси соҳаларида тадқиқотлар олиб бораётган тадқиқотчилар, психолог, социолог, диншунос, исломшунос олимлар, умуман психология тарихига қизиқиши билдирадиган кенг жамоатчилик учун мўлжалланган.*

#### **Такризчилар**

**М. Ақромов**

психология фанлари бўйича фалсафа доктори (HhD)

**И.А.Эшмаматов**

педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Монография Ўзбекистон халқаро ислом академияси Илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган (2020 йил 26.XII. 6-сон баённома).

## КИРИШ

Психология тарихи бўйича кўплаб илмий асарлар ёзилган, кўплаб илмий тадқиқотлар ўтказилган. У ҳар хил ракурслардан туриб талқин этилган. Биз ушбу монографияда уни соддалаштирган ва янгича ёндашган ҳолда таҳлил қилдик. Монографиянинг номидан ҳам аёнки, биз иложи бориचा психологик мактабларга, илмий йўналишларга ва турли туман ёндашувларга урғу беришга ҳамда уларнинг муштарак ва фарқли жиҳатларини очишга ҳаракат қилдик. Монографиянинг 4-бобида 50 нафар ғарбнинг буюк психологларининг ҳаёти, ижоди ва назариялари ҳам алоҳида таҳлил қилинган. Бу ҳолат монографияга алоҳида зеб бағишлайди, деб ҳисоблаймиз. Чунки монографиянинг бошқа бобларида умуман психологик мактаблар, илмий йўналишлар ва алоҳида ёндашувлар ҳақида фикр юритилган бўлса, бу ерда эса уларни ишлаб чиққан психологларнинг фанга қўшган ҳиссалари баён этилган. Шунинг учун монографиянинг бу иккала қисмлари бир-бирини мутаносиб ҳолда тўлдиради.

Таъкидлаш жоизки, “ғарбнинг 50 нафар буюк психологлари” тушунчасининг ўзи нисбий тушунчадир. Чунки бу миқдорни хоҳлаганча кўпайтиришимиз мумкин. Қолаверса, мазкур китобда биз психология тарихига кирган ғарб олимларининг таълимотларини кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Психологияни худди тунги осмонга ўхшатиш мумкин. Тунги осмонда минглаб юлдузларни кўрса бўлади. Психология фанида ҳам ҳар бир психолог мисли бир юлдуздек фан осмонида порлаб туради. Уларнинг ичида ярқираб турганлари ҳам бор, милт-милт қилиб ёниб турганлари ҳам бор. Уларнинг ёруғлигининг қандай бўлишидан қатъий назар улар психология фани тараққиётига баҳоли қудрат ўз ҳиссасини қўшганлар.

Ушбу монографияда номлари зикр қилинган олимлар психология тарихини яратган кишилардир. Психология фан сифатида инсоннинг ўз-ўзини англашга интилишининг ҳайкали ҳисобланади. Ўзининг ўзлигига назар ташлашга, ҳаракатларини ва ҳатто фикрларини тушунишга нисбатан интилиш психологияда турли-туман назарияларнинг, йўналишларнинг ва мактабларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Энг ажабланарлиси шундаки, инсон психикасини ўрганган ҳар бир олим ўзидан олдин ўтганларни инкор этмаган ҳолда намодир янги нарсани кашф этган. Бунинг сабаби шундаки, психология фанининг тадқиқот предмети психика бўлиб, у ниҳоятда мураккаб ва кўп ўлчамлидир.

Энди “Психология тарихи: мактаблар, йўналишлар, ёндашувлар” монографияси билан танишадиган китобхон минглаб йиллар давомида ҳар хил даражада тадқиқ этилган психика деб аталган сирлар оламига шўнғиш имкониятига эга бўлади ва ҳар сафар янги буюк психолог билан тўқнаш келганда бир дунё завқ-шавқ олади. Мазкур китобни ўқиш

жараёнида китобхон нафақат психология ва психика бўйича беҳисоб маълумотларга эга бўлади, балки ўз-ўзини таҳлил қилиш имкониятини ҳам қўлга киритади.

Монографияни мутоала қилишларидан олдин китобхонга шуни маълум қилиб қўймоқчи эдикки, 50 нафар психолог тасодифан танлангани йўқ. Психология оламидаги машҳур йўналишлар танлаб олиниб, уларнинг ижодкорлари, давомчилари асарлари таҳлил қилинди. Бундан кўзланган мақсад китобхонларнинг психология фанидаги илмий назариялар, концепциялар, мактаблар тўғрисида тизимли маълумотларга эга бўлишларини таъминлашдир. Қолаверса, ҳар бир психолог ҳақида гап борганда, биз имкон қадар унинг биографиясига ҳам қисқача тўхталиб ўтишга ҳаракат қилдик. Шунингдек, унинг психология фанига қўшган ҳиссаси, киритган янгилиги масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

## **1.1. Ибтидоий психология даври.**

**Ибтидоий давр.** Илк одамлар ҳам бизнинг даврдаги одамларга хос бўлган сифатларга эга бўлишган: улар ташқи муҳитга мослашганлар, тажрибаларини ўзгаларга узатганлар, турли хил ишлар, масалан, овчилик, деҳқончилик ва ҳоказолар билан шуғилланишганлар, кўпчилик бўлиб яшаганлари боис ижтимоий турмуш тарзига эга бўлганлар. Уларнинг орасидаги одамлар ҳам ҳар хил бўлганлар: баъзилари айёр, баъзилари жасур, баъзилари ғайратли, баъзилари ишонувчан ва ҳ. Энг муҳими улар қизиқувчан ҳам бўлганлар.

Айнан мана шу сифати боис ибтидоий одамда ўзлари яшаб турган оламни ўрганишга қизиқиш пайдо бўлган. У тун билан куннинг алмашинуви, фаслларнинг ўзгариши, қор ва оловнинг, булутлар ва ёмғирнинг, момақалди роқ ва яшиннинг моҳиятини тушунишга интилан. Бироқ уни ўзининг моҳияти тўғрисидаги саволлар ҳам қизиқтирган. У бошидан кечираётган кечинмалари ҳақида, тушлари ҳақида, ўлим ва ўлимдан кейинги ҳолатлар ҳақида билишни истаган. Келиб чиқиши номаълум бўлган нарсалар инсонни беихтиёр шу нарсаларнинг Яратувчиси тўғрисида ва инсон билимларининг нисбийлиги ҳақида ўйлашга ундайди. Бу динни келтириб чиқаради. Инсон табиат ҳодисалари ўртасидаги алоқаларни сеза бошлайди ва бу уларни буюк фалсафий қонуниятларнинг мавжудлиги тўғрисидаги ўйларни ўйлашга олиб келади. Фалсафий қонуниятлар оламнинг ўзаро алоқадорлигини англатади ва бу ўзаро алоқадорлик замирида турли хил табиий фанлар дунёга келди: физика, кимё, биология, астрономия ва ҳ.к. Ниҳоят, бу ўзаро алоқадорликни англаётган киши ҳақидаги ўйлар одамни психологияга олиб борди.

**Психология тараққиётидаги илк қадамлар.** Инсон хулқ-атворини ташкил этадиган фикрлар ва истакларнинг манбаи ташқи омилларга бориб тақалади, деган ўйда бўлган. Ибтидоий қариндошларимиз ички руҳий фаолиятимизни тушунишга уринганлар. Уларнинг фикрига кўра, инсон танасида унинг кўришини, эшитишини, ҳис қилишини таъминлаб турадиган бошқа бир мавжудот бор. Унинг номини турлича атаганлар: руҳ, жон, шарпа ва ҳ. У одам ухлаганда танадан чиқади ва тушларда ўзининг ҳаёт тарзига эга бўлади, деган фикрда бўлганлар. Ўлим ҳолатида эса бу мавжудот оғиз орқали танадан чиқиб кетади ва унга бошқа кирмайди, деб ҳисоблаганлар. Бундай тушунча, масалан, қадимги юнонларда кенг тарқалган эди.

Психология сўзининг келиб чиқишида юнон мифологиясининг ўрни бор. Маълумки, қадимги цивилизациялар турли-туман худоларни ўйлаб топган эди. Уларнинг фикрига кўра, қуёш, ой ва бошқа осмоний жисмлар сирли қувватга эга ва бу одамларга ўз таъсирини кўрсатади.

Бу илоҳий қудратга эга бўлган кучлар одамнинг тақдирини белгилаб беради, деган эътиқодда бўлишган.

**“Психология” сўзининг пайдо бўлиши.** Психология сўзининг пайдо бўлишида юнон мифологиясининг таъсири бор. Афродитанинг ўғли Эрот Психея номли гўзал ёш қизни яхши кўриб қолади. Афсуски, Афродита бундан норози бўлади. Чунки маъбудлар қавмидан бўлган унинг ўғли ўз тақдирини оддий, бир кун келиб ўладиган ерлик билан боғлашга қарор қилган эди. Афродита Психеяни турли хил синовлардан ўтказди. Бироқ Психеянинг муҳаббати шу даражада кучли ва Эротни кўриш истаги шу даражада юқори эдики, у барча синовлардан муваффақиятли ўтади. Бу ҳолат барча маъбуд ва маъбудаларга кучли таъсир кўрсатади ва улар Психеяга Афродитанинг барча талабларини қондиришига ёрдам беришга қарор қилишади. Эрот бўлса, ўз навбатида юнон мифологиясидаги олий маъбуд Зевсни Психеяни мангу яшайдиган маъбудага айлантиришга кўндиради. Шундай қилиб, севишганлар абадиятга қовушадилар.

Юнонлар учун бу афсона ҳақиқий муҳаббатнинг, инсон руҳининг олий реализациясининг классик намунаси ҳисобланади. Шунинг учун Психея оддий одам бўла туриб, мангуликка эришади ва ўз идеалини излаган руҳнинг рамзи бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, психология атамаси биринчи марта Аристотелнинг “Метафизика” номли асарида ишлатилади. У “психика” атамасини Психеядан олганлигини ривоят қилишадилар. Психика деганда Аристотель “руҳ”, “жон” деган маънони илгари суради, яъни ғайб оламидан келиб инсон вужудига кирадиган бир борлиқ ва вужуд ўлганда ҳам ўлмайдиган бир субстанция. Психея ҳам олдинга оддий ўладиган ерлик бўлган бўлса, кейинчалик абадиятга дохил бўлиб қолади. Бошқача айтганда, руҳ ҳам илоҳий келиб чиқишга эга бўлса-да, вужудда дунёвий сифатларга эга бўлади. Айрим олимларнинг фикрича, айнан шу ҳолат Аристотелнинг психология атамасини қўллаганда асосий роль ўйнаган.


Таъкидлаш жоизки, мазкур атама кейинчалик фанда йўқ бўлиб кетади. Орадан йиллар ўтиб, “psyche” (руҳ, жон) ва “logos” (таълимот, фан) юнон сўзларидан ташкил топган “психология” атамаси немис файласуфи Христиан Вольф томонидан VIII-асрга келиб илк марта ишлатилади.



Христиан фон Вольф (1679 - 1754) — немис энциклопедист олими, файласуф, юрист и математик, Лейбницдан кейин ва Кантгача бўлган даврдаги машхур файласуфлардан бири, немис фалсафаси тилининг асосчиси. У биринчи бўлиб 1732-1734 йилларда чоп этилган “Рационал психология” ва “Эмпирик психология” китобларида фалсафа тилига “психология” атамасини киритади. М.В.Ломоносовнинг ўқитувчиси бўлган.

Қадимги одамлар ўзлари тушунмаган фикрлари, ҳаракатлари ёки кечинмалари сирли ва қудратли кучлардан келиб чиқади, деб ўйлашган. Улар ҳар бир нарсанинг худоси бор, деб эътиқод қилишган. Масалан, муҳаббат худоси, уруш худоси, ҳосилдорлик худоси, ҳатто винонинг ҳам худоси бор, дейишган. Улар одамнинг ички кечинмаларини ҳам бошқаради, шунинг учун, ҳаёт ва ўлим, муҳаббат ва нафрат, қаҳрамонлик ва кўрқоқлик ва шунга ўхшаш бошқа ҳис-туйғулар худоларнинг кайфиятига ва улар ўртасидаги рақобатга боғлиқ, деган эътиқодда бўлишганлар.

Эрамиздан олдинги 800-йилларда яшаган юнон шоири Гомер ўзининг “Иллиада” ва “Одиссея” асарларида худолар қандай қилиб одамлар ҳаётига аралашилари, уларни яхши кўришга ёки нафратланишга, баъзиларига жангларда ботирлик кўрсатишга, баъзиларига қасос олишга сабаб бўлишлари тўғрисида ёзган.



Гомер (эрамизгача IX-аср) — қадимги юнон шоири, 28000 сатрдан иборат бўлган “Илиада” ва “Одиссея” номли иккита эпик поэмаларнинг муаллифи. Айтишларича, у кўр бўлган экан.

### **1.1. Психологиянинг антик маданият даври.**

Эрамиздан олдинги VI-асрларда яшаган илк юнон файласуфлари инсон табиатини тушунишга уринишади. Одамларнинг тасаввурларига маъбуд ва маъбудалар таъсир кўрсатадилар, шу таъсирларга қараб уларнинг хулқ-атвори шаклланади, деган фикрда бўлишганлар. Бу қарашларни турли-туман асотирлар ва ривоятларга асосланиб тушунтиришга уринадилар. Маъбуд ва маъбудалар инсонларни уларнинг ичида бўлган бир борлиққа таъсир кўрсатиш орқали бошқарадилар.

Сукрот - қадимги юнон файласуфи. Унинг таълимоти фалсафада инқилоб ясади, яъни у биринчилардан бўлиб табиат ва дунёдан инсонга эътиборини қаратади. Унинг фаолияти антик фалсафа тараққиётида янги даврни бошлаб беради. Ўзининг тушунчалар таҳлили

(диалектиканинг илк кўриниши) методи ва инсоннинг ижобий сифатлари билан унинг билимларини қиёслаш методи ёрдамида инсон шахсига


Гомер (эрамизгача IX-аср) — қадимги юнон шоири, 28000 сатрдан иборат бўлган “Илиада” ва “Одиссея” номли иккита эпик поэмаларнинг муаллифи. Айтишларича, у кўр бўлган экан.

файласуфларнинг

эътиборини қаратади. Сукротни илк файласуф ҳам деб аташади. Сукрот илк марта ўз тамойил ва усулларини тадқиқ қила туриб, инсоннинг ички оламига кириб боришга уринади.

Диалектик мунозаралар методидан фойдалана туриб, Сукрот софистлар томонидан четга чиқарилиб ташланган билимнинг обрўсини ўз фалсафаси ёрдамида жойига қўйди. Софистлар ҳақиқатга эътибор ҳам қаратмаган бир пайтда, Сукрот унга муҳаббат қўйди.






Инсонга хос бўлган руҳий жараёнлар билан моддий олам ўртасидаги чегара айнан Суқрот томонидан аниқ кўрсатиб берилади: у моддий олам билан онгнинг қиёфасига эътиборини қаратади ва биринчилардан бўлиб руҳийликни мустақил борлиқ сифатида талқин этади.

Суқротнинг шахс тўғрисида назарияси мавжуд бўлиб, унда шахс кўп сонли спекуляцияларнинг предмети сифатида ўрганилади. Суқрот ўз назариясини амалиёт билан исботлашга ҳаракат қилиб, ирода кучини кучайтириш учун маълум жисмоний машқларни амалга оширади. Турли хил машғулотлар ёрдамида Суқрот қийинчиликларга бардош бериш учун ўз танасини чиниқтиради.

Шундай бўлса-да, юнон файласуфлари шунга ишонишардиларки, ҳар бир одам ичидаги бир борлиғи ёрдамида ўйлайдилар, қарор қабул қиладилар, тўлқинланадилар, ўзини бошқарадилар. Ўша борлиқнинг номини “руҳ” деб аташ мумкин ва у номоддийдир. Масалан, Платоннинг тушунтиришича, руҳ ёки жон одам танасига киради, бутун ҳаёти давомида уни маълум мақсад томон йўналтиради, одам ўлгандан сўнг эса танани тарк этади ва “ғоялар оламига” сафар қилади.

Суқрот (эрамизгача бўлган 470/469— 399) — қадимги юнон файласуфи, унинг табиат ва дунёни ўрганишдан инсонни ўрганишга ўтилган таълимоти бор. Унинг фаолияти антик фалсафа тараққиётида янги йўналишни очди.




Гиппократ (эрамизгача бўлган тахминан 460 - 370 йиллар) – машхур қадимги юнон табиби, ваши ва файласуфи. Тарихга “тиббиётнинг отаси” деган ном билан кирган.

Аристотель жонни тананинг битта функцияси сифатида қарашни таклиф этади. Унинг фикрича, жон ёки “психе” - тирик мавжудотга ўзини реализация қилиш имкониятини берадиган двигателдир. “Психе”нинг маркази юрак ҳисобланади ва унга сезги органлари орқали маълум таъсуротлар узатилади. Бу таъсуротлар ғоялар манбаини ташкил этади ва улар бутун ҳаёти давомида тўпланиб боради, фикрий тафаккур натижасида бир-бирларига қўшилади, хулқ-атвори бўйсиндиради.

Платон (асримизгача 428 – 347 йиллар) — қадимги юнон файласуфи, Сократнинг шогирди, Аристотелнинг устози. Уни “фалсафанинг князи” деб аташган. У мукамал мутлақ ғоялар бўлган умумий тушунчалар ҳақидаги ва қайта-қайта пайдо бўладиган ўлмас руҳ ҳақидаги таълимотларнинг асосчиси.

Аристотелнинг фикрича, инсонни билиш фақатгина Коинотни ва ундаги мавжуд тартиботни билиш орқалигина амалга ошиши мумкин. Унинг фалсафий қарашларида биринчи ўринга тафаккур, билим, интеллект ва донишмандлик мавзулари кўтарилади. Аристотелнинг мазкур ғоялари янги асрнинг V-асригача сақланиб қолади.



Гиппократ касалликлар табиий сабаблар натижасида пайдо бўлишини, унда худоларнинг аралашувининг йўқлигини биринчи бўлиб айтган олим ҳисобланади. У тиббиётни диндан айро ҳолда алоҳида фан сифатида ажратиб кўрсатади ва шунинг учун ҳам уни “тиббиётнинг отаси” дея талқин қилишади. У биринчилардан бўлиб “касаллик тарихи” тушунчасини фанга олиб келади.

Гиппократнинг таълимотига кўра, касаллик худоларнинг жазоси эмас, балки табиий омилларнинг (нотўғри овқатланиш, инсон турмуш тарзининг нотўғри йўлга қўйилганлиги ва ҳ.) натижасидир. Гиппократнинг асарларида касалликларнинг пайдо бўлишида худоларнинг аралашуви бўлмаганидек, унинг давосида ҳам табиий усуллар ёрдам бериши тўғрисида ёзилади.

Гиппократнинг инсон темпераменти тўғрисидаги таълимоти психология фани тараққиётида катта роль ўйнади. Унинг фикрича, инсоннинг умумий хулқ-атвори организмда кезиб юрадиган тўрт хил суюқликларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади – қон, сафро, қора сафро ва лимфа.

Сафро (юнон тилида - χολή, *холе*)нинг устунлиги инсонни импульсив, ҳаракатчан, қизиққон қилиб қўяди, яъни холерик.

Лимфа (юнон тилида - φλέγμα, *флегма*)нинг устунлиги инсонни секин ҳаракатланадиган, хотиржам қилиб қўяди, яъни флегматик.

Қон (лотин тилида - *sanguis*)нинг устунлиги инсонни ҳаракатчан ва қувноқ қилиб қўяди, яъни сангвиник.

Қора сафро (юнон тилида - μέλαινα, *мелэна*)нинг устунлиги инсонни ғамгин ва қўрқоқ қилиб қўяди, яъни меланхолик.

Гиппократ асарларида темперамент типларининг хусусиятлари ҳам берилади. Тана тузилиши ва руҳий ҳолатларнинг типларга ажратилиши амалий аҳамиятга эга. Маълум бир типнинг аниқланиши диагностика билан ва касалларни даволаш методини танлаш билан боғлиқ. Шунингдек, Гиппократнинг фикрича, ҳар бир типнинг маълум касалликларга мойиллиги бўлади.

## **1.2. Психологиянинг ўрта асрлар даври.**

Ўрта асрларга келиб иудаизм ва христиан динлари илгари сурган концепциялар инсоннинг моҳиятини тушунтиришга ҳаракат қилади. Бу концепцияларда инсоннинг моҳияти ақл ва фикрловчи тафаккур орқали тушунтирилмасдан, балки Олий мавжудот орқали тушунтирилади. Олий мавжудотда оддий одамларга хос бўлмаган сирлар мужассамлашган бўлади. Нажот йўли, шунинг учун, билимсизликда ва догматларга ишонишда ётади.

Интеллектуал ўрта асрнинг ўн битта юз йиллиги давомида кўплаб фалсафий мактаблар пайдо бўлиб, уларда илгари сурилган ғоялар

мана шу иккита концепцияга боғлиқ ҳолда ривожланади. Бир томонда эгилмас илоҳиётшунослар туришар ва улар одатда фалсафани иблиснинг ихтироси, деб, табиий фанларни эса инсоний ақлнинг устида турадиган илоҳий ҳокимиятнинг чегараланиши, деб ҳисоблашар эдилар. Иккинчи томонда эса турли хил фалсафий оқимлар турарди. Улардан энг машҳури схоластик фалсафа эди.



Унинг асосини Абеляр яратади, бироқ мазкур таълимотнинг гуллаб-яшнаши Фома Аквинский даврига тўғри келади.

Схоластлар ўз таълимотларида бир вақтнинг ўзида ҳам илоҳиётшуносликка,

ҳам Аристотель ғояларига таянишади. Улар дунёни эътиқод билан “ёришган” ақл ёрдамида тушунтиришга ҳаракат қилишади. Файласуфнинг роли шундаки, Аллоҳ томонидан яратилган оламнинг тартиби ва иерархик тузилишини кашф этади, барча мавжудотларнинг ҳаётида Унинг ўрнини кўрсатади.

Пьер Абеляр (1079 - 1142) — ўрта асрлардаги француз схоласт-файласуфи, илоҳиётшунос, шоир ва мусиқачи. Концептуализм назарияси асосчилари ва вакилларидан бири. Католик черкови унинг даҳриёна қарашларини бир неча марта қоралаган.



Фома Аквинский (1225 - 1274) — итальян файласуфи, илоҳиётшунос, католик черковида авлиё деб тан олинган, ортодоксал схоластиканинг тизимини ишлаб чиққан, черков ўқитувчиси.


Абадий мунозаралар чақирадиган мавзулардан бири – бу руҳ муаммосидир. Ҳақиқатдан ҳам кўриб бўлмайдиган нарсани қандай қилиб рационал ўрганиш ва тавсифлаш мумкин? Эрамизгача бўлган II-асрдан бошлаб шундай фикрга келиндик, руҳ инсоннинг миясида бўлади. Файласуфлар тўхтовсиз руҳнинг табиати ва хулқ-атворга таъсир қилиш услублари ҳақида мунозараларга киришдилар. Ҳатто шундай аргумент ҳам илгари сурилгандики, руҳ жисмоний мавжуд бўлишлиги мумкин эмас, чунки у ўлмас бўлса-да, ўладиган танада жойлашгандир.

### ***1.3. Психологиянинг уйғониш давридан XIX-асргача бўлган даври.***

Уйғониш даврига келибгина, яъни XV, XVI ва айниқса XVII-асрга келиб, олам ва инсон ҳақида математик ва механик бўлган илмий тасавурлар пайдо бўлди. Улар асосан эътиқодга боғлиқ бўлмаган ақлга таянарди.

Шундай қилиб, оламини Худо яратганлиги тўғрисидаги ғоя билан биргаликда табиий фанлар ҳам секин-аста ривожлана бошлади. Бироқ ўрта асрларда дин табиий фанларнинг ривожланишига кескин тўсиқ ҳам бўлди. Чунки ўрта асрларда яшаган Коперник (1543), Кеплер (1604) ва Галилей (1633) сингари олимлар қуёшнинг атрофида ер айланади, деган фикрни илгари сургани сабабли инквизициянинг зулмига учраганлар. Христиан дини арбоблари табиий фанлар илгари сурган ғояларни динга қарши деганлиги сабабли Европада ўрта асрларда фан ривожланмади.

Бу даврда мусулмон Шарқида фан гуркираб ривожланади. Чунки ислом, биринчидан, илмни ривожлантириш шарафли иш, деб ҳисоблаган бўлса, иккинчидан, Аллоҳ яратган бу борлиқни табиий



Николай Коперник (1473 - 1543) — польшалик астроном, математик, механик, иқтисодчи, Уйғониш даври қонуншуноси. Европада илк илмий инқилобни бошлаб берган дунёнинг гелиоцентрик тизими асосчиси.




Иоганн Кеплер (1571 - 1630) — немис математики, астроном, механик, оптик, Қуёш тизими сайёраларининг қонунларини кашф этган.


фанлар ёрдамида ўрганишга мутлақо қарши бўлмаган. Фақат, қанча ўргансалар-да, унинг Яратувчиси инкор этилмаса бўлди эди.

Ўрта асрларда Европада француз файласуфи Рене Декартнинг таълимоти машҳур бўлди. У хулқ-атворни механистик модели асосида тушунтирадиган назарияни илгари суради. Мазкур моделга мувофиқ, сезги органлари томонидан узатилган маълумот сезги нервлари орқали бош мия тешикларига етиб боради, уларни кенгайтиради. Бу мияда жойлашган “ҳайвоний руҳ”га нозик найчалар, яъни ҳаракат нервлари бўйлаб мускулларга ўтиш имкониятини беради. Мускуллар эса ўз ўрнида ҳаракат аъзоларининг у ёки бу ҳаракатларни амалга оширишига олиб келади.

Шундай қилиб, оддий хатти-ҳаракатларни пайдо қиладиган ҳолатни тушунтириш учун руҳга мурожаат қилишга зарурат қолмади. Бироқ Декартнинг фикрига кўра, бош мияда жойлашган “ақлий руҳ” мавжуд ва у инсон моҳиятини ташкил этади. Инсоннинг ўз эҳтиросла –



Галилео Галилей (1564 - 1642) — итальян физиги, механик, астроном, файласуф, математик, ўз даврининг илмига катта ҳисса қўшган. Осмон жисмларини кузатиш учун Европада илк телескопни ихтиро қилган ва машҳур астрономик кашфиётларни амалга оширган. Европада




Рене Декарт (1596 - 1650) — француз файласуфи, математик, механик, физик ва физиолог, аналитик геометрия ва замонавий алгебраик символика асосчиси, фалсафада радикал шубҳа методининг, физикада механицизм ва рефлексологияларнинг муаллифи.

рини бошқаришига ёрдам беради ва шу билан бирга ақлга эга бўлмаган ҳайвонлардан уни юксакларга кўтариб қўяди.

Бундай декартча дуализм, яъни механик ҳаракат қиладиган тана ва уни бошқарадиган руҳ – инсон организми фаолияти тўғрисидаги тасаввурларга узоқ вақт ўз таъсирини кўрсатиб келди. Анатомия ва физиология фанларидаги билимлар кейинги асрларда кенгайган бўлишига қарамасдан XX-асрнинг бошига қадар “руҳ”, “жон” тушунчалари фанда сақланиб қолди. Кейинчалик бу тушунчалар “ақл”, кейинроқ эса “онг” тушунчалари билан алмашинди. Кейинчалик эса монистик концепция фанда кенг тарқалади. Унга кўра инсоннинг ҳулқ-атвори асосан нерв системаси билан бошқарилади.

Декартнинг организмнинг фаолияти ва турли хил хатти-ҳаракатларнинг амалга оширилиши ҳақидаги илк тасаввурлари ҳозирги замон психологиясининг ривожланиши учун бурилиш нуқтаси бўлди.



Декартнинг “Одам ҳақидаги трактат” (1664) асаридан олинган иллюстрация. Унда “инсоний” машинанинг фаолияти тўғрисидаги механик концепцияси ўз ифодасини топган. Расмда кўринганидек, “ҳайвоний руҳлар” мия тўқималаридан найчалар бўйлаб оқади ҳамда иккала кўз ва ўнг қўл В предметига қараб бир вақтнинг ўзида ҳаракат қилади.

#### **1.4. Табиий фанларнинг пайдо бўлиш даври.**

Қадимги Юнонистон давридан бошлаб фақат файласуфларгина инсоннинг моҳиятини, унинг физик ва ижтимоий муҳит билан ўзаро алоқасини тушунишга интилдилар. Улар Платондан тортиб Декартгача бўлган рационалистлар эди. Уларнинг фикрича, ҳар қандай ҳақиқий билимлар фақат ақлдангина келиб чиқади. Демак, бир ақлнинг ўзигина билиш жараёнидаги фактларни тушунтиришда асосий ролни ўйнайди. Мазкур файласуфларнинг фикрига кўра, қандайдир муаммони шакллантиришнинг энг яхши усули ва уни бартараф этиш мантиқий далилларни излаш билан кечади. Натижада улар асрлар давомида воқелиқдаги мавжуд нарсаларни кузатишнинг ўрнига нима бўлиши кераклиги тўғрисида муҳокама билан чегараландилар.

Табиий фанларнинг ривожланиши билимнинг ягона манбаи тўғрисидаги фалсафий мунозара тугаб, фанда аниқ ва тизимли кузатишлар бошланганда, энг муҳими – эксперимент ўтказиш бошланган кундан бошланади.

Экспериментнинг асосини ташкил этган эмпирик йўналиш тажрибага асосий эътиборни қаратади ва шу билан илгариги ҳукмрон бўлган рационалистик йўналишдан фарқ қилади. Бу мантиққа ва фикрлашга ёки соғлом фикрга бепарво бўлинади, дегани эмас. Бу йўналишни танлаган олимлар бу дунёда содир бўлаётган барча нарсалар тўғрисида тахминлар қилишадилар ва аксарият ҳолатларда қизҳин мунозараларга сабаб бўладиган баъзи фактларни тушунтириш учун аргументларни илгари суришадилар. Бироқ олимлар томонидан илгари сурилаётган тахминлар гипотезалар деб аталади. Бу гипотезалар экспериментлар ёки текширилаётган кузатувлар ёрдамида текширилади, натижада янги маълумотлар қўлга киритилади. Агар мазкур гипотезалар фактларга мос келадиган бўлса, секин-аста янги



назария дунёга келади. Бу назария янги пайдо бўлаётган фактларнинг моҳиятини тушунтириб беришга хизмат қилади. Агар янги маълумотлар илгари сурилаётган гипотезани инкор этса, бу гипотезага янгича сайқал берилади ёки йўқ қилинади. Айнан назариянинг реал воқелик билан мос келишини текширишни илмий метод деб аташадилар.

XXVII-асрга келиб фалсафадан турли хил табиий фанлар ажралиб чиқа бошлади. Аввалида улар кимё, физика фанлари эди. Уларнинг ажралиб чиқишига бу йўналишда қилинган бир қанча кашфиётлар, жумладан, ёруғлик ва товуш бўйича қилинган кашфиётлар сабаб бўлди. Бу кашфиётлар реал воқеликни янада чуқурроқ тушунтириб беришга хизмат қилди. XXVIII-асрга келиб ажралиб чиқиш навбати физиологияга келади. Нерв системасини ўрганиш натижасида организмда маълумотларнинг қандай узатилишини тушунтириб бериш имконияти пайдо бўлди. Ниҳоят, XIX -асрнинг бошига келиб социология ва илмий психология ривожлана бошлади.

### ***1.5. XXVIII – XIX-асрларда психологиянинг ривожланиш даври.***

Табиий фанларнинг психологиядан ажралиши осон кечди, бироқ психологиянинг, аксинча, мустақил фан сифатида ажралиши қийинчилик билан содир бўлди. Бунинг учун унга қатъий илмий асосларга таянган янги методларни яратишга тўғри келди. XXVIII-асрнинг бошидан бошлаб янги эмпирик олимлар психик феноменларни янгича талқин қилишни бошладилар. Улар инсон организмга сезги органларидан келадиган маълумотларга қандай реакция кўрсатишини тушунишга ҳаракат қилдилар. Бунда улар руҳийлик соҳасидаги дин ва рационал фалсафа маълумотларидан фойдаланмадилар.

Шундай қилиб, масалан, Кондильякнинг фикрича (1754), бизнинг барча билимларимиз сезгиларимиздан келиб чиқади. Локк (1690) ва Юм (1739)лар илгари сурган фаразга кўра, сезгиларимиз тўпланадиган асосий элементлар “Ғоялар ассоциацияси” қонунига бўйсинади. Масалан, “қор учқуни” ғояси уни ҳеч қачон кўрмаган болага ҳеч нарсаи англамайди. Фақат бола ўзининг ҳаётида илк марта кўраётган қор учқунига хос бўлган ўзининг оқлик, совуқлик ва айланалилик сифатлари ёрдамида чақириладиган сезгилари орқалигина унда мазкур фундаментал ғояларнинг ассоциацияси йўли билан қор учқунининг нисбатан мураккаброқ ғояси ётадиган идроклар яратилади.



Этьенн Бонно де Кондильяк (1714 - 1780) — француз файласуфи, аббат. Энциклопедистлар атрофида тарбия топди. 1768 йилда француз академиясининг аъзоси бўлди. Бунгача у Людовик XV нинг неварасига тарбиячилик қилди.

Шундай қилиб, бу субъектив психология индивидуумни ўраб олган оламни ғоялар ассоциацияси йўли билан қандай қилиб ўрганишни тушунтириш учун интеллектуал ҳаётни ўрганишни таклиф этади. Руҳ ва тананинг ўзаро муносабатларини ўрганишнинг ўрнига ақлий фаолиятни ва онгни ўрганиш даври бошланди.




Жон Локк (1632 - 1704) — англиз педагоги и файласуфи, эмпиризм ва либерализм вакили. Сенсуализмнинг тарқалишига ёрдам берди. Эпистемология ва сиёсий фалсафа ривожига катта таъсир кўрсатган. У либерализмнинг назариётчиларидан бири бўлган.

Шундай қилиб, психологияни илмий жиҳатдан ўрганишга нисбатан биринчи қадам қўйилди. Ниҳоят психика организмнинг функцияларидан бири сифатида тан олинди ва уни ўрганиш ҳаётини жараёнларни ўрганишнинг таркибий қисми, деб ҳисобланди. Шундай бўлса-да, бундай позициянинг илмий кўринишига қарамасдан, тан олиш керакки, психик фаолият “руҳ”нинг ҳолатларига нисбатан ҳар доим ҳам кўринавермайди ва ўлчанавермайди. Қолаверса, кўриш дегани – уни текшириш дегани. Бундан ташқари, психология конкрет фактларни тизимли ҳолда тадқиқ қилишни бошламас экан, унинг фан сифатида шаклланиши мумкин эмас.

## **2-боб. Илмий психологиянинг бошланиши ва ривожланиши даври.**

Нисбатан объектив психология томонига илк қадамларни бир қатор табиий фанлар олимлари, жумладан, Фехнер (1860) амалга оширди. У илгари сурган қонунда стимулнинг кучи билан сезгиларимиз ўртасида миқдорий боғлиқлик мавжудлиги аниқланди. Физиолог Вебернинг ишлари асосида шакллантирилган қонун бўйича сезги қўзғатувчи логарифмига пропорционал ҳолда ўзгаради. Бу шу деганики, иккита стимул кучларининг бир хил абсолют фарқидаги интенсивлик қанча юқори бўлса, улар томонидан чақириладиган сезгиларнинг фарқи шунча кам сезилади.



Густав Теодор Фехнер (1801 - 1887) — немис психологи, экспериментал психология, психофизиология ва психофизиканинг асосчиларидан бири.



Максимилиан Карл Эмиль Вебер (1864 - 1920), немис социологи, файласуфи, тарихчи, сиёсий иқтисодчи. Вебернинг ғоялари социология тараққиётига катта таъсир кўрсатди.

1879 йилга келиб Лейпциг университетида илк психологик лабораторияга асос солинди. Уни файласуф ва психолог Вильгельм Вундт бошқарди ҳамда илмий асосда онгнинг мазмуни ва тузилишини ўрганишга қарор қилди. Шундай қилиб, у онгга нисбатан тузулмавий ёндашувнинг ижодкори бўлди.

## **2.1. Тузилмавий ёндашув.**

Физика ва кимё фанлари моддани ташкил этган содда элементларга бўлиш методи ёрдамида қўлга киритилган натижалар орқали муваффақиятларга эришди. Айнан мазкур содда элементларга эътибор материянинг тузилишини тушунтириб берувчи ва янги экспериментлар учун йўл очиб берувчи назариянинг яратилиши имкониятини берди.

Вундт ва унинг ходимлари ички руҳий тажрибани “фикрий материя” сифатида қабул қилиб, шу материянинг содда тузилмаларини аниқлашга ва тавсифлашга ҳаракат қилдилар. Шундай қилиб, онг материаллар атомларга бўлингани сингари психик элементларга бўлиниши таъкидланди. Бундай тузулмавий ғоя ижодкорларининг фикрларига кўра, онгнинг асосий материали бўлиб сезгилар, образлар ва ҳиссиётлар хизмат қилади. Бунда психологиянинг роли мазкур элементларни муфассал тавсиф қилишда ётади.

Бу мақсадга эришиш учун структуралистлар экспериментал интроспекция методидан фойдаландилар. Бу методга кўра, олдиндан тайёргарликдан ўтган синалувчидан у ёки бу вазиятда қолганда нимани ҳис этишини тавсифлаб бериш сўралади.


Структуралистларнинг таъкидлашича, экспериментал интроспекция методи психологиянинг энг яхши методи ҳисобланади. Бироқ бу метод иккита камчиликка эга: биринчидан, бу хулқ-атвори таҳлил қилишнинг ўта субъектив методидир: ҳар бир синалувчи кейинги синалувчининг таъсиротлари билан камдан-кам мос келадиган ўз шахсий кечинмаларини таърифлайди: бировига товуш баланд туюлса, бошқасига товуш кучи бўйича заиф эшитилади; бировига ёқимли туюлган нарса, бошқасига нохуш туюлиши мумкин. Иккинчидан, (бу ундан ҳам ёмони) битта инсоннинг сезгилари вақт кесимида ҳар хил қабул қилинади: душанбада унга ёққан кўзғатувчи, сешанбага бориб ёқимсиз бўлиши мумкин.

Шунинг учун бир нарсага эътиборни қаратиш лозимки, онгнинг “атомлари”, масалан, темир атомларидан фарқ қилади. Онг қандайдир тўниб қолган элементлардан иборат эмас, балки доимий ўзгаришда ва ривожланиш жараёнида мавжуддир. Айнан шунинг учун ҳам бир неча йил муваффақият билан ривожланса-да, онгнинг тузулмалари ҳақидаги психология фанидан тезда воз кечилди.

## **2.2. Функционал ёндашув.**

В.Вундт томонидан онгнинг тузилмаси ўрганилаётган пайтда бошқа мамлакатларда тадқиқотнинг янги йўналишлари очила бошлади. Шундай қилиб, 1881 йилдан бошлаб АҚШда Уильям Жеймс, унинг ходимлари ва давомчилари Чарлз Дарвиннинг эволюцион назариясидан илҳомланиб, ақлни ўрганишга нисбатан мутлақо янги ёндашув қилишди. Уларнинг нуқтаи назаридан қараганда муаммо онг

нимадан ташкил топганлигини билишда эмас, балки муаммо индивидуумнинг яшашида унинг роли ва функциясини тушунишда ётади. Улар шундай гипотезани илгари сурадилар: онгнинг роли индивидуумга эрталабдан кечгача ва туғилгандан ўлгангача пайдо бўладиган турли хил вазиятларга мослашиш имкониятини беришда ётади. У ёки хулқ-атворнинг ишлаб чиқилган шаклларини такрорлашади, ёки вазиятларга қараб ўзгартиришади, ёки вазият талаб қиладиган бўлса, янги ҳаракатларни ўзлаштиришади.



Чарлз Роберт Дарвин (1809 - 1882) — инглиз табиатшуноси ва саёҳатчиси, тирик организмларнинг барча турлари вақт бўйича ривожланади ва умумий келиб чиқишга эга, деган ғояни биринчилардан бўлиб илгари сурган.

Шу вақтдан бошлаб психология мослашувнинг бу янги усулларининг қандай қилиб ўзлаштирилишини тушунишга интилади. Функционалистларнинг кўникмаларни ўзлаштириш йўлларини ўрганишга, бошқача айтганда ўрганиш жараёнини тадқиқ қилишга нисбатан бундай ёндашуви фанда янги йўналишни белгилаб берди.

Шу билан бирга ҳатто функционалистлар ҳам психиканинг сезги ва ҳиссиёт сингари ички феноменларига эмас, балки ташқи томонларига асосий урғуни беради. Улар бу феноменларни руҳий борлиқнинг юзага чиқиши деб ҳисоблайдилар. Улар интроспекция методини афзал билишадилар. Бу метод инсонга фаолликни англаш қандай ривожланаётганлигини билиш имкониятини беради.

Жеймс издошларининг орасидан айримлари хулқ-атворни таҳлил қилишга нисбатан бундай ёндашувни танқид қиладилар. Уларнинг фикрича, илмий тадқиқотнинг предмети бевосита кузатиш мумкин бўлган соҳадир. Ички психик фаолият нима дегани? Ахир у ёки бу муаммони ҳал қилишда пайдо бўладиган фикрларни кузатиб бўлмайди, бунда ҳис этиладиган кечинмаларни ўлчаб бўлмайди. Ўта субъектив бўлган интроспекция бундай қийинчиликларни ҳал этиш имкониятига эга эмас.

Бунга жавобан функционалистларнинг рақиблари айтишдики, масаланинг ечилиш тезлигини ёки эмоционал кўринишда вазиятни чақирадиган жисмоний реакцияларнинг ўлчаш мумкин. Бошқача

йатганда, четдан туриб кузатиладиган хулқ-атворгина объектив тавсиф этилиши мумкин. Шунинг учун агар психология илмий йўлдан кетмоқчи бўлса, бундай нарсаларга эътибор бермаслиги лозим.

Бундай “хулқ-атвор” позициясини 1908 йилда француз психологи Пьерон томонидан қабул қилинди. Бу таълимот АҚШда сал кечикиш билан қабул қилинди ва унинг тарғиботчиси Уотсон бўлди. Янги таълимот бихевиоризм деб аталди ва унга кўра, психология онгнинг функциялари тўғрисидаги фан сифатида эмас, балки хулқ-атвор ҳақидаги фан, деб талқин қилина бошланди.



Анри Пьерон (1881 - 1964) — француз психологи, француз экспериментал ва физиологик психологиянинг асосчиларидан бири.

Бу вақтга келиб, Европада бошқа йўналишлар ҳам пайдо бўла бошлади ва уларнинг ҳар бири психология фани тараққиётига у ёки бу кўринишда таъсир кўрсата бошлади.

**3-боб. XX-аср психологияси даври.**

XX-асрга келиб, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги тараққиёт ва инсон фаолиятининг қатор янги соҳаларининг пайдо бўлиши илмий ва техник соҳаларда янги вазифаларни дунёга келтирди. Бундан ташқари, психиатрияда пайдо бўлган янги нуқтаи назарлар ва олий нерв фаолияти физиологиясидаги қатор кашфиётлар таъсирида эндигина дунёга келган психология тадқиқотларининг янги йўналишларини қидира бошлади.

XX-асрнинг сўнгига келиб, психология тараққиётининг йўллари яхши тушуниш учун бундай йўналишлардан ҳар бирига алоҳида тўхталишимиз зарур бўлади.

### **3.1. Бихевиористик ёндашув.**

Фундаментализмнинг танқиди, биз юқорида кўрганимиздек, бихевиоризмнинг ривожланишига сабаб бўлди ва бу илмий йўналиш Америка психологиясида бугунги кунда ҳам мавжуд. Унинг асосчиси Ж.Б.Уотсон 1913 йилда эълон қиладики, психология ҳодисаларни тадқиқ қилишга нисбатан объектив муносабатни пайдо қилгандан кейингина ўзини фан сифатида эълон қилиши мумкин.

Қандайдир металлни қиздиришни ўрганадиган ва маълум температурада унинг ҳолатидаги ўзгаришга қизиқаётган кимёгарга ўхшаб, психолог ҳам маълум вазиятларда пайдо бўладиган хулқ-атворнинг шакллари нитавсифлаш ва миқдорий баҳолаш билан чегараланмоғи лозим.

Уотсон томонидан таклиф этилган **S - R** схемаси шу нарсани англатадики, ҳар қандай вазиятга (ёки S стимулга) маълум хулқ-атвор (R реакция) мос келади.

Бихевиористларнинг фикрича, мазкур схема ёрдамида инсоннинг ҳар қандай фаолиятини тушунтирса бўлади. Онг билан боғлиқ бўлган барча тушунчаларни эса илмий психология соҳасидан чиқариб ташлаш лозим. Масалан, “бу бола кучукдан қўрқади” ёки “мен бу аёлни яхши кўраман” иборалари ҳеч нарсани англатмайди. Бихевио-ристларнинг фикрига кўра, бундай ҳодисаларнинг субъект томонидан англанилиши тадқиқотчи учун ўта субъектив ва мутлақо бефойда. Аксинча, объектив тавсифлар (“болага кучук яқинлашганда унинг кўз ёшлари кучаяди, куучк узоклашганда заифлашади” ёки “бу аёл билан учрашганимда юрагимнинг уриши кучаяди, қорачиқларим кенгаяди”) хулқ-атворнинг бу шакллари миқдорий баҳолаш ва қўрқув туйғусини ёки мойиллик даражасини ўлчаш имкониятини беради.

Бундан бир неча йиллар олдин рус физиологи И.П.Павлов ва унинг ходимлари кўрсатиб беришганларидек, масалан, қўнғироқнинг товуши ўзича оч кучукда сўлак ажралиш реакциясини пайдо қилиши мумкин. Бу ишлар Уотсонга кўникмалар ривожланишини объектив баҳолаш ва шартли рефлексларни пайдо қилиш натижасида хулқ-

атворнинг янги шаклларини юзага келтириш имкониётини берди. Булар онгнинг концепциясини фойдасиз нарсага айлантиради.

Бундан ташқари, Торндайк (1911) кўрсатиб берадики, ўрганиш ҳайвоннинг бирор бир муаммони ҳал этишга ҳаракат қилгандаги хато қилиш ва текшириб кўриш натижасида содир бўлиши мумкин. Организм ва унинг муҳити ўртасидаги ўзаро таъсирни бундай аниқлаштириш Уотсоннинг издошларидан бири бўлган Скиннерга шартли рефлекслар назариясига асосланган бихевиористлар концепциясини янада ривожлантириш, шунингдек ҳар қанадай хулқ-атвор ўзининг оқибатлари ёрдамида аниқланади, деган хулосани чиқариш имкониётини берди. Мазкур оқибатлар ёқимли бўладими, ёқимсиз бўладими ёки бари бир бўладими, шунга боғлиқ ҳолда ҳайвон ҳам уларга турли хил реакция кўрсатади: маълум хатти-ҳаракатни такрорлашга интилади ёки эътиборсиз қолдиради ёки келажакда такрорлашдан қочади. Шундай қилиб, индивидуум ўз муҳитига тўлиқ боғлиқ бўлади ва унинг назаридаги ҳар қандай ҳаракат эркинлигидан фойдаланиши мумкинлиги хаёлпарастликдан бошқа нарса эмас.

70-йилларга келиб, бихевиоризм ўз концепциясини янги қиёфада намоён этади. Гап ижтимоий ўрганиш назарияси ҳақида кетаяпти. Бу назария юқорида айтилган фикрларга қўшилса-да, асосий эътиборни шу нарсага қаратадики, бизнинг аксарият хатти-ҳаракатларимиз ижтимоий муҳитимиз таъсири остида шаклланади. Бандура ва ижтимоий ўрганиш назариётчиларининг фикрича (1965), биз қандай бўлсак, шундай қиладиган асосий сабаблардан бири ўзга кишиларнинг хулқ-атворига тақлид қилишга мойиллигимиз билан боғлиқ.



Альберт Бандура (1925 - 2018) — канадалик ва америкалик психолог, ижтимоий ўргатиш назарияси бўйича илмий тадқиқотлари, шунингдек, Бобо қўғирчоғи билан ўтказган экспериментлари билан машҳур. Бу экспериментнинг мазмуни шундаки, болалар командага бўйсинмасалар-да, телевизор экранида кўришган агрессив ҳаракатларидан нусха кўчиришар эканлар.

Фақат бунда бундай тақлид натижаларининг биз учун қанчалик ёқимли бўлишлиги ҳисобга олинади. Шундай қилиб, индивидуумга нафақат ташқи шарт-шароитлартаъсир кўрсатади; у, шунингдек, доимо мустақил баҳолаш йўли билан ўз хулқ-атворининг оқибатларини олдиндан кўра билмоғи лозим.

Бихевиоризм Уотсоннинг соф механик концепциясидан ҳозирги замон необихевиористларининг илгари сурган назарияларигача бўлган



йўлни босиб ўтди. Бу йўналишнинг баъзи жиҳатлари инсон хулқ-атворини тўлалигича содда тушунтирса-да ва механизмларини очиб беролмаса-да, унинг бош хизмати шунда ётадики, у инсон фаолиятини тадқиқ этишга нисбатан илмий қатъият кўрсатади ҳамда уни қандай бошқариш мумкинлигини кўрсатади.

### **3.2. Биологик ёндашув.**

Бихевиористларнинг онгни ўрганишдан воз кечиши сабабларидан бири шунда эдики, инсон хулқ-атворини тушунтириб берадиган мос нерв механизмлари тўғрисида етарли маълумотга эга эмас эдик. Ҳақиқатдан ҳам ўша пайтларда фаннинг ҳолати онг феноменларида бош миянинг ролини ўрганишга нисбатан объектив ёндашувга имкон бермас эди.

Шундай бўлса-да, 90-йилларга келиб психофизиология бир занжирдан иккинчи бир занжирга маълумотларни узатиш механизмлари ва нерв занжирлари ишини тушунишда катта ютуқларга эришилди. Бироқ лабораторияда ҳайвонлар хатти-ҳаракатларини тадқиқ қилишда қўлга киритилган маълумотларни интерпретация қилиш жараёни экспериментлар ўтказишда содир бўладиган сунъий шарт-шароитлар билан боғлиқ бўлган қатор қийинчиликларга тўқнаш келди. Шундай қилиб, бихевиористларнинг ҳар қандай хатти-ҳаракат тўлиқ ўрганишга боғлиқ деган фикри табиатда табиий тадқиқотлар ўтказаяётган этологлар томонидан шубҳа остига олинди. Этологлар турли хил ҳайвонларда кузатиладиган хатти-ҳаракатлараксариат шакллари туғма асосга эга эканлигини аниқлашди.

Нисбатан яқинда пайдо бўлган социобиология йўналиши олимларининг фикрича, инсон ижтимоий хулқ-атвори шаклларининг асосида ҳайвонот олами вакилларининг барчасига хос бўлган туғма тузилмалар ётади. Масалан, ўзимиз дунёга келтирган, деб ҳисоблайдиган бизнинг турмуш тарзимизни аслида бизнинг генларимиз белгилаб беради.


Юқоридаги йўналишлар инсон хулқ-атвори тўғрисидаги билимларимизни кенгайтирса-да, уларнинг айрим ғоялари илмий психология томонидан танқид остига олинди.

**Биологик ёндашувнинг психофизиологик даври.** Нерв системамизни ташкил этадиган миллиардлаб ҳужайраларимизнинг функцияларини билиш эндигина бошланаяпти. Шундай бўлсада, нисбатан мураккаб приборларнинг яратилиши натижасида нерв тузилмалари билан индивидуум хулқ-атвори ўртасидаги кўп қиррали алоқаларни аниқлаш имконияти пайдо бўлмоқда. Электродлар ёрдамида қўзғатилганда ёки миянинг турли хил участкалари бузилганда пайдо бўладиган эффектларни ўрганар экан, “примитив” мия структураларининг муҳим ролини аниқлаш имконияти бўлди. Улар барча ҳайвонларда ва инсонда мавжуд бўлиб, эмоциялар,

инстинктларнинг юзага чиқиши ёки тушсингари жараёнларнинг марказлари бўлиб хизмат қилади. Бу методлар кўриш, эшитиш, ҳатто хотиранинг баъзи шакллари механизмларини ҳам ўрганиш имкониятини беради. Гармонларнинг, кимёвий узатгичларнинг (медиаторларнинг) ва кўплаб дори препаратларининг таъсир механизмларини нисбатан чуқурроқ ўрганиш баъзи стимуляторларнинг самараси нима билан таъминланиши ва нерв системасида маълумотни узатишни қандай қилиб узатиш мумкинлигини яхши тушуниш имкониятини беради.

**Биологик ёндашувнинг этологик даври.** Этология ва зоопсихология хулқ-атворнинг пайдо бўлиши ва ривожланишига йўналтирувчи туғма механизмлар қандай қилиб ўзаро муносабатга киришувчи муҳитнинг таъсири билан тўлдирилади.

Бу мактабнинг қарашларига мувофиқ қуйи организмлар тўғрисидаги билимларимиз қанчалик кўпайгани сари биз ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари ва уларнинг эволюциясини шунчалик яхшироқ тушуна бошлаймиз.



Конрад Захариас Лоренц (1903 — 1989) — машҳур австриялик зоолог и зоопсихолог, ҳайвонлар хатти-ҳаракати тўғрисидаги фан – этологиянинг асосчиларидан бири. Физиология ва тиббиёт бўйича Нобель мукофоти лауреати (1973 йил, Карл фон Фриш и Николас Тинберген билан


Қолаверса, эволюцион назария бизга шуни ўргатадики, инсон табиати биологик асосга эга. Унинг биологик жиҳатларини аниқлаш ва тадқиқ этиш этология фанининг вазифаларидан бири ҳисобланади.



Вольфганг Кёлер (1887 - 1967) — немис ва америка психологи, Макс Вертгеймер и Курт Коффка билан биргаликда гештальт-психологиянинг асосчиларидан бири.

Инсоннинг биологик жиҳатларини тадқиқ қилиш йўлларида бири унинг ижтимоий жиҳатлари билан қиёсий ўрганишдир. Бунда эмоцияларнинг ифодаланиш усуллари ҳақида, турли хил маданият вакилларида турли хил ижтимоий ўзаро таъсирлар ва ҳиссиётлар ҳақида маълумотларни тизимли ҳолда тўплаш назарда тутилади. Инсон этологиясида таъкидланадики, барча ҳолатларда *Homo sapiens*нинг қандайдир “универсал” кўринишлари мавжуд. Демак, одам барча ҳайвонларга ўхшаб, олдиндан дастурлаштирилган ва умри давомида эгаллаган кўникмалари унга киритилган дастур доирасида амалга оширилади.

**Биологик ёндашувнинг социобиологик даври.** Социобиология Уилсоннинг 1975 йилда чиқарган китобидан кейин АҚШда оммалашиб кетган янги йўналиш ҳисобланади. Инсоннинг табиати тўғрисидаги тасаввурларда бу йўналиш этологияга нисбатан чуқурроқ кириб боради. Социобиологияни ижтимоий хулқ-атвор барча шаклларида биологик асосларини тизимли ўрганадиган фан, деб тушунтиришади.



Эдвард Осборн Уилсон (1929 йилда туғилган) — америкалик биолог, социобиолог, эколог, ёзувчи, Пулитцер мукофотининг икки карра лауреати. АҚШ Фанлар Миллий Академиясининг аъзоси (1969), Гарвард университети профессори.

Бу фан экология, этология ва генетика ютуқлари билан тўйинган эволюцион назарияда тўпланган маълумотларни синтез қилишга ҳаракат қилади. Социобиологлар таъкидлашадиларки, тирик

мавжудотлар доимо бир-бири билан рақобатлашадилар. Бунда улар ўз генларини, яъни ирсий белгиларни ташувчиларни кейинги авлодларга мувафақиятли ўтказиш учун ўзига энг қулай имкониятларни қўлга киритишга ҳаракат қилади. Бошқача айтганда, барча турларга, хусусан одамга хос бўлган ижтимоий хулқ-атворнинг барча шакллари шунинг учун мавжудки, токим улар соф “эгоистик” тамойиллардан келиб чиққан ҳолда кейинги авлодларга иложи борица кўпроқ генларнинг узатилишини таъминласин.

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг барча аспекти индивидуумга ўз генетик материални кейинги авлодга узатиш имкониятини олишга хизмат қилади. Шу маънода организм – генларнинг сақланувчанлигини таъминлайдиган қандайдир оддий машина, унинг хулқ-атворининг турли шакллари мазкур генларни нисбатан фаолроқ тарқатиш учун бор йўғи стратегиядир.


Кўплаб тарафдорларга эга бўлса-да, социобиологик ёндашувни танқид қилувчилар ҳам бўлди. Айрим танқидчилар инсон борлигининг ўта соддалаштирилганлигида айбласалар, бошқалари умуман бу назарияни абсурд деб баҳолашди.

### **3.3. Когнитив ёндашув.**

Когнитив сўзининг келиб чиқиши латин тилидаги *cognoscere* – билмоқ феълни англатади. Мазкур ёндашув атрофида уюшган психологларнинг таъкидлашича, индивидуумлар ташқи оламдаги ҳодисаларга ёки ички омилларга кўр-кўрона, механик реакция кўрсатадиган оддий машина эмас. Когнитив нуқтаи назаридан инсон ақлига ташқаридан келадиган маълумотлардан кўпроқ нарса киради. Когнитив ёндашувнинг маъноси қуйидаги саволларга жавоб беришда аён бўлади: биз қандай қилиб реал воқелиқдаги маълумотларни таҳлил қиламиз ва уларни ташкиллаштирамиз, уларни қандай қилиб қиёслаймиз, ҳар дақиқада олдимиздан чиқадиган муаммоларни қандай қилиб ҳал этамиз ва ҳ.

Когнитив психология алоҳида йўналиш сифатида 60-йилларда пайдо бўлган бўлса-да, аниқроғи Нейссернинг машҳур “*Cognitive Psychology*” (1967) илмий асарининг олам юзини кўриши билан боғлиқ. Бу психологияга инсон фаолияти тўғрисида шунга яқин позицияга эга бўлган бир қанча оқимлар ҳам киришди.

Биринчи навбатда бу йўналишга кирган мактаб немисларнинг гештальт-психология мактаби, французларнинг табири билан айтганда “Шакл психологияси” кирди. Унинг илдиэлари фон Эренфельсга бориб тақалади (1890). Бу оқимни АҚШда Келер оммалаштиради.



Христиан Фон Эренфельс (1859 - 1932) — австриялик файласуф ва психолог, Франц Brentanoнинг шогирди, Австрия мактабининг вакили. Психологияда 1890 йилда чоп этилган “Гештальт сифатлар ҳақида” асари билан машҳур. Унда олим фанга “гештальт-сифат” тушунчасини киритади ва идрокнинг яхлитлиги масаласини кўтаради.

Пиаже ўз томонидан туриб 1923 йилдан бошлаб кўрсатадики, бола интеллектининг тараққиёти иккита нарсанинг, яъни боланинг билиши ва боланинг тушунишга интилиши ўртасида кечади.

Психолог Толмен (1948) бихевиористлар томонидан илгари сурилган схема, яъни S-R схемасини танқид остига олади ва уни ўта содда деб таърифлайди. У бу иккита ўзгарувчи ўртасига муҳим яна бир ўзгарувчини, яъни индивидуумнинг ўзгарувчан психик жараёнларини киритишни таклиф этади. Унинг фикрича, бу учинчи ўзгарувчи индивидуумнинг ирсиятига, физиологик ҳолатларига, ўтмиш тажрибаларига ва стимулнинг табиатига мос ҳолда ўзгаради. Толменнинг схемаси қуйидагича кўринишга келади: S-I-R, бу ерда I – индивидуум.



Эдвард Чейс Толмен (1886 - 1959) — америкалик психолог, необихевиоризм вакили. “Когнитив карталар” концепциясининг муаллифи, Америка психологлар ассоциациясининг президенти. Америка фанлар миллий академиясининг аъзоси.

**Гештальтпсихология.** Немисча “гештальт” сўзи шаклни, ташкил этилган нарсани ёки конфигурацияни англатади. Гештальтизм ёки шакл психологияси ўтган асрнинг бошларида Германияда пайдо бўлган оқим ҳисобланади. Мазкур таълимот назариятчиларининг фикрига кўра, бизни ўраб олган реал муҳитни ташкил этадиган предметлар бизнинг сезги органларимиз томонидан алоҳида элементлар кўринишида идрок этилмайди.

Кёлернинг (1921) ва бошқа бир қанча гештальтчиларнинг фикрича, атрофимизни ўраб олган олам ташкилий шакллардан иборат бўлиб, бу оламни идрок этишимиз ҳам ташкиллашгандир. Берилган ритмда ва маълум тартибда идрок этилаётган кетма-кет келган мусиқавий тонлар қатори мусиқани дунёга келтиради. Бу мусиқа эса оддий товушлар кетма-кетлигига нисбатан каттароқ нарсадир. Агар тартибни ўзгартирсак ёки товушлардан бирини олиб ташласак бутун бошли мусиқа ўзгариб кетади. Демак, биз қандайдир ташкилий яхлитни идрок этаяпмиз, шунчаки унинг қисмларининг йиғиндисини эмас.

Балки идрокнинг бундай ташкил этилиш механизмлари туғилишимиздан олдин ҳам мавжуд бўлгандир. Баъзи кузатишлар бу гипотезани тасдиқлайди ҳам. Агар, масалан, яқинда тухумдан чиққан жўжаларга турли хил шаклдаги майда предметлар кўрсатилса, улар асосан айлана шаклига эга бўлган (доннинг шакли назарда тутилаяпти) предметларни чўқиб кўришар экан. Бундай шаклни англаш жараёни уларга туғма ҳолда берилади. Уларга алоҳида “ўқитилмайди”. Бу “шакл” овқатни танлашнинг илк ҳаракатидаёқ уларга сингдирилади. Чақалоқлар билан ҳам шундай бўлади. Ҳаётининг илк ҳафталаридаёқ бола инсон чеҳрасидаги турли хил элементларнинг шаклига эътиборини қаратади.

Гештальтчилар кейинчалик психологиядаги бошқа йўналишларга ўз ўрнини бўшатиб берса-да, фанга катта ҳисса қўшганини таъкидламоқ зарур. Дарҳақиқат, гештальтпсихологлар томонидан илгари сурилган кўплаб концепциялар психологиянинг турли хил бўлимларида ўз аксини топди. Масалан, идрокни ўрганишда, гуруҳлар динамикасида ва ҳ.

**Конструктивизм.** Пиаже – швейцариялик психолог, индивидуум ақлий тараққиётига нисбатан ўз конструктив ёндашуви билан машҳур олим. Тафаккур ва нутқнинг шаклланиши бўйича олиб борган ўз тадқиқотларида у шундай хулосага келадики, когнитив тараққиёт кетма-кет босқичлардан ташкил топган тадрижий жараённинг натижасидир.

Атроф воқеликни тушунишга ҳаракат қилар экан, бола дунё тўғрисидаги унда шаклланган тасаввурларни бузадиган янги муаммолар билан доимий ҳолда тўқнашади. Пиаже ва конструктивистлар фикрича, бу муаммоларга янги жавоб ахтаришга болани қўзғатадиган омил “мувозанатлаштиришнинг” ички жараёнидир. Айнан шу йўл билан бола қдам ба қдам билишнинг даражаларини босиб ўтади. Билим унга нисбатан мураккаброқ соҳаларга ўтиш имкониятини беради.

Бундай илгарилашни нерв системасининг ўсиши, турли хил предметлар билан муомала қилиш тажрибаси ҳамда тил ва тарбия сингари ижтимоий омилларнинг ҳамкор таъсири белгилаб беради. Бу ерда ҳеч қандай туғма ҳолатлар йўқ. Пиаженинг фикрига кўра, фақат ақлнинг фаолиятигина ирсий ва шунинг учун ҳам барча одамларга хосдир. Бу билан шу нарса тушунтириладики, барча болалар бир хил

кетма-кетликда турли хил босқичларни бошидан кечирадилар. Баъзида баъзи бирлари иккита босқич орқали ўтадилар, бунда бошқаларда тараққиёт тўхтайдиган ёки блокка тушиб қолади. Чунки битта ёки бир қанча омиллар етишмаган бўлади.

Пиаженинг қарашлари бихевиористларнинг қарашларидан мутлақо фарқ қилади. Уларнинг фикрига кўра, бола ҳатто илк болалик давридаёқ, масалан, алгебрани етарли таълим ва тарбия бўлса, ўзлаштириб олади.

**Когнитив психология.** Бихевиористик модел тил, хотира, фикрловчи тафаккур ёки фикрий образлар сингари ҳодисаларни қониқарли даражада тушунтириб бера олмагандан кейин, АҚШда 70-йилларга келиб когнитив психология номини олган йўналиш тарқала бошлади. Унинг тарафдорларининг фикрига кўра, стимул ва реакция ўртасидаги ҳар қандай ассоциация аввалига мияда яратилади. Толменда ҳам шунга яқин фикр мавжуд эди.

Бундан ташқари, мазкур маълумот назариялари ва уларнинг ҳисоблаш машиналарига киритган қўшимчалари, шунингдек, нутқ тараққиёти соҳасидаги адиқотлар психик жараёнларнинг мураккаблашиш механизмларини янгилаш тушуниш имкониятини беради.

Бу соҳада, унинг барча йўналишларида тадқиқотлар миқдори ўсиб бормоқда. Шунинг учун бу соҳада бирорта бош назариячи топиш қийин бўлмоқда. Нисбатан кенг тарқалган мавзулар орасидан Косслиннинг (1975) фикрий образларни ўрганишга қаратилган ишлари эътиборга молик. Шунингдек, мотивация тўғрисидаги масалалар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Илгарилари мотивацияни бизнинг ҳаракатларимизнинг “ҳаракатга келтирувчи кучи” сифатида талқин қилинган бўлса, когнитив психология вакиллари уни “селектив механизм”, яъни психика ҳолатига ёки мазкур индивидуум режаларига энг мос келадиган хулқ-атвор шаклини танлаш, дея талқин қилишдилар.

Когнитив психологиядаги тадқиқотлар йўналишлари билан танишар экансиз, гўё бу психология асримизнинг бошларида структуралистлар ва функционалистлар қизиққан мавзуларни янгидан кўтараётгандек таассуротга эга бўласиз. Бироқ бу иккита давр



Стефен Косслин - 1948 йилда туғилган. Гарвард университетидеда психология профессори ва ижтимоий фанлар факультети декани, 200 дан ортиқ илмий ишлар муаллифи. Ментал образлар ва кўриш хаёлини тадқиқ қилган. Америка санъат ва фанлар Академиясининг, шунингдек экспериментал психологлар жамиятининг аъзоси.

ўртасида принципиал фарқлар мавжуд. Бу йўналиш шундай бир фойдали таъсир натижасида юзага келдики, бу таъсирни бихевиоризм психологияга кўрсатди, яъни бихевиористлар экспериментларнинг мутлоқ қатъийлигини сақлаш кераклигини таъкидлашдилар, назоратни таъминлашга чақирдилар, муҳими қандайдир соф интереспекцияга асосланмаган, балки операционал бўлган таъриф ва кўрсаткичларни танлашга ундадилар.

### **3.4. Психоаналитик ёндашув.**

Шахс динамикасини тушунтириб беришга ҳаракат қилган илк назария австриялик психиатр Зигмунд Фрейдга тааллуқлидир. Ўз беморларини узоқ муддат кузатгандан сўнг у XX-асрнинг бошларида дунёга келган психика тўғрисидаги тасаввурларни ўзгартириб юборадиган хулосаларга келади. Хусусан З.Фрейднинг тасдиқлашича, бизнинг хулқ-атворимиз асосан майллар деб аталадиган англомаган кучларнинг таъсирига бўйсинади. Фрейднинг фикрича, бу майллар инсонга хос бўлган инстинктлар билан белгиланади, бироқ биринчи ўринда “босдирилган истаклар” билан, яъни қондирилиши онг даражасида “таъқиқланган” ва англомаганлик соҳасига сиқиб чиқарилган истаклар билан аниқланади. Мазкур истаклар бизнинг хоҳишимизга қарамасдан ҳаракатда бўладилар ва бу ҳаракатлар тушлар, оғзимиздан тўсатдан чиқиб кетадиган сўзлар, адекват хатти-ҳаракатлардан беихтиёр четга чиқиб кетишлар кўринишида юзага чиқади, шунингдек, улар касб танлашга ёки ижодга таъсир кўрсатади.

Инсоннинг жинсий майллари асосан турли хил ижтимоий чекловлар таъсирида қондирилмайди. Фрейднинг фикрича, айнан шу майллар одамларни ҳаракатга келтиради, айнан уларнинг энергияси (либидо) ёрдамида шахснинг тараққиёти кузатилади ва ўахс вояга етади. Индивидуумнинг кўплаб хусусиятлари ва жинсий аномалиялар болалиқда сўндирилган майллар келтириб чиқарган қондирилмаганлик ва конфликтлар билан тушунтирилади.





Джордж Александр Келли (1905 - 1967) — америкалик психолог, шахс конструктори назарияси муаллифи. Конструкт – атроф муҳит объектларини таснифлашнинг асосий воситаси, биполяр шкала, яъни “яхши – ёмон”, “ҳалол - ҳаром” ва ҳ. Инсон қандай конструкторни чиқараяпти ва унинг қарама-қарши қутбида нима турибди, шу нарса уни характерлайди, бу терапия учун муҳим. Конструкторга қараб инсонни прогноз қилиш мумкин.

Фрейдизмни одатда танқид қилишдилар, баъзида жуда кескин ҳолда унинг концепциясини эксперимент ёрдамида текшириб бўлмаслигини таъкидлашдилар. Бироқ шу нарсани инкор этиб бўлмайдик, Фрейд томонидан илгари сурилган концепция болалик ва жинсият психологияси бўйича қимматли маълумотларни беради. Бундан ташқари, Фрейд ҳозирги замон психологиясига кўплаб атамаларнинг кириб келишига ва тадқиқотчилар томонидан баъзи психологик феноменларнинг тадқиқ қилинишига сабабчи бўлди.

Фрейднинг шогирдлари индивидуумнинг шаклланиш жараёнида содир бўладиган кризисларнинг ижтимоий аҳамиятига асосий урғун беришди. Бу, масалан, Эриксонга тааллуқлидир. Биз Фрейд таълимоти тўғрисида кейинчалик кўриб чиқишимиз сабабли, бу ёндашувни кўриб чиқишни шу ўринда мухтасар қиламиз.

### **3.5. Гуманистик ёндашув.**

Бу йўналиш Калифорнияда 50-йилларда дунёга келди. Уни гуманистик дейишади, сабаби қуйидагича: агар ҳар бир одамга ўз тақдирини ўзи танлаш ва уни ўзи ҳақлаган томонга йўналтириш имкониятини берсак, ҳар қандай инсоний мавжудот албатта гулла-яшнайд. Шундай қилиб, гуманистик ғоянинг асосида инсон табиатига нисбатан оптимистик қараш ётади.

Рожерснинг фикрича (1961), ҳар бир одамда туғилгандан ўзини тўлиқ реализация қилишга интилиш дастури жойлаштирилган. У ўзининг барча имкониятларини ривожлантириш учун зарур бўлган кучларга эга. Бироқ жамият томонидан ўрнатилган тарбия ва нормалар

одамнинг эҳтиёжларини ёки ўз ҳис-туйғуларини у ёки бу даражада самарали унитишига ва ўзгалар томонидан киритилган қадриятларни қабул қилишга мажбур қилади.

Рожерс таъкидлайдики, бундай ҳолатда шахс идеалда қандай бўлса, шундай ривожланмайди. Бундай четга оғиш кўплаб кишилар изтироб чекадиган ўзидан қониқмаслик ҳиссининг пайдо бўлишига ва хулқ-атвор аномалияларига олиб келади.

Бошқа бир психолог Маслоу (1962) шундай гипотезани илгари сурадики, унга мувофиқ одамларда ўзининг асосий эҳтиёжларини қондириш имконияти одатда чегараланган бўлади ва бу ўз-ўзини ҳурмат қилиш ёки ўз-ўзини реализация қилиш сингари юксакроқ даражадаги эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига ва қондирилишига халақит беради.

Гуманистик ёндашув бошқа йўналишлардан кўпроқ ҳолда инсон шахсий тажрибасига асосий урғуни беришлиги билан илмий психологиядан узоқлашди. Гуманистларнинг фикрига кўра, индивидуум ўз-ўзини баҳолашга қодир ва ўз шахсининг риволаниши учун мустақил ҳолда йўл топа олади.

Гуманистларга билдирилган асосий эътироз шунда эдики, уларнинг масалага субъектив ёндашуви инсоннинг ўзи ҳақидаги фикри билан ва ҳақиқатда қанақалиги ўртасидаги фарқнинг ўрнатилганида кўзга ташланади. Масалан, инсон кимгадир яхшилик қила туриб, аслида уни одамлар кўриб қўйсинлар учун қилаётган бўлиши мумкин. Бу риёкорликни гуманистик ёндашувда анилаб бўлмайди.

### ***3.6. Ижтимоий-психологик ёндашув.***


Инсон ижтимоий мавжудот, унинг яшаб қолишлиги учун қатор ижтимоий алоқалар зарур. Ўзининг шериклари билан бўладиган доимий ўзаро таъсир унда шахсни шакллантиради.

Ижтимоий психология 20-асрнинг ўрталарига келиб мустақил фан сифатида ажрадиб чиқди. Бу фан хулқ-атворнинг ижтимоий шакли нега айнан ижтимоий муҳит томонидан пайдо бўлишлигини тушунтириб беради (1965). У бизнинг ижтимоий идрокимиз маълум вазиятга эмас, балки ўша вазиятни тақин қилишимизга боғлиқ ҳолда амалга оширилишини тушунтириб беради (Келли, 1967).

Ижтимоий психология қанай қилиб одамларнинг бир-бирига кўрсатадиган таъсири бизнинг ҳис-туйғуларимиз ва фикрларимизни шакллантиришини тушунтириб беради (Аш, 1951; Фестингер, 1957; Московиси, 1979).



Серж Московичи (1925 - 2014) — француз психологи, ижтимоий психология соҳасидаги ишлар муаллифи; Париж университети ҳузуридаги Олий мактабда ижтимоий психологик тадқиқотлар лабораториясининг раҳбари.



Соломон Элиот Аш (1907 - 1996) — польшалик ва америкалик психолог, конформлиликка бағишланган тадқиқотлари билан машҳур.

Шундай қилиб, мазкур йўналишни илмий мактаб деб атаб бўлмайди, юқорида номлари зикр этилган кишилар ижтимоий психологик тадқиқотларнинг барчасини қамраб олмайди. Бу тадқиқотлар инсон табиатини кашф этиш учун зарур бўлган маълумотларни беради. Чунки улар муносабатлар қандай шаклланади, алоқалар қандай ўрнатилади, ижтимоий ўзгаришлар қандай содир бўлади, баъзи индивидуумларнинг лидерлиги қандай ўрнатилади ёки конформизм ва обрўга бўйсиниш қандай ривожланади сингари саволларга жавоб олишимизга хизмат қилади.

## IV-БОБ. ПСИХОЛОГИК МАКТАБЛАР, ЙЎНАЛИШЛАР, ЁНДАШУВЛАРНИНГ АСОСЧИЛАРИ ВА ДАВОМЧИЛАРИ

### Альфред Адлер (1870 - 1937)



Альфред Адлер — индивидуал психология деб аталган психологик йўналишнинг асосчиси. Ўз ғояларини ривожлантира туриб, у Фрейддан бутунлай ажралиб чиқди ҳамда мустақил ва оригинал фикрга эга олим сифатида ўзини намоён этди. Унинг назарияси классик психоанализ билан жуда кам жиҳатларда боғланади ва ўзида шахс тараққиётининг яхлит тизимини мужассамлаштиради.

Альфред Адлер 1870 йил 7 февралда Австриянинг Пенцинг шаҳрида туғилди. У ёшлигидан врач-офтальмолог бўлишни орзу қиларди. Кейинчалик у Вена университетининг тиббиёт факультетини тугатгач, ўзининг карьерасини врачликдан бошлади. Бироқ у психиатрия ва неврология соҳаларига қизиқиб қолади. 1902 йилда Фрейднинг машхур “Тушлар талқини” китобини ўқиб чиққач, Адлер Фрейд томонидан ташкил этилган тўгаракнинг фаол аъзолардан бирига айланди. Бироқ Адлер тез орада ўз ғояларини ривожлантириб, Фрейднинг асосий ғояларини танқид остига олди.

1911 йилда ўзининг маслақдошлари билан биргаликда психоаналитиклар гуруҳидан чиқди ва шундан сўнг Фрейд билан бўлган барча ғоявий алоқаларини узди. Кейинчалик у ўзининг гуруҳини ташкил этди ва унга “Эркин психоаналитик тадқиқотлар” деган ном берди. Кейинчалик бу номни “Индивидуал психология ассоциацияси” деган ном билан алмаштирди. 1912 йилди унинг “Нерв характери ҳақида” деган иши дунё юзини кўради. Шу йилнинг ўзида “Индивидуал психология журнали”га асос солади. Биринчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Адлерни таълим масалалари қизиқтира бошлади ва у Венадаги мактаб таълими тизимида илк тарбиявий клиникага асос солди. У ўқитувчилар билан ишлашга алоҳида аҳамият қаратади. Чунки айнан улар бола шахсининг ривожланишига таъсир кўрсатади.

Нацистларнинг ҳокимият тепасига келиши билан унинг маслақдошларининг фаолияти тўхтатилади ва 1938 йилга келиб унинг клиникаси ёпилади. У Европа бўйлаб кезади ва кўплаб ўқув

муассасаларида маърузалар ўқийди. 1937 йилнинг апрель ойида у юрак хуружини бошидан кечиради. Ўша йилнинг 28 майида Шотландиянинг Абердин деган шаҳрига маъруза ўқиш учун келганда такрорий юрак хуружидан вафот этади.

Адлер Фрейд ва Юнг томонидан илгари сурилган инсон хулқ-атворида индивидуал анланмаган инстинктларнинг устунлиги тўғрисидаги ғоясини инкор этади. Аниқроғи, у инсонни жамиятга қарши қўядиган ва уни жамиятдан ажратадиган инстинктларни тан олмайди. Унинг фикрича, инсоннинг ҳаёти ва хулқ-атворини белгилаб берадиган энг муҳим куч ўзга кишилар билан бўладиган турли хил ижтимоий алоқаларга рағбатлантирувчи жамоавийлик ва жипсланганлик туйғусидир.

Бироқ Адлер Фрейд назариясини тўлиқ инкор этгани йўқ. У Фрейднинг инсон шахсининг шаклланишига таъсир этувчи, фақат унинг ўзигагина хос бўлган қандайдир ички табиатига эга деган фикрига қўшилар эди. Шу билан бирга Фрейд жинсият омилини ҳал қилувчи омил, деб тушунтирди. Адлер эса ижтимоий манфаатларга асосий эътиборини қаратди.

Шу билан бирга Адлер шахс тараққиётида ҳеч қандай ўзгаришларсиз яхлит ҳолда ўз индивидуаллигини сақлашга ва уни ривожлантиришга интилиш муҳим тенденция, деб ҳисоблаган ягона психолог ҳисобланади. Шахснинг ягоналиги ва ноёблиги тўғрисидаги фикр Адлернинг психология тараққиётига қўшган улкан ҳиссасидир. Шунингдек, унинг психология фанига “Ижодий Мен” тушунчасини киритиши ҳам унинг улкан ҳиссаларидан биридир.

Адлернинг “Ижодий Мен”и индивидуаллашган тизим бўлиб, у шахс тараққиётининг йўналишини ўзгартириб юбориши мумкин. Бунда инсоннинг ҳаётий тажрибаси таҳлил қилинади ва унга турли хил маънолар берилади. Бундан ташқари, “Мен”нинг ўзи шундай қидирувни амалга оширади ва бу ҳолат ҳар бир одамга ўзининг улкан турмуш тарзини амалга оширишини енгиллаштиради.

Адлер ўзининг шахсга боғлиқ назариясининг аниқ тузулмасини ишлаб чиқди ва тушунтирди. Мазкур назария бир қанча ҳолатларга асосланади, қисман сохта финализмга, ҳаммадан афзал бўлишга интилишга, ўзини мукамал эмаслиги ҳиссиётига, жамоавийлик туйғусига, турмуш тарзига ва “Ижодий Мен”га асосланади. Адлер сохта финализм тушунчасини немис олими Ганс Файгингердан олган. Унинг маъноси шуки, барча кишилар ҳаётда конструкциялар ёрдамида турмуш кечирадилар. Конструкциялар ҳар бир кишининг хулқ-атворини ташкил эта туриб, реалликни тизимлаштиради.

Шунингдек, Адлер шундай ғояни илгари сурдики, инсоний хатти-ҳаракатларнинг мотивлари келажакка нисбатан бўлган умидлар билан белгиланади, ўтмиш тажрибалари билан эмас. Сўнги мақсад ўта идеал бўлиши мумкин, бироқ уни амалга ошириб бўлмайди, шундай бўлсада

мақсад инсонни ҳаракат қилишга ундайдиган стимул бўлиб хизмат қилади. Тўлақонли соғлом киши сохта умидлардан озод бўла билади ва ҳаётни ҳақиқатда қандай бўлса, шундайлигича кўра олади. Нозик ташкил топган нерв системасига эга бўлган одамлар учун бу масалани ҳал этиш одатда бажариб бўлмайдиган масала ҳисобланади.

Адлернинг тасдиқлашига кўра, турмуш тарзи инсоннинг тажрибасини белгилайди ва тизимлаштиради. У “Мен” тузулмасини ташкил этадиган учта туғма анланмаган ҳиссиётлардан бири - жамоавийлик туйғуси билан чамбарчас боғлиқ. Жамоавийлик туйғуси турмуш тарзининг барча конструкцияси ушлаб туриладиган ўзак ҳисобланади. Бу туйғу туғма бўлсада, ривожланмай қолиши мумкин. Бунинг натижаси – асабий хулқ-атвор, неврозлар ва низолар.

Жамоавийлик туйғусини ривожлантириш учун бола туғилгандан бошлаб унга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш муҳим, унинг исталган ва севимли эканлигини ҳис қилдириш лозим. Юз ўгирилган ва ташлаб кетилган болаларда мазкур туйғу ривожланмай қолади. Жамоавийлик туйғусининг ривожланиш даражасини ҳар бир киши томонидан яратиладиган шахсий тасаввурлари тизими белгилаб беради. Агар мазкур тизим номутаносиб бўлса, бу ҳолат шахс сифатида инсоннинг ривожланишига халақит беради ҳамда невроз ва депрессия ҳолатларининг ривожланишига олиб келади.

Адлернинг фикрича, инсон ўз ҳаёт йўлини шакллантира туриб, шахсининг ижодкори ҳисобланади. Ижодий “Мен” – бу ўзига хос фермент бўлиб, у атроф муҳит фактларини шахсга айлантиради – ягона, динамик, индивидуал ва уникал яшаш усулига эга бўлган шахсга. Ижодий “Мен” – инсон ҳаётининг мазмунидир. Шундай қилиб, Адлер учун яшаш усулларини шакллантириш жараёнлари ижодий жараён ҳисобланади ва у инсонга ўз тақдирини бошқариш имкониятини беради.

Адлер таъкидлайдики, бой шахсий тажрибага асосланар экан, одамлар пиёдалар эмас, балки ўз ҳаётини мустақил яратадиган онгли яхлит шахслардир. Агар жамоавийлик туйғуси ҳаётнинг йўналишини белгилайдиган бўлса, унда бошқа иккита туғма ҳиссиётлар – мукамал эмаслиги туйғуси ва афзалликка интилиш туйғуси шахс тараққиёти учун зарур бўлган энергиянинг ўзига хос ташувчиси ҳисобланади. Бу туйғулар нафақат индивидуал тараққиёт учун, балки бутун бошли жамият ривожини учун стимул бўлади. Мазкур ҳиссиётларнинг ривожланишига ёрдам берадиган махсус механизм ҳам мавжуд бўлиб, унинг номи компенсация деб аталади.

Адлер компенсациянинг тўрт хил турини фарқлайди: тўлиқ бўлмаган компенсация, тўлиқ компенсация, сверхкомпенсация ва ноаниқ компенсация (касалликка кириш). Мазкур турларнинг боғланиши Адлерга болалар шахсининг илк типологиясини яратиш имкониятини берди. Унинг қикрига кўра, риводланган жамоавийлик туйғуси болаларга тўлиқ бўлмаган компенсация ёрдамида ўзларининг йўқотган

насаларини камроқ ҳис қилишига ёрдам беради, чунки улар ўзга кишилар ёрдамида компенсация қилишлари мумкин. Бу айниқса кучли ифодаланган жисмоний камчиликларда муҳим. Чунки улар одатда тўлиқ компенсация қилиш имкониятини бермайди ва шунинг оқибатида бола шахсининг ривожини тўхтатиб қўйиши мумкин.


Ўзининг камчиликларини, айниқса жисмоний камчиликларини енгиб чиқиш имкониятининг йўқлиги ҳолатида бола, кейинчалик катта киши бор кучи билан унга раҳми келишларини, унги меҳр-мурувват кўрсатишларини истаб қолади ва шундай йўл билан ўз камчиликларидан шахсий манфаати йўлида фойдаланади. Компенсациянинг бундай тури эгоистик шахсни шакллантира туриб, шахс ривожини тўхтатади.

Сверхкомпенсация ҳолатида инсон ўз билимлари ва кўникмалари ёрдамида ўзгаларга ёрдам беришга ҳаракат қилади. Унинг афзалликка интилиши агрессияга айланмайди. Адлер учун Демосфен и Ф.Рузвельтлар бунинг ёрқин мисолидир. Агар инсонда жамоавийлик туйғуси ривожланмаган бўлса, сверхкомпенсация ҳолатида ҳокимиятга нисбатан невротик комплекс шаклланади. Бундай одамлар атрофидагилардан ҳокимиятини олиб қўяди деган шубҳа билан яшайди ва шунинг учун улар ҳар нарсадан шубҳаланадиган, қаттиққўл ва қасоскор бўлиб қолишади. Адлер учун бундай кишиларга Наполеон ва Гитлер намуна бўла олади.

Шундай қилиб, шахсининг қийинчиликларни енгиб ўтишига ёрдам берадиган бош сифатларидан бири унинг ўзга кишилар билан ҳамкорлик қилиш маҳоратидир. Адлернинг фикрича, агар инсон ҳамкорлик қила билса, ҳеч қачон невротик бўлмайди. Адлер назарияси инсоннинг фрейдча коцепциясига ўзига хос антитезис ҳисобланади ва у шахс психотерапиясига ва психологиясига улкан таъсирини ўтказди.

# Ханс Юрген Айзенк

(1916 - 1997)



Ханс Юрген Айзенк 1916 йил 4 мартда актёрлар оиласида туғилган. Отаси камедияли фильмларда суратга тушса, онаси гунглар ролида ўйнади. Айзенк уч ёшга тўлганда ота-онаси ажрашдилар. Ханс Юрген олий маълумотни чет элда олди: олдинга Парижда Дижон университетида, кейин Лондонда ўқиди. Францияда у тарих ва адабиёт билан шуғилланди, бироқ унинг қизиқишлари ўзгариб, кейинчалик психологияни танлади. 1938 йилда у бакалавр дипломини олди, 1940 йилда эса фалсафа доктори бўлди.

Ўқиш давомида у астрология билан қизиқди, генийларнинг астрологик карталарини ўрганди, улардаги умумий жиҳатларни билишга ҳаракат қилди, қандай қилса қобилиятнинг ўсишига ёрдам бериш мумкин, деган масалаларни тадқиқ қилди. 1930 йилларнинг охирига келиб у Европа ва Американинг машҳур астрологлари билан ёзишмалар олиб борди. Уни фашизм таълимоти қизиқтиради, у ўз кўли билан Учинчи рейх юқори доираси вакилларининг гороскопини тузиб чиқади. Ҳатто баъзиларини, масалан, Геббельс ва Гиммлерга бағишланганларини рейхстагга жўнатди. Айзенк уларни агрессиядан, зўравонликдан қайтаришга ҳаракат қилди, бироқ улардан бирорта ҳам жавоб бўлмади.

Олий маълумотга эга бўлгач, Айзенк Германияга қайтиб келади ва бу ерда фашистлар томонидан ўтказилган генетик тажрибалар билан қизиқиб қолади. Ёш олимнинг ўзи ҳам инсон мияси устида бир қанча тажрибалар ўрказади ва миянинг ҳажми билан шахс интеллекти ўртасидаги боғлиқликлар борлигини аниқлашга интилади.

Тезда Айзенк Англияга кўчиб ўтади ва у ерда маърузалар ўқийди. Бу пайтга келиб у бир қанча мақолалар чоп этишга улгурган эди. Мазкур мақолалар инсоният кураши учун алоҳида одамларни танлаб олишга, уларни тарбиялашга бағишланган эди. У ўз мақолаларида фашизм мафқурасига ўз муносабатини билдирмаганлиги сабабли олимга нисбатан салбий муносабат шаклланди, яъни унинг қарашлари жамият томонидан қабул қилинмади. Бу вақтга келиб уни инсон интеллектини ўлчаш масаласи бутунлай ўзига ром қилиб олган эди ва у ўз маърузаларида турли хил ўлчов асбобларини намойиш қилади: градусник, термометр, тарози ва ҳ. Одатда унинг фикрлари устидан кулишадиган, ўзини телба, деб аташадиган бўлишди. Ҳамма нарсани



ўлчашга интилишига қараб ҳамкасабалар уни “инсон-термометр” деб қақирадиган бўлишди.

Иккинчи жаҳон уриши даврида Айзенк Милл Хилл психиатрик ҳарбий госпиталида ишлайди ҳамда бу ерда оғир стресс ва жароҳатлар олган ҳарбийларга психологик ёрдам беради. Шу билан бирга у ўз тадқиқотларини давом эттиради, синалувчиларда XIX-асрнинг психологлари томонидан ишлаб чиқилган турли-туман тестларни ўтказди. У кўп ҳаракат қилсада, ҳеч қандай амалий натижаларга эриша олмади. Уришдан кейин Айзенк госпиталда ишлашни давом эттиради ва ўзи томонидан ишлаб чиқилган янги тестларни пациентларда ўтказиш имкониятига эга бўлади.

Унинг тадқиқотлари, шунингдек Фрейд таълимотини қилган танқидлари уни омма орасида танилишига сабаб бўлди. Айзенк интеллектнинг табиатини тушунтириб беришга ҳаракат қилди. Унинг фикрича, интеллект даражаси асосан ирсият билан белгиланади, унинг тараққиёти эса ҳаёт давомида ҳеч қандай сезиларли ўзгаришларга учрамайди. Бироқ Айзенк интеллектни тадқиқ қилишнинг конкрет усулини ярата олмади. Унинг ҳаётида кўлига тасодифан тушиб қолган француз психологи А.Биненинг иши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бине болаларнинг ақл-заковати даражасини аниқлашга йўналтирилган масалалар тўпламини яратган эди. Мазкур тестлар натижалари асосида Франция таълим вазирлиги ақлий заиф болаларни ўқитишни ташкил қилди. Айзенк тестларни қайтадан ишлаб чиқди, уларни катталарни ўрганишга йўналтирди ва интеллект коэффицентини (IQ) аниқлаш бўйича ўзининг методикасини ишлаб чиқди. Мазкур метод тез орада машҳур бўлиб кетди ва ҳамма жойда фойдаланила бошланди. Айзенк кўп вақтини сафарларга бағишлар эди ва дунёнинг кўплаб университетларида IQ методологияси бўйича маърузалар ўқир эди. У ўзига тўқ одамга айланди ва турли хил илмий унвон ва даражаларга эга бўлди. 1946 йилда Айзенк Лондондаги психиатрия институтининг директори бўлиб тайинланди. Унинг “Шахсни ўлчаш” (1947 йилда чиққан), “Психологиядан фойдаланиш ва ундан ёмон мақсадларда фойдаланиш”, “Фрейд империясининг ботиши ва ҳалокати” номли ишлари жуда ҳам оммавийлашиб кетди.

Айзенкнинг фикрига кўра, руҳий касалликларни даволашда терапиянинг анъанавий турлари, айниқса психоанализ амалда самарасиздир. У психоанализни қўллаганга нисбатан мустақил ҳолда даволанган касаллардан кўплаб мисоллар келтиради. У Фрейдни талантли ёзувчи деб тан олади, бироқ унинг илмий назариясини инкор этади. Айзенкнинг фикрича, истерика ҳолатидаги болаларни тинчлантириш учун 10 дақиқа хонага қамаш кифоя қилади. Турли хил даражадаги руҳий касалларга у электрошокни тавсия қилади ва ўзининг руҳий оламига кириб кетишига сабаб бўладиган психотроп дориларни таклиф этади. Бундай ўта ноҳуш даволанишни истамаган касаллар

тезда тузалишадилар. Табиийки, бундай методлар одамларнинг ғашини келтиради ва нафақат психологларни, балки жамоатчиликни ҳам ғазаблантиради. Айзенкни қаттиққўлликда айбладилар ва даволашда фашистлар қўллаган усулларни қўллаганликда айбладилар.

1971 йилда Айзенк “Ирқ, интеллект ва таълим” мақоласини чоп эттирди ва у Европада ҳам, Америкада ҳам катта ижтимоий резонанс берди. Унда олим шундай фикрни илгари суради: Негроид ирқи вакилларига нисбатан европоид ирқи вакиллариининг интеллекти даражаси (IQ) 15 пунктга пастроқ туради ва бу ҳолат генетик коднинг хусусиятлари билан белгиланади.

Табиийки, Айзенкнинг бундай қарашлари турли хил кескин реакцияларни келтириб чиқарди. 1973 йилнинг баҳорида Сарбонна университетиде маъруза ўқиётганда ҳатто калтакланди ҳам. У гапириб бошлаганда талабалар “Расист! Фашист!” деган бақириқлар билан унга ташландилар. Уни ерга йиқитадилар, кўзойнагини синдиришадилар. Полицияни чақиришга мажбур бўладилар, бироқ Айзенк талабаларга қарши айблов эълон қилмайди. Эҳтимол, Айзенк бу билан эркин фикрловчи деган номни қўлга киритмоқчи бўлгандир.

1970 йилларнинг ўрталарига келиб Айзенк бир қанча мақолалар ёзди ва уларда шахснинг типлари ва турли хил касалликлар ўртасидаги алоқага бағишланган ўз назариясини илгари суради. Масалан, унинг фикрича, чекиш соғлиқ учун зарарли эмас ва ўпка ракини келтириб чиқармайди. Бу шахснинг битта касаллигининг симптомлари бўлиб, улар эҳтимол генетик келиб чиқишга эгадир. Шу билан бирга шакланган шахснинг типни эмоцияларни ифодалай олмаслик қобилияти билан, шунингдек стрессга нисбатан нотўғри реакциялар билан характерланади. Юрак касалликларига агрессивлик, ўзгаларга душманона муносабатда бўлиш, жаҳл сингари хусусиятлар хос бўлган шахс типлари шакланган кишилар мойил бўладилар. Шунингдек, Айзенк ўзининг мақолаларида тузалишга мойиллиги бўлган кишилар шахсининг типларини кўрсатиб беради. Унинг фикрича, бу касаллар “касаллик билан курашишни истайдилар”, улар жанжалкаш, ўзгарувчан характерли, ҳис-туйғуларга берилувчан кишилар.

1990 йилларнинг бошига келиб Айзенк америкалик табака ишлаб чиқарадиган саноатчи томонидан молиялаштирилган тадқиқотни ўтказди. Бунда у чекиш масаласидаги ўз қарашларини қўллаб-қўлтиқлайди, ривожлантиради. Бу тадқиқот унинг гипотезасини тасдиқлайди, бироқ олим жамоатчиликнинг эътиборига тушмайди. Шунда олим экспериментни ўзининг устида ўтказишларини таклиф этади. Унда электродлар ёрдамида таст ўтказишганда шу нарса маълум бўладики, бутун тажриба давомида у мутлақо тинч, хотиржам ҳолатда бўлди, реакциялари қарайиб йўқ эди. Тадқиқотчилар ҳатто приборлар ишламаяптимикин дегн фикрга ҳам боришди. Айзенкнинг


таъкидлашича, у қўрқувни ҳам, депрессияни ҳам, ғазабни ҳам ўзида ҳис этмаган. Ханс Юрген Айзенк 4 сентябрь 1997 йилда мия ракидан вафот этади ва бу билан касалликнинг келиб чиқиш сабаби бўйича ўз назариясини тўлиқ тасдиқлади.

Ханс Юрген Айзенкни кекса бўлишига қарамасдан буюк провакатор, 1970-йилларнинг “даҳшатли боласи” деб аташган. У кутилмаган одам эди. Унинг ижоди ва яшаш тарзи кўплаб мунозараларга, тотишувларга сабаб бўлган. У ўзининг ҳаёти давомида 45 та китоб, 600 та илмий мақола чоп эттирди. У ўз китобларини ўзи сотишни яхши кўрарди, китоб дўконларида ўтирар эди, ўз мухлисларига автографлар ёзарди ва харидорлар билан тортишишни ёқтирарди.

Олимнинг кўплаб илмий кашфиётлари илмий оламда тан олинмади, бироқ улар жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди. Интеллект даражасини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган Айзенк тестлари ҳозирда ҳам мунозарали ҳисобланади, бироқ айрим доираларда ҳамон қўлланилмоқда.

# Аристотель

*(384 й. э.а. – 322 й.э.а.)*



Қадимги юнон олими Аристотель файласуф, қомусчи ва мантиқ фанининг асосчиси, биринчилардан бўлиб жон (руҳ) тўғрисидаги қарашларни тизимлаштирган.

Аристотель 384—322 йилларда (эрамиздан аввалги IV-аср) яшаб ўтган. У Фракиянинг (Шимолий Греция) Стагир шаҳрида Македония подшоҳининг саройида ишлайдиган табиб оиласида туғилган. Аристотель тиббий фаолият билан шуғилланишга аҳд қилади ва шунинг учун ҳам унинг илк маълумоти табиий-илмий характерга эга бўлди. Бу нарсани унинг кейинги қарашларида ҳам ўз аксини топди.

Аристотель ўн етти ёшга кирганда Афинага келади. Бунда у Платон бошқарган Академияда ўзининг асосий маълумотини олади. Аристотель Платон мактаби билан яқин алоқа ўрнатади, бироқ у тез орада ўзининг ўқитувчиси билан алоқани узади. Афинани ташлаб чиқиб кетади ва Кичик Осиёнинг турли хил шаҳарларида яшади. У бу юртларда нафақат ўз билимларини оширди, балки асосан биология соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борди. 335 йилга келиб Афинада олим шахсий лицейини – перипатик мактабига асос солди.

“У ўзининг шогирдларини олдиндан бериладиган ҳолатлар бўйича фикрлашга ва нотикликка машқ қилдирар эди” деб ёзади Диоген Лаэртский. Замондошларининг хотираларидан маълумки, Аристотель педагогик фаолиятдан ташқари бошқа ишлар билан ҳам шуғилланган. У бошқа улуғ юнонларга ўхшаб илмий тадқиқотлар ҳам ўтказган ва илмнинг турли соҳаларида катта янгиликлар қилган.

Аристотель сафар қилар экан, Македонияга боради ва у ерда подшоҳ Филипп билан учрашади. Филипп уни ўз ўғли Александр Македонскийга тарбиячи қилиб қўяди. У Александрга таълим берар экан, подшоҳга таъсир кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Аристотелдан Филипп томонидан бузиб ташланган ўзи туғилиб ўсган шаҳрини қайтадан тиклашни илтимос қилади ва шаҳзоданинг руҳсати билан шаҳар қайтадан тикланади. У мазкур шаҳар аҳолиси учун қонунлар ишлаб чиқади.

Аристотелнинг буюк шогирди Александр Македонский ўзининг

зафарли юришларида ўзининг кекса устози учун Афинага ўзи истило қилган мамлакатлардан ўсимлик ва ҳайвонлардан намуналар жўнатишга буйруқ берарди. Булар эса олимнинг тадқиқотлари учун қимматли манба бўлиб хизмат қиларди.

Аристотель 62 йил умр кечирди ва баъзи манбааларга кўра аконит ичиб (Евмел «Тарихлар») ўзини ўлдирди. У ўта қизиқарли ҳаёт кечирди, кўп нарсаларни кўрди, кўп нарсаларга ўзи ўрганди ва кўпларни ўқитди. Диогена Лаэртскийнинг сўзларига кўра “Аристотель Стагирскийнинг шогирдлари кўп эди, уларнинг ичида энг улуғи Феофастдир”. Шундай қилиб, Аристотель таълимоти ва унинг психологик қарашлари асрлар давомида психолог олимлар томонидан ўрганилди.

Аристотелнинг психологик таълимоти биологик фактларни умумлаштириш асосига қурилган ва улар кейинчалик психологиянинг куйидаги асосий тамойилларининг ишлаб чиқишига олиб келди: системалилик, тараққиёт ва алоқадорлик (детерминизм). Организмга биологик, генетик, экологик ёндашувлар ёрдамида психикани ўрганишни жорий этди. Платон дуализмига қарши ўлароқ, у тана билан жон ўртасидаги бирликни, яхлитликни тарғиб қилди ва психологияга унинг табиий-илмий асосларини қайтарди.

Аристотель шундай хулосага келдики, жон тирик мавжудотларнинг ибтидоси сифатида қаралади (қадимгиларнинг умумий фикри) ва у тана ҳаётини таъминлаш шаклидир. “Жонни моҳият деб қабул қилиш зарур, ўзига хос табиий тананинг шакли деса ҳам бўлади”. “Жон танасиз яшай олмайди деганлар тўғри фикрлайдилар”. Аристотелнинг “жонни танадан ажратиб бўлмайди” деган машҳур тезиси кўплаб муаммоларни ҳал этади ва Платоннинг таълимотидаги жоннинг ўтмиши ва келажаги тўғрисидаги, унинг тана билан боғланиш усуллари ҳақидаги фикрларни инкор этади.

Аристотель, шунингдек, Демокритнинг руҳнинг атомлари тўғрисидаги, тана атомларининг фазода ҳаракат қилишлиги ҳақидаги қарашларига ҳам ўзининг эътирозларини билдиради. Платоннинг “Тимея” асаридаги руҳга нисбатан қарашларини танқид остига олади. Платон танани инерт ва пассив субстанция сифатида талқин қилади ва танани номоддий руҳ деб қараш нотўғри эканлигини айтади.

Натижада Аристотель гилозоизмни, яъни барча жисмоний таналарнинг тириклиги ҳақидаги таълимотини бутунлай тугатди. Руҳ моддий оламнинг эмас, балки органик ҳаётнинг ибтидосидир. Бу ибтидонинг ўзига хослиги тирик таналарнинг мақсадга интилишида ва уни амалга ошириш қобилиятида ифодаланади.

Ўзининг “Жон ҳақида”, “Ҳайвонларнинг қисмлари ҳақида” ва иккинчи даражадаги психологик асарларида (“Хотира ҳақида”, “Тушлар ҳақида” ва ҳ.) Аристотель объектив ва генетик методлар асосида танланган психологик тушунчалар тизимини баён этди. Барча ҳолатларда у ҳаёт фаолиятининг барча мураккаб ва нисбатан юксак

даражадаги ифодаларини элементар тузулмалар тараққиётининг маҳсули сифатида қарайди.

Ҳаётнинг тамойили сифатида жон Аристотелда бирламчи, кейинчалик бўлинмайдиган тушунча деб талқин этилади. Шунинг натижасида руҳ томонидан бошқариладиган органик ҳодисалар ноорганик оламга, шунингдек бир кишининг уникал қобилияти ҳисобланган ақлга ҳам қарама қарши қўйилади.

Аристотель психик актларни ўрганиш учун бирламчи модель сифатида организмнинг муҳит билан умумбиологик алоқасини таклиф этади. Овқатланиш жараёнини таҳлил қилар экан (моддалар алмашинуви), у шуни кўрсатадики, мазкур жараённинг сабаби қандайдир ўз ўзича кечадиган қандайдир физик жараён бўлиши мумкин эмас, масалан оловга ўхшаб. Ахир олов – тартибсиз жараён. Аристотель фикрига кўра, овқатланиш жараёни ташқи моддалар ҳисобига бўлади, бироқ овқатланиш неорганик танага эмас, балки тирик танага сингади, айнан “чегаралар ва қонунлар” доирасида мақсадли тақсимот йўли билан сингади. Тирик организм учун ташқи таналарнинг бундай ўзига хос ўзлаштирилиш усули жон дейилади.

Аристотелнинг фикрига кўра, жон – мақсадли ишлайдиган органик тизим: “Агар кўз тирик мавжудот бўлганда эди, кўриш унинг жони бўлган бўлар эди”. Шундай қилиб, олим жонни энтелехия (органик таналарга хос бўлган яхлитлик ва хулқ-атворнинг мақсади), яъни мақсад қўювчи илк унсур деб тушунтиради. Организмни фаолият сифатида талқин қилар экан, Аристотель унда фаолиятга нисбатан қобилиятларнинг турли хил даражаларини ажратиб кўрсатади.

Аристотель томонидан киритилган қобилият тушунчаси фандаги янгилик эди ва кейинчалик асосий психологик категориялар фондида мустаҳкамланиб қолди. Бу тушунча организмнинг имкониятларини ва амалга ошишини тушунтириб беради. Шу билан бирга жоннинг функциялари сифатида қобилиятлар иерархиясининг жадвалини кўрсатиб берди:

- а) вегетатив функция (наботот оламига хос);
- б) ҳиссий-ҳаракат функцияси (ҳайвонлар ва одамларга хос);
- в) ақлий функция (фақат одамларга хос).

Жоннинг функциялари унинг тараққиёти даражаларини англатади. Шу билан бирга тараққиёт ғояси психологияда муҳим тамойил сифатида қаралдиган бўлди. Жоннинг функциялари қуйидан унинг асосида нисбатан юқорида даражага кўтариладиган “шаклларнинг нарвони” кўринишида жойлаштирилган.

Тараққиёт тамойилини тадбиқ этар экан, Аристотель бир босқичдан кейинги босқичга олиб борадиган звенони топишга ҳаракат қилди ва қидирув жараёнида психик образларнинг алоҳида соҳасини аниқлади (Аристотель бўйича фантазиялар). Улар сезги органларимизга бевосита таъсир қилмасида пайдо бўладилар (ҳозирда

мазкур фантазиялар психологияда хотира ва хаёлнинг образлари деб номланади). Бу образлар ассоциация механизмига, яъни тасаввурларнинг алоқасига бўйсинади.

Стагиритнинг фикрига кўра, мия психиканинг органи эмас, иссиқ қонни совутадиган аппарат. Физиологик нуқтаи назардан нотўғри ҳисобланган бу қараш психик фаолиятнинг марказий органини тушунтириб бериш заруратини келтириб чиқарди. Аристотелга “умумий ҳиссий макон” тушунчаси тааллуқли бўлиб, мазкур маконнинг илдизлари организмнинг муҳит хусусиятлари билан тўғридан тўғри алоқалари соҳасига бориб тақалади. Бу ассоциацияларнинг физиологик механизмларини тушунтириб беришдаги илк уриниш эди. Унинг фикрича, жон марказий сезувчи орган “умумий ҳиссий макон” ёрдамида сезги органларимизда камайтирилган ҳажмда илгариги ҳаракатлар ва таассуротларни ташқи объектларнинг таъсир қилишига мос ҳолда қайтадан тиклаш қобилиятига эга.

Аристотелнинг психологик таълимоти биологик йўналишга эга бўлиб, унда материалстик тенденциялар ҳукмронлик қилади. Унинг фикрича, оламнинг ғоявий бойлиги конкрет, ҳиссий идрок этиладиган нарсаларда ўз аксини топади ва улар билан дунёвий мулоқот орқалигина очилади.

Шундай қилиб, Аристотель ҳиссий образ ривожига ўз ҳиссасини қўшди. У ҳиссий образни предмет шаклининг муҳрланиши сифатида талқин қилди. У шундай деган эди: “сезги ҳиссий идрок этиладиган предметларнинг шаклларини қабул қила олади”. Аристотелнинг бу қараши сенсор тизимлар ишининг ҳозирги замон тасаввурлари учун асос бўлиб хизмат қилди.

# **Борис Герасимович Ананьев**

**(1907 - 1972)**



Борис Герасимович Ананьев 1907 йил 1 августда Владикавказ шаҳрида туғилди. Ўрта мактабни тугатгач, у Горький номидаги педагогика институтига ўқишга кирди. Бу вақтда институтда педология доценти Р.И.Черановский ишлар эди ва у 1925 йилда институтда педология кабинетини ташкил қилди. Мазкур кабинетда илмий иш олиб боришга бир қатор психология ва педагогика муаммолари билан қизиқадиган талабаларга рухсат берилди. Уларнинг орасида Борис Ананьев ҳам бор эди ва у кейинчалик Р.И.Черановскийнинг ассистенти бўлди.

Мазкур кабинетда болаларнинг ақлий қобилиятлари, илк болалик давридаги уларнинг психологик хусусиятлари бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Б.Г.Ананьевнинг Р.И.Черановский раҳбарлигида амалга оширилган диплом иши шунга ўхшаган муаммоларни ўз ичига қамраб олган эди. Унинг диплом иши аниқроғи ёшлик деб аталган умр босқичида болаларнинг дунёни тушуниши, дунёни ҳис этиши эволюциясига бағишланган эди.

1927 йилнинг сентябрь ойида Б.Г.Ананьев Ленинградга, Мия институтига стажировкага юборилди. 1928 йилда Владикавказдаги ўқишни тугатгандан сўнг Ленинградга бутунлай кўчиб ўтди. Ўша пайтларда аксарият олимларни фанлар классификацияси ва психология методлари муаммолари, психиканинг шаклланиш масалалари қизиқтирар эди. Шу билан бирга ёш олим барча илмий мактабларнинг назарий хулосаларидан фойдаланиш ва уларни қабул қилиш таклифи билан чиқади, фанда принципиал ва дўстона муҳитни ўрнатиш учун ҳаракат қилади.

Мия институтининг аспирантурасига киришга ҳаракат қилар экан, Ананьев конференциялардан бирида ўзининг “Муסיқачиларнинг ижтимоий фойдалилиги ҳақида (психофизиологик нуқтаи назардан)” докладини қилади. Доклад муסיқага бағишланган эди ва унинг тингловчилар устидан ўрнатган ҳокимияти ва тингловчилар олдидаги ижрочиларнинг масъулияти масаласи кўриб чиқилади. Ананьев, шунингдек, ўз назариясини тасдиқлайдиган катта миқдордаги экспериментал маълумотлар келтиради, муסיқанинг таъсирини гипноз



билан қиёслайди. 1929 йил март ойида Мия институти аспирантурасига ўқишга қабул қилинади.

XX асрнинг 30-йилларининг бошларида у тарбия психологияси лабораториясида мудир бўлиб ишлайди ва Ленинград мактабларининг бирида психологик хизматни ташкил этади. Унинг лабораториясида мактаб ўқувчилари характерларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилади ва унга Ленинград мактабларининг қатор ўқитувчилари жалб этилади. Мазкур тадқиқотлар ва қўлга киритилган натижалар асосида Б.Г.Ананьев ўзининг “Педагогик баҳо психологияси” деб номланган илк монографиясини ёзади ва у 1935 йилда чоп этилади.

1936 йилга келиб педалогия соҳасида тадқиқотлар ўтказиш таъқиқланди. Мия институти психология секторининг мудирини А.А.Таланкин қамалган эди. Бир йил ўтгандан сўнг Б.Г.Ананьев унинг ўрнига сайланади.

Педалогияга нисбатан таъқиқ мавжудлиги сабабли олим янги соҳада фаолият кўрсатмаси бўлмас эди. Шунинг учун у энди ҳиссий акс эттириш психологиясини танлайди. Олим бу йўналишда бир қанча мақолалар ёзди. Уларда ҳиссиётчанликнинг келиб чиқиши (генезиси) ҳақидаги гипотеза илгари сурилади. Олимнинг фикрича, инсоннинг индивидуал ривожланишининг бошидан оқ ҳиссиётчанлик яхлит организмнинг функцияси сифатида қатнашади, сенсор жараёнлар эса бу тараққиётда муҳим роль ўйнайди.

Бундан ташқари, у мамлакат психологияси тарихига муносабат қилади ва унга ҳам ўз муносабатини билдиради. Унинг фикрига кўра, фаннинг тарихига доимо суянган ҳолда олдинга интилиш лозим. Илгари ўтганларнинг тажрибаларини инкор этиш йўлидан эмас, улардан ўрганиш йўлидан бориш фан тараққиётига ижобий ҳисса қўшади. 1939 йилда Б.Г.Ананьев психология тарихига бағишланган докторлик диссертациясини ёзади.

Ленинград уруш даврида шаҳар блокада шароитида қолади ва институт барча ходимлари билан бирга Қозон шаҳрига кўчирилади. Ундан кейин Тбилиси шаҳрига ўтишади. Бу ерда кўплаб психологлар гоапиталнинг психопатологик кабинетида ишлашар эди. Олим оғир шокни бошидан кечирган касалларни кузатади ва жангда йўқотилган нутқни тиклаш билан шуғилланади.

1943 йили Б.Г.Ананьев Ленинградга қайтади ва у ерда Ленинград университетиди ташкил этилган психология кафедрасини бошқаради. кафедранинг ўқитувчилар таркибининг катта қисмини ўзи танлаб олади ва фасафа факультетининг психология бўлимининг ишини ташкил қилади. Бу пайтга келиб у туюш сезгиси ва сезгирликнинг бошқа турлари бўйича нутқ психологияси ва болалар психологиясининг баъзи муаммолари бўйича кўплаб ишларни чоп этишга улгирган эди. Б.Г.Ананьев психология тарихи ва шахс психологияси билан шуғилланишни давом эттиради. 1947 йили у ўзининг “XVIII – XIX

сарларда рус психологияси тарихидан очерклар” номли монографиясини чоп эттирди. Бир қанча мақолаларида характернинг шаклланиши билан инсонни инсон томонидан идрок қилиниши ўртасидаги алоқалар тўғрисидаги, инсоний ўз-ўзини англаш шаклланишининг баъзи қонуниятлари ҳақидаги қарашлари ўз аксини топади.

1940—1950 йилларга келиб Б.Г.Ананьев мия институтида ишлаган пайтдаги тўплаган материаллари асосида пайдо бўлган янги йўналишга мурожаат қилади. Олим миянинг билатераллиги ва унинг функциялари бўйича тадқиқотлар ўтказди.

1957 йилда Б.Г.Ананьевнинг юбилейига бағишланган тантанали йиғилишда олим нутқ ирод қилади ва унда инсонни комплекс тадқиқ қилиш зарурлигини асослаб беради. Бунда инсон тўғрисидаги барча мавжуд антропологик билимлар синтез қилиниши лозим. Бу фикрни у ўзининг “Инсон ҳозирги замон фанининг умумий муаммоси сифатида” ва “Ёш даврлари психологияси тизими тўғрисида” деб номланган мақолаларида илгари суради. Бироқ бу ғоя ўша пайтда психологлар томонидан қабул қилинмайди.

Олимнинг самарали фаолияти касаллик сабабли тўхтаб қолади: 1959 йилнинг ноябрь ойида Ананьев инфарктни бошидан кечиради. Ҳаётининг кейинги ўн йилини Борис Герасимович бутунлай илмий-оммавий фаолиятга бағишлайди, 1962—1966 йилларда у қатор мақолалар ёзади. Уларда инсонни тадқиқ қишнинг комплекс ёндашуви тўғрисидаги барча фикрларини умумлаштиради. Унга энг катта таъсир кўрсатган олим биринчи навбатда В.М. Бехтерев ҳисобланади.

Шу вақтга келиб Б.Г.Ананьев “Инсон билиш предмети сифатида” деб номланган китоби устида ишлай бошлайди. Бунинг учун унинг лабораториясида турли хил тадқиқотлар ўтказилади. Бундай тадқиқотларнинг биринчи гуруҳи катталарда психофизиологик функциялар ёш даврлари динамикасига бағишланади. Бунда асосий метод сифатида қиёсий-генетик метод қатнашади. Бу метод турли хил ёш гуруҳларида катта кишилар тараққиётининг нормаларини аниқлаш иакониятини беради.

Тадқиқотларнинг иккинчи гуруҳи, аксинча, беш йил давомида бир қанча одамларни тадқиқ қилишга йўналтирилган. Бу узоқ муддат давомида индивидуалликнинг яхлит тараққиётини ўрганиш имконини берди. Ўундай қилиб, тадқиқотларнинг бу икки гуруҳи бир бирини тўлдиради ва бу ҳолат Б.Г.Ананьевга турли хил ёш даврлари статуслари, шахс умумий тараққиётида алоҳида омилларнинг роли ҳақида нисбатан чуқурроқ тасаввурларнинг пайдо бўлиши имконини берди. Бошқа томондан, биринчи гуруҳ тадқиқотлари иккинчи гуруҳ тадқиқотларининг объективлигини таъминлайди.

1966 йилда Ленинград университетига психология факультетига асос солинди ва унда умумий психология, педагогика ва педагогик

психология, эргономика ва инженерлик психология кафедралари ташкил этилди. Бир йил ўтгач, Б.Г.Ананьев мазкур факультетнинг декани бўлади. Унинг ташаббуси билан ЛДУ ҳузурида комплекс ижтимоий тадқиқотлар Институти очилди, шунингдек дифференциал антропология ва психология лабораторияси ташкил этилди. Олим факультетнинг ўқув ва илмий ишларига фаол қатнашади. У талабаларни ўқитишнинг янги шаклини ташкил қилди, яъни таниқли олимлар билан ижодий учрашувларни уюштирди. Бу даврда факультетга А.А.Смирнов, А.Н.Леонтьев, А.Р.Лурия, П.Я.Гальперин сингари олимлар ташриф буюрдилар.

1970 йилларнинг бошида Б.Г.Ананьев “Инсон тарбия предмети сифатида” деб номланган жамоавий китоб устида иш бошлади, бироқ уни охирига етказиш унга насиб этмади. У 1972 йил 18 майда инфарктдан вафот этди.

# Берн, Эрик Леннард

(1910 - 1970)



Эрик Берн (унинг асл исми Леонард Бернстайн) 10 май 1910 йилда Канаданинг Монреаль шаҳрида амалиётчи врач оиласида таваллуд топган. Унинг отаси 38 ёшида сил касалидан вафот этади ва Эрик отасига ўхшаб ўзининг ҳаётини тиббиёт билан боғламоқчи бўлади: 1935 йилда у Макгилл университетининг Тиббиёт мактабида тиббиёт доктори даражасини олади.

АҚШда интернатурани тугатгач, Леонард Бернстайн Нью-Жерсидаги Инглвуд касалхонасида икки йил ишлади. Шундан сўнг у Америка давлати фуқаролигини олади ва ўз исми шарифини Эрик Берн деб ўзгартиради ҳамда шу ном билан психология тарихига киради. 1940 йилга келиб у ўзининг хусусий амалиётини очади, 1941 йилдан бошлаб Нью-Йорк психоаналитик институтида таҳсил олади. Бир муддат (1943—1946) у армияда ҳарбий психиатр бўлиб ишлайди. Шундан кейин у икки йил давомида Эрика Эриксондан психоанализни ўрганади. Анъанавий психоанализдан фарқли ўлароқ, у “трансакцион таҳлил” деб номланган психотерапияда ўз методини яратади.

Эрик Берннинг нисбатан машҳур асарларидан бири “Психотерапияда трансакцион таҳлил” асари унинг назариясининг асосини ва ўзагини ўзида мужассамлаштирган. Мазкур китобда Берн инсоний ўзаро муносабатларга улардаги низолар асосида ривожланадиган психик патология сифатида ёндашади. Трансакции назарияси муаллиф томонидан психопатология таҳлили методи ва турли хил руҳий хасталиклар билан оғриган касалларни даволаш сифатида талқин этилади.

Эрик Берннинг трансакция таълимоти асосида бир қараганда ҳар қандай одамга маълум бўлган оддий ғоя ётади: исталган ҳар биримиз ҳар куни, ҳатто ҳар сонияда ўйин ҳолатида бўламиз. Ўйинлар бизнинг ҳаётимизнинг доимий шеригага айланган ва биз улардан халос бўла олмаймиз. Қолаверса, бирор киши ҳам улардан халос бўлишни истамайди. Аксинча англамаган ҳолда ёки ҳатто англаган ҳолда янги ва янги ўйин вазиятларини дунёга келтиради. Ўз ҳаётимиздаги ҳар қандай ҳодисага биз у ёки бу ўйин билан ўз муносабатимизни билдирамиз. Атрофимизни ўраган одамлар билан муомаламиз ҳам ўйинлар

кўринишида амалга оширилади. Биз ҳатто кўзгу олдида турган ҳолда ёки ўзимиз билан ички суҳбат қурганда ҳам у ёки бу сценарийга амал қилган ва ролларни тақсимлаган ҳолда ҳам ўйнаймиз.

Ўйин моҳиятан нима дегани? Бу ўзига хос ўзаро таъсир, муомала акти, бир кишининг ўзга билан муносабати бирлигидир. Бошқача айтганда, ўйин транакциядир. Дарҳақиқат, ўзига ўхшашлар билан муомала қобилияти муҳим инсоний хусусият бўлиб, шу сифатимиз билан биз ғайвонлардан фарқланамиз (ҳайвонлар ўзаро муомала қилишмайди деб айтиб бўлмайди, бироқ ўзгаларга нисбатан муносабатнинг сўз билан амалга оширилиши фақатгина инсонларга хосдир). Берннинг таъкидлашича, кичкина болаларни кузатиш уларнинг хулқ-атворида қуйидаги қонуниятни кўрсатади: муомала қилиш имкониятидан маҳрум болалар психик касалликлар билан кўпроқ изтироб чекканлар, умумий неврозлик ҳолати билан ажралиб турганлар ва келажакдаги ҳаётида мулоқот муаммоларига дуч келганлар. Одатда бундай болалар касал бўлишганлар, ҳатто ўлиб ҳам қолишганлар. Шундай ҳодисалар бўлганки, бола ташқи томондан соғлом, хотиржам ва тинч бўлиб кўринган, ота-онада эътибор уйғотмаган ва демак болага етарли даражада ғамхўрлик кўрсатилмаган, сенсор изоляцияда қолиб кетган ва у ёки бу касалликдан ўлиб кетган. Ота-оналари касалликнинг асл сабаби транакцион етишмовчилик эканлигини мутлақо фаҳмламасдан болани даволамоқчи бўлишган.

Шунга ўхшаш ҳодисалар етарли даражадаги эътибор ва муомалага эга бўлмаган катта кишиларда ҳам кузатилади. Кўрсатилган камчилик сабабли турли хил психик касалликлар ва четга оғишлар кузатилади. Нисбатан характерли мисол бўлиб яқка камераларда ётган жиноятчилар тақдири хизмат қилиши мумкин. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, катталардаги муомаланинг етишмаслиги худди болалардагига ўхшабнафақат соф психик, балки соматик ўзгаришлар ҳам келтириб чиқариши мумкин, яъни турли хил касалликлар, баъзида ўлим билан тугайдиган касалликларни ҳам келтириб чиқаради. Берн ёзадики, сенсор очлик худди очликка ўхшаш ҳодисадир: “тўйиб овқат емаслик”, “тўйиб овқат ейиш”, “гурман”, “овқатни тушунадиган”, “аскет”, “кулинар санъати” ва “яхши ошпаз” сингари терминларни осонгина тўйинганлик соҳасидан сезги соҳасига ўтказиш мумкин. Бу ҳақда олим ўзининг “Одамлар ўйнайдиган ўйинлар” номли китобида адолатли ҳолда таъкидлайди.

Ўйинни танлаш муаммоси ҳам худди шунга ўхшайди. Шу нарса тушунарлики, ҳар қандай одам ўйинлар ичидан ўзига нимаси биландир яқин бўлган ўйинни танлайди. Бу ўйин унга қандайдир имконият яратади, устунлик беради, ўзи истаган нарсаларга эришиш имкониятини беради, маълум мукофотга эга бўлади. Берн ёзганидек, ўйинни танлаш оқибатда ҳар бир кишининг шахсий таъбига боғлиқ. Барча ўйинларнинг тўплами мисоли таъминот материалларига

ўхшайдики, улардан овқат тайёрланади ва инсоний муомала меньюси тузилади.

Трансакция механизмларининг қандай бўлишини англаб етиш учун Берн инсоний муомаланинг барча шакллари уларнинг новербал даражасидан тортиб эслатиб ўтилган ўйинларнинг барча турларигача батафсил таҳлил қилади. Таҳлил ўтказилгандан кейин эса психолог ўз қарашларини ўзининг бутун дунё бестселлери бўлиб кетган “Одамлар ўйнайдиган ўйинлар” китобида тизимлаштиради. Мазкур ишда назарий фикрлардан ташқари Берн ўйинларнинг асосий турларини батафсил таҳлил қилиб чиқади. Уларни маълум категориялар бўйича тақсимлайди (бир умрлик ўйинлар, эр-хотин ўйинлари) ва шу билан одамлардан ҳар қандайи тушиши мумкин бўлган амалдаги барча бўлиши мумкин бўлган вазиятларни қамраб олади. Ҳар бир ўйин мос ҳолда бир қанча пунктлар бўйича таҳлил қилинади: номланиши (ўйиннинг мазкур турининг моҳиятини характерлайди), тезис (ўйиннинг моҳияти), мақсад (инсон ўйиннинг мазкур турини хулқ-атворнинг асоси сифатида танлар экан нимага эришмоқни истайди), роллар (ўйин иштирокчиларининг ҳар бири қандай ролни ўзига олаяпти, барча иштирокчилар қанча), динамика (ўйин қандай ривожланаяпти), мисоллар, парадигма (ижтимоий ва психологик даражаларда муҳим трансакцияларнинг тавсифи), юришлар (мазкур ўйин учун барча мумкин бўлган ҳаракатлар), тақдирлаш (қониқишнинг барча турлари, ўйиннинг кечишидан олинандиган хотиржамлик, стимуляция ва компенсация), қариндошларнинг ўйинлари.

Инсоннинг ўйинга нисбатан пайдо бўладиган эҳтиёжи қаердан пайдо бўлади? Берннинг фикрига кўра, илк болалиқдаги сенсор очлик ёш ўтиши билан “англашга нисбатан эҳтиёжга” айланади, яъни инсоннинг ўзига хос барча хусусиятлари билан ўзга кишилар орасида анланган, билинган бўлишга интилиши пайдо бўлади. Англашга нисбатан эҳтиёж катта ёки кичик куч билан юзага чиқиши мумкин. Бу инсоннинг танилган бўлишга, ўзига эътиборни қаратишга нисбатан у ёки бу даражада қатъият билан интилганлигига боғлиқ.

Одамларнинг бир бири билан мулоқот вақтида юзага чиқадиган англашга нисбатан бўлган эҳтиёж ритуал ҳаракатга айланади ва бу ҳаракат ҳар сафар янги учрашувда такрорланади. Ритуаллар зарур бўлган ўзаро муносабатлар юқини ўзининг зиммасига олади ва яхши муносабатларни яратиш учун хизмат қилади, яъни муомалада турли хил манералар ва этикетни пайдо қилади. Ритуалларнинг вазифаси одамлар орасидаги яхши ва рухсат берилган доирадаги муомалани сақлашдан иборат. Бироқ баъзида шу ритуалларнинг ўз девиант ўйинларнинг келиб чиқишига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Масалан, жиноий ўйинлар, баъзи эр-хотин ва жинсий муносабатлар.

Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, одамлар бир-бирини яхшироқ англагани сари биринчи тур ритуаллари камаяди ва иккинчи тур

ритуаллари ортади. Яқинлашиш ҳар бир иштирокчи томонидан ишлаб чиқилган ҳатти-ҳаракатлар индивидуал дастури трансакцияси ҳамкорлигида бошланади. Бу дастурда ҳар бир киши исталган ролларда мустаҳкамланади. Ҳар бир киши томонидан танланган бу дастурлар аслида ўйиннинг ўзидир. Таъкидлаш жоизки, яқин киши билан мулоқот ва англаш натижаси сифатида фақат ўйингина юқорида таъкидлаганимиз сенсор очликни қондириши мумкин. Чунки ритуаллашган “масофадан туриб қилинадиган” муомала инсонга ўзгаларга тушунарли бўлиш имкониятини бермайди.

Берннинг фикрича, одамлардан ҳар бири хулқ-атвор схемаларининг шахсий тўпламига эга. Бу схемаларни у болалиқдан боўлаб ишлаб чиқади ва бутун умри давомида қўллайди, ўйнайди. Бу тўпламга ўзаро бир-бири билан мутлақо боғлиқ бўлмаган, ҳатто бир қарашда қарама қарши бўлган роллар ва ўйинлар киради, бироқ таҳлил шуни кўрсатадики, ҳақиқатда улар бир-бирини чиройли ҳолда тўлдиради ва турли хил ҳаётий вазиятлар ва ҳолатларда ҳаракат қилиш учун хизмат қилади. Асосий ҳолатларнинг барчасини учтага келтириш мумкин: ота ва онанинг ўзгартирилган ва системалаштирилган “Мен” ҳолати, объективликка интиладиган “Мен” ҳолати, хулқ-атворнинг илк болалиқ даврида тўпланган архитиплари иштирок этадиган “Мен” ҳолати. Берн бу ҳолатларни қисқача “Ота-она”, “Катта ёшли киши” ва “Бола”. Шундай қилиб, ҳар биримизда бир вақтнинг ўзида учта одам яшайди: ким ота-оналарга ўхшамоқчи бўлса, ўшамиз, биз мустақил катта кишимиз ва биз ёш боламиз. Булардан ҳеч бўлмаса бирининг касалланиши психик бузулишларга ва касалликларга олиб келади.

Учта кўрсатилган ҳолатлар алоҳида ҳам бўлиши мумкин ёки бир вақтнинг ўзида ўйинда учаласи ҳам қатнашиши мумкин. Ўйин ҳамisha ўйинчилар интилган маълум бир мақсадга эгадир. Шу билан бирга, ҳар бир ўйинчи ўзгалардан яширадиган ўз мотивига эга бўлади. Ўйиннинг исталганлиги шу билан белгиланадики, унинг якунида ютуқ кутилади. Ютуққа эришиш имконияти ўйналаётган трансакцион векторларнинг кесишиши билан белгиланади. Масалан, ўйинчилардан бири бола сифатида ўйинни бошлай туриб, ўйинни катта киши сифатида давом эттириши мумкин ва бу билан ўйиннинг кечишини ва натижасини мутлақо ўзгартириб юборади. Кесишиш турли хил бўлиши мумкин, бу эса ўйиннинг мураккаблигини ва унинг психолог томонидан қилинадиган анализини белгилайди.

Ҳар ким фойдага интиладиган ва мукофот олишни режалаштирган ҳолатга ўтмайди. Ўйин албатта ҳийла билан бўлади ва драматик якунга олиб келиши мумкин. Одатда ўйинлар изтиробли, ҳатто фожеали бўлиши мумкин. Шунинг учун Берн энг даҳшатли ўйинлардан бирини уруш деб атайди. Психологнинг фикрича, ўйинларга энг кўп кирадиган одамлар мувозанатсиз психикага ва юқори даражадаги асабийликка эга бўлади. У доимий ўйин ўйнайдиган одамларнинг иккита асосий типини


ажратиб кўрсатади: бу вайсақи ва ҳеч вақоси йўқ. Биринчисини доимо ўйин ўйнашга унга болалигида етарли даражада эътибор қаратмаган онасига нисбатан ғазаб мажбур қилади. Иккинчиси эса тўлиқ ота-онасининг иродасига бўйсинган, илк болалик давридан бошлаб босим кўсатилган ва одамлардан узоқлаштирилган киши. Бундай одамлар атрофдагилар томонидан эътибор кўсада, ўзлари мутлақо ўзгаларга яқинлик кўрсата олмайди, ва шунинг учун ҳам уларнинг ўйинлари ҳеч қачон тугамайди.

Хулосада Берн айтадики, бир бирига нисбатан эътиборнинг пайдо бўлишлиги одатда биз учун ҳақиқий юк бўлади, яъни мутлақо эгоистик қизиқишлар билан банд бўлар эканмиз, биз яқинларимизни унитамиз. Ва аксарият одамлар ўйинчи бўлиб қолишни афзал кўришадилар, чунки ўйинга киришиб кетиб, улар ўзгаларни ўзининг бағритошлиги билан хафа қилиб қўйиши мумкин.

Эрик Берн 1970 йил иккита юрак хуружини бошидан кечирди. Улардан охиргиси 15 июнда содир бўлди ва у олимнинг ўлими билан якун топди.



# Владимир Михайлович Бехтерев (1857 - 1927)



Владимир Михайлович Бехтерев, таниқли рус неврологи, невропатологи, психологи, психиатри, морфологи и физиологи, 1857 йил 20 январда кичик давлат хизматчиси оиласида Елабуг уездининг Сорали қишлоғида таваллуд топди. 1867 йилнинг августидан гимназияда ўқишини бошлади. Бехтерев ёшлигиданоқ ўз ҳаётини невропатология и психиатрияга бағишлашга қарор қабул қилган эди. Гимназиянинг еттинчи синфини тугатгандан сўнг 1873 йилда Тиббий хирургик академияга ўқишга киради.

1878 йилда Петербургдаги Тиббий-хирургик академияни тугатгандан сўнг шу академиядаги И.П. Мержеевскийнинг психиатрия кафедрасида қолиб ўқишини давом эттиради. 1879 йилда Бехтерев психиатрларнинг Петербург жамиятига ҳақиқий аъзоликка қабул қилинади.

1881 йилнинг 4 апрелида Бехтеревтиббийёт бўйича “Руҳий касалликларнинг баъзи шаклларида тана температурасини клиник тадқиқ қилиш тажрибаси” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва приват-доцент илмий унвонига эга бўлади. 1884 йилда Бехтерев чет элга командировкага кетади ва у ерда Дюбуа-Реймон, Вундт, Флексиг и Шарко сингари таниқли европа психологлари қўлида ишлайди.

Командировкадан қайтгандан сўнг Бехтерев Қозон университетининг бешинчи курс талабаларига асаб касалликлари диагностикаси бўйича маърузалар ўқийди. 1884 йилди Қозон университетининг руҳий касалликлар кафедраси профессори сифатида фаолият кўрсатади. У университет ҳузурида психофизиологик лаборатория ташкил қилади, невропатологлар ва психиатрлар Жамиятини таъсис этади, “Неврологический вестник” журнаliga асос солади ва унда ўзининг қатор мақолалари билан чиқишлар қилади, шунингдек ушбу журналда нерв системасининг невропатология и анатомия бўлимлари бўйича ўз ўғирдларининг

ишларини чоп эттиради.

1883 йилда Бехтерев “Марказий нерв системаси баъзи қисмларининг бузилишидаги мажбурий ҳаракатлар ҳақида” мақоласи учун рус врачлари Жамиятининг кумуш медали билан тақдирланади. Мазкур мақолада Бехтерев нерв касалликлари одатда психик касалликлари билан биргаликда кечади, руҳий касалликларда марказий нерв системасининг органик бузилиши белгилари ҳам бўлиши мумкин, деган фикрларни илгари суради. Шу йилнинг ўзида у Италия психиатрлар жамиятига аъзоликка сайланади. Унинг машҳур “Эгилган умуртқанинг қаттиқлиги касаллигининг алоҳида шакли сифатида” мақоласи 1892 йилда Бехтерев томонидан пойтахт журнали бўлган “Врач” журналида чоп этилди. Бу касаллик бугунги кунда Бехтерев касаллиги (ревматоидный спондилит) деган ном билан юритилади. Шунингдек олим сифилистик склероз, алкоголикларнинг ўткир мияча атаксияси сингари касалликларни ҳам кашф этди. Шу ва шунга ўхшаш яна бир қанча касалликларни олим биринчи бўлиб кашф этди ва улар тўғрисида ўзининг икки томлик “Алоҳида кузатишлардаги нерв касалликлари” деб аталган китобида батафсил маълумот беради.

1893 йилдан бошлаб Қозон неврологлар жамияти “Неврологический вестник” деган ном билан журнал чиқаради ва у то 1918 йилгача Владимир Михайлович Бехтерев муҳаррирлигида чиқиб туради.

1893 йил баҳорда Бехтерев Петербург ҳарбий-тиббий академияси бошлиғидан руҳий ва нерв касалликлари кафедрасида ишга таклиф этилади. Бехтерев Петербургга етиб келиб, Россияда илк нейрохирургик операцияларни амалга оширади.

Клиниканинг лабораториясида Бехтерев ўзининг шогирдлари ва ходимлари билан ҳамкорликда нерв системасининг морфологияси ва физиологияси бўйича тадқиқотларини давом эттиради. Бу нейроморфология бўйича материалларини бойитади ва у етти томлик “Мия функциялари тўғрисидаги таълимот асослари” деб номланган фундаментал иши устида иш бошлайди.

1894 йилда Бехтерев Ички ишлар вазирлигининг тиббий кенгашига аъзо бўлиб тайинланади, 1895 йилда эса у ҳарбий вазирлик қошидаги Ҳарбий-тиббий илмий кенгашининг аъзоси бўлади

1900 йилнинг ноябрь ойида унинг “Орқа ва бош миянинг ўтказиш йўллари” икки томлик китоби Россия фанлар академиясининг академик К.М.Бэр номидаги мукофотга тақдим этилади. 1902 йилда “Психика ва ҳаёт” номли китобини чоп эттиради. Бу вақтга келиб Бехтерев нейрофизиология бўйича асосий иши ҳисобланган “Мия функциялари тўғрисидаги таълимот асослари” китобини чоп этишга тайёрлади. Бу китобда мия фаолияти тўғрисидаги асосий тартиблар тўпланди ва тизимлаштирилди. Шундай қилиб, Бехтерев тормозланишнинг энегетик назариясини таклиф этади ва унга мос ҳолда миядаги нерв энергияси

фаол ҳолатда бўлган марказга интилади. Бехтеревнинг фикрича, бу энергия ўтказиш йўллари бўйича мианинг алоҳида худудларига тарқалиб кетади, бунда Бехтеревнинг ибораси билан айтганда, “қўзғалувчанлик сусаяди, демак, сўнади”.

Умуман айтганда, Бехтеревнинг мия морфологиясини ўрганиш бўйича амалга оширган ишларимамлакат психологияси тараққиётига бебаҳо ҳиссасини қўшди. Жумладан, уни марказий нерв системасининг алоҳида бўлақларидаги жараёнлар, орқа мианинг оқ моддаси билан кул ранг моддадаги толалар жараёнлари таркиби қизиқтиради.

Мианинг бевосита функциялари билан шуғилланар экан, Бехтерев ядрони мианинг ўтказиш йўлларини кашф этди, орқа мианинг ва мия функционал анатомиясининг ўтказиш йўллари тўғрисидаги назарияни яратди, мувозанат ва фазовий жойлашувнинг анатомофизиологик асосини ўрнатди, бош мия пўстлоқ қисмида ҳаракат марказларини ва ички органлар секрециясини аниқлади ва ҳ.

Етти томлик “Мия функциялари тўғрисидаги таълимот асослари” асарини тугатгандан сўнг Бехтерев психология масалаларига алоҳида эътиборини қаратди. Бехтерев тенг ҳуқуқли мавжуд иккита психология тўғрисида ёзади: у асосий методи интроспекция бўлган субъектив психология ва объектив психология. Бехтерев ўзини объектив психология вакили сифатида баҳолайди, бироқ у ташқи томондан кузатиладиганнигина, яъни хатти-ҳаракатларин (бихевиористик талқин) ва нерв системасининг физиологик фаоллигини объектив ўрганиш мумкин деб ҳисоблайди.

Бундан келиб чиққан ҳолда, психик фаолият мия ишининг натижаси ўлароқ пайдо бўлади, шунинг учун унинг фикрича физиология ютуқларига, аввалом бор шартли рефлекслар тўғрисидаги таълимотга таянса бўлади. Шундай қилиб, Бехтерев рефлексология деб аталган ягона таълимотни яратади ва бу таълимот амалда Бехтерев объектив психологияси бўйича қилган ишларининг давоми ҳисобланади.

1907—1910 йилларда Бехтерев “Объектив психология” китобининг учта томини ёзиб тугатади. Олимнинг тасдиқлашича, барча психик жараёнлар рефлектор ҳаракат ва вегетатив реакциялар билан бирга кечади ва уларни кузатиш ва қайд қилиш мумкин.

Рефлектор фаолиятнинг мураккаб шаклларини тавсифлаш учун Бехтерев “йиғма-ҳаракат рефлекс” терминини таклиф этади. Шунингдек, у қатор физиологик ва патологик рефлекслар, симптомлар ва синдромларни тавсифлади.

Бехтерев томонидан кашф этилган физиологик рефлекслар (елка, катта тил, нафас чиқариш рефлекслари ва ҳ. ) шуларга мос рефлектор ёйларининг ҳолатини аниқлайди, патологик рефлекслар (Мендель—Бехтерев рефлекси, бармоқ рефлекси, Бехтерев—Якобсон рефлекси) пирамидали йўлларнинг бузилишидан дарак беради. Бехтерев симптомлари турли хил патологик ҳолатларда кузатилади: елка

куришида, невралгияда, оммавий мия инсультларида, анги-отрофоневрозларда, мия асоси қобикларидаги патологик жараёнларда ва ҳ.

Бехтерев симптомларини баҳолаш учун махсус приборлар яратилди (оғриқ сезувчанлигини аниқ ўлчайдиган альгезиметр, босимга сезувчанликни ўлчайдиган барэстезиометр, сезувчанликни ўлчаш прибори миозестезиометр ва ҳ.).

Бехтерев шунингдек болалар нерв-психик тараққётини, нерв ва психик касалликлар, психопатия ва циркуляр психоз, клиника ва галлюцинациялар патогенези ўртасидаги алоқаларни ўрганишнинг объектив методларини ишлаб чиқди, миёда муҳрланиб қоладиган ҳолатлар (навязчивые состояния), психик автоматизмнинг турли хил шакллари тавсиф берди. Невр-психик касалликларни даволаш учун у невроз ва алкогольизмларнинг йиғма-рефлектор терапиясини амалиётга киритди. Тинчлантирувчи восита сифатида Бехтерев микстураси қўланиладиган бўлди.

1908 йилда Бехтерев Санкт-Петербургда Психоневрологик институтга асос солди ва унинг директори бўлди. Инқилобдан кейин 1918 йилда Бехтерев Совнаркомга мияни ва психик фаолиятни ўрганиш бўйича институт ташкил қилишга рухсат беришларини сўраб мурожаат қилади. Бу институ ташкил этилгандан сўнг у унинг директори бўлди ва умрининг охиригача шу лавозимда қолди. Мияни ва психик фаолиятни ўрганиш бўйича институт кейинчалик В.М. Бехтерева номидаги мияни ўрганиш бўйича Давлат рефлектологик институти деб номланадиган бўлди.

1921 йилда В.М.Бехтерев академик бўлади ва машҳур ҳайвонларни ўргатувчи В.Л.Дуров билан ҳамкорликда илгаридан ўйланган ҳаракатларни ўргатилганитларга фикрий таъсир кўрсатиш бўйича қатор тадқиқотларни ўтказди. Шунга ўхшаш тажрибалар В.Л.Дуров раҳбарлик қилган зоопсихология амалий лабораториясида ўтказилган эди. Бунда фикрий таъсирни ўрганиш бўйича СССРдаги пионерлардан бири инженер Б.Б. Кажинский ҳам иштирок этган эди.

1921 йилнинг бошларида В.Л.Дуров лабораториясида 20 ой давомида итларга фикрий таъсир кўрсатиш бўйича 1278 та тажриба ўтказилиб, улардан 696 таси муваффақиятли яқун топган бўлса, 582 тасида мақсад амалга ошмади. Итларда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ҳайвон ўргатувчи фикрий таъсир кўрсатиши шарт эмас, буни тажрибали индуктор ҳам қилиши мумкин.

1927 йилда Бехтеревга РСФСРда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилади. 1927 йилнинг 24 декабрида буюк олим вафот этади.

# Альфред Бине

(1857 - 1911)



Альфред Бине 1857 йил 11 июлда Ницца шаҳрида таваллуд топди. Унинг болалик даври ҳақида маълумотлар кам. Бироқ олий юридик мактабида ўқиб юргандаёқ Бинени психология қизиқтирар эди.

1886 йилда олий юридик мактабда ўқир экан, у “Хулоса чиқариш психологияси” деб номланган китобини ёзади ва унда ўзининг учта образ назариясини илгари суради. Бу назарияга асосан барча фикрий жараёнлар ва идрок ўзининг психологик механизмига кўра иккита образ ўртасидаги ассоциация сифатида тушинтирилади. Масалан, биринчи образ – кўриш сезгиси – ўхшашлик ассоциацияси бўйича кўриш тасаввурини (иккинчи образ) чақиради. Шундай қилиб, бу назария бўйича хулоса чиқариш ва идрок бир бирига яқинлашяпти, чунки ҳар бир идрокда объектга нисбатан ҳукм, тасдиқ элементлари мавжуд, ҳаминча ноаниқдан аниққа ўтиш бор, бу икки жараён ҳам учта образнинг қўшилишидан пайдо бўлади.

Бине идрок билан хулоса чиқариш ўртасидаги фарқни аниқлади: хулоса чиқариш учун – бу умумий ғоялар, идрок учун эса – фактлар ва конкрет предметлар. Ўз назариясида у образларнинг шунчаки ўзаро таъсирини кўрсатиб бермади, балки мазкур учта образлар билан боғлиқ бўлган оннинг учта ҳолатини ва улар ўртасидаги ўтиш жараёнларини белгилаб берди.

1891 йилда Альфред Бине Сарбонна университетининг психологик лабораториясида ишлаб бошлайди. Бу ерда у “Интеллектни экспериментал ўрганиш” деб номланган ишини ёзади. Бу китобнинг асосини қизлари – ўн уч яшар Маргарита ва ўн икки яшар Арманда, шунингдек бошланғич мактаб ўқувчилари устида ўтказган тадқиқотлари ташкил этади. Биненинг фикрича, психологик экспериментларда ишончли натижаларни қўлга киритиш учун синалувчиларни, уларнинг психик ҳолатини яхши билиш лозим ва битта муаммони ҳал этиш учун бир қанча методикалардан фойдаланиш керак бўлади. Масалан, Бине болалар билан олиб борган ишида 20 дан ошиқ турли хил методикалардан фойдаланган.

Альфред Бине ўтказган тадқиқотлари асосида болаларда аниқ кўзга ташланиб турадиган иккита асосий психологик типни аниқлаган:

кузатувчи (объектив) ва хаёл сурувчи (субъектив). Олимнинг фикрига кўра, бу типлар туғма эмас ва ўзгармас ҳам эмас, улар ўртасидаги фарқлар тарбия билан тўғриланиб кетади.

Бундан ташқари, Альфред Бине бу ишида тафаккур психологияси бўйича ўзининг назарий ишланмаларини ҳам акс эттиради. У тафаккурда учта компонентни фарқлайди: образ, фикрий фаолиятнинг ўзи ва сўз. Бу ерда Бине ўзининг уч образ назариясини ривожлантиради, идеализация жараёни билан келтирилган фикр махсус компонентининг мавжудлигини аниқлайди.

1898 йилда Альфред Бине ўзининг “Ақлий толиқиш” китобини ёзда ва унда ақлий меҳнатнинг жисмоний толиқишга ва психик жараёнларга таъсирини ўрганди. Унда ақлий толиқиш бўйича тўпланган катта экспериментал материалларни таҳлил қилади, жумладан ўзга олимларнинг тажрибаларини ҳам, шунингдек Биненинг ўзининг тажрибаларини (ўқувчилар ақлий ишининг уларнинг иштаҳасига таъсири, имтиҳонларнинг ўқувчилар жисмоний ҳолатига таъсири) ҳам ўрганади. Бундан ташқари, бу китобда Альфред Бине ақлий толиқишни ўрганиш методикаси бўйича баъзи кўрсатмаларни беради. Унинг фикрича, толиқишни ўта толиқишдан фарқ қилиш лозим. Ўта толиқиш шу билан характерланадики, кучларини тўлиқ тиклаб олиш учун инсонга одатдаги дам олиш ёки уйқу амлик қилади, балки турмуш тарзини ўзгартириш ёки дори-дармон зарур бўлади. Бине ўта толиқиш муаммосини педагогик психология учун ўта муҳим деб ҳисоблайди.

Индивидуал фарқлар психологияси ва болалар психологияси муаммолари билан шуғилланар экан, олим болаларда ақлий тараққиёт даражасини ўлчаш масаласи билан ҳам шуғилланди. 1905 йилда у болаларни ўрганиш бўйича эркин жамиятга асос солди, унга ҳам илмий жамоатчилиқни, ҳам кенг оммани жалб этишга ҳаракат қилди. Ўша 1905 йили “Психологический ежегодник” журналида унинг “Интеллектни ўлчаш бўйича” мақоласи чиқди ва унда Бине ақлий тараққиётни ўлчашнинг қуйидаги методларини танқид остига олади: краниометрия (миа чаноғини ўлчамлари ва шаклини ўлчаш), ўқитувчилар томонидан бериладиган баҳо ва ҳ. Олим бунинг ўрнига бола томонидан эришилган таълим даражасига асосланган методдан фойдаланишни таклиф қилади.

Тараққиётда орқада қолган болаларни алоҳида ўқитиш масаласи француз ҳукумати олдидаги вазифалардан бири эди. Бу йўналишда 1907 йилда А. Бине ва Т. Симонлар томонидан чиқарилган “Ненормал болалар” китоби ҳукуматнинг қарор чиқаришига сабаб бўлди. Ақлан заиф болаларнинг асосий белгилари қилиб тараққиётдаги сустлашиш, бўйнинг ёшига мос эмаслиги ва ақлий қобилиятларнинг дезорганизацияси ва ҳ. лар кўрсатилади.

Бундан ташқари, А. Бине ва Т. Симонлар болаларни баҳолашнинг бир қанча мезонларини ишлаб чиқади ва улар асосида асосий

категорияларни ажратиб кўрсатади. Шундай қилиб, мезонлар сифатида, уларнинг фикрича, тушуниш, ҳукм чиқариш ва қарор қабул қилиш қобилиятини, шунингдек бу қобилиятлар ифодасининг ташқи шакли – нутқни кўрсатиш мумкин. Телба деб (эшитиш ёки нутқ аппаратининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаса) нутқ ёрдамида ўзгалар билан мулоқот қила олмайдиган болага айтилади. Имбицил деб ёзма ҳолда ўз фикрларини ифодалай олмайдиган, шунингдек ўқиш ва идрок этишда қийналадиган (эшитиш ёки нутқ аппаратининг бузилиши билан боғлиқ бўлмаса) болага айтилади.

Нонормал болаларнинг охириги категорияси – дебиллар ҳисобланади ва ундайлар ёзма ёки оғзаки нутқ ёрдамида ўзгалар билан мулоқот қила олмайдиган, бироқ тараққиётдаг бир неча йил ортда қолган болалардир. Мазкур категорияларнинг нормал бола ривожланишининг ёш даражалари билан қиёслар экан, Бине и Симон телбанинг ақлий тараққиёти икки ёшли болаларнинг даражасига мос келади, имбецилники – икки-уч яшар болаларга мос келади. Дебил учун бу даража ўрнатилмаган, чунки унга фақат ўз тенгқурларидан ортда қолиш хосдир.

1908 йилда “Психологический ежегодник”да А.Биненинг Т.Симон билан ҳамкорликда ишлаб чиққан 3 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар учун мўлжалланган ақлий тараққиёт шкаласини чиқарди. Бу шкалани ишлаб чиқишда Бине турли хил методикаларнинг катта миқдоридан фойдаланди. Болаларнинг тараққиёт даражаларини аниқлашда қўланиладиган барча топшириқларни учта гуруҳга ажратиш мумкин: ҳаётий тажриба асосида ечиладиган топшртқлар, бевосита психологик топшириқлар ва мактабда ўзлаштирилган билимлар асосида ечиладиган топшириқлар. Шундай қилиб, таклиф этилган шкала боланинг ақлий тараққиётини комплекс ҳолда баҳолайди.

1909 йилда чиққан “Болалар ҳақидаги замонавий ғоялар” китоби А.Биненинг кўплаб тадқиқотларининг натижаси бўлди. Муаллифнинг ёзишича, бу китоб амалий характерга эга бўлиши керак эди, у турли хил ёшдаги болалар билан ишлайдиган ўқитувчиларга мўлжалланган эди ва унда болалар билан боғлиқ турли хил муаммоларни ҳал этишга таклифлар берилди.

Бу китобда Бине мактабдаги ўқувчининг ўзлаштиришдаражасини текшириш учун фойдаланиладиган ўқиш, ҳисоб-китоб ва орфография синовларини таклиф қилади, шунингдек ўқувчининг ўзлаштирамаслигига таъсир кўрсатадиган қатор сабабларни кўрсатиб берди. Уларнинг орасида жисмоний тарбия ва саломатлик ҳолати, эшитиш ва кшириш дефектлари, хотиранинг заифлиги, ақлий тараққиёт камчиликлари, мактабдаги танаффуслар, ноқулай оилавий шароитлар ва ҳ.

Жисмоний тарбияга катта эътибор қаратар экан, Бине уни ўлчашнинг методларини таклиф этади, шунингдек ўқувчилар ҳаёти жаражасини яхшилаш зарурлигини кўрсатиб ўтади. Шунингдек, мактаб

ўқитувчилари учун мутлақо керак бўладиган эшитирш ва кўришни текширишни таклиф этади, чунки болалар одатда билмасдан туриб бундай камчиликларни беркитишади. Бундан ташқари, Бине ўқувчи ва ўқитувчи ўрасидаги фаол ўзаро таъсир, хотирани ривожлантириш зарурлигига эътиборни қаратади.

Педагогик психология учун олим томонидан илгари сурилган тарбия воситалари классификацияси муҳим аҳамиятга эгадир. У куйидаги типларни ажратиб кўрсатади:

- 1) “бош тортиш” методлари – бунда болага унинг қилган ишларининг табиий оқибатлари таъсир кўрсатади;
- 2) репрессив методлар – жазо ва ҳайфсан;
- 3) “қўзғатувчи” методлар – бемаза нарсалардан болани чалғитиш, ақлий рағбатлар.

1910 и 1911 йиллар А.Бине учун патопсихология билан қизиқиш йиллари бўлди. Бу вақтда чоп этилган мақолалар руҳий касалликларни ўрганишга бағишланади. Унинг фикрича, барча руҳий касалликлар психик функцияларнинг етишмовчилиги, деформацияси ёки четга оғиши билан ва касалнинг ўзининг бу камчиликларга оғриқли ҳолда муносабат кўрсатиши билан характерланади. Олим айниқса улардан иккинчисининг муҳимлигини таъкидлайди. Руҳий касалликларни ўрганар ва классификация қилар экан, А.Бине ўз олдига ҳар бир касаллик учун характерли бўлган унинг психик ҳолатини аниқлаш вазифасини қўяди. Масалан, истерия фаолият турли хил турларининг тарқоқлик ҳолатига, маниакал-депрессив психоз фаолиятнинг баъзи функциялари ва турларининг устунлик қилиш ҳолатига, ақлиф оқсаш эса тараққиётнинг секинлашишига мос келади.

Альфред Бине 1911 йилнинг 18 октябрида Парижда ижодий кучларининг порлаб турган пайтида оламдан кўз юмди. Унчалик узоқ умр кўрмасда, Бине психология фани ривожига катта ҳисса қўшди. У болалар психологиясига эътиборни қаратди ва болалар ақлий тараққиётини аниқлаш методикасини яратди. У бундан ташқари птопсихология, санъат психологияси муаммолари билан ҳам қизиқди, таъсир кўрсатиш, шахматистлар психологияси бўйича ва феноменал ҳисоб-китоблар бўйича бир қанча мақолалар ёзди. Унинг ишланмалари кўплаб психологларга, жумладан интеллект даражалари тестини яратишда Айзенкка таъсир кўрсатди.

***Олим портрети (рассом: Эрнст Людвиг Курхнер)***



# Людвиг Бинсвангер

(1881 - 1966)



Людвиг Бинсвангер немис шаҳарларидан бири Кройцлинген шаҳрида 1881 йил 13 апрелда таваллуд топди. Ёшлигида у тиббиёт ва фалсафа соҳасида ўқиди. У Карл Густав Юнгнинг шогирди бўлди, сўнгра Цюрихда Ойген Блойлер кўлида таҳсил олди. Шу вақтлардан бошлаб у психоанализга меҳр қўйди ва 1907 йили Цюрих психоаналитиклар гуруҳига аъзо бўлди, уч йилдан кейин эса Швейцария психоаналитиклар жамиятининг президенти этиб сайланди.

Л. Бинсвангерни психоанализнинг асосчиси З.Фрейд билан кўп йиллик дўстлик боғлаб туради. Ҳатто Бинсвангер психоанализдан узоқлашиб психопатологик феноменологияга ўтиб кетганда ҳам уларнинг ўртасидаги илиқ муносабатлар йўқолмади. 1929 йилда Фрейд олимга шундай деб ёзади: "Кўпчиликдан фарқли ўлароқ, мен билан интеллектуал жиҳатдан фарқимиз бўлишига қарамасдан, Сиз ўртамиздаги муносабатларни бузмадингиз. Сиз ҳатто билмайсизки, ўта нозик нуқталарни ҳис қилувчи қалб эгаси билан мулоқотда бўлиш қанчалар ёқимли".

Психопатологик феноменология билан шуғилланган киши, Бинсвангернинг фикрига кўра, шунчаки психоанализ билан шуғилланиб қолмаслиги лозим, балки анормал психик ҳодисани психик касалликларнинг қайси турига мансублигини аниқлаб олиши зарур. Бинсвангер ишининг усули дескриптив психопатолог ишидан тубдан фарқ қилади. У барча аномал руҳий ҳодисаларни синфларга, турларга бўлиб чиқади ва уларни ўз навбатида белгиларнинг мураккаб иерархик тизими ёрдамида бир-бири билан боғлайди. Мазкур тизим соғломликка қарама қарши қўйилади ва психоаналитик тадқиқотининг объекти ҳисобланади. Бунда тизимни келтириб чиқарган шарт-шароитлар ёки уларнинг алоҳида гуруҳлари тўлиғича ўрганилади.

Бинсвангер методига кўра, айтилаётган сўзлар орқали нима назарда тутилаётганига, ҳар бир сўзнинг чуқур маъносига эътиборни қаратиш лозим. Феноменологга, шунингдек, дескриптив тавсифланган белгилар зарур, бироқ улар тушунчаларнинг элементлари сифатида улардан фойдаланиш учун эмас, балки улардан фойдалана туриб бошқатдан нарсанинг ўзига, кечинмага муроодаат қилиш учун зарур эди.

Бироқ бундай вазиятда бошқа турдаги борлиққа бизни жўнатмасдан мазкур предметга бевосита алоқадор белгиларгина яроқлидир. Шундай қилиб, бевосита феноменнинг ўзига алоқадор бўлган шундай аниқликларни кўрсатадиган феноменларнинг таҳлилига ўтамиз.

Шунга шўшаш феноменологик кузатишнинг муҳим томони шундаки, аналитик қандайдир четдаги феноменни эмас, балки доимий юзгага чиқадиган шахсни ўрганади. Зарарланган шахс феноменнинг хусусиятларида ўзи тўғрисида хабар юборади, ва, ўз навбатида, тадқиқотчи шахснинг ички мазмунини феноменнинг призмаси орқали кўради.

Илмий ва феноменологик билиш методларининг турли туманлиги тўғрисида фикрлар экан, Бинсвангер шу нарсага эътиборини қаратадики, “тоза дескриптив билиш”нинг усули ташқи олам предметлари билан олиб бориладиган фаолият эмас, балки моҳиятнинг ўзига, соф онгнинг шаклларига мурожаат ва мазкур мурожаатнинг энг яхши методологиясини ишлаб чиқишдир.

Бинсвангер Кройцлингендаги санаторийда бош врач бўлиб ишлай бошлайди. У бу ерда экзистенциал философияга асосланган янги ёндашувни ишлаб чиқа бошлайди. Людвиг Хайдеггернинг экзистенциал философиясини психологияга, психотерапияга ва психоанализга татбиқ қилишга уринади. Шундай қилиб, мавжуд яратилган таҳлилда инсонни илмий билиш барча анланган ва анланмаган психик жараёнлар асосида ётадиган инсон борлиғининг интеграл тузилмасида содир бўлади. Бинсвангернинг фикрича, аналитик мазкур экзистенциал тузулмаларни ва уларнинг пациент ҳаёти билан мутаносиблигини тушуниши лозим. Шундагина мазкур одам ҳаётининг тарихи ва вазифалари аниқ бўлади. Ҳаётининг вазифаларини амалга оширишда фақатгина фаоллик ёрдам бериши мумкин. Аналитик пациент билан ҳамкорлик ўрнатиши лозим, пациент ҳаётининг функцияларини амалга оширишдаги омадсизликларни ҳаётининг воқеалар чақиришлигини тушуниб олмоғи керак. Хайдеггернинг “оламда бўлиш” тамойилига Бинсвангер ўзининг “оламнинг чекловларидан чиқиш кўникмаси” кўринишидаги муҳаббат тамойили қарама қарши қўйилади.

Бинсвангернинг устози Мартин Хайдеггер томонидан иккита фундаментал тамойил илгари сурилади: биринчиси – инсоннинг борлиғи дунёдаги борлиқдир; иккинчиси – инсоннинг шахс сифатидаги шаклланиши трансценденциядир, оламнинг ўзгартирилишидир. Бинсвангер таълимоти бу икки тамойил асосига қурилади (бошқача айтганда, “онтологик антропология биноти” қурилади). Шу билан бирга Людвиг муҳаббат тамойилига ўзининг таърифини беради, трансценденцияни эса муҳаббатнинг кескинлашуви деб тушунтиради. Хайдеггернинг фикрига қарама қарши ўлароқ, Бинсвангер бўйича фақат “қўркув” ва “титроқ” ягона экзистенциал имконият ҳисобланади. Улар ўзининики бўлмаган борлиқнинг ўзининг борлиғинга айланишига

ёрдам беради.

Психопатологик ҳодисаларни турлари бўйича функцияларга ажратмасдан туриб феноменологик жиҳатдан кўриб чиқиш, Бинсвангернинг фикрича, касал шахсининг дунёқарашига йўналтирилган бўлади. Алоҳида феноменларни ҳиссий-конкрет даражада тасаввур этишимиз мумкин, шундай кейин барчаси мавҳумлашади. Бироқ ҳис қиладиган шахс ҳар дақиқада конкрет феноменга ҳам, мавҳум мазмунга ҳам бир хил тааллуқлидир. Феномен билан шахс ўртасида муҳим ўзаро алоқаларни қайд этса бўлади. Феноменолог бемор нутқий фаолиятдан унинг маъноларига кириб боради. Шундай қилиб, тадқиқотчи ҳар бир кечинмани ўрганар экан, инсоннинг ички оламига кириб боради ва ўзининг малакасини оширади.

Людвиг Бинсвангернинг психология олдидаги асосий хизмати шундаки, у биринчилардан бўлиб руҳий хасталар терапиясига уларга инсон сифатида ёндашиш таклифи билан чиқди. Бу бир кўринишда фалсафий ҳисобланган ғоя касалликларни даволашда яхши натижалар бера бошлади. Ўз назариясини секин аста ривожлантира борар экан, таниқли психолог бемор руҳияти ичида яшириниб ётган “Мен”ини таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқарди. Бу инсоний “Мен” имкониятларини очиб берди. Шундай қилиб, психология предметининг методологик таърифига бўлган анъанавий қизиқиш илк кечинмага йўналганлик билан алмашилди. Унда ўша кечинманинг нимага асосланганлиги эътиборга олинди.

1919 йилнинг мартада Бинсвангер янги Швейцария психоаналитиклар жамиятига сайланади. Бир неча йил ўтгандан кейин у мазкур жамиятнинг президенти бўлади. Аслида у бу ерга З.Фрейднинг сайланиши учун ҳаракат қилади. Бу икки йирик олимлар ўртасидаги дўстлик умрининг охиригача давом этади. Фрейд 8 октябрь 1936 йилда Бинсвангерга ёзган мактубида ҳамкасбининг қарашлари тўғрисида ёзади: “Табиийки, мен сизнинг қарашларингиз билан чиқиша олмайман. Мен ҳамisha сиз билан ер ости ўтиш йўлларида ҳамкор бўлдим. Сизнинг тасдиғингизга кўра, нуқтаи назар бироз бурилса, юқори қаватларда ҳам учрашса бўлади. Шу ерда биз кансерватизм билан фарқланамиз. Биласизки, мен жангчи фикрловчи руҳига эгаман. Бироқ, назаримда, биз бир-биримизни яхши тушунмаймиз. Бизнинг мунозарамиз балки юз йиллар ўтиб ҳал бўлар”.

Бинсвангер 1966 йилнинг 5 феввалида ўзининг қадрдон Кройцлингене шахрида оламдан ўтади.

# Лидия Ильинична Божович (1908 - 1981)



Лидия Ильинична Божович 1908 йилда Курск шаҳрида туғилган. 1920 йилнинг охирида у 2-Москва давлат университетига ўқишга кириш учун келади. Кириш имтиҳонларида у ўзининг келажакдаги ҳамкасабаси Л.С. Славина билан танишиб қолади. Шунингдек у бу ерда Л.С.Виготский билан танишади ва бу танишув келажакда унинг илмий фаолиятининг йўналишини белгилайди. Талабалик пайтиданоқ у келажакда машҳур психологлар бўлиб танилган кишилар - А.В. Запорожц, Р.Е.Левина, Н.Г.Морозова билан учрашади, уларнинг маърузаларини тинглайди. Виготскийнинг дарсларига қатнашади. Виготскийнинг раҳбарлиги остида у тақлидга бағишланган диплом ишини ёзади ва ҳимоя қилади.

Виготскийнинг ўлимидан кейин 1934 йилда педология соҳасидаги тадқиқотлари учун кескин танқидга учради ва Виготскийнинг садоқатли шогирди сифатида психология Институтидан ишдан бўшатилади. Бу институтга у 1948 йилдагина қайта олди.

Божовичнинг хизмати Виготскийнинг маданий-тарихий концепциясига асосланган шахснинг оригинал концепциясини ишлаб чиққанлигидадир. Реактивликка, турғунликка ва шахс озодлигига қарама қарши қўйилган фаоллик тўғрисидаги тасаввурлар унинг шахс концепциясининг асосини ташкил этади.

“Шахс ва унинг болаликдаги шаклланиши” монографиясида Божович шахс деганда “психик тараққиётнинг маълум даражасига етган инсонни” тушинади. Бу даража унинг томонидан шундай бир ҳолат сифатида талқин қилинадикки, “инсон ўз-ўзини англаш жараёнида ўзини ўзга кишилардан фарқ қиладиган ва “Мен” тушунчаси билан ифодаланадиган ягона яхлитлик сифатида идрок этади ва ҳис қилади”. Божовичнинг фикрига кўра, шахс деб аталиши учун инсон “шахсий қарашлари ва муносабатларига, уни нисбатан турғун ва ўзгаларнинг қарашларига боғлиқ бўлмаган шахсий ахлоқий талаблари ва баҳолари”га эга бўлиши лозим”.

Шахснинг зарурий характеристикаси “фаоллик” бўлиб, у “атроф воқеликка онгли таъсирда, ўз мақсадлари йўлида унинг ўзгаришида; ўз хулқ-атворини, фаолиятини ва ўзининг психик тараққиётини бошқариш

қобилиятида” ўз аксини топади.

Божович нафақат йирик назариётчи, балки ажойиб амалиётчи ҳамдир: 30 йил давомида у умумий ва педагогик психология илмий тадқиқот институтида шахс шаклланиши психологияси лабораториясини бошқарди. Бу лабораторияда унинг раҳбарлигида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар Суворов билим юртларида, мактаб-интернатларда, тарбияси оғир болалар билан ишлайдиган мактабларда ўтказилди

Божович раҳбарлигида лаборатория ходимлари билан 30 йил давомида амалга оширилган илмий ишлар нафақат экспериментал психология, балки умуман психология фани тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Бу ишлар мотивация муаммоларига, совет ўқувчиларини ўқитиш масалаларига, мотивларнинг устунлиги ва шахс йўналганлиги муаммоларига бағишланган эди. Божович идеалларни, олий туйғуларни, ироданинг ихтиёрийлигини тадқиқ қилишга алоҳида эътиборини қаратади.

Кўплаб қаршиликлар бўлишига қарамасдан олима ва унинг ходимлари томонидан ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш, аффект ва эмпатия, конформизм ва шахснинг турғунлиги масалалари ўрганилади ва ўша даврнинг илғор европалик психологлари шағилланган масалаларни ҳам ўз тадқиқотларида қамраб олади.


У совет жамиятини европача гуманизм анъаналари асосида қуришга интилади. Масалан, Т.Е.Конникова билан ҳамкорликда пионер ташкилоти муаммоларини, жумладан уларда коллективизмни тарбиялаш масалаларини ўрганади. Унинг фикрига кўра, коллективизм ўзида альтруизмни, саховатни, ҳамдардликни мужассамлаштиради. Айнан шу пайтларда Божович лабораториясида ходимлари билан мамлакат психологияси лексиконига “эмпатия” тушунчасини киритади.

Божович позицияси совет психологияси учун оғир йилларда бошқаларнинг позицияси билан келишиб кетавермасди. Шахсни экспериментал ўрганиш ғоясининг ўзи ўз даврида кескин танқид остига олинади ва совет тузуми мафкурасига мос келмасликда айблашадилар.

Лидия Ильинична Божович ўз ҳаёти давомида ўша даврларда тақиқланган Фрейд, Роджерс, Хорни ва бошқа машҳур чет эл психологлари асарларидан илмий матнларида фойдаланади.

Л.И.Божович 1981 йилда вафот этди. Унинг психология фанига қўшган ҳиссаси экспериментал методи бўлиб, бу метод психологиянинг бошқа соҳаларида ҳам кенг қўлланила бошланди. Амалда Божович томонидан амалга оширилган ҳар бир тадқиқот Божович мактабига асос солинишига ва унинг шахс назариясининг яратилишаги хизмат қилади.

# Виктор Эмиль Франкл (1905 - 1995)



Виктор Эмиль Франкл 1905 йил 26 мартда Вена шаҳрида еврей оиласида таваллуд топди. Ўқиш жараёнида у психоанализ билан қизиқади. Унинг қизиқишларини ҳаётга татбиқ этишга катта имконият бор эди: Зигмунд Фрейд Венада яшарди ва Вена психоаналитик жамияти фаолият кўрсатар эди.

В.Франкл З.Фрейдга қизиқарли мактуб йўллади ва тезда жавобини ҳам олади. Шундай қилиб, улар ўртасида ёзишмалар бошланади. Психоанализнинг асосчисига қизиқарли фикрларни илгари сураётган фаол ва қизиқувчан ўсмир ёқиб қолган эди. У Франклга мақоласининг психоанализнинг Халқаро журналида чиқишига ёрдам беради. Бироқ психоаналитик фанларнинг турли хил йўналишларини ўрганар экан, Франклга Адлер ғоялари ёқиб қолади. Маълумки, Адлер психотерапиянинг иккинчи Вена мактабига асос солган эди ва бу билан психологиядаги Фрейд йўналишидан бошқасини танлаган эди.

1924 йилда Виктор Франкл Вена университетига ўқишга киради ва бу ерда психотерапия билан шуғиллана бошлайди. Бир неча йил ўтгач, у ўз танловини узил-кесил ҳал қилади ва индивидуал психологиянинг Адлер мактабига қўшилади. Индивидуал психологиянинг Халқаро журналида у ўзи танлаган йўлни эълон қилади ва мазкур мактабнинг барча ғояларига тўлиқ садоқатини ифода этади.

Бу алоҳида олинган психолого-терапевтик тизимнинг моҳияти шунда эдики, барча инсоний хатти-ҳаракатларни ҳокимиятга ва таъсир кўрсатишга нисбатан интилиш орқали тушунтириш мумкин. Болалиқда инсон одатда ўз “мен”лигини, индивидуаллигини реализация қила олмайди, бунинг натижасида маълум комплекслар пайдо бўлади. Уларнинг пайдо бўлишига инсоннинг ижтимоий ҳолатининг мукамал эмаслиги ёки турли хил гуруҳларда унинг мавқеининг пастлиги сабаб бўлиши мумкин. Бу комплекслар ёки дунё устидан ҳукмрон бўлиш туйғусини (ҳукмронлик яқинларга тазйиқ ўтказиш, буюклик манияси, такаббурлик йўллари билан юзага чиқади), ёки аксинча имконсизликни суъиистемол қилиш истагини пайдо қилади. Бу эса ўз ўрнида нерв касаллигига ва ижтимоий камситилишга олиб келади. Индивидуал психологиянинг асосий вазифаси неврозга сабаб бўлган ҳаёт линиясини топишдан ва пациентни рағбатлантириш методи ёрдамида

даволашдан иборат.

Бироқ бу йўналиш В. Франклда туғилган ғояларга тўлиқ жавоб бермайди. Унинг қарашлари тезда хамфикрлари қарашларидан фарқ қила бошлайди ва 1927 йилда “Индивидуал психология Жамияти”ни тарк этади. Шундай бўлсада Альфред Адлер билан мулоқот унга катта таъсир кўрсатади ва Франклнинг бутун ижоди айнан индивидуал психология билан боғлиқ ҳолда кечади.

Бу вақтга келиб унда “логотерапия” тушунчаси шаклланиб бўлган эди ва бу термин келажакда унинг психоаналитик концепциясининг асосий тушунчаларидан бирига айланади. Бу терминга Франкл бошқа психологларга нисбатан кўпроқ маънони юклайди. Унинг учун юнонча “логос” шунчаки “вербал акт бўлган сўз” эмас, балки “асосий маънони, моҳиятни англатадиган сўз” ҳисобланган сўздир.

1928 йилда В. Франкл Венада Ёшларга маслаҳат бериш Марказига асос солди ва уни бошқарди. 1930 йилда тиббиёт доктори даражасига эга бўлади ва университетнинг нейропсихология клиникасида ишлай бошлайди. Бу вақтда у клиник амалиёт билан фаол шуғиллана бошлайди ва турли хил тиббий журналларда чиқишлар қилади. У “пародаксал интнция техникаси” деб ном олган даволашнинг алоҳида техникасини ишлаб чиқди. Бу метод инверсион характерга эга бўлиб, “ёмондан қочиш” тамойилига асосланади. Врач пациентнинг невропатик касаллик белгиларини “рағбатлантиради”, унинг хавфини мустаҳкамлайди, шу билан бирга ижобий натижага эришилади. Клиник психиатриянинг бу тажрибаси асосида секин аста логотерапия ғояси шаклланади ёки, Франклнинг фикрича, экзистенциал таҳлил шаклланади. Логотерапияда олим психоаналитик методларни ҳам, индивидуал психология методларини ҳам инкор этади. Психиатриянинг бу методини яратар экан, у инстинктив эмас, балки шахснинг руҳий мазмунини билишга интилади.

Бу йўналишдан ташқари Франкл қатор амалий психология масалаларини кўриб чиқади, масалан, 1933 йилда у ишсизлик неврозини тадқиқ қилди.

1938 йилда Австрия нацистлар рейхининг ҳукмронлиги остида қолади ва бу Франкл учун фожеали даражада хавфли эди. Бундан сал олдин унга Америкага кетиш таклифини беришганда у бу таклифни инкор этади. Натижада у фашистларнинг концентрацион лагерига тушиб қолади. Бу ерда уни яхудийлиги учун ўлимга ҳукм этишганида оддий тасодиф билан омон қолади, яъни лагернинг бошлиғини у урушгача даволаган бўлади ва у Франклни ўлимга ҳукм этилганлар рўйхатидан ўчириб ташлайди. Шу йўл билан тирик қолга Франкл ўз амалиётини давом эттиради ва Венада Ротшильднинг яхудийлар касалхонасида бўлим бошлиғи бўлиб ишлайди. Шунинг учунмикин, 1942 йилда уни концлагерга жўнатишади ва олим уч йил ўша ерда қолиб кетади ва 1945 йилда уруш тугагандан кейин озод қилинади.





тўлдиришдир. У логотерапия деб аталган ўзининг оригинал концепциясини яратади ва бунда психоанализнинг классик концепцияларида топилган камчиликларни йўқотади.

Олимнинг тақдири дарҳақиқат қийин кечди. У нацистлар оккупацияси цилларини бошидан кечирди, уч йил озгина одамлар тирик қолган концлагерда яшади.

Фанга интилиш, фикрларини чоп эттириш истаги, Франклни яшашга ундади. Урушдан кейин у ўз назариясини риводлантирди. Ўзгалардан фарқли ўлароқ унинг концепцияси тайёр дерективалар ва қоидалардан иборат эмас. Ҳаракатларнинг аниқ услублари ҳақида сўрашганларида Франкл одатда шундай деб жавоб берарди: "Бу худди гроссмейстердан қандай шахмат юриши энг яхшиси деб сўрагандай гап". Дарҳақиқат, ахир ҳар бир инсоннинг ўзининг яшаш мазмуни бўлади.

# Вильгельм Вундт

(1832 - 1920)



Вильгельм Вундт 1832 йил 16 августда Баден шаҳрида таваллуд топган. Ёшлигида у тиббиёт билан қизиқади. 1851 йилдан 1856 йилгача Гейдельберг, Тюбинген ва Берлин университетларида тиббиётни ўрганади.

1858 йилдан Вундт “Ҳиссий билиш назарияси бўйича докладлар” мақолаларини чиқаради. Ўзининг бу илк ишларида у психологиянинг асосий тушунчаларига нисбатан ўз қарашларини акс эттиради. Унинг фикрича, психология – бу табиат ҳақидаги фан бўлиб, у табиий-илмий тамойилларга ва методларга мос ҳолда ўрганилиши лозим.

Психологик фаннинг энг муҳим тамойилларидан бири деб Вильгельм Вундт экспериментал методни чексиз ҳолда қўлланилишини ҳисоблайди. Психологиянинг асосий вазифасини у сезги аъзоларига жисмоний таъсир натижасида қандай қилиб сезги пайдо бўлади деган саволга жавоб сифатида белгилайди.

Вильгельм Вундт ўзининг кейинги ишларида психиканинг рефлектор ва детерминистик концепциясини ривожлантиради ва психик жараёнлар назариясини тараққиётнинг маҳсулотлари сифатида кўради.

1864 йилга келиб Вильгельм Вундт - Гейдельбергда физиология профессори, 1874 йилда у Цюрихда, 1875 йилдан бошлаб эса фалсафа профессори бўлди.

1878 йилгача унинг илмий ишлари физиология муаммоларига бағишланган эди. Бу вақтларда ёзилган ишларидан бири унинг “Физиологик психология” китоби 1873— 1874 йилларда ёзилди. Унда Вундт психиклик тушунчасини батафсил кўриб чиқади ва психикликни сезги органларига бўлган ташқи таъсир билан ҳаракатлар ўртасидаги оралиқ звено деб ҳисоблайди. Бу кутилмагандаги ҳаракатни ҳиссий тасаввур билан биргаликда у асосий психологик функциялар сифатида кўради.

1875 йилда унинг яна битта китоби чоп этилади – “Материя назарияси”. Унда Вундт Гельмгольц томонидан ишлаб чиқилган “Белгилар назария”га нисбатан ҳамфикр эканлигини изҳор қилади. У тасаввур нарсаларнинг ўзи эмас, балки уларни кўрсатиб турган

белгилар деб ҳисоблайди. Тундай қилиб, айтиш мумкинки, Вундт ташқи таъсир билан сезгилар ўртасидаги параллелизм назариясини маъқуллайди.

1879 йили Лейпцигда Вундт дунёда биринчи марта экспериментал психология бўйича лабораторияни ташкил этади ва у кейинчалик институтга айлантирилади. Бу ер узоқ йиллар давомида муҳим халқаро марказ сифатида фаолият кўрсатади ва Европа ва Американинг кўплаб мамлакатларидан келган олимлар учун илмий мактаб ролини ўйнайди. Бу лабораторияда сезги, турли хил қўзғатувчиларга нисбатан реакция вақти, ассоциациялар, диққат, инсоннинг содда ҳислари тадқиқ қилинди.

Психологиянинг экспериментал фанга айланиши жараёнида Вундт ҳозирги замон тадқиқотларининг намунасини ишлаб чиқади. Унинг табиий-илмий методни тушунишича, ҳар қандай илмий тадқиқот қатор асосий талабларни қондириши зарур. Биринчидан, кузатилаётган ҳодиса бир қанча муддат кузатувчининг аниқ идрок майдонида туриши лозим. Чунки психик ҳодисалар ўта мураккаб бўлиб, аниқ идрокнинг шаклланиши учун маълум вақт талаб қилинади. Баъзида шунга ўхшаш вазиятларда қайта қайта идрок этиш лозим бўлади.

Вундтнинг фикрига кўра, бундай талабларнинг амалга оширилиши психологияда аввалом бор ўрганиш объектини тақозо қилади. Агар Ж.Докк давридан бери шундай объект сифатида фақатгина инсоннинг “ички тажрибаси” олами тан олинган бўлса, Вундт кечинмаларнинг барча сферасининг таҳлилига, барча “бевосита” тажрибага эътиборни қаратади, унинг учун тажрибанинг ичкилиги ёки ташқилиги аҳамиятга эга эмас. Вундт бу тажрибани “билвосита” тажрибага қарама қарши қўяди, яъни предметлар ва идеал маънолар оламига. Бу тажриба инсонга унинг кечинмалари “воситасида” кашф этилади, бироқ унинг ўзи психологиянинг эмас, балки ўзга фанлар (физика, кимё, биология ва ҳ.) нинг ўрганиш объекти ҳисобланади.

1883 йилда Вундт дунёда биринчи экспериментал психологиянинг “Фалсафий тадқиқотлар” («Philosophische Studien») журнаliga асос солди.

Вильгельм Вундт умрининг кейинги йигирма йилини халқлар психологиясини ўрганишга бағишлади. Халқлар психологиясини у психологиянинг тожи деб билади. Вундт инсоний жамиятларнинг умумий тараққиёти асосида ётадиган жараёнларни ва умуинсоний қадриятларни ўзида мужассам этган ҳамкор руҳий маҳсулотларнинг пайдо бўлишини ўрганади. Бундай ёндашувнинг натижасида Вильгельм Вундт жамият ва маданият тараққиётини психик сабаблар ва шароитларга буришга ҳаракат қилади. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, Вундт психологияни универсал фан дея идеаллаштиради.

Бироқ халқлар психологиясининг тадқиқот предметини олий психик функциялар дея чегаралар экан, Вундт ижтимоий психологияга

этиборини қаратмади. Шундай бўлсада уни маданият психологиясининг асосчиси деб аташ мумкин. Унинг томонидан яратилган халқлар психологиясининг асосида индивидлар психик тараққиётининг ижтимоий алоқадорлиги ва уларнинг ўзаро таъсири тўғрисидаги фикр ётади. Тил, дин, афсоналар ва фольклор сингари ижтимоий-маданий феноменларни ўз ишининг бир қисми сифатида кўради. Позитивизмни психологияга олиб кирганлар психологиянинг вундтча вариантини инкор этганлиги факти шу билан тушунтирилади.

1912 йилда Вильгельм Вундт унинг илмий фаолиятининг ўзига хос натижаси бўлган китобни чоп эттиради. Унда олим психологиянинг асосий тушунчаларини табиий фанлар билан қиёсий жабҳада кўриб чиқади.

Кўплаб психологларнинг ижодини таҳлил қилар экан, Вундт психология тушунчасининг иккита асосий таърифини алоҳида ажратиб кўрсатади. Бири бўйича психология “жон ҳақидаги фан”дир. Бунда психик жараёнлар сифатида талқин қилинади. Уларни таҳлил қилар экансиз, сиз беихтиёр метафизик психик субстанция асосида ётадиган моҳият тўғрисидаги хулосага келасиз. Бошқа таъриф бўйича психология “ички тажриба фани”дир. Унга кўра психик жараёнлар тажрибанинг алоҳида туридир. Бу тур биринчи навбатда шу билан фарқ қиладики, унинг предметлари “ўз ўзини кузатиш”га ёки “ички” ҳиссиётга тўғри келади.

Бироқ, Вундтнинг фикрича, бу таърифлардан бирортаси ҳам замонавий илмий нуқтаи назарни қониқлантиради. Биринчиси – метафизик, иккинчиси – эмпирик. Бунинг асосида Вильгельм Вундт табиий фанларни ва психологияни экспериментал ҳолда олинган тажрибани таҳлил қилишда икки хил йўналиш сифатида белгилайди. Биринчиси – табиий фанлар бўлиб, бунда улар субъектга боғлиқ бўлмаган деб ҳисобланган хусусиятлардаги тажрибани ўрганишади. Иккинчи йўналишга психология киради: у субъектга муносабатларга нисбатан бўлган тажрибанинг тўпланма мазмунини кўриб чиқади.

Вильгельм Вундт ўз ишида чиқарган хулосага кўра, табиий фанлар ҳам, психология ҳам эмпирик фанлар ҳисобланади, чунки улар ўзининг вазифаси сифатида тажрибани тушунтиришни билишади. Бунда психология қатъий эмпирик фан ҳисобланади.

Вильгельм Вундт 1920 йил 31 августда Лейпциг ёнидаги Гросботен шаҳрида вафот этди. У экспериментал психология фанининг яратилиши ва ривожланишига қўшган ҳиссаси беқиёс. Унинг биринчи экспериментал психология лабораториясида Европа ва Американинг кўплаб олимлари ишлашдилар. Уларнинг орасида қуйидаги рус психологлари ҳам бор: Н.Н. Ланге, А.Ф. Лазурский, Д.Н. Узнадзе. Бундан ташқари Вильгельм Вундт этнопсихологиянинг ҳам асосчиси ҳисобланади.



# Петр Яковлевич Гальперин (1902 - 1988)



Петр Яковлевич Гальперин 1902 йил 2 октябрда Тамбовда таваллуд топди. Унинг отаси, Яков Абрамович, аввалига уезд врачлари эди, кейинчалик у машҳур профессорю нейрохирург ва отоларинголог бўлди. Айнан унинг ўзи фарзандида илмга нисбатан муҳаббат ва психологияга қизиқиш уйғотади. Петр Яковлевичнинг онаси 1917 йилда автоҳалокатда вафот этади.

Ўзининг бўлғуси хотини Тамара Мерзон билан Петр Гальперин Харьковда тиббиёт институтининг даволаш факультетида бирга ўқиган эди. Институтни тугатгандан сўнг у Марказий Украина психоневрологик институтида олдинга врач-психоневролог бўлиб, кейинчалик эса психолог бўлиб ишлади.

1936 йилда П.Я.Гальперин “Инсоннинг қуроллари ва ҳайвонларнинг ёрдамчи воситалари ўртасидаги психологик фарқлар тўғрисида” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилади. Бу иш олимнинг шаклланиб бўлган қарашларини ўзида акс эттирган тўлақонли илмий асар эди. Унда Гальперин тафаккур турли хил шакллари тараққиётининг нотекислиги ғоясини кўтариб чиқади, шунингдек онтогенезнинг (индивидуал тараққиётнинг) турли хил даражаларида тафаккур ва амалий фаолият ўзаро муносабатларининг сифат жиҳатдан фарқи тўғрисидаги қонунларини илгари суради.

Инсон ва ҳайвонлар ўртасидаги фарқлар мисолида П.Я.Гальперин психологиянинг предмети ва асосий вазифаларига нисбатан ўз қарашларини илгари суради. Унинг фикрича, инсон ҳаётида ҳайвонларникидан фарқли ўлароқ ўзгарувчан вазиятлар кўпроқ учрайди. Бу хатти-ҳаракатлар стереотип ҳолда дастурлашган кўринишда амалга ошмайди. Бундай шароитларда бош ҳаётий масала ҳаракатлар майдони аҳамиятли элементларининг адекват ориентировкаси ва уларнинг муҳим ўзаро алоқалари ҳисобланади. Шунга асосланган ҳолда Гальперин шундай хулоса қилади: психик фаолият ўзининг моҳиятига кўра ориентировка фаолиятидир. Шунда психологиянинг асосий вазифаси ориентировка фаолиятининг қонунларини, тузилишини ва шарт-шароитларини, унинг шаклланиш хусусиятларини ва инсоният тараққиётининг турли хил босқичларидаги

ўзгаришларини ўрганишдан иборат. Умумий психология предметини шундай тушуниш психик жараёнлар, яъни мўлжалга олиш (ориентировка) фаолиятининг алоҳида шакллари бўлган идрок, тафаккур, хотира тўғрисидаги тасаввурни бутунлай ўзгартириб юборади. Гальперин психик “идеал” ҳаракатларни амалга оширадиган майдон ҳисобланган иккита асосий планни ажратиб кўрсатади: субъект ҳолатининг ташқи ва ички планларини. Шундай қилиб, нафақат ташқи, балки ички жараёнларни тушуниш ҳам ўзгаришга учрайди.

Шундай қилиб, эмоциялар П.Я. Гальперин томонидан ечимнинг интеллект талаб этилмайдиган усулларидадан фойдаланиладиган ва инсон учун ҳаётий муҳим бўлган вазиятларда ориентировка олиш сифатида тушунилади. Шунингдек, ирода ориентировка фаолияти позициясидан келиб чиққан ҳолда кўриб чиқилади. Гальпериннинг фикрига кўра, бу ориентировка махсус муаммоли вазиятларда, яъни бир томондан, вазиятни рационал ва эмоционал баҳолашда, иккинчи томондан, хулқ-атворни ижтимоий баҳолашда ва ундан келиб чиққан ҳолда ижтимоий маъқулланган баҳоларда қўлланилади.

1943 йилда Петр Яковлевич машҳур психолог Рубинштейн таклифи билан Москвага кўчиб ўтади ва бу ерда у Москва давлат университетининг кафедрасида доцент бўлиб ишлайди. Бу даврда у ўзининг шахсий назарияси устидаги ишларини давом эттиради ва 1950 йилларнинг охирига келиб бу назария тўлиқ шаклланиб бўлди. У барча педагогларда пайдо бўладиган амалий масалаларни назарий ҳал этишга уриниш сифатида пайдо бўлди. Унинг маъноси шундаки, қандай қилиб ўқувчиларни мантиқий, математик ва бошқа масалаларни осонлик билан ва тез ечишга ўргатиш мумкин.

Шу маънода 1953 йилда Москвада психология бўйича ўтказилган йиғилишда Гальпериннинг ақлий ҳаракатларни шакллантириш тўғрисидаги доклади катта воқеа бўлганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзининг чиқишида у шундай фикрни айтадики, ақлий ҳаракатлар – бу ташқи моддий ҳаракатларнинг ички ҳаракатларга айланиши бўлиб, ташқи ҳаракатларнинг идрок, тасаввур ва тушунчалар кўринишига айланиши натижадир.

Вақт ўтиши билан Гальпериннинг ақлий ҳаракатлар ва тушунчаларни шакллантириш механизмлари ва уларнинг асосий характеристикалари тўғрисидаги тасаввурлари ўзгара борди, назарияси ривожлана борди. Асосий тушунчаларнинг шаклланиш даври биринчи босқич бўлиб, у XX асрнинг 70-йилларгача давом этди. Бу вақтда Гальперин ҳаракатнинг тўртта бирламчи параметрларини ажратиб кўрсатади: ижро даражаси, умумлаштириш ўлчови, амалда бажарилган операциялар тўлиқлиги ва ўзлаштириш ўлчови.

Ҳаракатнинг ижро даражаси унинг шаклланиш хусусиятларини назарда тутаяди. У ташқи моддий шаклда бошланади, ташқи нутқ даражаси ва “ўзи ҳақидаги нутқ” даражаси орқали ички планга ўтади.

Ҳаракатларни умумлаштириш - бу объектнинг айнан ҳаракатни бажариш учун зарур бўладиган кўп турли хусусиятларини ажратишдир.

Бажариладиган операцияларнинг тўлиқлиги ҳаракатларни қисқартириш билан бўлади. Ҳаракатни қисқартириш – унинг барча операцияларини ўзаро алоқадорликда кўрсатиш дегани. Ҳаракатни бажариш баробарида операциялар онгли ёки тасодифий содир бўлиши мумкин. Тасодифий қисқарганда ўқувчи у ёки бу операцияни нама учун ўтказиб юборишлигини тушунмайди, онгли содир бўлганда эса қисқартириш соддалаштириш мақсадида қўлланилади. Ҳаракатни ўзлаштириш даражаси ўта муҳим ва аҳамиятли параметр ҳисобланади. Ҳаракатнинг нисбатан илк шаклини етарли даражада ўзлаштирмасдан кейингисига ўтиши мумкин эмас. Бундан ташқари, нисбатан илк шаклда ўта узоқ қолиб кетиш кейинги шаклга ўтишни қийинлаштириб қўяди.

Психик ҳаракатларнинг юқорида айтилган барча хусусиятлари унинг сифатини белгилайди. Бу сифат қанча юқори ривожланган бўлса, ҳар бир ҳаракатнинг умумлаштириш, қисқартириш ва ўзлаштириш даражалари шунчалик юқори бўлади. Асосий, бирламчи параметрлар базасида уларнинг аралашмаси натижаси сифатида иккиламчилари шаклланади: ақллилик ва англоланлик.

Гальперин назариясида психик ҳаракатнинг ақллилиги ҳаракатнинг муҳим хусусиятларига йўналишни аниқлайди, унинг тарқалганлигини ва нафислигини белгилайди. Англоланлик ўқувчининг унинг бажарилиш жараёнида ҳаракатларга тўлиқ ва тўғри нутқий ифодани бериш кўникмасини белгилайди. Ўқувчи томонидан ҳаракатнинг товушда ифодаланиши муҳим характеристика ҳисобланади, чунки ҳаракатларнинг ихтиёрийлигини белгиси бўлиб хизмат қилади.

1960 йилларнинг охирига келиб 1953 йилдаги докладда келтирилган ақлий ҳаракатлар тузилмасининг схемаси конкрет психик жараёнлар ва ҳодисаларнинг пайдо бўлиш назариясига айланди. У Петр Яковлевич раҳбарлигида бажарилган кўп сонли экспериментларда ўз тасдиғини топди. 1965 йилда у “Ақлий ҳаракатлар ва тушунчаларнинг шаклланиши” муаммоси бўйича тадқиқотларнинг асосий натижалари” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Унда назариянинг нисбатан умумий жиҳатлари ўз аксини топган.

Моҳиятан таълим психологиясининг асосий муаммоларини ўз ичига қамраб олган масаланинг бундай мукамал талқин қилиниши Петр Яковлевич Гальпериннинг келажагига таъсир кўрсатмасдан қолмади. 1971 йилда у ёш давлари психологияси кафедрасининг мудири, 1983 йилдан эса мазкур кафедранинг профессор-консультанти бўлди.

1970—1980 йилларда мазкур назария нисбатан батафсилроқ кўриб чиқилди. Бу даврга келиб психик ҳаракатларнинг янги параметрлари, яъни умумлашганлик ва танқидийлик пайдо бўлди.



Умумлашганлик даражаси ҳаракат муваффақиятли амалга оширилиши мумкин бўлган шароитлар диапозонини белгилайди. Танқидийлик эса объектив воқеликка ҳаракатларнинг мос ёки мос эмаслигини баҳолайди.


Бу вақтга келиб ҳозирги замон психологиясининг баъзи муаммоларини ҳал қилишга тадбиқ этилган психик жараёнларнинг пайдо бўлиш назарияси бўйича қатор ишлар дунёга келади. 1976 йилда Гальпериннинг “Инсоннинг инстинктларига доир” деб номланган мақоласи чоп этилади. Унда олим инсон ва ҳайвон психик фаолиятини қиёсий таҳлил қилади. У “биологик” ва “органик” деган категорияларга алоҳида эътибор қаратади.

П.Я.Гальперин айтадики, биологик тур сифатида инсоннинг муҳим характеристикаси – унинг эҳтиёжларини қондиришнинг усуллари ва шаклларида биологик олдиндан белгиланганликнинг йўқлигидир. Дунёга инстинктив ёндашувнинг эволюцион заифлашуви қанчалик кўп бўлгани сари ориентация фаолиятининг характериға ва маҳмуниға шунчалик кўп талаблар қўйила бошлайди.

Унинг илмий фаолиятининг хулосаси ҳисобланган “Психологияға кириш” номли асосий асари 1976 йилда чоп этилади. Маълумки, у мазкур китобнинг кейинги нашрини ҳам тайёрлаган эди, бироқ бу ишни охириға етказа олмади. Олим 1988 йилнинг 25 мартада оламдан ўтди.

# Станислав Гроф

(1931 - )



Станислав Гроф, таниқли америкалик врач ва келиб чиқиши чех бўлган олим, қирқ йилдан ошиқ вақт давомида онгнинг ғайритабиий ҳолатларини ва руҳий ривожланишини тадқиқ қилди. У Прагада 1931 йил 1 июлда таваллуд топади ва кейинчалик трансперсонал психологиянинг асосчисига айланади.

1956 йилдан 1967 йилга қадар С. Гроф амалиётчи психиатр-клиницист бўлиб ишлайди. Бу пайтда уни психоанализ кўпроқ қизиқтиради. 1959 йилда Гроф ўз даврида обрўли бўлган, психиатрия соҳасида улкан ютуқлари учун ҳар йили бир марта бериладиган миллий чехословакия мукофоти - Кюффнер мукофотиغا сазовор бўлади. 1961 йилдан бошлаб у психик касалликларни даволашда ЛСДдан фойдаланиш бўйича Чехословакия тадқиқотларига бошчилик қилади.

Ўзининг тиббий карьерасининг бошида у классик психоаналитик эди, назорат қилинадиган шароитларда психиатрияда қўлланиладиган психотроп моддалар психоанализ жараёнини сезиларли даражада тезлаштиришига ишонар эди. Бироқ ЛСД-психотерапияни ўтказишда инсонда пайдо бўладиган кечинмаларнинг катта диапозони тезда психиканинг фрейдча модели назарий жиҳатдан чегараланганлигини исботлади. Бу тадқиқотлар натижасида психиканинг Фрейдча картографиясидан фарқ қиладиган янги картографияси пайдо бўлди.

Мазкур тадқиқотлар натижасида психиканинг Фрейдча картографиясидан фарқли ўлароқ, янги картография дунёга келди. Бу картография учта соҳадан иборатдир:

1) Фрейд томонидан ишлаб чиқилган шахсий ва биографик англомаганлик;

2) Юнг томонидан ишлаб чиқилган трансперсонал англомаганлик;

3) перинатал англомаганлик. У шахсий ва трансперсонал англомаганлик ўртасида “кўприк” ролини ўйнайди. У ўлим ва қайта тирилиш бўйича символизм ва конкрет кечинмалар билан тўлдирилган.

Гроф томонидан илгари сурилган ва доимий ривожлантирилган, кенгайтирилган психиканинг картографияси нафақат ғарб психологиясининг кўплаб картографияларига, балки амалда барча маълум шарқ ва диний картографияларга ҳам мос тушади.

Грофча картографиянинг улканлиги ва универсаллиги шундаки,

инсоннинг руҳий-фалсафий тараққиётнинг қандай йўлидан кетишидан қатъий назар, энергиянинг маълум даражасини эгаллаш бўйича бир хил масалаларни ечишига тўғри келади.

1967 йилда Гроф психиатрик тадқиқотларни қўллаб-қўлтиқлаш Фонди (АҚШ) стипендиясини қўлга киритади, шунингдек унга Джон Хопкинс Университетида икки йиллик стажировкани ўташ имконияти берилади. Сўнгра АҚШдаги доимий яшаш жойига етиб келгач, у илмий-тадқиқот фаолиятини психиатрик тадқиқотларнинг Мэриленд марказида давом эттиради.

1973 – 1987 йиллар давомида С. Гроф Эсален институтида (Биг-Сур, Калифорния) яшайди ва ишлайди. Бу даврда хотини Кристина билан бирга у холотроп нафас олиш техникасини ишлаб чиқади. Бу техника шахс ривожланишининг, ўз ўзини англашининг ва психотерапиясининг уникал методикаси ҳисобланади.

Холотроп нафас олишнинг моҳиятини ва аҳамиятини тушуниш учун Гроф томонидан қўлланилган терминологияни таҳлил қилиш лозим. Ҳар қандай киши умри давомида кутилмаган интенсификация эга бўлади ва одатда у инсон ҳаётининг экстремал вазиятларига мос келади (экстаз, фалокат, ўлим, руҳий янгилаш, катарсис). Бу ноанъанавий ҳолатлар ичидан онгнинг холотроп ёки яхлит ҳолатлари ажралиб чиқади ва бу алоҳида қудратли терапевтик ва янгиловчи потенциалга эга бўлади (от holos — “яхлит” ва trepein — “...га ҳаракат”). Холотроп ҳолатлар инсон ҳаётининг типик мувозанатли ҳолатлари ҳисобланади.

Онгнинг холотроп ҳолатлари тадқиқотлари шуни кўрсатадики, эмоционал ва психосоматик касалликларни, жумладан психозларни туғилишдан кейинги муаммолар билан тушунтириб бўлмайди. Балки улар либидо тараққиётидаги четга оғишлар билан ёки объектив ўзаро муносабатлар шаклланишидаги девиациялар билан тушунтириш мумкин.

Бу эмоционал ва психосоматик касалликлар Гроф томонидан қўлланилган тадқиқотларга мос ҳолда перинатал ва трансперсонал соҳалардаги кўп даражали структураларга эгаллиги аниқланди. Шундай қилиб, Грофнинг фикрича, юқоридаги касалликлар нафақат биографик динамика билан, балки перинатал ва трансперсонал динамика билан ҳам тушунтирилади.

Даволаш стратегияси, шундай қилиб, нисбатан мувффақиятлироқ амалга оширилади: англолмаган перинатал кечинмалар мураккаб эмоциялар ва тана сезгиларининг матричасини ташкил этади. Бу кечинмалар психопатологиянинг турли хил шакллари потенциал манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Психотерапияда холотроп стратегия онгнинг ноодатий ҳолатларини ўрганиш натижалари асосида шаклланади. Бундан қўзланган асосий мақсад англолмаганликни фаоллаштириш,

эмоционал и психосоматик симптомлардаги энергияни эркин қўйиб юбориш ва бу симптомларни кечинмалар оқимига айлантиришдан иборат.

Холотроп терапияда теерапевтнинг роли кечинмалар жараёнини қўллаб-қўлтиқлашдан ва қийинчиликсиз уларни бошқариш ёки уларни ўзгартиришдан иборат.

Гроф тадқиқотларига кўра, туғилишдаги жароҳат, ўз туғилиш ва ўлимнинг феномени энергиянинг яширин қаймоғи ҳисобланади, инсонда ўлим хавфи туғилганда ёки бирор бир экстремал ҳолатларда фаоллаштирадиган ўзига хос структурадир. Бу структура инсонда у ўта чиранганда ҳар сафар фаоллашади ва бу ривожланишга, ижод ундайди. Перинатал тажриба орқали ўтар экан, инсон кечинмаларнинг катта майдонига уланади ва улар конкрет одамга тааллуқли бўлмай, балки ақлли инсоннинг турига, планетамизни эгаллаган тирик мавжудотларга хос бўлади.

Бой клиник тажрибага асосланган ҳолда гроф картографияси холотроп ҳолатга кириш қодаларини ва туғилиш моментига ўхшаш момент кечинмалари шарт-шароитини белгилайди. Грофнинг фикрича, инсоний психика шундай қурилганки, у турли хил ҳолатларга кирар экан, қийинчиликсиз уларда ҳаракатланади.

Гроф Халқаро трансперсонал ассоциациянинг (ІТА) асосчиларидан бири ҳисобланади ва узоқ вақт унинг Президенти бўлиб ишлади. 1993 йилда трансперсонал психология тараққиётига қўшган катта ҳиссаси учун трансперсонал психология Ассоциациясининг фахрий мукофотига сазовор бўлади.

Бугунги кунда С.Гроф – интеграл тадқиқотларнинг Калифорния институти психология факультетининг профессори ҳисобланади. Бундан ташқари, у бутун дунё бўйича маъруза ва семинарлар билан чиқишлар қилиб туради. С.Гроф юздан ортиқ мақолалар ва ўн тўртта китоб ёзди ва улар дунёдаги ўн иккита тилига таржима қилинган.

# ДАВИД ЮМ

(1711 - 1776)



Буюк инглиз психологи ва файласуфи Давид Юм 1711 йилда Шотландиянинг пойтахти Эдинбург шаҳрида таваллуд топади. Унинг отаси унчалик бой бўлмаган дворянин эди ва юридик амалиёт билан шуғилланар эди. Унинг ота-онаси фарзандининг отасининг изидан кетишини ва унинг юрист бўлишини истаган эдилар. Бироқ Давид тезда уни бу фаолият тури уни мутлақо қизиқтирмаслигини англаб қолади. У ўсмирлик пайтидаёқ ўз ота-онасига адабиёт, фалсафа ва психологиядан бошқа ҳар қандай ишга нисбатан катта нафрати борлигини тўғридан тўғри эълон қилади.

Бироқ бунинг учун таълим олиш керак бўлади ва у катта пул талаб қилар эди. Ундай пул Юмларнинг оиласида йўқ эди. Шунга қарамасдан Давид Эдинбург университетига қатнай бошлайди ва у ерда психология ва фалсафа бўйича китобларни чонқоқлик билан ўқийди. Бироқ тез орада у яшаши учун пул топиш мақсадида бизнес билан шуғиллана бошлайди. Бунинг учун у Бристольга боради ва ўзини савдогарчиликда синаб кўради.

Савдогар сифатида Давид омадсизликка учрайди. Бу вақтга келиб унинг отаси ҳам оламдан ўтиб қолади. Шундай бўлсада Давид Францияга бориб таълимини давом эттиришга қарор қилади. Онаси унга қарши чиқмайди. 1734 йилда Давид Юм Францияга сузиб кетади ва у ерда уч йил қолиб кетади. У вақтининг кўп қисмини Ля-Флеш шаҳрида (шу шаҳарда қачонлардир Декарт ўқиган эди) ўтказди.

Даставвал Юм ўзини адабиётда синаб кўрмоқчи бўлади, бироқ у Францияда яшаб турган пайтида қанақадир роман ёки қисса ёзмайди, балки учта қисмдан иборат бўлган “Инсоний табиат тўғрисида трактат” номли китобини ёзади. Давид уни Англияда, Лондонда чоп эттиради, бу китоб 1738—1740 йилларда дунё юзини кўради.

Мазкур трактатнинг биринчи китоби билиш назариясини ривожлантиришга, иккинчи китоби эса инсоий аффектлар психологиясига ва учинчи китоби ахлоқ назарияси муаммоларига бағишланган эди. Унда Юмнинг тўлиқ пишиб етилган машҳур назарияси ўз ифодасини топган эди. Уни ўқиганга бирдан мазкур трактат ўзига хос талантли муаллиф томонидан ёзилганлиги аён бўларди. Холбуки Юмнинг бу трактатни ёзишига Локк, Ньютон, Беркли, Цицерон, Бейль,

Бэкон, Монтень, Шефтсбери, Хатчесон ва бошқа олимларнинг ҳам таъсири бўлганди.

Юм этикаси унинг таълимотининг иккинчи кўриниши эмас, балки бош қисми ҳисобланади. Унда “инсон табиати” ўзининг юқори чўққисига чиқади. Юм умрининг асосий қисмини ахлоқ психологиясини ривожлантиришга бағишлайди. Юмнинг фикрича, инсон табиати ўз моҳиятига кўра ўзгармасдир ва инсоннинг барча ҳаракатлари, ишлари қатъий детерминизмга бўйсинади. У Хатчесон и Шефтсбери билан шу масалада келишадики, этика фикрнинг эмас, ҳиссиёт ва интуициянинг иши ҳисобланади. “Ахлоқ қоидалари, деб ёзади Юм, бизнинг ақлимизнинг хулосалари эмас... Бизнинг ишларимизнинг қадрияти ақл билан мослашишда эмас, худди шунингдек уларнинг олдиндан фикрлаши ақлга қарама қарши ҳам эмас”. Шу установакаларда қатнашадиган иррационаллик муддатини Юм қуйидагича тушунтиради: “Аффектлар кўзғалган жойда эркин хаёл учун ўрин йўқ. Ўз табиатига кўра чегараланган бўлган инсоний ақл бир вақтнинг ўзида ўз қобилиятларини юзага чиқара олмайди ва улардан бирининг фаоллиги ошса, унда ўзгаларининг юзага чиқиши учун имконият камаяди”.

Исаак Ньютоннинг гравитация тўғрисидаги таълимотига ўзига хос ҳолда ёндашган Юм “симпатия”ни одамлар ўртасидаги тортишувнинг қандайдир тури сифатида талқин қилади. Гоббсда у ғайритабиий ахлоқнинг тўлиқ инкорини кўради, холбуки баъзиларнинг фикрига кўра, ахлоқ илоҳий келиб чиқишга эга. Бироқ Юм таълимотининг асосий бандларидан бири унинг томонидан аниқланган ва тавсифланган инсоний психиканинг кўп сонли фактлари, унинг эмоционал мазмуни, яъни “рефлексия”. “Инсон табиати тўғрисидаги трактат”нинг иккинчи томи истак ва нафрат, шодлик ва қувонч, ғазаб ва меҳрибонлик, паст кетиш ва ғурур, надомат ва умид ва ҳ. аффектлар ва уларнинг ассоциатив ўзаро таъсирлари ташкил этади.

Юм ишонадики, этика даставвал аффектлар психологиясига айланиши лозим ёки илмий предметга айланиши учун ҳеч бўлмаганда уларга таяниши керак. Унинг назариясидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, валий ҳам, набий ҳам объектив эмас. Барча ахлоқий баҳолар ёлғон эмас ва ҳақиқат ҳам эмас, улар шунчаки қарашларга, кўзғалишларга ва одамларнинг ишларига ўхшаган маълумотлардир.

Юм ҳиссий образлар ёрдамида пайдо бўлган ассоциацияларда тафаккурнинг бош усули кўради. У ассоциатив алоқаларнинг учта турини ажратиб кўрсатади: ўхшашлик бўйича, фазо ва вақтда аралашиб бўйича, сабаб-оқибат алоқадорлиги бўйича. Мазкур турлар доирасида таассуротлар, таассуротлар ва ғоялар, ғоялар ўзаро бир бири билан ва илгари пайдо бўлган кечинмаларни давом эттиришга нисбатан мойиллик ҳолатлари билан ассоциацияга киришади.

Айтиш керакки, китобхонлар мазкур китобни тушунмадилар ва қабул қилмадилар. Эҳтимол, Юм ўз давридан илгарилаб кетгандир ва

жамият унинг назариясини қабул қилишга нисбатан тайёр бўлмагандир. Юмнинг ўзи бу ҳодиса ҳақида шундай деган эди: “Ҳеч бир бадиий дебют менинг “Инсон табиати тўғрисидаги трактат”имчалик омадсизликка учрамагандир”. Унинг китоби чиққандан кейин ўлиб бўлди. “Бироқ табиатан мен қувноқ табиатли бўлганим сабабли бу зарбадан тезда қутилдим...”.

Юмнинг илк трактати унинг ҳаётидаги асосий асар бўлиб қолди; у одамларга тушуниши осон бўлиши учун содда тилда ёзилган эди, бироқ унинг умумий структураси содда эмас эди. Бу ҳам етмагандай Юмнинг даҳрий эканлиги тўғрисидаги миш-мишлар тарқалади. Бу ҳолат кейинчалик унинг бутун ҳаётига таъсир кўрсатади ва университетда ўқитувчиликка ишга қабул қилинмаганлигининг ҳам сабаби шунда эди. Холбуки у ўзи туғилган шаҳар Эдинбургда ва Глазго шаҳрида ўқитувчилик қилишга ҳаракат қилган эди.

1740 йилларнинг бошида Юм “Қисқартирилган тавсиф” китобини ёзиш орқали ўз назариясини оммалаштиришга ҳаракат қилади. Бироқ бу иш ҳам китобхонлар орасида машҳур бўлмайди. Ўша йиллари Юм шотланд маънавий маданиятининг муҳим вакиллари билан алоқаларни ўрнатади. У Адам Смит и Хатчесонлар билан дўстлашади.

1741 — 1742 йилларда Юм “Ахлоқий ва сиёсий очерклар” деб номланган янги китобини чоп эттиради. Бу китобда у турли ижтимоий-сиёсий муаммоларни кўриб чиқади. Бу китоб ёрқин тилда ёзилган эди ва омма ичида машҳур бўлди – у чоп этилгандан сўнг 50 дан ортиқ очерклар ёзади. Кейинчалик улар кўп марталаб қайтадан чоп этилади. Уларнинг орасида “Руҳнинг абадийлиги ҳақида” номли машҳур эссеси, “Эпикурийлик”, “Ўзини ўлдириш ҳақида”, “Стоик”, “Платоник” сингари асарлар бор эди.

XVIII асрнинг 40-йиллари ўртасида Юм тағин молиявий муаммоларга тўқнаш келади. Олдинига у қандайдир руҳий хаста маркиз Анэндалнинг шериги бўлади, кейин генерал Сен-Клернинг котиби бўлади. Юм у билан Канадада ҳарбий компанияда қатнашади, ундан кейин эса ҳарбий миссия таркибида Турин ва Венада ҳам бўлади.

Италияда Юм илк китоби “Инсон табиати тўғрисида трактат” китобини қайта ишлаб “Инсоний билиш тўғрисида тадқиқот” номи билан чоп эттиради. Бу асар Англияда 1748 йилда дунё юзини кўради, бироқ тақдирни қарангки, китобхонлар эътиборига тушмайди. “Ахлоқ тамойиллари тўғрисида тадқиқот” номи билан чоп этилган “Трактат...”нинг учинчи китобининг қисқартирилган варианты ҳам ўзини оқламади. Бироқ Юмнинг ўзи уни ҳаёти давомида ёзган барча китобларининг ичида энг яхшиси деб ҳисоблаган.

Юм қадрдон Шотландиясига қайтади. 1752 йилда Юристлар жамияти уни кутубхоначиликка ишга таклиф қилади. Бу лавозим унга амалда ҳеч қандай даромад келтирмади, бироқ у кутубхонадан фойдаланиш имконини беради. Бу вақтга келиб у ўзининг машҳур

“Англия тарихи” асарини ёзади. Унинг биринчи томи инглизларда эътирозларга сабаб бўлади. Бироқ кейинги томларини омма яхши қабул қилади. Жами 6 та том чиқди. Улар нафақат материкда, балки Францияда ҳам қайтадан чоп этилади. Шундан сўнг Юм ёзади: “Мен таъминланган одамга, балки бой одамга айландим, ватанимга, Шотландияга уни ҳеч қачон ташлаб кетмаслик учун қайтдим...”. Бироқ бу режалар кутилмаган ҳодисалар сабаб тезда ўзгаради.

1763 йилда Франция и Англия ўртасидаги мустамлака сабабли бошланган уруш тугайди. Шундан сўнг уни Франциядаги инглиз элчихонасининг котиби лавозимини эгаллайди. Икки йил давомида у Францияда дипломатик хизматда бўлади. Британиядан фарқли ўлароқ (кўп йиллар давомида Юм асарлари оммалашмади) Парижда эътиброга тушди. У ҳатто ўша ерда қолишни ҳам ўйлади, бироқ уни бу фоядан Адам Смит айнитади.

Юм Монтескье и Гельвеций билан хат ёзишади, Д.Аламбер билан дўстлашади, Вольтер билан фикрлар алмашади. У Гольбах и Руссо билан дўстона муносабатда бўлади. Француз маърифатчилари унинг 1757 йилда чиққан “Диннинг табиий тарихи” китобини юксак баҳолашади. Айниқса Шарль де Бросс бу ишнинг оммалашшига катта ҳисса қўшади.

1766 йилда Юм Британияга қайтади. Икки йил давомида у давлат котиби ёрдамчиси лавозимида ишлайди. 1769 йилда Юм истеъфога чиқади ва ниҳоят ўзининг қадрдон шахрига қайтади.

У ўзининг қадимги орзусига эришади – атрофида санъат ва фаннинг турли хил соҳаларидаги талантли кишиларни йиғади. Юм Эдинбург файласуфлар жамиятининг котиби бўлади ва маърифатпарварлик фаолияти билан шуғилланади.


1770 йилнинг бошида Юм кўп марталаб “Табиий динлар тўғрисида диалоглар” китобига мурожаат қилади. Мазкур асарни тириклигида чоп этишни истамади. У черковнинг қарши чиқишидан эҳтиёт бўлади. 1775 йилда Юм жиддий касалликка чалинади ва вафот этаётганда шу асарини чоп этишларини васият қилади.

Давид Юм 1776 йил августда 65 ёшда вафот этади.



# Василий Васильевич Давидов

---



Василий Васильевич Давидов 1930 йилда 31 августда таваллуд топди. 1948 йилда ишчи ёшлар мактабини тугатди ва Москва давлат университетининг фалсафа факультети психология бўлимига ўқишга кирди. Ўша пайтлари психологиядан П.Я.Гальперин дарс берар эди ва бир муддат ўтгач улар дўстлашдилар.

В.В.Давидов аспирантурада П.Я.Гальперин томонидан ишлаб чиқилган ақлий ҳаракатларнинг босқичли шаклланиши назариясининг давомчисига айланади. Ўша пайтларда у Э.В.Ильенков, А.А.Зиновьев, В.И.Коровиков сингари совет фалсафасининг машҳур олимлари билан мулоқотда бўлади. Шу сабабли ҳар қалай аспирантурани тугатгач, уни МДУда ишга қолдиришмайди. А.Р.Луриянинг ёрдамида у “Доклады АПН СССР” журналида редактор бўлиб ишга киради. Бир қанча вақт ўтгач, А.А.Смирновнинг таклифи билан Психология институтига ишга ўтади ва бу ерда умрининг охиригача ишлайди. Тахминан шу пайтларга келиб у Д.Б.Эльконин билан танишади. Улар Москва мактабларининг бирида биргаликда ишлай бошлайдилар.

Ўз ижодининг илк босқичларида В.В.Давидов “тараққиёт” (психиканинг) терминидан уни алоҳида одамга ишлатишдан воз кечиш таклифини беради. У фақат индивид психикасининг “шаклланиши” терминидан фойдаланиш мумкин деб ҳисоблайди. Бу инсонларнинг олдинги авлодидан келаётган предметли фаолиятнинг алоҳида маҳсулотларида белгиланган ижтимоий табиатнинг эгаллаши, ўзлаштириши деганидир;

Инсон фаолиятининг барча турлари ва усуллари, жумладан, унинг индивидуал фаоллиги, эҳтиёжлари, интилишлари, майллари мазкур фаолиятнинг ижтимоий белгиланган ва маълум маънода норматив намуналарининг ўзлаштирилиши натижасидир. В.В.Давидовнинг фикрича, ижтимоий муассасалар у ёки бу даражада “ўзининг образига ва ўзига мос” индивид шаклланишининг характерини белгилайди. Демак, “ривожланиш” термини индивидга эмас, балки жамиятга тааллуқлидир. Индивидуал психиканинг ривожланиши бу тараққиёт эмас, балки шаклланишдир.

1966 йилда у “Психиканинг “шаклланиши” ва “ривожланиши”

тушунчаларининг ўзаро муносабатлари” китобини чоп эттиради ва унда ўз назариясининг асосий тушунчаларини ифодалаб беради. Бундан ташқари, В.В.Давидов барча бошланғич таълимни ўзгартириш бўйича ўзининг психологик-педагогик дастурини очиб беради. Унинг фикрича, ўқув предметларини шундай принцип асосида қуриш керакки, токим уларни ўзлаштириш бир вақтнинг ўзида ҳақиқий тафаккурга нисбатан қобилиятнинг ривожланишига сабаб бўлсин. Бунинг учун барча ўқув предметларини шундай жойлаштириш керакки, уларда бошиданоқ нисбатан умумий тушунчалардан фойдаланган ҳолда таълимни бошлаш лозим. Кейинчалик таълим жараёнида ўқитувчи ўқувчилар билан биргаликда умумий тушунчалардан объектларнинг хусусий характеристикаларига ўтилади. Шундай қилиб, В.В.Давидовнинг фикрига кўра, умумийдан хусусийга бўлган ҳаракат секин аста болада мавҳум тафаккурни тўлиқ эгаллашга ёрдам беради.

Ўз назариясини тасдиқлаш учун олим бошланғич мактабнинг экспериментал синфларида қўлга киритилган эмпирик материаллардан фойдаланади. Экспериментал синфлардан ташқари аниқ манзарага эга бўлиш учун В.В.Давидов томонидан назорат гуруҳлари ҳам ташкил этилди ва тегишли маълумотлар қўлга киритилди.

1972 йилда В.В.Давидовнинг “Таълимда умумлаштиришнинг турлари” монографияси чоп этилади. Бу китобда олим Л.С. Виготский концепциясини унинг кучли ва кучсиз томонларини кўрсатган ҳолда таҳлил қилади. Умуман китоб таълимнинг фаол мазмуни тузулмасини ташкил этадиган фаолият усули бўлган тушунча муаммосини ҳал этишга бағишланади. Бундай тузулмани яратиш учун фаолият усуллари ўқувчиларга ўзлаштириш предмети бўлиб хизмат қилади. Мазкур назарияда фаолиятнинг бундай усули бола томонидан кетма-кет барча элементлардан ташкил топган ишнинг объектив ажратиладиган тузилмаси сифатида кўзга ташланади.

1978 йилда В.В.Давидов томонидан А.К.Маркова билан ҳамкорликда ёзилган психик тараққиёт муаммоси ҳақидаги мақола чиқди. Бу иш олим ижодида бир концепциядан иккинчисига ўтиш ҳолатини белгилаб берди. П.Я.Гальперин номи унда қарийб эса олинмайди, бироқ “тараққиёт” атамаси индивиднинг шаклланишида “шаклланиш” деб ўзгартирилмади, балки бошқача мазмун касб этди.

Мазкур мақолада В.В.Давидов “шаклланиш”ни психик тараққиётнинг шакли сифатида таърифлайди ва бу иккала тушунчанинг ўхшашлигини инкор этади. “Тараққиёт” деганда олим ўз табиатига кўра ижтимоий ижтимоий бўлган индивид фаолиятининг шакли ва даражасидаги қонуний сифат ўзгаришларини тушунади. Назарий фикрлардан ташқари мақолада эмпирик маълумотлар ҳам келтирилади. Улар нафақат кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг, балки ўсмирларнинг ҳам тафаккури тараққиётининг йўлини очиб беради.

1970 йилларнинг охирига келиб В.В.Давидов П.Я.Гальпериннинг назариясидан Л.С.Виготскийнинг маданий-тарихий концепцияси позициясига ўтади. Бироқ олимнинг умумий психологик қарашлари ўзгарган бўлса-да, унинг мақсади ўзгармай қолди. У маданий-тарихий концепцияга таянган ҳолда педагогик дастурни яратиш устида ишларини давом эттиради. Бундай дастур Эльконин билан ҳамкорликда ишлаб чиқилади. Мазкур назариянинг асосида ўзаро бири-бири билан боғлиқ бўлган тушунчалар ётади – ўқув фаолияти, назарий тафаккур ва рефлексия. Уни ишлаб чиқишдаги энг мураккаб жой таълим жараёнида қўлланиладиган эмпирик ва назарий тафаккурнинг тўғри ўзаро муносабатини йўлга қўйишдир.

1996 йилда унинг “Ривожланаётган таълим назарияси” деб номланган китоби дунё юзини кўради. Унда болалар тараққиёти назарияси ўз ифодасини топади. Мазкур назарияда муаммонинг энг юксак позициясидан туриб, яъни тараққиёт субъекти позициясидан туриб ёндашилади. Янги моддий ёки маънавий маҳсулот ишлаб чиқарадиган фаолият субъекти, В.В.Давидовнинг фикрича, шахсдир, бундай маҳсулотни ишлаб чиқариш – ижоддир. Ижоднинг акти деганда В.В.Давидов предметли фаолиятни, маданиятни ва ўз-ўзини реал ўзгартиришни тушинади. Бундай идрокнинг натижасида ижод тушунчасининг ўзи, ҳаётга ижодий муносабат унда интеллектуаллаштирилган, яъни субъектнинг интеллектуал имкониятлари билан бевосита боғлиқ.

Шахс, олимнинг фикрича, ижодий фаолиятнинг асосий субъекти, бироқ ягона субъекти эмас. В.В.Давидов жамоавий субъект тушунчасининг мавжудлигини тан олади. Бунинг асосида шу нарса ётадики, шахс ижодий фаолиятнинг субъекти ҳисобланади. У шундай ҳулосага келадики, барча кишилар ҳам шахс бўла олмайди, фақат ижтимоий жиҳатдан сезиларли ижодий натижаларга эришганларгина шахс бўла оладилар.


Шунингдек, у бу психологик-педагогик тизимнинг асосий умумлаштиради. Натижалар бошланғич мактабнинг қатор экспериментал синфларида қўлга киритилди. Ривожланаётган бошланғич таълимнинг мазмуни бўлиб келажакда нисбатан конкрет кўникма ва билимларни олиш учун асосни ярададиган назарий билимлар хизмат қилади. Бундай таълимнинг асосий методи барча ўқувчилар дарсларда ҳамкор фаолият кўрсатадиган кўринишда ташкил этиладиган ўқув фаолиятидир. Тараққиётнинг маҳсули кичик мактаб ёшидагиларга хос бўлган психологик янги тузилмалардир.

В.В.Давидов фақат бошланғич мактабдагина эксперимент ўтказган бўлса-да, ривожлантирувчи таълим тизимини барча синфларга ҳам татбиқ этиш тарафдори эди.

В.В.Давидов 1998 йилда вафот этади.

## Уильям Жемс

---



Уильям Жемс 1842 йилнинг 11 январда таваллуд топди. Унинг ота-оналари фарзандининг врач бўлишини исташар эди. Ўунинг учун у тиббиётни ўрганиш учун Гарвард университетига ўқишга киради. Талабалик даврларида у психология билан қизиқиб қолади ва табиий фанларни ўрганиш учун ва ўз таълимини давом эттириш учун Германияга жўнаб кетади.

Германияда ўқир экан, Жемс В.Вундт ғоялари билан қизиқиб қолади ва АҚШга қайтгач, унинг назариясини ривожлантиради. Бироқ вақт ўтиши билан у ўзга йўлдан борди ва 1890 йилда чоп этилган “Психология тамойиллари” китобида ўзининг янги қарашларини акс эттирди. У онгни индивиднинг биологик мослашув усули сифатида тушунади. Унинг фикрича, онг индивидуал психик ҳолатларнинг бетўхтов оқимидан иборат. Шу нуқтаи назардан Жемс онгнинг тўртта асосий хусусиятларини фарқлайди.

Биринчидан, онгнинг ҳар қандай ҳолати шахсий онгнинг бир бўлаги бўлишга интилади. Шахсий онг деганда олим фикрларнинг боғланган кетма кетлигини, “шунчаки англанадиганни” тушунади. Иккинчидан, шахсий онг чегараларида унинг ҳолатлари ўзгарувчандир. Бу билан Жемс таъкидламоқдаки, ҳеч бир ўтган ҳолат янгидан пайдо бўлмайди ва аниқ такрорланмайди. Инсон қараганда, эшитганда, фикрлаганда ёки нафратланганда, унинг ақли фикрнинг кўплаб турли хил объектлари билан машғул бўлади. Мисол тариқасида Жемс айнан битта образдан ҳар бир одам томонидан олинандиган турли хил таассуротларни келтиради.

Учинчидан, ҳар қандай шахсий онг сезгиларнинг узлуксиз кетма кетлигидан иборат. Моҳиятан тадқиқотчи сезгиларнинг элементар табиатини таъкидлаган ҳолда уларни онга муносабатини бирламчи деб ҳисоблайди. Онг баъзи объектларин истаб идрок этади, баъзиларини инкор этади ва умуман ҳар доим улар ўртасида танлов бор.

Онгнинг узлуксизлиги масаласини кўриб чиқар экан, Жемс онг узилиб қоладиган ҳолатни ҳам эътиборга олади. Бу узилишлар вақтинчалик ҳам бўлиши мумкин. Бунда онг шунчаки қатнашмайди. Ёки ўрганилаётган объектнинг мазмунида кескин ўзгариш кузатилганда

пайдо бўлиши мумкин. Бу ҳолатда кейинги ва ундан кейинги инсон онгида ўзаро мос тушмайди ва натижада ажралиш пайдо бўлади. Шу ҳолладан бошқаларида онг узлуксиз ҳисобланади. Бу тасдиғимиз иккита фикрни ўзида мужассамлаштиради:

1) маълум вақтда ва ундан кейин содир бўладиган руҳий ҳолатларни бир шахснинг бўлаклари сифатида англаймиз;

2) онгнинг сифатли мазмунида ўзгаришлар кескин содир бўлмайди.

Жемснинг тушунишича онг индивиднинг биологик мослашишидир. Унинг назариясида инстинктлар ва эмоциялар, одамнинг индивидуал физиологик хусусиятлари муҳим ўрин тутди. Шундай қилиб, масалан, “онг оқими”нинг тўхтатилиши, олимнинг таъкидлашича, одатда ҳиссий таъсиротлар билан банд бўлади. Уларнинг хусусияти шундаки, улар ноаниқ вақтга ўзгармасдн туриб ҳам ақл билан ўсиши мумкин. Онгнинг бу ўзига хос тўхташларини Жемс “онг оқими”нинг турғун қисмлари деб номлайди, ўтувчи оралиқлар эса статик ва динамик мунгсабатлар ҳақидаги фикрлар билан банд бўлади. Унинг фикрига кўра, тафаккур доимо бир турғун қисмдан иккинчи турғун қисмга ҳаракат қилади, онгнинг ўтувчи қисмларининг бош аҳамияти шундаки, улар бир нисбатан мустаҳкам, турғун ҳулосадан иккинчисига йўналтиради.

Онг муаммоларидан ташқари Жемс ўз ишларида шахс назариясини ҳам илгари суради. У ўз ўзини англаш, ўз ўзини баҳолаш, ўзининг образи ва ҳ.лар сингари тушунчалар устида ҳам мукамал ишлади. Унинг ўрганишларининг асосини шахснинг эмоционал ҳаёти, унинг ҳаётий муаммолари, келадаги, қадриятлари ташкил этади.

Жемс психологияга “тоза Мен” ва “эмпирик Мен” сингари тушунчаларини киритади. Улардан биринчисининг маъноси шундаки, инсон ўзини ўзиники ҳисоблайди, иккинчиси эса у ўз уйини, яқинларини, ўз ишини, репутациясини ва ҳ.ларни ўзиники деб ҳисоблайди. Инсон буни ўзининг бир қисми деб билади, уларга нисбатан ўзига бўлгандай муносабат кўрсатади.

1885 йилда Жемс Гарвард университетининг фалсафа профессори бўлади, 1889 йилда эса ўша ерда психология профессори бўлади. Г. Мюнстерберг билан биргаликда у 1892 йилда АҚШда биринчи марта амалий психология лабораториясини ташкил этади. Мазкур лабораторияда амалга оширилган тадқиқотлар унинг кейинги ишлари учун асос бўлиб хизмат қилади.

Гарвард университетиде Жемс 1907 йилгача ишлайди. Унинг сўнги ишларидан бири ирода психологиясига бағишланган китоби эди. Бу муаммони ўрганар экан, Жемс ҳаммага таниш бўлган ирода ва истакни онгнинг ҳолатлари, бироқ асло тушунтириб бўлмайдиган ҳолатлари сифатида талқин этади. Инсон истакларига етишиб бўлмаслигини англаса, истак ҳам амалга ошмаслиги мумкинлигини

ёзади. Агар инсон истакни амалга ошириш имкониятини англаса, у буни истайди ва мақсадга тезда эришилади.

Жемснинг ёзишича, тезда амалга ошириладиган ягона мақсадлар – булар бизнинг танамизнинг ҳаракатлари ёрдамида содир этилади. Инсоннинг қандай кечинмаларни бошидан кечиришидан қатъий назар бир қанча қўшимча ҳаракатларсиз мақсадга эришиб бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда у ўзининг иродани ўрганишдаги тадқиқотларининг асосий пункти сифатида қуйидаги тартибни қабул қилади: мақсадга интилишдаги ягона бевосита шашқи юзага чиқиш – бу тана ҳаракатларидир.

Жемснинг фикрича, ироданинг юзага чиқиш элементлари иродавий актлардир. Мотор ҳаракатлар, ҳаракатлар рефлексор ҳаракатлар ҳисобланади, уларнинг аҳамияти уларни амалга ошираётган киши томонидан англамайди. Иродавий актларга келсак, улар қандай бўлишлигини тўлиқ англаган ҳолда амалга оширилади. Олим шундай фикрни илгари сурадики, иродавий актлар организмнинг иккиламчи функцияларидир, рефлекслар, эмоциялар ва инстинктив ҳаракатлар – бу бирламчи функциялардир.

Жемснинг фикрича, иродавий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши – асосий механизм. Инсон қандайдир ҳаракатларини тасодифан, рефлексор ёки инстинктив ҳолда амалга оширса ва бу унинг хотирасида ўз изини қолдирса, у кейинчалик уларни англаган ҳолда амалга ошириши мумкин бўлади. Шундай қилиб, иродавий, англаган ҳаракатнинг пайдо бўлишининг биринчи ва асосий шarti ғояларнинг олдиндан тўпланишидир. Бу ғоялар унга мос бўлган ҳаракатларнинг ихтиёрсиз ҳолда бир неча марта содир бўлгандан сўнг инсоннинг хотирасида сақланиб қолади.

Иродавий ҳаракатларни ўрганар экан, Жемс ғоялар ва ҳаракатларнинг икки хил турини фарқлайди: бевосита ва билвосита. Биринчи ҳолатда инсонда ҳаракат пайтида англанадиган, тананинг маълум ҳаракатланаётган қисмидаги ҳаракатлар тўғрисидаги ғоялар пайдо бўлади. Билвосита ғояларга келсак, улар тананинг ҳаракати ҳақидаги фикр пайдо бўлганда юзага чиқади.


Ҳаракатнинг ҳаракатланаётган қисмлардаги бевосита сезгисини Жемс кинестик сезгилар деб атайди. Улар тўғрисидаги эслашларни кинестик ғоялар деб номлайди. Кинестик ғоялар ёрдамида инсон танамизнинг аъзолари бир бирига хабар берадиган пассив ҳаракатларни англайди. Бу инсон ўзи англамаган ҳолда (масалан, тушда) амалга оширадиган ва қийналмасдан такрорлай оладиган ҳаракатларини англашда керак бўлади. Жемс ўз китобида бундай кинестик ғоялари бўлмаган болани мисол келтиради. Унинг аъзолари ихтиёрий ҳолда ҳаракат қилганда ҳам у оғриқ ва чарчоқни ҳис этмаган.

Уильям Жемс 1910 йилнинг 16 августида вафот этади.



# Жан-Поль Сартр

(1905 - 1980)



Жан-Поль Сартр 1905 йилнинг 21 июнида Парижда таваллуд топган. У оиладаги ягона фарзанд эди. Унинг отаси Жан-Батист Сартр Франция ҳарбий денгиз кучларининг зобити эди. Онасининг исми Анна-Мария Швейцер бўлиб, у Альберт Швейцернинг амакиваччаси эди. Жан-Поль 15 ойлик бўлганида унинг отаси оламдан ўтади. Оила аъзолари Мёденадаги ота-онасининг уйига кўчиб ўтишади.

Сартр Ла-Рошель лицейида ўқийди, шунингдек Париждаги Олий нормал мактабини тугатади. Кейинчалик Берлинда Француз институтида (1934) фалсафа бўйича стажировкани ўтайди. У Франциянинг турли хил лицейларида фалсафадан дарс беради, 1944 йилдан бошлаб ўзини тўлиғича бадиий ижодга бағишлайди. Жан-Поль талабалик йилларидан Симона [де Бовуар](#) билан таниш эди. Бу танишлик кейинчалик уларнинг никоҳи билан якун топади. [Симона де Бовуар](#) Жан-Польнинг нафақат хотини эди, балки ҳамфикри, ғоядоши ҳам эди.

Симона де Бовуар ва Морис Мерло-Понтилар билан ҳамкорликда “Янги замоналар” деб номланган журналга ҳам асос солади. 1952 йилда тинчликни ҳимоя қилиш бўйича халқаро Вена конгрессида чиқиш қилади, 1953 йилда Тинчлик халқаро кенгашига аъзо бўлиб сайланади.

1956 йилда француз Алжирининг озодлиги бўйича чиқишлар қилади ва натижада икки марта француз националистлари унинг Парижнинг марказидаги уйини портлатиб юборади.

Сартр 1968 йилдаги Франция инқилобининг иштирокчиси ва рамзи эди. Сарбоннани эгаллаган инқилобчи талабалар ичкарига фақатгина Сартрни киритишади.

Сартрнинг дунёқараши Бергсон, Гуссерль, Достоевский ва Хайдеггерлар таъсири остида шаклланади. Психоанализга қизиқади.

Сартр фалсафасининг марказий тушунчаларидан бири озодлик тушунчаси эди. Сартрнинг фикрича, озодлик инсонга мутлақо берилган неъматдир (“инсон эркин бўлиб яшашга маҳкумдир”). Бу тушунча инсоннинг моҳиятини ташкил этади. Сартр эркинликни ҳаракатсизликка олиб келадиган руҳнинг эркинлиги сифатида эмас, балки танлов эркинлиги сифатида тушунтиради. Бу эркинликни ҳеч ким ундан тортиб



ололмайди: тутқин ўз озодлиги учун курашадими ёки курашмайдами – бу бўйича қарор қабул қилишда у эркиндир.

Ирода эркинлиги концепцияси Сартрда “Лойиха” назариясининг ишлаб чиқилишига туртки бўлди. Бу назарияга кўра, инсон инсон сифатида ўзини лойихалаштиради, “тўплайди”. Шунинг учун у ўзи учун, ўзининг хатти-ҳаракатлари учун тўлиқ жавобгардир.

Сартр таълимотида “экзистенция” сўзи марказий тушунча ҳисобланади. Бу тушунча билан турғун субстанция эмас, балки мувозанатнинг доимий йўқотилиши тушунилади. “Чанқоқлик” асарида Сартр кўрсатадики, олам маънога эга эмас, “Мен” мақсадга эга эмас. Англаш ва танлаш акти орқали “Мен” оламга маъно ва қадрият юклайди.

Айнан инсоний фаолият атроф-муҳитга маъно беради. Предметлар - индивидуал инсоний аҳамиятларнинг белгиларидир. Бундан ташқарида улар пассив ва инерт ҳолатлар холос. Уларга у ёки бу индивидуал инсоний маъно бериш билан инсон ўзини индивидуаллик сифатида шакллантиради.

Сартрнинг экзистенциал таълимотида “бегоналаштириш” тушунчаси ҳам асосий тушунчалардан бири ҳисобланади. Сартр ҳозирги замон кишисини бегоналашган мавжудот сифатида кўради: унинг индивидуаллиги стандартлашган (масалан, официантда касбий табассум ва аниқ ўлсанган ҳаракатлар стандартлашган); гўёки инсоннинг устида турадиган турли хил ижтимоий институтларга бўйсинади, ундан содир бўлмайди (масалан, бегоналашган феномен ҳисобланган давлат индивидда ишларни ҳамкорона бошқаришда иштирок этиш қобилиятини бегоналаштиради), демак, инсонни энг муҳим нарсадан маҳрум қилади – ўз тарихини яратиш қобилиятидан.

Ўзидан бегоналашган инсон материал предметлар билан муаммога тўқнаш келади – қайт қиладиган даражада унга ажратиб бўлмас мавжудлиги билан, ҳаракатсиз иштироки билан таъсир кўрсатади. Сартр бунга қарама қарши бўлган алоҳида, бевосита мақсадга йўғрилган инсоний муносабатларни таклиф этади.

Олим ва ёзувчи ўз таълимотини диалектика ёрдимида тушунтиришга ҳаракат қилади. Диалектиканинг маъноси яхлитликка синтетик қўшилиш (“тотализация”) билан тушунтирилади. Чунки фақат яхлитликнинг ичидагина диалектиқ қонунлар мантиққа эга бўлади. Инсон материал ҳолатларни ва ўзгалар билан муносабатларини “тоталлаштиради” ва бу билан ўз тарихини яратади. Объектив иқтисодий ва ижтимоий структуралар яхлит ҳолда “лойиха”нинг ички индивидуал элементлари устидан бегоналашган тизим сифатида туради. Тотализациянинг талаби шундаки, инсон ўзининг барча хусусиятларида яхлит ҳолда пайдо бўлади.

Тотализация инсон эркинлигининг фазосини кенгайтиради, чунки инсон ўзи ўз тарихини яратаётганлигини англайди.

---


Сартрнинг фикрича, диалектика айнан индивидуумдан чиқади, чунки шу ердан инсоний фаолиятнинг бевосита мос келиши натижаси ва бу фаолиятни билиш сифатида унинг принципал билимлари, рационаллиги келиб чиқади (қандайдир иш қилар экан инсон уни нима учун амалга ошираётганлигини билади). Сартр қатор аргументлар кўрсатиб табиат диалектикасини инкор қилади.

Жан-Поль Сартр 1980 йили вафот этади.

---

# Зигмунд Фрейд

(1856 - 1939)



Зигмунд Фрейд 1856 йилнинг 6 майида Якоб Фрейд ва Амалия Натансон оиласида Фрейберг шаҳрида таваллуд топди. Австро-Венгрияда яҳудийларга қарши бўлган қарашлар кенг тарқалгани боис унинг оиласи ўз қадрдон шаҳрини ташлаб, Вена шаҳрига кўчиб кетишга мажбур бўлади. Фрейд ҳали гимназияда ўқиб юрган пайтидаёқ табиий фанларга қизиқади, у кўп ўқийди ва натижада 1873 йили Вена университетининг тиббиёт факультетига ўқишга киради.

Университетда ва ундан кейин ҳам бир неча йилларини у амалий биологияга бағишлайди. Университет қошидаги физиология институти директори Эрнст Брюкке раҳбарлигида ишлар экан, Фрейд инсоний эмбрионларни ва ҳайвонлар миясини тадқиқ қилиш билан шуғилланди. Ҳозирги замон неврологиясининг асосий қондаси бўлган нейрон назариясининг ривожланишига ўзининг катта ҳиссасини қўшади. Кейинги йил Фрейд учун жуда муҳим йил бўлди. У Марта Бернайсга уйланди. Шу пайтгача унинг платоник майллари бўлган бўлса, Марта билан унинг танишуви унинг ижодига катта таъсир кўрсатади, кучига куч, илҳомига илҳом қўшади. Ўша йилнинг ноябрида у яқин дўсти Йозеф Брейернинг бемори О. Анна тарихи билан танишиб қолади. Шундан сўнг у мия анатомияси билан шуғилланишни бутунлай тўхтатади ва психология соҳаси билан шуғиллана бошлайди.

О.Аннанинг тарихи Фрейд ижодига катта таъсир кўрсатади ва унинг ижод йўналишини бошқа томонга буриб юборади. Бу воқеа бундай бўлган эди: Отасини йўқотган (отаси ўлади) қизда ўзига хос истерик симптомлар пайдо бўла бошлайди: қиз шол бўлиб қолади, тери сезгирлигида бузилишлар кузатилади, нутқи ва кўриши бузилади.

Брейер уни гипноз ёрдамида даволайди, бироқ ҳар икки йилда бир марта даволаш курсини ўтказади. Курсни узоқ муддатда давом этказишига унинг хотинининг рашики сабаб бўлади. Чунки пациенткабемор қиз врачга нисбатан бефарқ эмас эди. Натижада олим ўз даволашини тўхтатишга мажбур бўлади ва Венецияга кетиб қолади.

Бу воқеа Фрейднинг олдига бирданига иккита муаммони қўяди: невротик кўринишга эга бўлган истерия ва уни даволаш методи бўлган гипноз. Бунга ўхшаш масалалар билан шуғилланиш ўша вақтларда

танқид остига олинар эди, бироқ олим уларга қаршилик кўрсата олди ва мазкур муаммоларнинг илмий аҳамиятини кўрсатиб берди.

Амалий тиббиёт билан шуғилланишга қарор қилар экан, Фрейд Вена шаҳар касалхонасига ишга киради ва у ерда тиббиётнинг бир қанча соҳаларида, жумладан неврология бўйича тадқиқотлар олиб боради. Кейинчалик у тан олиб айтадики, ўша пайтларда невроз тўғрисида ҳали ҳеч нарса билмас эди. 1885 йилда приват-доцент даражасини олгач, у Парижга Сальпетриер асаб касалликлари клиникасига стажировка олишга эришади.

Парижда уни Шарко раҳбарлигидаги невропатология мактаби ўзига жалб этади. Унинг таъсирида Фрейд шундай бир фикрга келдики, истерияни гарчи у ўта инжиқ ва симуляцияга ўхшаш касаллик бўлса-да, илмий методлар билан ўрганиш лозим. Бундан ташқари, истерия психологик нуқтаи назардан ўрганилиши лозим, чунки унинг сабаби психологик, жисмоний жароҳатнинг натижаси эмас. Парижда Фрейд ўз ҳис-туйғуларининг ҳақиқий инқилобини бошидан кечирди. У Брейерга ўхшаб С.Анна билан бўлгани каби касалликнинг жинсий жиҳатлари билан чекланиб қолмади, балки неврозларни мукамал ўрганишга қарор қилади. Бундан олдинроқ унда истерия билан шахвоният ўртасида алоқа мавжудлиги тўғрисидаги фикр уйғонган эди, энди эса унинг қўлида катта клиник материал бор ва уларга асосланиб Фрейд невростения ҳамиша ҳам жинсий характердаги сабабларга боғлиқ бўлмаган ҳолда шаклланмайди ва ривожланмайди, деган назарияни илгари суради. Балки унинг бу фикрга келишига Париждаги эротик характердаги турмуш тарзи ҳам таъсир қилгандир.

Венага қайтгач, олим врачлик амалиёти билан шуғиллана бошлади. Аввалига у даволаш методи сифатида гипноздан воз кечмоқчи бўлди, бироқ кейинчалик Брейернинг таъсирида у ҳар қалай гипнотик таъсирни ўз муолажаларида қўллашга қарор қилди ва биринчи натижаларданоқ у ҳайратга тушди. Орадан бир йил ўтгач, у катартик методдан фойдаланишга ўтади. Бу методнинг мазмуни куйидагича эди: бемор гипноз ҳолатида унда неврозни чақирган ҳоллар ҳақида ҳикоя қилиб беради. Шундай қилиб, у барча содир бўлган ҳодисаларни англаган ҳолда тағин илк ҳолатига қайтади. Асл ҳолатига қайтиши билан касал психик симптомлардан қутилади.

Фрейд бир неча йиллар давомида мазкур методни қўллар экан, ўзи учун трансфер (бемор кечинмаларининг психотерапевтга кўчиб ўтиши) ҳақидаги кашфиётни қилади. Бу тушунча кейинчалик психоанализнинг фундаментал тушунчасига айланди. Бу ҳодиса касал томонидан ўтмишда ўз яқинларига, яъни ота-оналарига ёки тарбиячиларига, васийларига нисбатан ҳис қилган ҳиссиётларини психотерапевт шахсига кўчириши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, психоаналитик билан бемор ўртасидаги муносабатларда гўёки учинчи одам пайдо бўлади. Фрейднинг

кашфиётигача психотерапевтлар гипнотик даволаш вақтида пайдо бўладиган эротик асоратлардан ўзлари англамаган ҳолда қўрқишар эди. Энди эса улар ўзларини эркин ҳис қилишадиган бўлишди. Таъкидлаш жоизки, трансфер олимлар томонидан врач-психоаналитик билан бемор ўртасидаги муомалада пайдо бўладиган кўчиш феномени сифатида талқин қилинган бўлса, энди бу феноменни маиший ҳаётда оддий инсоний муносабатларда ҳам ишлатиша бошлашди.

Бу вақтга келиб Фрейд инсон психикаси тўғрисидаги ўз таълимоти устида иш бошлади. Унинг фикрича, психика учта – англамаганлик, онг ости ва онг қатламларидан иборат бўлади. Англамаганлик - энг чуқур қатлам бўлиб, инсоннинг бутун ҳаётини, лаззатланиш ва ўлимга нисбатан англамаган майлларни белгилайди. Мана шулар бизнинг барча эмоция ва кечинмаларимизнинг бош сабабчиси ҳисобланади.

Мазкур назария натижаларидан бири сифатида Фрейднинг 1900 йилда чоп этилган “Тушларнинг талқин қилиниши” деб номланган китобини айтиш мумкин. Туш ҳақида гапирар экан Фрейд уни қандайдир англамаган истакларнинг юзага чиқиши сифатида баҳолайди. У тушларнинг тилини кашф этади ва уни ҳаммага тушинарли қилиб қўяди.

Онг ости – бу онг билан англамаганлик ўртасидаги нозик, юпқа қатлам бўлиб, бунда майл онгнинг “цензураси” билан тўқнаш келади. Онг эса – бу юқори қатлам, психиканинг юқори даражаси бўлиб, у онг ости кучларига боғлиқ. Англамаганликда реаллик субъектнинг кечинмалари билан қўшилиб кетади, ўтмиш, бугун ва келадак бу ерда бирга яшаб бошлайди, битта психик актга, масалан, туш кўришда бир жойда жам бўлади.

Шундай қилиб, англамаганлик инсон хулқ-атворини белгилайдиган муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Англамаган психик кучлар – майллар, истаклар, интилишлар, эҳтирослар, аффектлар – инсоний хатти-ҳаракатларнинг устун мотиви сифатида қаралади. Бу кучларнинг ичида муҳими либидодир. Даставвал Фрейд либидони жинсий майлнинг психик энергияси сифатида белгилади, бироқ вақт ўтиши билан бу тушиниш кенгайди ва либидо кенг маънодаги муҳаббат тушунчаси билан (жинсий муҳаббат, ота-онага муҳаббат, болаларга муҳаббат, ўз ўзига муҳаббат ва ҳ.) алмашди.

1896 йилдан 1902 йилгача Фрейд илмий оламдан тўлиқ четда бўлди ва кўплар бу назарияни шунчаки ҳазилга йўйди. Бу вақтда у психоанализ билан умттасил шуғилланди, инсон психикасини ўрганди ва хулосалар чиқарди.

Фрейд гипноздан воз кечади ва эркин ассоциациялар методидан фойдалана бошлайди. Пациент тўлиқ ўзини англаган ҳолатда психоаналитикка бирорта фикрини яшмрасдан калласига нима келса ўшани ҳикоя қилиб беради. У ҳатто ўзига тушунарсиз бўлган, уятли бўлган ёки айтиш ноқулай бўлган нарсаларни ҳам айтади.

Бу материаллар олимнинг ўз концепциясини яратиш учун асос

бўлиб хизмат қилади. У аниқлайдики, касаллик тарихини айтиб бериш жараёнида беморда албатта хотиралар пайдо бўлади: воқеаларнинг сабаблилиги бузилади, фактлар ва вақтинчалик боғланишлар унитилади. Бундан Фрейд хулоса қиладики, амнезия сиқиб чиқаришнинг натижаси экан. Бу ўзига хос даволашга қарши бўлган психологик ҳимоя бўлиб, мияга келадиган фикрлар эса англолмаган руҳий ҳаракатларнинг инъикосидир.

Англолмаганлик – Фрейд бўйича бу амалга ошмаган майллар бўлиб, улар ижтимоий қабул қилинган нормаларнинг талабларига боғлиқ ҳолда онга киритилмаган, сиқиб чиқарилган. Олимпнинг фикрига кўра, англолмаганлик ҳазил-мутойибада, ассоциацияларда ва тушларда ўз аксини топади. Шундай қилиб, англолмаганлик соҳасига кириш учун инсонни гипнозга киритиш шарт эмас, унинг ассоциацияларидан унумли фойдаланилса ҳам етарли бўлади.

“Шаҳвоният назарияси бўйича учта очерк” номли китобида Фрейд социализация (ижтимоийлашув)нинг моделини чизиб беради. Унга кўра социализация инсон томонидан шаҳвоният тараққиётининг бир қанча босқичларини босиб ўтиш билан кечади – орал фазадан генитал фазагача. Психоанализнинг энг қизиқарли жойи фаллик босқичда ётади. Айнан шу босқичда (3-6 ёшда) болада қарама-қарши жинсдаги ота-онасига нисбатан жинсий майл пайдо бўлади – Эдип комплекси (ўз отасини ўлдириб, онасига уйланган қадимги юнон мифологиясидаги шоҳ Эдип персонажига ўхшаш ҳолда).

“Ўз” жинсидаги ота-онага нисбатан бола ҳиссиётлар амбивалентлигини (икки хил ёндашувни), яъни бир томондан рашк, иккинчи томондан, ҳар томонлама унга тақлид қилишга интилади. Социализация жараёнида Эдип комплекси репрессияга ва сиқиб чиқаришга олиб келинади ва бола социализациянинг нисбатан юқорироқ босқичига ўтади.

Фрейд бошидан кечирган фойдали изоляция 1902—1903 йилларда тугади ва унинг атрофида ҳамфикрлари тўплана бошлади. 1908 йилда Вена психоаналитиклар жамияти очилди. Фрейднинг машҳурлиги орта борди ва 1909 йилда К.Г. Юнг билан биргаликда маъруза ўқиш учун АҚШга таклиф этилади. Америкаликлар билан учрашгандан сўнг олимп ҳазиллашиб: “Бу одамлар мен уларга вабони келтирганимга шубҳаланишмаяптилар” деган эди.

Психоанализни ривожлантириб борар экан, Фрейд шахс модели тўғрисидаги назарияни илгари суради. Унинг фикрича, шахс ўзаро боғлиқ бўлган учта тузилмадан ташкил топади: “Мен” (“Я”), “Олий Мен” (“Сверх-Я”) ва “У” (“Оно”).

“Мен” ёки “Эго” – шахсдаги психик жараёнларнинг ўта алоқадор ташкил этувчиси ва у шахсни реалликка мослашишига ёрдам беради. “У” англолмаган майллардан иборат бўлиб, “Мен” учун асос бўлиб хизмат қилади. “Олий Мен” эса шахснинг ахлоқий онгидир ва

унинг таъсирида “Мен” инсонни сублимация қилишга мажбур қилади, яъни аффе́ктив майллар энергиясини ижтимоий фаолиятга ёки маданий ижодга буриб юборади.

Биринчи жаҳон уришидан кейин Фрейд инсон хулқ-атворининг яна бир детерминантасини белгилайди – ўлим инстинктини. Психик қўзғалиш исталмаган, кераксиз нарсадай идрок этилади, ундан қутилишнинг ягона йўли ўлик материяга айланиш. Шу ердан ўлимга нисбатан аенгланмаган интилиш пайдо бўлади. Инсонни бир умр ўлим кўрқуви таъқиб қилади. Бу конфликт шундай кучларни аниқлаб берадики, улар инсон хулқ-атворида таъсир кўрсатади. Ўзининг бу назариясини Фрейд “Лаззатланиш принципининг нариги томонида” асарида илгари суради.

Фрейд умрининг сўнгги ўн йилини инсон, жамият ва маданият табиати ҳақидаги тасаввурларини таҳлил қилади. Айнан жамиятнинг маданиятида барча мавжуд неврозларнинг биринчи сабабини кўради.

Австриянинг 1938 йилда нацистлар томонидан босиб олинганидан сўнг олим Венадаги яҳудийлар геттосининг тутқинига айланади. Англия қироличаси 100 000 шиллинг ҳисобига тутқунликдан озод қилади ва Фрейд умрининг сўнгги ойларини Англияда ўтказади. Томоқ раки унинг ишлашига халақит беради ва кейинги яшашида маъно тополмагач, Фрейд врачнинг ёрдамида ўз умрига сўнгги нуқтани қўяди.

Зигмунд Фрейд 23 сентябрь 1939 йилда 83 ёшида вафот этади.

# Александр Владимирович Запорожец (1905 - 1981)



Машхур совет психологи,  
Л.С.Виготскийнинг шоғирди 1905 йилнинг 30 августида туғилди. Москва давлат Университетининг педагогика факультетини тугатади. А.В. Запорожец ўз илмий фаолиятини А.Р.Лурияда лоборант сифатида бошлайди. 1931 йилдан бошлаб у катта ассистент лавозимида ишлайди. Кейинчалик Психоневрология академиясида психология секторининг лабораториясида мудир бўлди. Сўнгра М.Горький номидаги Харьков педагогика институти психология кафедрасида доцент ва мудир бўлиб ишлади.

1930 йилларда Харьков психологик мактабида ўтказилган тадқиқотлар доирасида Запорожецфилогенезда психиканинг келиб чиқиши муаммосини (А. Н. Леонтьев билан ҳамкорликда) ўрганади. Запорожецнинг фикрича, ҳар қандай билиш жараёни асосида амалий ҳаракатлар ётади, хусусан идрок ва тафаккур “перцептив ҳаракатларнинг” тескари тизимидир. Бунда предметнинг асосий хусусиятларининг ўхшашлиги содир бўлади ва бунинг натижасида перцептив ёки фикрий образ пайдо бўлади.

Улуғ Ватан урушининг илк йилларида А.В.Запорожец ҳарбий госпиталда врач бўлиб ишлайди, 1943 йилда эса Москва давлат университетининг психология бўлимида ишлайди. 1944 йилдан РСФСР ПФАнинг Психология институти мактабгача ёшдаги болалар психологияси лабораториясида мудир бўлиб ишлади. Тахминан шу вақтга келиб Запорожец вазиятнинг маъносини секин-аста баҳолаш ҳаракатларига эга бўлиш жараёни сифатида эмойиялар тараққиёти тўғрисидаги қоидани ишлаб чиқа бошлади. Шунингдек, у А.Н.Леонтьев билан ҳамкорликда ихтиёрий ҳаракатларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши концепциясини яратди. Бунда у Улуғ Ватан уруши пайтида жароҳат олган кишиларда ҳаракатларни тиклаш бўйича госпиталдаги тажрибаларини умумлаштиради.

1959 йилда А.В.Запорожец педагогикадан докторлик диссертациясини ҳимоя қилади ва Мактабгача тарбия институтининг директори лавозимида ишлай бошлайди. Бу ерда у болалар



психологияси тараққиётига бағишланган мавзуларда илмий тадқиқотлар олиб боради. Олим боланинг ихтиёрий ҳаракатларини тадқиқ қилар экан, Запорожец хулқ-атвор регуляциясида ориентировка фаолиятининг аҳамиятини аниқлади.

А.В.Запорожецнинг ўзи илмий фаолиятида ҳамиша айнан болалар психологиясига – бола шахси ва унинг психик жараёнлари муаммоларига бирламчи аҳамият қаратади. Кўплаб психологик муаммолар унинг томонидан психолог ҳамкасблари билан ҳамкорликда амалга оширилар эди. Буларга - А.Н.Леонтьев, П.Я. Гальперин, Д.Б. Эльконин ва бошқалар кирар эди. Шунингдек у Т.О. Гиневская, Я.З. Неверович сингари ходимлари томонидан ўтказилган экспериментал тадқиқотлар материалларидан ҳам фойдаланди.

Устози Л.С.Виготскийга ўхшаб А.В.Запорожец ҳам шундай фикрда эди: инсонга хос бўлган тафаккур, хаёл, ирода, ижтимоий ва ахлоқий ҳиссиётлар ва ҳ.к. сингари психик сифатлар ўз ўзича биологик ривожланиш жараёнидан ҳам, боланинг индивидуал тажрибасидан ҳам келиб чиқмайди. Улар асосан моддий ва маънавий маданият маданият маҳсулотларида ўз ифодасини топган ижтимоий тажрибадан пайдо бўлиши зарур. Бу маданият бола томонидан бутун болалиги давомида ўзлаштирилади.

Запорожец таъкидлайдики, ижтимоий муҳит бола учун шунчаки зарур бўлган ташқи шароит (ҳаво, иссиқлик, овқат билан бирга) эмас, балки тараққиётнинг ҳақиқий манбаидир. Чунки айнан шу муҳитда болада психик қобилиятларнинг пайдо бўлиш дастури “ёзилган” бўлади. Унда мазкур қобилиятларни қайд этилган ижтимоий шаклдан процессуал индивидуал шаклга “кўчириш” учун конкрет воситалар сингдирилган. Шу маънода у инсон психикаси мазмунининг ҳақиқий ташувчиси ҳисобланади.

Боланинг ижтимоий тажрибага муносабатининг асосий шартини бўлиб унинг фаолияти қатнашади. Бу фаолият мақсадга йўналтирилган ҳолда қурилиши лозим. Боланинг ўзга кишилар билан кечадиган мулоқотида юзага чиқади. Айнан болани ривожлантира туриб, у билан мулоқот қила туриб, фаолиятнинг нисбатан мураккаброқ шакллари эгаллаш учун асосни ярата туриб, катталар боланинг ижтимоий тажрибасини оширади ва унинг олдида билим ва кўникмаларнинг турли хил турларини ўзлаштириш бўйича янги имкониятларни очади.

Боланинг психик тараққиётида катталар фаолиятининг асосий роль ўйнашини тан ола туриб, А. В. Запорожец қандай қилиб бу амалиётда ривожланаётган фаолият ўз вазифаларини бажаради. Катта миқдордаги экспериментал материалларни таҳлил қилар экан, у шундай хулосага келади: психик тараққиётда фаолиятнинг ориентировка компонентлари (ижро компонентларидан фарқли ўлароқ) марказий роль ўйнайди; демак, болада фаолиятни шунчаки шакллантиришнинг ўзи муҳим эмас, фаолиятнинг махсус ориентировка

қисмини қуриш лозим. Шу нарсани билиш ниҳоятда муҳимки, айнан қандай конкрет усуллар ва воситалар ёрдамида бола ориентирларни фаолият жараёнида ажратиб олади; фаолиятнинг бу ориентировка қисми бола психикасида акс этади ва ижро копонентларига қанчалик таъсир кўрсатади.

Биз фаолиятнинг ориентировка қисмининг ривожлантираётган кучини кузатаяпмиз. Чунки у бола ишлаётган моддий ва маънавий предмет ва ҳодисаларни қиёслаш, моделлаштириш функциясини бажаради. Бу эса улар ҳақида мос бўлган тасаввур, тушунча ва кечинмаларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Шундай ориентировка чегарасидан чиққанда бола ижтимоий аҳамиятли ҳодисалар билан ишлай олмайди.

Бола организмнинг биологик хусусиятлари ва уларнинг пишиб етилиши тараққиётнинг ҳаракат сабаби бўлмасда боланинг нормал тараққиётининг зарур шarti ҳисобланади: қандайдир янги психологик тузулмаларни дунёга келтирмасда, бу биологик хусусиятлар ҳар бир ёш даврида фаолиятнинг янги турларини ўзлаштириш учун махсус асосларни дунёга келтиради, ориентировканинг янги объектларини ажратиб чиқаради ва янги тажрибани қўлга киритади.

Шундай қилиб, бола миясининг ассоциатив тепа-энса ва пешана қисмларининг интенсив етилиши бошланганига қадар у жисмонан хулқ-атворнинг иродавий бошқарилишига ва абстракт тафаккурга эга бўлмайди. Бола миясининг ассоциатив тепа-энса ва пешана қисмлари етарли даражада етилиб бўлгач (мактабгача ёшда), бола мазкур қобилиятларга эга бўлади. Шу билан бирга мазкур қобилиятларнинг фаолияти мулоқот ва фаолият ваҳиятларида миянинг мос ҳудудлари ўсишига ижобий таъсир кўрсатади. Ҳатто миянинг биохимик ва морфологик хусусиятларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

А.В. Запорожцнинг болалар психологияси тараққиётига қўшган ҳиссаси катта: айнан у биринчи марта боланинг аффектив ҳаракатлари, ҳаракатларнинг ички шакли сингари психологиянинг муҳим масалаларини ўрганди. У фаолият назариясига очиқчасига қарши чиқмади, бироқ унинг назарияси ҳаракатлар психологиясини очиб беради. Ҳаракатлар боланинг ички оламига, маънавиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бу мураккаб, аммо принципиал қоидалар асосида бола психикаси тараққиётининг махсус ёш давлари асослаб берилди.

Запорожец ҳаётининг сўнги йилларида фаолиятни маъноли бошқаришда (смысловая регуляция) махсус звено сифатида эмоциялар назарияси ишлаб чиқилди ва у 1960 йилда чоп этилган “Ихтиёрий ҳаракатлар тараққиёти” деб номланган асарида ўз аксини топди.

А.В. Запорожец 1981 йилнинг 7 октябрида вафот этди.

# Блюма Вульфовна Зейгарник (1900 - 1985)



Блюма Вульфовна Зейгарник 1900 йилнинг 9 ноябрида Литванинг Пренай шаҳарчасида таваллуд топди. Шу шаҳарчанинг ўзида у гимназияни тамомлади. Афсуски, унинг бу даврдаги ҳаёти тўғрисида бирорта жиддий маълумотлар сақланиб қолмаган.

У анча эрта турмушга чиқади ва 1921 йилда эри билан Берлинга кетади. Берлинда Берлин университетининг филология факультетига ўқишга киради ва бу ерда у немис тилининг турли туман диалектларини ўрганишга киришиб кетади. Дарҳақиқат, у ўрганаётган нарсалар психологиядан ўта йироқ эди.

Зейгарник тасодифан профессор М.Вертгеймернинг маърузаларини эшитиб қолади ва ўзининг ҳаётини психологияни ўрганишга бағишлашлигини тушуниб етади. 1924 йилдан у Курт Левиннинг семинарларига қатнаша бошлайди. Курт Левин бевосита шахс психологияси билан шуғилланар эди, хусусан шахсни ҳаракатга келтирувчи мотивларни, шахснинг жамоадаги хулқ-атворини, шахснинг эҳтиёжларини ва квазиэҳтиёжларини ҳамда уларнинг ижтимоий муҳитга боғлиқлигини ўрганар эди.

Зейгарник Левиндан ташқари бошқа профессорларнинг ҳам машғулотларида қатнаша бошлади, хусусан К. Гольдштейннинг психиатрик клиникасида шуғилланди, Э. Шпрангернинг маърузаларини тинглади, М. Дессуарнинг эстетика бўйича маърузаларини эшитди. Юқоридаги олимларнинг барчаси унинг гештальтпсихологияга нисбатан меҳри борлигини англаб, Левиннинг машғулотларидан узоқлаштиришга ҳаракат қилишди. Чунки Левиннинг таълимоти гештальтпсихологиядан тубдан фарқ қилар эди.

Тахминан шу пайтга келиб (аниқроғи 1925 йилда) қатор экспериментлар ўтказгандан кейин Зейгарник ғаройиб қонуниятни кашф этди ва кейинчалик бу фанга “Зейгарник эффекти” номи билан кириб келди. Мазкур эффектнинг маъноси шунда эдики, тугалланмаган ҳатти-ҳаракатлар тугалланганларига нисбатан инсон хотирасида нисбатан яхшироқ сақланиб қолар экан.

Эксперимент ўтказиш жараёнида Зейгарник синалувчилардан маълум вақт давомида қандайдир масалани ечишни сўраган. Маълум

бўлишича, қандайдир омил таъсирида (масалан, вақтнинг етишмаслиги) масала ўз ечимини топмаса, бу ечилмаганлик маълум даражада эмоционал зўриқишни келтириб чиқаради ва масала ечишдан қониқмаслик туйғусини чақиради ва бу ўз ўрнида хотида “қониқтирилмаган” ҳаракат сифатида сақланиб қолади. Зейгарник тажриба йўли билан ғал этилмаган вазифаларни эслаб қолиш миқдори ҳал этилган масалаларни эслаб қолишга нисбатан икки марта кўп эканлигини исботлади.

“Зейгарник эффект”ининг кашф этилганидан қирқ йил ўтиб аниқ бўлдики, 160 дан ортиқ илмий ишлар мазкур ишга бағишланган экан ва 30 мингдан ортиқ киши ўз тадқиқотларида у ёки бу даражада буишга кўл уришган экан. Амалда психологиянинг барча йўналишлари ва мактаблари (психоанализдан бошқа) “Зейгарник эффект”ини ё маъқуллаган, ёки танқид остига олишган.

1927 йилда Зейгарник Берлин университетини ўзи кашф этган эффект бўйича диплом ҳимоясини муваффақиятли қилиш билан якунлади. Бироқ унинг тадқиқоти К.Левин томонидан 1926 йилда VIII халқаро психологик конгрессда қилган докладида эълон қилинган эди.

1931 йилда Зейгарник Россияга қайтади. У илк дақиқадан бошлаб фан билан шуғилланиб бошлайди. Зейгарник Л.С. Выготскийнинг яқин ёрдамчисига айланади ва Экспериментал медицина Институтининг психоневрология клиникасида ишлайди. Бу йиллар давомида Зейгарник кўплаб машҳур совет психологларининг ҳамфикрига айланиб улгурган эди.

Ўттизинчи йиллар ҳам ёш совет психологияси учун, ҳам алоҳида психологлар учун оғир йиллар бўлди. 1934 йилда Виготскийнинг вафотидан кейин унинг шогирдлари қувғинга учради ва Виготский томонидан илгари сурилган таълимотни давом эттириш таъқиқланди. 1938 йилда унинг эри Б.В. Зейгарник қамоққа олинади ва Лубянка қамоқхонасида ўлиб кетади. Олима эса ёш боласи билан қаровсиз қолади.

Улуғ Ватан уруши даврида Зейгарник Москвадан чиқиб кетади ва Уралда нейрохирургик госпиталда оғир ярадорларнинг руҳий саломатлигини тиклаш билан шуғилланади.

Зейгарник мамлакатнинг кўплаб йирик психологлари билан, жумладан А.Р. Лурия, А.Н. Леонтьев, А.В. Запорожц, С.Г. Геллерштейнлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатади. Улар билан мулоқот жараёнида психологиянинг алоҳида тармоғи бўлган патопсихология тўғрисидаги тасаввурлари шакллана боради.

Уришдан кейинги даврларда Зейгарник Психиатрия институтидаги психология лабораториясини бошқаради. Айнан мана шу даврларга келиб психология ва психиатрия асосида психологиянинг янги шахобчаси экспериментал патопсихологияси шаклланди.

Зейгарникнинг қуйидаги китобларида олиманинг назарий


кузатишлари ва амалий тажрибалари ўз аксини топган: “Руҳий касалларда тафаккурнинг бузилиши” (1959), “Тафаккур патологияси” (1962), “Психопатологияга кириш” (1969), “Патопсихология асослари” (1973), “Патопсихология” (1976).

Зейгарник психотерапияни оммавий ҳолда қўллашга қарши эди. Унинг фикрича, ўзини танқидий баҳолайдиган, шахс ўзининг ички муаммоларини мустақил ҳолда ҳал этадиган киши психотерапияга зарурат сезмайди. Чунки гармоник ривожланган шахс ўзининг ички бузилишларини мустақил ҳолда ҳал этиши лозим. Психик ўз ўзини бошқариш тизими яхши ривожланмаган кишилар психотерапияга муҳтож.

Блюма Вульфовна Зейгарник ўзининг кашф этган эффекти билан ва психопатология фанига қўшган ҳиссаси билан халқаро миқёсда шуҳрат қозонди.

Б.В. Зейгарник 1985 йилда вафот этади.

# Иван Петрович Павлов (1849 -1936)



Иван Петрович Павлов – буюк рус тадқиқотчиси, физиологи, мамлакат фани тарихига улкан ҳисса қўшган дунёга машҳур олим, Нобел мукофоти лауреати.

Иван Петрович Павлов 1849 йил 14 (26) сентябрда руҳоний оиласида таваллуд топди. Унинг келиб чиқиши Павловнинг бошланғич таълимини ҳам белгилаб берди – у Рязандаги диний мактабни тугатади, шундан сўнг 1864 йилда у Рязандаги диний семинарияга ҳам ўқишга киради.

1870 йилда Павлов Петербург университетининг физико-математика факультетига ўқишга кириб, уни тугатгандан сўнг, 1875 йилда Тиббий-хирургия академиясининг 3-курсига қабул қилинди. У Академияда ўқир экан, шу билан бир вақтда профессор-физиолог К.Н. Устимовичнинг лабораториясида ишлайди.

1879 йилда Павлов Тиббий-хирургия академиясини тугатгандан сўнг илмий фаолиятини давом эттириш учун шу ернинг ўзида қолади. 1881 йилда Павлов тиббиёт доктори даражасини олиш бўйича диссертацияни ҳимоя қилади. Шундан кейинги И.П. Павловнинг 46 йиллик фаолияти экспериментал медицина Институтини билан бевосита боғлиқ ҳолда кечди. У бу ерда кейинчалик унинг номи берилган физиология бўлимини бошқаради.

Иван Петрович Павлов Сеченовнинг психик фаолиятнинг рефлексор характери тўғрисидаги таълимотини ривожлантира бориб, рус психологияси тараққиётига улкан ҳисса қўшади. Ўзи ишлаб чиққан шартли рефлексларни ўрганишнинг методи ёрдамида у шу нарсани ўрнатадики, психик фаолият асосида бош миёна пўстлоқ қисмида содир бўладиган физиологик жараёнлар ётади.

Павлов 1903 йилда Мадриддаги Халқаро тиббиёт конгрессида янги дастур билан илк чиқишини қилади. У ўз нутқини “Экспериментал психология и ҳайвонларда психопатология” деб атайди. Конгресс иштирокчилари учун бу кутилмаган ҳол эди. Павлов овқат ҳазм қилиш физиологияси ўз ишлари билан дунёга машҳур эди, бу ерда эса – психология. Бироқ Павловнинг ўзи шундай деб таъкидлайди: “бундай

ўтиш кутилмаган бўлсада, бироқ тўлиқ табиий эди...”.

Павлов физиологик тажрибалардан психологик тажрибаларга ўтиши унинг кейинги ишларининг мазмунини белгилади. Павлов тиббиётда кенг тажрибавий материаллар асосига қурилган янги психофизиологик йўналишга асос солди. Ўзининг маълумотларида у хатти-ҳаракатларни рефлектор бошқаришни ўрганиш бўйича 12 вариантда тадқиқотлар олиб борганини таъкидлайди. Ҳар бир вариант Павлов томонидан илгари сурилган кўплаб янги йўналишларнинг очилишига сабаб бўлади.

Итлар устида ўтказилган тажрибаларда ўзининг мотивацион белгиси бўйича қарама қарши реакциялар чақирадиган қўзғатувчилардан фойдаланилди. Масалан, кучли оғриқ чақирадиган ҳайвоннинг терисига таъсир кўрсатиладиган электр токи нимагадир негатив ҳимоя реакциясини чақиритиш ўрнига позитив овқат реакциясини чақиради. Павлов тажрибаларини ўзи ва ўз ҳамкасблари билан биргаликда ўтказди.

Маълумки, ҳар ҳафтада бир марта чоршанба кунлари эрталаб соат 10 да Павлов ўз лабораторияларидаги ходимларни тажриба натижаларни, шунингдек олий нерв фаолияти таълимотининг умумий муаммоларини муҳокама қилиш учун йиғар эди. “Павлов учрашувлари” (бу учрашувлар шундай деб аталади) стенограммаларидан бирида шундай деб ёзилган: “Иван Петрович Фрейд томонидан тавсифланган истерик психозни даволаш ҳақида айтиб берди”.

Худди шундай кўринишда, фақат нисбатан кенг кўринишда Павловнинг Мадрид учрашуви ўтказилди. У фақат сўлак безлари билан боғлиқ бўлган аниқ фактлар ҳақида гапларини бошлар экан, Павлов ҳақиқатда тингловчилар олдида ўз тадқиқотчиларининг методологиясини кўрсатиб беради. Айнан мана шу конкрет-илмий методологияда ва янги тадқиқот дастурида физиология ва психологияда павловгв хос бўлган инқилобни кўриш мумкин.

Кейинчалик омма онгида Павлов кашфиёти ўта содда кўринишда (гўёки “Сеченов қурвақаларига ўхшаб”) шаклланган бўлса, яъни итларда сўлак ажралиб чиқиш нафақат овқатга тегиниш билан, балки қўзғатувчи тўғрисида хабар берадиган сигналнинг мияга таъсири билан ҳам тушунтирилади.

Бироқ феноменнинг соддалиги фандаги бу янгиликни тўсмади. Павлов таълимотининг тарихий аҳамияти хатти-ҳаракатлар категориясининг киритилишида ётади. Эсланг, Сеченовда бу категория мавжуд эмас эди.

Илгариги Декартдан Сеченовгача сенсомотор акт сифатида талқин этиладиган рефлекс концепциясига асосланган эди. Рефлекс принципини сақлаб қолган ҳолда Павлов тирик организмнинг мақсадли ҳаракатларини таҳлил қилиш учун бошқа объектни – эндоэкология ва экзоэкология биотизимларини, ички муҳитни ташқиси билан

боғлайдиган органни танлади.

Шу билан бирга Павлов томонидан киритилган тушунчалар психика ва унинг субстратининг анъанавий бўлинишини иккига бўлади ва уларнинг ҳар бири тўғрисида алоҳида тилда гапиради. Улар томонидан фарқланган янги шартли рефлектор ҳодисалар доирасини анъанавий физиологик функциялар билан қиёслар экан, Павлов таъкидлайдики, улар орасидаги фарқ шундаки, “тажрибанинг физиологик шаклида модда организм билан бевосита қўшилади, психик шаклда эса у масофадан таъсир этади”, бироқ Павлов муҳим фарқ бунда эмаслигини таъкидлайди. Бу фарқни излаш уни сигнал муносабатлар соҳасига олиб боради. Сигнал Павловнинг тушуниши бўйича нафақат организм ишининг ички шароитларини, балки унинг ташқи шароитларини ҳам фарқлаш воситасидир. Бу билан ташқи оламда яшаш, тирик тизимга боғлиқ бўлмаган объектив хусусиятлар ва муносабатларни эгаллаш имкониятига эга бўлади.

Кейинчалик Павлов “бирламчи сигналларнинг” вазифасини предметли оламини сенсор, ҳиссий-образли англашда деб билди. Эҳтиёж эса унда Павлов томонидан айtilган “мустаҳкамлаш” термини билан ифодаланган хатти-ҳаракатлар контекстида мотивацион омил сифатида қаралади. Бошқа муҳим ўзгарувчи (хатти-ҳаракатлар детерминанти) сифатида тормозланиш ва такрорлаш қатнашади. Павлов рефлектор регуляциянинг муҳим хусусияти сифатида хатти-ҳаракатлар мавжуд шакллариининг модификациясини кўрсатади.

Шундай қилиб, Павлов томонидан таъкидланган тил биологик ҳаётни ундан айро бўлмаган психик ҳаёт билан боғлаш имкониятини берадиган тил-воситачидир. Айнан мана шунда “Павлов фикрининг гениаллиги” ётади.

Айтиш жоизки, организмнинг фаоллиги, унинг имкониятларининг кенглиги, фаолияти, ташқи муҳитга нисбатан установакалари физиология ва психологияда объектив методни талаб қиладиганларнинг ақли-шуурини эгаллаб олди. Улар рефлекслар тўғрисидаги таълмотга эътиборларини қаратдилар. Айниқса Павлов томонидан еиритилган “мақсад рефлекси” уларни жуда қизиқтириб қўяди.

Ориентировка рефлекси организм ҳаёти таъминоти учун фарқсиз бўлган предметни эгаллашга интилиш билан белгиланади. Мақсад рефлексининг типик мисоли сифатида Павлов коллекция тўплашга нисбатан эҳтиросни келтиради. Павлов шундай хулосага келадики, “мақсаднинг маъноси ва қадрини ажратиб олиш интилиши алоҳида акт, ишнинг моҳияти шу интилишда, мақсад эса иккинчи даражали иш”. “Мақсад рефлекси катта ҳаётий аҳамиятга эга, у ҳар биримиздаги ҳаётий энергиянинг асосий шаклидир” деб таъкидлайди Павлов.

Энергетик ўзгарувчи бўлган мақсад рефлексига таянган ҳолда Павлов таълимотига ижтимоий-тарихий детерминация тўғрисидаги



ҳояни киритади. Энергиянинг тушиб кетиш сабабини у ижтимоий таъсирларда кўради.

1923 йилда Павловнинг “Ҳайвонлар ҳатти-ҳаракатлари олий нерв фаолиятини объектив тадқиқ этиш бўйича йигирма йиллик тажриба” деган иши чоп этилади.

Павлов таълимоти секин аста нафақат фактлар билан, балки назарий тушунчалар билан бойитилди. Павлов олий нерв фаолиятиги тааллуқли бўлган кўплаб масалаларни кўтариб чиқади: индивидуал фарқларнинг сабаблари, генетик омилларнинг роли, нерв-психик патологиянинг ОНФ типи хусусиятларига боғлиқлиги ва ҳ. Павлов ишининг бошқа йўналиши инсон ОНФ ўзига хослигига бағишланади.

И.П. Павлов ишлари халқаро миқёсда тан олинади. 1935 йилда СССРда физиологларнинг 15-халқаро конгресси ўтказилади. Бунда бутун дунё олимлари Павловни “дунё физиологларининг оқсоқоли” деб тан беришади. Бу вақтга келиб Павлов академик эди ва 120 дан кўпроқ илмий жамиятларнинг, академия ва университетларнинг фахрий доктори эди. Олий нерв фаолияти таълимотининг яратувчиси сифатида бутун дунёга машҳур олим овқат ҳазм қилиш физиологияси бўйича қилган ишлари учун Нобель мукофотиغا сазовор бўлади.

Иван Петрович Павлов 1936 йилда 87 ёшида Ленинградда (ҳозирги Санкт-Петербург) вафот этади.

# Вольфганг Келер

(1887 - 1967)



Вольфганг Келер 1887 йилнинг 21 январида Эстониянинг Ревеле (Таллин) шаҳрида таваллуд топди. Унинг отаси мактаб директори, онаси эса уй бекаси эди. Унинг болалиги Германияда ўтди. Таълим олишини ҳам у немис мактабларида олади.

Келер Тюбинген, Бонн и Берлин университетларида ажойиб маълумотга эга бўлди. 1909 йилда у 22 ёшга тўлганида Берлин университетиде психология соҳасида фалсафа доктори даражасина олади.

Келер илмий фаолиятининг бошланиши ҳам шу йилларга тўғри келади. У 1913 йилдан 1920 йилгача Прусс академияси номидан Тенерифе оролида инсонга ўхшаш бўлган маймунлар хулқ-атворини ўрганиш бўйича тадқиқот ишларига раҳбарлик қилади. Ўз кузатишларини яқунлаган Вольфганг “Инсонга ўхшаш маймунлар интеллектини тадқиқ қилиш” (1917) китобини ёзади ва унда хулқ-атворни ташкил этиш тамойили сифатида қатнашадиган инсайтнинг ролини ҳайвонларда ўтказилган тажрибалар орқали экспериментал кўрсатиб беради. Келернинг фикрича, интеллектуал масалаларни муваффақиятли ечишда вазиятни бутунича кўриш ҳодисаси содир бўлади ва у гештальтга (“гештальт” сўзи немис тилидан таржимада шакл, образ ва структура маъноларини англатади) айланади. Натижада мослашиш реакциясининг характери ўзгаради. Келернинг тадқиқотлариинсон ва ҳайвон хулқ-атворининг янги шакллари ва кўникмаларинини табиати тўғрисидаги тасаввурларимизни кенгайтиради.

Оролдан қайтгач Вольфганг Келер 1920 йилда Берлин университети қошидаги Психология институтида директори вазифасини бажарувчи лавозимида ишлай бошлайди. 1922 йилда унга халқаро миқёсда шуҳрат олиб келган шимпанзенинг идроки ва интеллектини ўрганиш бўйича ўтказган машҳур экспериментлар сериясидан кейин мазкур институтда директор лавозимида ишлайди.

Мазкур институтда Келер гештальт назариясига асосланган тадқиқотларини ўтказишни давом эттиради ва 1929 йилда “Гештальтпсихология” деб номланган ишини – Курт Коффка и Макс Вертгеймерлар билан ҳамкорликда яратилган гештальтпсихология

мактабининг манифестини чоп эттиради.

Вертгеймер и Коффкалар билан ҳамкорликда Келер кейинчалик гештальтпсихология деб аталган янги прогрессив таълимотнинг асосини ишлаб чиқади. Бу йўналишни кашф этган олим-психологлар идрок назариясини кўриб чиқиш асосига пойдевор қўйдилар. Яхлитлик ва тузулмавийлик қонуниятларининг кашф этилиши ва тадқиқ қилиниши танқидчиларнинг турли хил баҳоларини олди, бироқ вақт ўтиши билан жамият ҳаммасини қабул қилди ва уларни маъқуллади.

Гештальт концепциясининг ўзи 1920 ва 1940 йилларда чоп этилган Келер асарларида фундаментал ривожлантирилади. Уларда Келер майдонлар физикаси билан перцептуал ташкил этиш ҳодисаларининг айрим жиҳатлари ўртасида ажойиб ўхшашлик борлигига эътиборини қаратади. У физикада алоҳида қисмларнинг тўплами сифатида кўрилмайдиган функционал яхлитликларга мисоллар келтиради. Шундай микроскопик физик ҳолатлар мавжудки, улар мувозанат томонига ривожланишга интиладилар ва максимал бошқарилиш йўналишида бўладилар.

1920 йилда гештальтпсихологиянинг асосини қуришда иштирок этар экан, у Георг Мюллернинг (1897) аксиомасини ноаналитик динамиканинг янги концепциясига мос ҳолда қайтадан ишлаб чиқади. Айнан унинг ўзи шундай психоневрологик муносабатларни тавсифлаш учун “изоморфизм” терминини таклиф этади. Айнан у ва унинг ҳамкасалари мазкур концепцияни гештальтпсихология учун муҳим қилиб қўяди. Уларнинг ишларида ҳар доим ҳам феноменологикми ёки мия майдони ҳақида гап кетаётганини англаб бўлмайди. Бироқ Келер бу нарсани аниқ ифодаб беради: улар ўртасидаги муносабатларда ўлчам ва шаклнинг ўхшашлиги эмас, балки топологик тартиб ҳақида гапирса бўлади.

Келер мия жараёнлари концепциясига фундаментал ўзгаришлар киритади, масалан, кўриш соҳаси улар томонидан электролит кўринишида талқин этилади. Унинг фикрича, ундаги жараёнлар нейрон алоқаларнинг микроанатомик қурулмаларига мос ҳолда эмас, балки ўз ўзини тақсимлаш физикавий қонуни асосида содир бўлади. Қўзғалишнинг локал соҳаси атроф муҳитда бу ҳолатларни келтириб чиқарадиган майдонлар билан ўралган ва улар қўзғалишнинг ўзга келтирилган соҳалари билан худди шунга ўхшаб ўзаро таъсир кўрсатади. Шу асосда Келер қуйидаги гипотезани илгари суради: физиохимик гештальтларнинг намуналари бўлган физиологик жараёнлар мавжуд ва улар феноменологик гештальтларнинг коррелятлари ҳисобланади.

Шунга ўхшаш фикрларда психофизик изоморфизм тўғрисидаги тасаввурлар ўз ифодасини топади, яъни шундай фикрки, мия жараёнлари ташкил этилган тажрибанинг ташкилий сифатларига ўхшашмаълум тузулмавий хусусиятларга эга бўлади. Изоморфизм

метрик эмас, балки топологик мосликка эгадир. Миядаги жараёнлар симметриянинг, яқинликнинг, аралашганликнинг илк муносабатларини такрорлайди, бироқ кўз тўр пардасига проекция бўлган фигураларнинг аниқ ўлчамларини ва бурчакларини такрорлайди.

Шундай формулировка кенг қабул қилинган формулировкалардан фарқ қилади. Феноменологик ва физиологик майдонлар умумий ўхшашликка эга эмас, холбуки улар бир бири билан боғлиқ бўлсада. Изоморфизм постулати тадқиқотчилар учун эвристик раҳарлик бўлиб хизмат қилиши мумкин. Айнан шундай йўл билан Келер пейрофизиологик ва психологик фактларга физик ҳодисалар соҳасида умумий тушунча беради.

1938 йилда “Фактлар оламида қадриятларнинг роли” китобида у шундай деб ёзади: “Мазкур тадқиқотни феноменологик масалалар билан чеклаб қўйиш ниятимиз йўқ”. Фундаментал тамойиллар билан боғлиқ бўлган барча масалалар феноменологик асосдагина ҳал этилиши мумкин. У соф феноменларни эгаллашга интилиш, “трансфеноменал воқелик”ка мурожаат қилиш ҳақида гапирди. Физик табиат трансфеноменал мавжудликдир. Бизнинг эпистемиологик эътиқодимиз қандай бўлишидан қатъий назар, биз физика, химия, геология и биология сингари барча табиий фанларга эга бўлишимиз лозим.

Хотира феноменини тадқиқ қилар экан, Келер ёзади: “Ҳозирги замон фани бўйича табиатнинг ягона, битта қисми мавжуд ва у мазкур ҳолатда феноменологик маълумотлар билан яқин алоқада бўлади. Табиатнинг бу қисми одатда мия фаолияти деб аталади”.

1935 йилда университетнинг ишларига нацистларнинг аралашганлигига нисбатан протест билдирган ҳолда истефога чиқади ва АҚШга кўчиб ўтади. 1955 йилда у Принстон университетидаги перспектив тадқиқотлар институтида, 1958 йилдан эса Дартмут коллежида психология профессори бўлди.

Келер 1967 йилнинг 11 июнида Энфилда шаҳрида (Нью-Гэмпшир штати) вафот этади.

# Эрнст Кречмер

(1888 - 1964)



Эрнст Кречмер 1888 йилнинг 8 октябрида Хайльбронн (Германия) яқинидаги Вюстенротда туғилди. 1906 йилда у Тюбинген шағридаги университетда фалсафани, бутун дунё тарихи ва санъатини ўргана бошлади. Бироқ у тезда мутахассислигини ўзгартиради ва Мюнхенда тиббиёт бўйича ўқий бошлайди. У бу ерда Э. Крепелин психиатрия бўйича олиб борадиган машхулотларга қатнашади. Кречмер шунингдек Гамбургдаги “Erpendorf” госпиталида стажировка ўтайди. Тюбингенда 1914 йилда “Алаҳлашнинг ривожланиши ва маниакал-депрессив симптомокомплекс” мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилади.

Биринчи жаҳон уруши бошланиши билан Кречмер ҳарбий госпиталнинг неврология бўлимида ҳарбий хизматни ўтайди. 1918 йилда у Тюбинген университетидеда приват-доцент лавозимида ишлай бошлайди ва кейинчалик Карл Ясперс юксак баҳолаган “Муносабатларнинг сензитив алаҳлаши” ишини чоп эттиради. 1926 йилда уни Марбург университетига психиатрия ва неврология бўйича профессорликка таклиф этишади. 1946—1959 йилларда у Тюбинген университетидеда Неврологик клиниканинг директори лавозимида ишлайди.

Эрнст Кречмер 1964 йил 9 февралда Тюбингенда оламдан ўтади. У умрининг охиригача ўзи томонидан ташкил этилган конституционал ва меҳнат психологияси лабораториясини бошқаради.

Кречмер ишларининг асосий йўналиши жисмоний морфологияни ҳар томонлама ўрганиш, яъни инсон танаси тузилиши хусусиятларини ўрганишдир. Унгача Траваглино, Фершуер, Фридеман, Керпер, Ледерер ва бошқа олимлар ҳам инсон танасининг алоҳида аъзолари билан психика хусусиятлари ўтаисдаги алоқаларни ўрганишганлар.

Хусусан Кречмернинг ўзи “Тана тузилиши ва характер” деб номланган китобида эслатиб ўтадики, психик ҳолатлар ва ҳодисаларнинг инсонларнинг ирқий хусусиятлари, қўл тузилиши, шунингдек ёш фарқлари билан алоқаси алоҳида кўриб чиқилган.

Кречмерни тана ва психика алоқаларини глобал ҳолда кўриб чиқишга ундаган ғоя қуйидагича эди: семиз ва ориқ тана тузилишига эга

бўлганларни тадқиқ қилишда уларни фарқлаш имконияти борми? Уларнинг ўртасидаги атлет тана тузилишига эга бўлганларни ҳам ажратиш шрганиш мумкинми? Шундай бўлинишда кўплаб тадқиқотларни ва қиёслашларни ўтказгандан сўнг индивидларнинг бу учта гуруҳи биологик кўсаткичлар бўйича, масалан, нерв-психик реакцияларнинг, эндокрин системанинг, скелет ҳолатининг ва ҳатто калла шаклининг хусусиятлари бўйича фарқ қилади. Масалан, семиришга мойил кишиларнинг ҳамшиша моддалар алмашинувида муаммоси бўлади, ўртача тана тузилишига эга бўлганлар эса скелетнинг кўпол суякларига эга бўлади, астеник индивидлар одатда юзнинг тухумсимон шаклига эгадир.

Кўплаб қиёсий жадвалларни кўриб чиқар экан, Кречмер шундай хулосага келади: тадқиқ қилинган барча индивидларни иккита типга ажратиш мумкин: шезотим ва циклотим. Шу билан бирга иккита гуруҳ ҳам ўртача тана тузилишига эга бўлган пикник, яъни нормадан четга оғиш сифатида баҳоланади. Бу четга оққан гуруҳларнинг психикасига назар ташланадиган бўлса, циклотим гуруҳлар кўпроқ циклик психик касалликларга, шизотим тип эса психика патологиясининг шизотим шаклларига мойиллиги мавжуд экан.

У ёки бу тана тузилишига (шунга мос ҳолда у ёки бу психик касалликларга) мойилликнинг мавжудлигини Кречмер ирсият билан боғлайди, яъни оиладаги катта авлодларнинг жисмоний ва психик ҳолати билан боғлайди.

Олим бир китобида шундай хулосага келади: тананинг маълум тузилиши ёрдамида индивидда қатор касалликлар мавжудлигини тахмин қилса бўлади. Масалан, шизотим субъектлар учун шезофрениянинг, даврий паранойянинг ва парафрениянинг эҳтимоли кўпроқ. Тана тузилишининг циклотим типи учун эса ақлий заифликнинг классик варианты ва маниакал-депрессив психоз, шунингдек депрессияга мойиллик хос.

Кречмернинг фикрича, жисмоний меҳнат билан банд бўлган кишиларнинг аксарияти астениклар, яъни ориқ кишилар. Уларнинг юзлари чўзиқ, очик агрессивликка ва тез фикрлашга эга. Шу билан бирга семиз кишилар оғир, босиқ, ҳаракатлари секин, юзи айлана, одатда кал бўлишади.

Психологнинг фикрига кўра, тана тузилишининг типлари нафақат психиатрик типларга, балки психологик типларга ҳам тааллуқли бўлади.

Кречмер инсон тана тузилишининг схемасини қуйидаги параметрлар бўйича келтиради:

1. Юз ва бош суяги.
2. Тана тузилиши.
3. Тананинг ташқи кўриниши.
4. Ички безлар.
5. Ўлчамлар.

6. Руҳий бузилишнинг бошланиш вақти.
7. Жисмоний статус.
8. Шахс типи.
9. Ирсият.

Олимнинг фикрича, яратилган классификациядан фойдаланган ҳолда оператив тарзда уларга мос келадиган физиологик ва психологик хусусиятларга қараб маълум касалликлар каталогини яратиш мумкин бўлади.

Клиник тадқиқотлар натижасида қўлга киритилган маълумотлар асосида Кречмер қуйидаги хулосаларга келди: Германияда ўша пайтга келиб тўрт хил тип вакиллари (церебрал, респиратор, мускул ва дигестив типлар) ажралиб чиқди. Кейинги иккита тип конституциянинг атлетик ва пикник типларига яқин келади. Учинчи тип маърифатли ва маданий савияси баланд бўлган, юксак маънавиятли кишиларга хос ва уларнинг бошлари йирик миқдорда бўлади. Французлар чиқарган юқоридаги хулосалар ҳақиқатни очиб бермайди.

Бундай хулосаларга қарама қарши ўлароқ Кречмер шундай бир ғоя билан чиқдики, у жисмоний морфологияга ёндашувнинг моҳиятини ўзгартириб юборади: классификацияда таклиф этилаётган тип инсонни, унинг танасини ва психикасини, ҳатто ижтимоий алоқаларини қамраб олади. Шунинг учун ҳам охириги хулосалар тана тузилишининг типи, мураккаб психик ҳодисалар ва маълум конкрет организмнинг хусусиятлари ўртасидаги қонуний ўзаро муносабатлар ўрнатилгандан кейин чиқарилиши мумкин.

Эрнст Кречмер 1964 йилда вафот этади.

## Курт Левин (1890 - 1947)



Машхур психолог ва социолог Курт Левин 1890 йилнинг 9 сентябрида Германияда туғилди. Унинг оиласи яҳудийлардан эди. Куртнинг ота-онаси иудаизм динига сиғинар эди. 1926 дан то ҳокимият тепасига нацистлар келгунича у Берлин университетида профессорлик қилар эди. Ўша олий таълим муассасасида таълим олади ва психология бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилади (1914). 1933 йилда Гитлер партияси ҳокимият тепасига келгач, яҳудийлар оммавий репрессия қилина бошланди. Шунда Левин ватанини ташлаб, АҚШга кетишга мажбур бўлади. Бу ерда у Стэнфорд университетида икки йил ишлайди. Кейинги ўн йил давомида Левин Иова университетида дарс беради. 1944 йилдан то 1947 йилнинг 12 феврилида вафот этганича олим Массачусет технология институти қошидаги гуруҳий динамикани ўрганиш бўйича марказни бошқаради.

Ёшлигидан Левин ўша пайтларда психологиянинг янги ва прогрессив бўлган йўналишларидан бири гештальтпсихологияга қизиқиши биланд эди. Олим армияда хизматини ўтаб қайтгач, ўзининг кадрдон Берлин университетига қайтади ва у ерда гештальтлар тўғараги билан алоқани ўрнатади. Бу янги йўналишни классик психологияга киритиш ҳаракатига тушади. Фаннинг ёш рицарлари психологияни ўзга фанларнинг энг янги ютуқлари билан бойитишга интилишадилар. Бунинг натижасида янада каттароқ самара кўришни ният қилишадилар. Улар замонавий табиий фанлар, айниқса ноклассик физикага катта эътибор қаратишадилар. Ўша пайтлар бу фаннинг ютуқлари догматик бўлган ўрта аср метафизикаси категорияларидан фарқли ўлароқ барча кишилар уфқларини кенгайтиришлигини айтишар эдилар.

Гештальтлар учун илҳомнинг асосий манбаи физик Бриджменнинг ғояси эди (хусусан оралиқ ўзгарувчилар ҳақидаги ғояси катта қизиқиш уйғотган эди). Бу ғояларга 1920 йилларда неопозитивизм фалсафий мактабининг хулосалари (логик позитивизм) кўшилди. Унинг асосида ягона илмий тил сифатида физика тилини тан олиш ва барча ўзга гуманитар, табиий ва аниқ фанлар тилларини унга мослашга



интилиш ётар эди. Шундан келиб чиққан ҳолда психология гештальтистлар томонидан психологик фактлар (табиат фактларига ўхшаш) ҳақидаги таълимот сифатида қарала бошланди.

Бироқ вақт ўтган сари Левин бошида гештальтистлар ғояларини қўллаб-қўлтиқлаган бўлса, кейинчалик ундан узоқлаша бошлади ва унга янги мазмун киритишга ҳаракат қилди. Шундай қилиб, у физикага операционал процедуралар, номаълум психологик тушунчаларни физик терминларга келтириш перспективалари ҳақидаги таълимот сифатида эмас, балки интеллектуал усуллар имкониятининг асоси сифатида қизиқади. Бу усуллар янгиланган психологиянинг юксалишини таъминлаб беради.

Левиннинг илк муҳим иши “Фанлар ҳақидаги қиёсий фан” деб аталади. Унда олим фарқлар ва усулларга тааллуқли бўлган жиддий методологик тадқиқотини ўтказди. Бу усуллар ёрдамида Аристотель ва Гегель сингари фан улуғлари табиат ҳодисаларини тушунтиришган (Аристотелнинг «Физика» ва Гегелнинг «Табиат фалсафаси» асарлари назарда тутилаяпти). Олим ўзининг тадқиқотида шундай хулосага келдики, ҳар қандай фанда прогресснинг симптоми бўлиб ташқи тушунчалардан (яъни табиатда мавжуд бўлган қандайдир реал нарсалар сифатида олимлар тасаввур қилишга ҳаракат қилишаётган тушунчалар) “реляцион” тушунчаларга (албатта мавжуд бўлганлик статусига даъво қилмаётган тушунчаларга) ўтиш жараёни бўлади. Демак, психология ҳам бундай ўтишнинг бўлишидан истисно эмас ва фан ниҳоят ўрганилаётган ҳодисаларни маълум ўзгармас нарсалар деб эмас, балки ўзгарувчан муносабатлар сифатида талқин этиши зарур.

1917 йилда Левин ўзининг машҳур “Иродавий жараёнларнинг сусайишида психик фаолият ва ассоциациянинг асосий қонуни” ишини чоп эттиради. Китоб бутун дунё бўйича тез тарқаб кетади ва олимни машҳур қилади. Мазкур китобда олим психологиянинг вюрцбург мактабида шаклланган асосий тенденцияларни танқид остига олади. Маълумки, бу мактабда иродавий актни субъектнинг илк ассоциацияларни енгиб ўтиш қобилияти сифатида қарайди. Уларнинг фикрига кўра, онг жараёнларининг иккиламчи детерминацияси мавжуд бўлиб, уларнинг биринчисидан ассоциация ўзининг шахсий қонунлари билан тушунтирилади, иккинчисидан эса мазкур ассоциациялар субъектнинг мақсадлари билан тушунтирилади.

Левин бундай талқинни танқид остига олади ва муаммога ўзининг шахсий қарашини баён қилади. Унинг фикрича, ассоциация бор йўғи психик ҳодисалар оқимидаги боғланишнинг битта звеноси холос ва шунинг учун ҳам ўзича инсон психикаси барча механизмларини ҳаракатга келтирувчи куч бўла олмайди. Бироқ, бошқа томондан қараганда, олим психик ҳодисалар детерминациясининг иккинчи томонини шубҳа остига ола билмади, яъни субъектнинг фаолияти билан боғлиқлигини, чунки акс ҳолда субъект иродадан маҳрум бўлиб қолган

бўлар эди.

Ўша пайтлар динамик майдонлар тушунчаси кенг тарқалган эди. Унга кўра ҳар бир алоҳида олинган нуқта бошқа барчалари билан ўзаро таъсирда бўлади. Шунинг учун майдон ҳудудларида бўладиган бирорта ўзгариш шу ўзгаришни йўқ қилиўга ва бутун тизимда динамик мувозанатни тиклашга ёрдам беради. Бироқ гештальт ёндашувга мойил бўлган ўзга муаллифлардан фарқли ўлароқ, Левин перцептив тузулмаларга эмас, балки инсоний кўзғалишларга (фаолият мотивларига) эътиборини қаратади. Бу унинг янги қиррасидир.

Левингача мотивауия муаммоси психологияда кўпчиликнинг эътиборидан четда эди. Бироқ у олимларни уни тадқиқ қилишга ундади. Психологнинг фикрича, инсон хулқ-атворининг мотивлари турли хил турдаги объектлардир (улар эҳтиёжни ўзида ҳис этган индивидга нисбатан муносабатида ҳаётиф фазолардир) ёки Левиннинг айтишича “квазиэҳтиёж-интилиш”дир. Муаллиф ёзадики, инсоннинг маълум сабаблар билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлари субъектнинг ўзидан эмас (унинг ички дунёқарашидан эмас), балки инсонда истеъмол қилига интилишни чақирадиган атроф-муҳитнинг предметларидан келиб чиқади.

Мотивларнинг барча тизими Левинда динамик майдонни куради ва у онг майдонида эмас, балки хулқ-атвор майдонида юзага чиқади.

Бу хулқ-атвор индивид билан муҳит ўртасидаги мутаносибликнинг бузулишидан пайдо бўладиган, доимий кўзғалишда бўлган тизим кўринишидаги ўзига хос детерминациялашган психик майдондир. Кўзғалишнинг кучайиши инсон психикасида субъектнинг нафақат ташқарисида, балки ичида ҳам содир бўладиган турли хил турдаги ўзгаришларни келтириб чиқаради. Ўзгаришлардан мақсад – кўзғалишлардан бутунлай қутулиш.

Шу ғоядан келиб чиққан ҳолда Левин оригинал психологик методикани яратади. Унинг ёрдамида инсоннинг тугалланган ва тугалланмаган ҳаракатлари фарқланади (биринчиси ҳақида у эслай олмаслиги мумкин, иккинчиси тўғрисидаги хотиралар эсда қолиши шарт). Шу методикадан фойдаланган ҳолда ўтказилган экспериментда маълум бўладики, тугалланмаган ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган ҳодисалар инсон томонидан нисбатан яхши эсда қолар экан. Шундай қилиб Левин индивиднинг психологик майдонидаги динамик кўзғалишнинг мавжудлигини фикрни исботлайди.

Ғоясини ривожлантирар экан, Левин шундай хулосага келади: психик майдоннинг мотивацион кўзғалиши нафақат индивиднинг ўзи билан (Левин бунга квазиэҳтиёж деб атайди), балки ўзга кишилар билан (улар субъектнинг олдига турли хил вазифаларни кўяди.) Шундай қилиб, мотивациянинг орқасидан психик ҳодисаларнинг статуси тан олинади, шунингдек психологик фаннинг қизиқарли предметлардан бири ҳам тан олинади.

Шунга ўхшаш хулосалар мотивацияни ўрганишнинг янги методикаларининг очилишига йўл очди. Психик майдоннинг динамикасини кузатиш индивиднинг талаб даражасини, қарор қабул қилиш тизимини ўрганиш ва мақсадга эришиш воситаларини танлаш имкониятини берди, яъни инсоннинг бутун фаолиятини қандайдир тизимлашган яхлитлик сифатида кўриш мумкин бўлди. Бу ғояларни Левин ўзининг “Шахснинг динамик назарияси” (1935), “Топологик психология принциплари” асарларида илгари суради.

Курт Левин 1947 йилнинг 12 феввалида вафот этади.

# Лев Семенович Виготский

(1896 - 1934)



Лев Семенович Виготскийни “Психология Моцарти” деб аташади. Айтиш мумкинки, бу киши психологияга “четдан” келган. Лев Семенович махсус психологик маълумотга эга эмас. Балки шу ҳолат унинг психология фанига янгича томондан туриб ёндашувига сабаб бўлгандир. Унинг новаторлик ёндашуви шу билан тушинтириладики, у эмпирик “академик” психология анъаналарига қарши боради.

Лев Семенович Виготский 1896 йил 5 ноябрда Орша шаҳрида таваллуд топди. (Унга туғилганда Лев Симхович Выгодский деб ном берилган эди). Бир йил ўтгач, Виготскийлар оиласи Гомель шаҳрига кўчиб ўтади. Айнан мана шу шаҳарда Лев мактабни тугатади ва фандаги илк қадамларини қўяди. Виготский ҳали гимназияда ўқиб юрган чоқларидаёқ А.А. Потемнининг “Фикр ва тил” китобини ўқиб чиқади ва бу китоб уни келажакда буюк тадқиқотчиси бўладиган фанга, яъни психологияга нисбатан қизиқишини ошириб юборади.

1913 йилда мактабни тугатгач, у Моквага боради ва уерда бирданига иккита ўқув муассасасига ўқишга киради: ўзининг хоҳиши билан Халқ университетининг тарих-фалсафа факультетига, ота-онасининг қистови билан Мовква император институтининг юридик факультетига.

Виготский театрнинг ўта мухлиси эди ва бирорта ҳам театр премьерасини ўтказиб юбормасди. Ёшлик пайтларида турли хил бадиий журналларда А.Белий, Д.Мережковскийларнинг романлари ҳақида бадиий-танқидий этюдлар ва мақолалар ёзиб юрди.

1917 йилда инқилобдан кейин (у инқилобни қабул қилди) Лев Семенович пойтахтдан Гомелга қайтиб кетади ва уерда мактабда адабиёт ўқитувчиси бўлиб ишлай бошлайди. Кейинчалик уни Педагогик техникумга фалсафа ва мантиқдан дарс беришга чақиришади. Тезда шу техникум қошида эксперименталь психология кабинетини ташкил этади. Шу ерда илмий-тадқиқот ишлари билан фаол шуғиллана бошлайди.

1924 йилда Ленинградда психоневрология бўйича II Бутунроссия съезди бўлиб ўтади ва унда ёш, четги бир шаҳардаги маорифнинг ҳеч

кимга номаълум ходими ўзининг илк иши билан чиқиш қилади. Унинг докладида рефлексология кескин танқид остига олинади. Бу доклад “Рефлексологик и психологик тадқиқот методикаси” деб аталади. Унда шартли рефлекс тарбияси классик методининг инсон хулқ-атворини бутунича илмий тушунтириш вазифасига мос келмайди. Иштирокчиларнинг таъкидлашича, Виготский докладининг мазмуни ўта новаторларча эди ва у ажойиб ҳолда тингловчилар онгига етказиб берилди ва ўша даврнинг А.Н.Леонтьев ва А.Р.Лурия сингари машҳур психологларининг эътиборини тортади.

А.Р. Лурия Виготскийни Москвадаги экспериментал психология институтига ишга таклиф этади. Шу вақтдан бошлаб Лев Семенович афсонавий ушлик психологларнинг (Виготский, Леонтьев, Лурия) лидери ва ғоявий илҳомчиси бўлиб қолади.

Лев Семенович Виготскийга энг кўп машҳурлик келтиргани унинг томонидан ишлаб чиқилган психологик назарияси бўлди. Унинг назарияси “Олий психик функциялар тараққиётининг маданий-тарихий концепцияси” деб аталиб, унинг назарий ва эмпирик салоҳияти бугунги кунгача ўз кучини йўқотгани йўқ. Мазкур концепциянинг моҳияти табиат тўғрисидаги назариянинг маданият тўғрисидаги назария билан синтезидадир. Бу назария мавжуд хулқ-атвор назарияларига, биринчи навбатда бихевиоризмга альтернатива сифатида пайдо бўлди.

Муаллифнинг ўзининг фикрига кўра, маданият тараққиётининг асосий қонуниятларини ўрганиш шахс шаклланиши қонунлари тўғрисидаги тасаввурларимизни аниқлаштиради. Лев Семенович бу муаммони болалар психологияси соҳасида кўриб чиқади.

Виготскийнинг фикрича, табиат томонидан берилган (“табиий”) барча психик функциялар вақт ўтиши билан тараққиётнинг олий даражаси функцияларига (“маданий”) айланади: механик хотира - мантиқийга, тасаввурларнинг ассоциатив кечиши - мақсадга йўналган тафаккурга ёки ижодий хаёлга, импульсив ҳаракатлар – ихтиёрий ҳаракатларга ва ҳ. Барча бу ички жараёнлар боланинг катталар билан бўладиган тўғридан тўғри ижтимоий контактизамирида ривожланади, шундан сўнг эса унинг онгида мустаҳкамланади.

Виготский шундай деб ёзади: “...Ҳар қандай функция боланинг маданий тараққиётида саҳнада икки марта, икки хил планда, олдинга интерпсихик категория сифатида ижтимоий, сўнгра интрапсихик категория сифатида боланинг ичида юзага чиқади”. Болалар психологияси соҳасидаги тадқиқотлар учун бу формуланинг муҳимлиги шундаки, боланинг руҳий тараққиёти унга катталарнинг тизимли таъсир қилишига боғлиқ.

Виготский организмнинг ташқи муҳит билан муносабати унинг ички психик муҳитини шакллантиради. У бола шахсининг шаклланишига, унинг амалда тўлиқ ривожланишига тенг ҳолда ҳам наслий белгилар

(ирсият), ҳам ижтимоий омиллар таъсир кўсатади.

Лев Семеновичнинг кўплаб ишлари психик тараққиётни, болалик даврида шахс шаклланишининг қонуниятларини, мактабда болаларни ўқитиш ва таълим беришни тадқиқ қилишга бағишланган. Қолаверса, бу тадқиқотлар нафақат соғлом болаларни ўрганишга, балки тараққиётда турли хил аномалияларга эга болаларни ўрганишга ҳам бағишланган.

Дефектология фанининг ривожланишида Виготскийнинг хизматлари катта. У Москвада аномал болалик психологияси лабораториясини ташкил қилди. У кейинчалик экспериментал дефектологик институтнинг бир қисмига айланиб кетди. У мамлакат психологлари орасида биринчилардан бўлиб нафават назарий жиҳатдан асослаб берди, балки амалиётда ҳар қандай камчилик ҳам психологик, ҳам жисмоний жиҳатдан коррекция (тузатиш) қилиниши мумкинлигини исботлаб берди, яъни камчиликни узоқ ишлаб, сақланган функциялар ҳисобидан компенсация қилиш мумкин.

Виготский аномал болалар психологик хусусиятларини ўрганишда асосий урғуни ақлий заиф ва кўркарсоқов болаларда тадқиқот ўтказди.

Виготскийнинг яна битта фундаментал иши “Санъат психологияси” деб аталади. Унда муаллиф алоҳида “шакл психологияси” тўғрисидаги ғоясини илгари суради. Санъатда шакл “материални қайтадан яратади..”. Шу билан бирга муаллиф формал методни унинг “санъатнинг тарихан ўзгариб турадиган ижтимоий психологик мазмуни”ни қамраб олишга ва тушунтиришга қобил эмаслиги сабабли инкор этади.

Ўз илмий фаолиятининг сўнгги босқичида у тафаккур ва нутқ масалалари билан шуғилланади ва ўзининг машҳур “Тафаккур ва нутқ” деган илмий ишини чоп эттиради. Бу фундаментал илмий ишда тафаккур ва нутқ ўртасида мавжуд бўлган алоқани тадқиқ этади.

Виготский аввалига тахмин қилади ва кейинчалик исботлайди шундай фикрники, тафаккур тараққиётининг даражаси нутқнинг шаклланиши ва ривожланишига боғлиқ бўлади. Бу иккита жараёнларнинг ўзаро таминланганлигини аниқлади.

Виготский илгариги олимлар “онг - хулқ-атвор” диадасини танқид қилган ҳолда ўзининг “онг – маданият - хулқ-атвор” триадасини таклиф қилади.

Афсус ва надоматлар бўлсинки, Виготскийнинг кўп йиллик ва самарали илмий ишлари, кўр миқдордаги илмий асарлари ва ишланмалари ўзининг етарли баҳосини олмади. Виготскийнинг тириклигида унинг ишлари чоп этилмади.


1930 йиллардан бошлаб, унга қарши ғоявий ҳужумни бошлаб юборишади, ҳокимият уни ғоявий бузуқликда айблайди.

11 июнь 1934 йилда узоқ муддат давом этган касаллик оқибатида 37 ёшида Лев Семенович Виготский оламдан кўз юмади.

Лев Семенович Виготскийнинг мероси – бу 200 га яқин мақолалар, уларнинг орасида 6 томлик асарлари тўплами, “Санъат психологияси” илмий асари, инсоннинг психологик тараққиёти муаммолари бўйича ишлари. У коллективнинг, социумнинг шахсга таъсири ҳақидаги масалани ўрганишга ўзининг катта ҳиссасини қўшди.

Лев Виготский шубҳасиз рус ва жаҳон психологиясига катта таъсир кўрсатди, айниқса педагогикага, дефектологияга, тилшуносликка, санъатшуносликка, фалсафага сезиларли таъсир кўрсатди. Лев Семенович Виготскийнинг яқин дўсти ва шогирди А.Р. Лурия уни XX асрнинг генийи ва буюк гуманисти деб атаган эди.

# Александр Федорович Лазурский (1874 - 1917)



Александр Федорович Лазурский 1874 йил 12 апрелда Полтава губернияси Переяславле шаҳрида унча бой бўлмаган оилада туғилади. У Лубяна гимназиясини олтин медаль билан тугатади ва Ҳарбий-тиббий академиясига ўқишга киради. У бу ерда психология билан фаол шуғиллана бошлайди. Владимир Михайлович Бехтерев раҳбарлигида А.Ф.Лазурский руҳий ва нерв касалликларини ўрганади, ажойиб нейро-анатомик ва нейрофизиологик тайёргарликдан ўтади, қатор мустақил тадқиқотларни ўтказади.

1895 йилдан Лазурский психиатрия лабораториясида ишлайди ва бу ерда экспериментал психология ва клиник психофизиология муаммоларини ўрганади. Шу билан бирга у характер ва темперамент назариясини ўрганади, шунингдек уларнинг классификациясини таҳлил қилади. Натижада у инсон психологиясининг бу бўлимида камчиликлар мавжудлиги тўғрисидаги хулосага келади.

1897 йилда Лазурский академияни тугатади ва Бехтеревнинг клиникасида ишга қолади. Бу ерда у лабораторияга мудирлик қилади ва тиббий амалиётни амалга оширади. Икки йилдан кейин у психиатрларнинг Петербург жамиятига ҳақиқий аъзоликка сайланади. Бу вақтга келиб Лазурский тиббиёт доктори даражаси учун 20 дан ошиқ имтиҳонлар топширади. Мия қон айланишига мускул ҳаракатларининг таъсирига бағишланган диссертацияни у 30 ноябрь 1900 йилда ҳимоя қилади. Барча зарур тадқиқотлар Бехтеревнинг анатомио-физиологик лабораториясида амалга оширилди.

1901 йилда у чет элга хизмат сафарига йўл олади ва у ерда 2 йил бўлади. Биринчи ярим йил Лазурский Лейпцигда яшайди ва у ерда Вильгельм Вундтнинг Психологик институтида шуғилланади. Сўнгра у Гейдельбергга яшайди ва Гейдельберг университетининг психиатрик клиникасидаги экспериментал психологияси лабораториясида ишлайди. Бу вақтда бу лабораторияни Эмиль Крепелин бошқарар эди. У биринчилардан бўлиб замонавий экспериментал психология методларини клиникада қўллашга жазм этади. Яна ярим йилни Лазурский Берлинда ўтказади. Бу ерда у К. Штумпфнинг маърузаларини тинглайди, психология бўйича ўз даврининг йирик



психологларининг қўлида ўқийди.

1903 йилда Лазурский Петербургга қайтади ва Ҳарбий-тиббиёт академиясининг “руҳий ва нерв касалликлари бўйича” приват-доцентлигига сайланади ва бу ерда умумий психология курсини ўқийди. Нормал ва патологик психологиянинг Рус жамияти аъзолари уни илмий котибликка сайлашадилар. Бу лавозимда ишлар экан, у Психоневрологик институтнинг очилишида катта роль ўйнайди ва унинг умумий психология кафедрасини бошқаради.

1904 йилдан бошлаб Лазурский А.П.Нечаев билан унинг экспериментал педагогик психология лабораториясида ҳамкорлик қилади, психологиянинг экспериментал методларини ишлаб чиқиш бўйича бу лабораторияда махсус комиссияни бошқаради. Шу ерда у конкрет характерологик тадқиқотларни ўткази бошлайди. Вақти вақти билан лаборатория асосида курслар ташкил этилади, кейинчалик Педагогик академияда характерология бўйича маърузалар ўқийди.

1906 йилда унинг “Характер тўғрисидаги фан очерки” китоби чиқади. Олим умумий психология муаммоларини ечиш йўлидаги энг муҳим қадам сифатида характерологияни яратиш заруратини таъкидлайди. Бу фаннинг предмети сифатида, унинг фикрича, инсонларни психик ташкил этишнинг индивидуал хусусиятларини ва характерларнинг турли-туманлигини таъминлайдиган уларнинг ўзаромослигини кўрсатиш мумкин. Бундай турли хилликнинг таҳлили А.Ф.Лазурский томонидан киритилган “мойиллик” тушунчасини келтириб чиқаради. Унинг шаклланишининг асосида инсонда психик жараёнларнинг у ёки бу томонининг кўп марталаб такрорланиши имконияти ётади.

Олим тан оладик, таҳлиилнинг замонавий методлари ёрдамида мойилликнинг мавжудлигини таъминлаб турувчи омилларни тушуниш мумкин эмас. У асосий вазифа сифатида характерологияни индивидуалликнинг илмий асосланган тавсифини яратишни келтиради.

1908 йилда чиққан “Мактаб характеристикалари” китоби мазкур назарияни амалиётда қўллаш натижасидир. Лазурский ёпиқ мактаблардан бирининг ўқувчилари характерларини экспериментал ўрганади. Бу китобга 10 ёшдан 15 ёшгача бўлган болаларнинг характеристикалари киритилган. У экспериментал психологик тадқиқот маълумотлари билан тўлдирилган. Бундан ташқари, унда шахснинг баъзи мураккаб ҳолатларининг муфассал психологик таҳлили мавжуд.

Бу вақтга келиб катта миқдордаги эмпирик маълумотлар тўпланган эди. Лазурский шахсларнинг классификациясини яратишга ҳаракат қилиб кўради. Шу билан бирга у нафақат соф психологик, балки “психосоциал” классификациясини яратиш зарурлигини таъкидлайди. Шундай натижага эришиш учун у классификациянинг асосига иккита принципни қўяди: одамларни фаоллигининг психик даражаси бўйича 3 та тоифага бўлиш, шунингдек уларни психик мазмуни бўйича бир қанча

типларга ажратиш.

Тоифаларга бўлишнинг мезони бўлиб шахснинг нервно-психологик такил этилишининг даражаси хизмат қилади. Бунинг маъносини Лазурский унинг юзага чиқишининг интенсивлиги, мураккаблиги, координацияга эгаллиги ва анланганлиги кўради. Бу даража ирсий қобилиятлар ва ҳаёт шароитлари билан белгиланади.

Лазурский ўз илмий фаолиятида нафақат амалий характерологик тадқиқотлар билан, балки психологик муаммоларни ҳам ишлаб чиқади. Шундай қилиб, у ўз ҳаётининг катта қисмини психологияда методлар масаласига бағишлайди. Бошида олим мумкин бўлган учта методнинг борлигини тан олади: эксперимент, кузатиш ва ўз ўзини кузатиш. Умумпсихологик масалаларни ечиш учун у ўз ўзини кузатиш, характерологияда эса нисбатан объективроқ бўлган кузатиш ва эксперимент методларининг фойдалилигини таъкидлайди. Ҳар бир методнинг имкониятларини, фазилатларини ва камчиликларини таҳлил қилар экан, олим 1910 йилга келиб янги “табиий эксперимент” методи яратишга ҳаракат қилади. Бу эксперимент методи ўзида систематик кузатиш ва лаборатория экспериментининг фазилатларини мужассамлаштиради. Бу метод учун шароитларни ва уларнинг шундай ташкилотини ўрганиш алоҳида аҳамиятга эга. Бу шароитларда одамларнинг кузатувчига қизиқарли бўлган мойилликлари ўрганилади.

1912 йилда Лазурский “Умумий ва экспериментал психология” китобини чоп эттиради. У унда умумий ҳолатда психологияни ўзига хос тушунишини ифодалайди. У психик феноменларни эволюциянинг реал мавжуд бўлган босқичи, психикани эса қонуний босқичи сифатида кўриб чиқади. Унинг фикрича, психологиклик ва физиологиклик – бу ягона биологик жараённинг икки томонидир. Бу жараённинг кечадиган жойи, Лазурскийнинг фикрича, бош мия пўстлоқ қисмидир. Натижада олимда психологияни ўзига хос тушунтириш шаклланди. Унинг психология тизимининг асосида психиканинг биологик фаоллиги, шунингдек психиклик мавжудлиги усули бўлган рефлекс принципи ётади.

Лазурский характерологиясида энг муҳим тушунча 1916 йилда киритилган “эндопсихика” ва “экзопсихика” тушунчаларидир. Эндопсихика деганда у шахснинг ўзида характер, ақлий иқтидор ва темпераментларни умумлаштирган ички механизмларини тушунади. Экзопсихика – бу шахснинг ташқи объектларга, умуман муҳитга муносабатидир. Бу ерда муҳит тушунчасига табиат, одамлар, турли ижтимоий гуруҳлар, фан, санъат, шунингдек индивиднинг ички ҳаёти киради.

Лазурский мавжуд фундаментал тушунчаларни таърифлагандан кейин шахс классификациясини яратишга яна бир марта ҳаракат қилади. Унинг асосига у илгариги даражаларга ва типларга бўлинишни сақлаган ҳолда шахснинг атроф-муҳитга фаол мослашуви принципини қўяди.

Паст даражадаги шахслар муҳит таъсирларига бўйсинадилар ва қийинчилик билан унинг талабларига мослашди. Бу даража Лазурский классификациясида “молашмаганлар” деб аталади. Ўрта даражага шундай одамлар кирадики, уларнинг асосий характеристикаси таълим олишга қобилият, кейинчалик эса ҳар қандай муҳитда муваффақиятли фаолият кўрсатишга ўтишдир. Бундай кишиларни олим “мослашганлар” деб атади. Одамларнинг юқори даражаси “молашаётганлар” деб номланади. Бу одамлар муҳитни ўз талабларига молаштиришга қодирдирлар.

Лазурскийнинг бу классификациясида ҳар қандай даражада экзо- ва эндопсихикаларнинг ўзаро муносабатлари муҳим роль ўйнайди. “Тоза” типга олим қизиқларининг, эгаллаган билимлари ва малакаларининг, касбий фаолиятининг уларнинг нерв-психологик ташкилотининг табиий хууссиятларига мос келадиганларни киритади. Экзопсихика ва эндопсихика бу ерда гармоник муносибликда бўлади. Эндо- ва экзопсихика илк мувозанати бузилган “ўтувчи” типлар ҳам мавжуд.


Ўша йили Лазурскийнинг яна бир китоби – “Психик таълимот ҳақидаги таълимот” дунё юзини кўради. Унда олимнинг 6 йиллик тадқиқотлари натижалари умумлаштирилган, шахснинг ички механизмларини объектив методлар орқали ўрганиш усуллари келтирилган.

Бу илмий иш унинг яқунловчи иши бўлади.

Александр Федорович Лазурский 1917 йилнинг 26 мартда вафот этади.

# Чезаре Ломброзо

(1835 - 1909)



Чезаре Ломброзо Италиянинг Верона шаҳрида 1835 йил 6 ноябрда таваллуд топади. Ёшлигида Чезаре мамлакатни бирлаштириш ҳаракатида қатнашади ва бунинг учун таъқиқ остига олинади, ҳатто маълум муддат қамаб ҳам қўйилади.

У Турин, Вена ва Парижда ўқиди, шунингдек Павия шаҳрида университетни ҳам тугатади. Ўқиши жараёнида у психиатрияга қизиқиб қолади. 1855 йилдан у мазкур мавзуда мақолалар чоп эта бошлайди. 1862 йилда Ломброзо Павия университетиде психиатрия профессори этиб тайинланади, кейинроқ Пезаро шаҳрида руҳий касаллар клиникасининг директори лавозимида ишлайди. Бу вақтга келиб илми-тиббий доираларда етарли даражада машҳур бўлган ва танилган эди.

1863 йилда Ч.Ломброзонинг “Гениаллик ва телбалик” деб аталган китоби чиқади. Бу китобнинг асосини Пезаро шаҳридаги психиатрик клиникада олиб борган кузатишлари ташкил этади. У пациентлар томонидан яратилган бадиий сарларни ўрганди, улар ўз асарлари учун қандай сюжетлар бўйича мавзулар танлаганлигини аниқлади. Бундан ташқари, у шундай қонуниятларни ажратиб олишга ҳаракат қилдики, токим бу қонуниятлар ёрдамида у ёки бу асарни яратган кишининг қай даражада руҳан соғлом эканлигини аниқлаш мумкин бўлсин. Натижада у шундай хулосага келдики, ижодий майллар одатда ақлий заифликнинг баъзи шаклларида юзага чиқади. Ўз назариясини тасдиқлаш учун Ломброзо етарли даражада катта миқдордаги машҳур ижодкор кишиларнинг биографиясини ўрганиб чиқди. Шундай қилиб, масалан, у кўплаб машҳур бастакорларни гениал телбалар деб атаган: Моцарт, Шуман, Бетховен, Гендел ва ҳоказоларни. Шундай қилиб, Ломброзо ўзининг китобида ижоднинг невропатик назариясини тушунтириб беради. Мазкур назариянинг асосий ғояси ижод билан нормани бир бирига қарама қарши қўйишида ётади. Гений юксак даражадаги сезувчанликка эга бўлади, оддий одамлар сезмайдиган кўп нарсаларни идрок этишади. Бироқ, худди шундай сезувчанликка руҳий касалликка учраган кишилар ҳам эга бўлишади. Арзимаган воқеалар базиларда буюк кашфиётлар қилишга сабаб бўлади, бошқаларда эса нотабиий реакциялар, ҳаракатларни қилишга сабаб бўлади. Шундай қилиб,

генийлик ва невротизм бир бирига елкадош келар экан.

Шунингдек, Ломброзо генийлик ва телбаликни бир хил белгилайдиган бошқа омилларни ҳам келтиради. Шундай омиллардан бири географик омил ҳисобланади. Машхур кишиларнинг биографиясини таҳлил қилар экан, олим нам иқлимга эга бўлган текисликда жойлашган мамлакатларда генийлар кам бўлишлигини, тоғли жойларда эса генийлар нисбатан кўп учрашлигини аниқлади.

Об-ҳаво ҳам гениал одамларга ва невротикларга ўз таъсирини кўрсатар экан. Ломброзонинг фикрича, баҳорда тутқаноқлар ва буюк кашфиётлар кўпаяр экан, ёзда эса иссиқдан камайар экан, қишда минимал даражага тушиб қолар экан. Олим, шунингдек, термометр и барометрнинг кўрсаткичлари ва тебранишлари ўртасида алоқа мавжудлигини аниқлади: кўплаб буюклар (Наполеон, Байрон, Гейне, Шиллер ва Мильтон) иссиқда яхши ишлашлигини, совуқда қийналишларини айтиб кетишганлар.

Ч. Ломброзо ижодкор кишиларнинг ирсияти ва миллийлигини ўрганиш орқали ҳам ўзига хос алоқаларни топди: генийлар ва телбаларнинг миқдори бўйича биринчи ўринни яҳудий миллати эгаллар экан. Бу ҳолатни қуйидагича тушунтириш мумкин: яҳудийлар ҳамма замонларда ҳам қашқатқич бурҳонлар ичида яшади ва бу нарса ўзига хос табиий танловни келтириб чиқарди. Бундан ташқари, бу миллатнинг вакиллари орасида таълимнинг умумий даражаси нисбатан юксак ҳисобланади. Ломброзо ўзининг китобида шундай маълумотларни келтиради: яҳудийлар орасида ҳар 384 кишига биттадан ақлий заиф тўғри келади. Католик ва протестантларда эса бу кўрсаткич яҳудийларга нисбатан беш марта кам. Ирсиятга келсак, муаллифнинг фикрига кўра, тарбия эмас, балки айнан ирсият гениалликка таъсир кўрсатади. Мисол тариқасида у Палестринлар ва Моцартлар оиласини кўрсатади. Бахлар оиласининг 8 та авлодини таҳлил қилиб, улардан 57 та машхур музикачи чиққанлигини аниқлайди.

1876 йилда Ломброзо Турин университети суд медицинаси ва ижтимоий гигиена кафедрасига раҳбарлик қилади. Криминалистикада психологик методларни қўллашга бағишланган мақоласи унинг бу ишга ўтишига туртки бўлди. 1876 йилда Ломброзо “Жиноятчи” деб номланган китобини нашр эттирди ва унда шахснинг жиноий қиёфаси тўғрисидаги назариясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, жиноятчи ривожланишда нормадаги одам тараққиётдан ортда қолади ва ўзининг жиноий ҳаракатини тўхтатиб тура олмайди.

Ч. Ломброзонинг фикрича, шахснинг криминал типи асосан ирсий белгиларга боғлиқ.

Олим инсонларнинг антропометрик белгиларига алоҳида эътибор қаратиб жиноятчиларни ўрганади. Бу белгиларни турли хил предметлар ёрдамида, жумладан краниограф ёрдамида аниқлашга ҳаракат қилади. Натижада у жиноятчиларга хос бўлган бир қанча белгиларни топди. У буларни атавистик белгилар деб атади ва улар

нафақат жиноий майллар ҳақида, балки тараққиётдан ортда қолиш ҳақида гувоҳлик беради деб ҳисоблайди. Бундай белгиларга, масалан, ясси бурун, паст пешона, кенгайган жағлар ва ҳ. киради.

Ташқи белгилардан ташқари жиноятчилар четга оғиш кузатиладиган кишиларга хос бўлган характер билан ҳам бошқалардан фарқ қилади. Уларга хулқдаги дефектлар, бағритошлик, енгилтаклик ва жамоатчилик фикрига бефарқлик, ўзига бино қўйиш ва шовқинли ўйинкулгуга муҳаббат, азарт ўйинларга мойиллик сингари хусусиятлар хос бўлади.

Шундан сўнг Ломброзонинг тадқиқотлари турли хил касб эгаларига нисбатан ўтказила бошланди. Бу тадқиқотлар муваффақиятга эришмади, бироқ қўлланилган методлар кейинчалик турли хил давлат тизимларида қўлланилди.

XIX асрнинг 80-йилларига келиб Ч. Ломброзо жиноий ҳуқуқ антропологик мактаби назариясининг раҳбари бўлиб қолди. Ўз шогирдлари билан биргаликда у туғма жиноятчиларнинг бир қанча типини кашф этди ва уларга, масалан, туғма фоҳишаларни мисол келтиради. Ломброзонинг фикрича, улар ижтимоий келиб чиқишга эга эмас. Шу билан боғлиқ ҳолда у уятнинг келиб чиқиши масаласига қизиқиб қолади ва унча катта бўлмаган тадқиқот ўтказади. У аёлларнинг тарихда тутган ўрнини ўрганади, айниқса уларнинг четга оғиши масаласига тўхталди.

Қўлга киритилган маълумотларни батафсил таҳлил қилар экан, у клиникада қилинган амалий тадқиқотларнинг натижаларини тўлдиради. Натижада у Г.Ферреро билан биргаликда 1893 йилда “Аёл, жиноятчи аёл ва фоҳиша” китобини чиқаради. Бу ишда у фоҳишаларга хос бўлган умумий хусусиятларни келтиради. Ахлоқий бузилиш, бир томондан, яқинларга нисбатан меҳр-муҳаббатнинг йўқлиги, иккинчи томондан, ҳасад ва қасоскорликнинг борлиги сабабли юзага чиқади. Бундан ташқари, туғма фоҳишалардаги ахлоқий бузулишни Ломброзо уларда уят ва оналик туйғуларининг йўқлиги, жиноятга, ўғирликка, хасисликка, уй ҳайвонларига боғланишликка, кибрга мойиллик билан тушунтиради.


Аёлларга келганда у туғма жиноятчиларда ҳам умумий уларга хос бўлган хусусиятлар мавжуд деб ҳисоблайди. Ташқи белгилардан ташқари Ломброзо жиноят қилишдаги бағритошлик, таъсирчанлик ва характерида эркакларга хос сифатларнинг мавжудлиги сингари сифатларни келтиради.

1896 йилда Чезаре Ломброзо Турин университетининг профессори лавозимига сайланади. У бу ерда умрининг охиригача, яъни 1909 йилнинг 19 октябригача ишлади.

Ломброзо ижоднинг невропатик назариясини яратиб, психиатрия фанига катта ҳисса қўшди. Унинг ижодий фаолиятининг иккинчи қисми криминалистикадаги психологик методни асослашга бағишланди. Италиялик олим томонидан яратилган методлар шу пайтгача

криминалогияда қўлланилмоқда.

# Алексей Николаевич Леонтьев (1903 - 1979)



Алексей Николаевич Леонтьев 1903 йилнинг 5 феврида Москвада туғилди. Унинг ота-оналари оддий хизматчилардан эди. Табиийки, улар Алексейга яхши таълим беришни исташар эди. Шунинг учун Алексей Леонтьевнинг илмий фаолияти талабалик даврларидан бошланади. 1924 йилда психологиянинг умумий курсини ўқиган Г.И. Челпанов ишлаган Москва университетининг ижтимоий фанлар факультетини тугатади.

Челпанов ўша йиллари МДУ қошидаги Психология институтини ва талабалардан ташкил топган тадқиқотчилар гуруҳини бошқарар эди. Айнан мана шу ерда Алексей Николаевич ўзининг илк илмий ишларини ёзади, жумладан “Идеоматор актлар ҳақидаги Жеймс таълимоти” ва Спенсер ҳақидаги мақолаларини чоп эттиради. Университетни якунлагач, Психология институтига аспирант бўлиб ишга киради. Бу ерда 1924 йили Л.С. Виготский и А. Р. Лурия билан учрашади. Тезлик билан уларнинг ҳамкор фаолияти бошланади. Чунки бу учта юксак қобилият эгалари умумий тил топишдилар ва уларнинг ҳамкорлиги натижаси самарали бўлди. Бироқ, афсуски, бу ҳамкорлик узоққа бормади. Лев Семенович Виготский оламдан ўтди. Қисқа муддатда бир қанча жиддий ишлар дунё юзини кўрди.

Леонтьев ва Лурия томонидан чиқарилган “Инсоний низонинг табиати” мақоласи катта шуҳрат қозонди. Чунки унда “туташган мотор реакциялари” методикаси илгари сурилган эди ва аффектнинг нутқий чиқиш орқали эгаллаш ғояси туғилди. Кейинчалик Леонтьев ғояни мукаммал ишлаб чиқди ва “Занжирли ассоциатив қаторларни тузилмавий таҳлил қилиш тажрибаси” мақоласида илгари сурди. Мақола Рус-немис тиббий журналида чоп этилади. Унда ассоциатив реакциялар маъно билан боғлиқ бўлган яхлитликда кўзга ташланади ва ассоциатив факторларнинг “орқасига” беркинган бўлади. Бироқ айнан шу ишланмага етарли эътибор қаратилмади.

Ўзининг бўлғуси хотини билан у 1929 йилда танишади. Бу пайтда олим 29 ёшда эди. Қисқа муддатли танишувдан сўнг улар турмуш қурдилар. Унинг хотини Алексей Леонтьевнинг илмий фаолиятига асло қаршилик кўрсатмади, аксинча унга энг қийин дамларда ҳам ҳар



томонлама ёрдам берди.

Леонтьевнинг қизиқишлари психологиянинг турли хил соҳаларида ўз аксини топди: ижодий фаолият психологиясидан то предметнинг экспериментал инсоний идрокига. Психофизиологик тадқиқотларнинг предметига ва мазмунига нисбатан янги ёндашув зарурлиги тўғрисида Алексей Николаевич Леонтьев кўп бора ёзди.

1925 йилнинг сўнгида унинг машҳур “маданий-тарихий концепцияси” дунёга келади. Бу концепция Л. С Виготскийнинг машҳур S-X-R формуласига асосланган эди. Бу ерда S - стимул, мотив; X — восита; R — фаолият натижаси. Алексей Леонтьев бу ишдаги ҳояни ривожлантирди, бироқ Психологии институтида бошқа масалалар билан шуғилланаётган эдилар, ҳояни ўрганиш имконияти бўлмади.

Айнан шу сабабдан А.Н. Леонтьев ва А.Р.Лурия Коммунистик тарбия институтига ишга ўтдилар, шу билан бир вақтда Г.И. Россолимо клиникасида ва Дефектология институтида ишладилар. Тахминан 1930 йилда Украина соғлиқни сақлаш қўмитаси Украина психоневрологик институтини ташкил этиш бўйича қарор қабул қилди. А.Р. Лурия шу институтда психология секторининг мудир лавозимида, А.Н. Леонтьев эса болалар ва генетик психология бўлими мудир лавозимида ишлади.

Бу вақтга келиб Алексей Николаевич Бутуниттифоқ давлат кинематография институтидан кетган эди, Виготский эса Москвага қайтишга мажбур бўлди. Демак, Леонтьев барча ишни ўзининг зиммасига олади ва кейинчалик психологларнинг украин гаруҳининг сардори бўлди. Янги ва янги ҳояларни ишлаб чиқар экан, Алексей Леонтьев ўзининг “Фаолият. Онг. Шахс.” китобини чоп эттирди. Унда қуйидаги ҳоя илгари сурилади: инсон ўз фаолиятини жамиятнинг шароитларига шунчаки мослаштирмайди, балки жамиятнинг шу шароитлари ўзларида фаолиятнинг мотивларини ва мақсадларини мужассамлаштиради.

А.Н. Леонтьев психиканинг тараққиёти тўғрисидаги муаммо устида иш олиб бошлайди, айнан ҳайвонлардаги экстраполяцион рефлексларни ўрганади. 1936 йилда Алексей Николаевич Психология институтига қайтиб келади ва бу ерда МДУнинг психология бўлимига ишга кетгунгача ишлайди. Институтда терининг фотосезгирлиги билан шуғилланади. Шу билан бирга А.Н. Леонтьев Бутуниттифоқ давлат кинематография институтида дарс беради. У С.М. Эйзенштейн билан ҳамкорлик олиб боради ва кинофильмлар идрок бўйича экспериментал тадқиқотлар ўтказади. Урушдан олдинги йиллар у Н.К. Крупская номидаги Ленинград давлат педагогика институтида психология кафедрасининг мудир лавозимида ишлайди.

1930 йилнинг иккинчи ярмида Леонтьев қуйидаги муаммолар бўйича ишлайди:

а) психиканинг филогенетик тараққиёти, жумладан сезгирликнинг

генезиси;

б) психиканинг “функционал тараққиёти”, яъни фаолиятнинг шаклланиши ва ишлаши муаммоси;

в) онг муаммоси.

Бу муаммолар А.Н.Леонтьевнинг 1940 йилда А.И. Герцен номидаги ЛДПИда ҳимоя қилинган “Психиканинг тараққиёти” докторлик диссертациясида яхши ёритилган. Диссертацияга унинг тадқиқотлари натижасининг бир қисми кирган ҳолос. Бу иш тўлиқ ҳолда сақланмаган.

Диссертацияда хотира, идрок, эмоциялар, ирода ва ихтиёрийлик масалалари кўтарилди. Шу ерда “Фаолият – ҳаракат - операция” деган боб бўлиб, унда фаолиятга оид психологик назариянинг асосий концептуал тизими берилди. А.Леонтьевнинг фикрича, фаолият ўз эҳтиёжи предметдан ажралмаган ва бу предметга эга бўлиш учун шундай хусусиятларга ориентация қилиш керакки, улар ўз ўзича бир бири билан боғлиқ эмас, бироқ объектларнинг ўзга ҳаётий муҳим хусусиятларибилан мустаҳкам алоқададир, яъни уларнинг борлиги ёки йўқлиги тўғрисида “хабар беради”.

Шундай қилиб, ҳайвонларнинг фаолияти предметли характерга эга бўлади, ҳомила пайтидаёқ психика учун акс эттиришнинг махсус шакли – маълум хусусиятларга эга бўлган, ҳаётий муҳим бўлган ва улар тўғрисида хабар берувчи сифатларга эга предметни акс эттириш пайдо бўлади. Сезувчанликни А.Н Леонтьев организмнинг ўзга таъсирлар билан ўзаро муносабатга киришгандаги таъсирларга муносабати бўйича кўзғалувчанлик деб тушунтиради, яъни улар сигнал вазифасини бажара туриб, тирик мавжудот фаолиятининг предметли мазмунида ориентир беради.

А.В.Петровский ўзи томонидан илгари сурилган гипотезани текшириш мақсадида тадқиқотлар ўтказди. Олдинига Харьковда, кейинчалик эса Москвада ўзи томонидан ишлаб чиқилган методика бўйича у сезилмайдиган кўзғатувчиларни сезиладиганга айланиши жараёни сунъий яратилган шароитларда қайтадан тикланади (инсонда кўл терисида ранглар сезгисини тиклаш). Шундай қилиб, жаҳон психологияси тарихида илк маротаба тирик мавжудот билан атроф муҳит ўртасидаги ўзаро таъсир жараёнидаги манбаларни инобатга олган ҳолда элементар психиканинг объектив критерийларини аниқлашга уринади.

Зоопсихология соҳасидаги тўпланган маълумотларни умулаштирар экан ва ўзининг шахсий натижаларига таянган ҳолда А.В. Петровский воқеликни психик акс эттириш тараққиёти сифатида ҳайвонлар психик тараққиётининг янги концепциясини ишлаб чиқади. Бу тараққиёт филогенезнинг турли хил босқичларида ҳайвонларнинг фаолияти жараёнининг характерини белгилайди: сенсор, перцептив ва интеллектуал босқичлар. А.В. Петровский ишининг бу йўналиши фаолият масаласи ва онг муаммосини ишлаб чиқиш билан бевосита

боғлиқ.

Шахс муаммосини ишлаб чиқар экан, А.В.Петровский ўз фаолиятининг иккита йўналишига таянади. Шунингдек, у санъат психологияси масалалари устида ҳам ишлайди. Унинг фикрига кўра, санъатдаги сингари инсон ҳеч бир жойда ўзини тўлиқ ва ҳар томонлама намоён қила олмайди. Афсуски, бугунги кунда унинг санъат психологиясига бағишланган асарларини топиш қийин. Холбуки у бу йўналишда ҳам кўп яхши ишлар қилган эди.

1966 йила Алексей Николаевич Леонтьев Москва давлат университетининг психология факультетига ишга ўтади ва умрининг охиригача умумий психология кафедрасининг мудирини ва декани бўлиб ишлайди.

Алексей Николаевич бу оламни 21 январь 1979 йилда мангуга тарк этади.

# **Борис Федорович Ломов**

**(1927 - 1989)**



Борис Федорович Ломов 1927 йилнинг 28 январида Нижний Новгород шаҳрида таваллуд топади. У мактабда ўқиб юрган вақтлардаёқ ақллилиги, меҳнаткашлиги ва қизиқувчанлиги билан ажралиб турар эди. Қолаверса, катта синфларда ўқиб юргандаёқ у психологияга қизиқар эди. Унинг орзуси ушалиб, Ленинград давлат университетининг психология факультетига ўқишга киради.

Ўша пайтлари факультетда А.Н.Леонтьев, Б.М.Теплов ва Б.Г.Ананьев сингари кўплаб машҳур психологлар ишлар ва маърузалар ўқир эди. Университетда ўқиш пайтида Б. Ф. Ломов илмий иш билан фаол шуғилланди, ҳали талабалик пайтидаёқ унинг жиддий мақолалари чоп этилди. Турли хил тадқиқотлар материалларини ва психологларнинг назарий ишларини тўплаган ҳолда у битта хулосага келди. Шундай қилиб унда талабалик йилларидаёқ психологик билишнинг асосий инструменти сифатида тизимлилик тамойили тўғрисидаги илк фикрлар уйғонади. Бу ёндашув кейинчалик мукаммал қиёфага келтирилди.

1950 йилларнинг охирига келиб Б.Ф.Ломов инсоннинг ишлаб чиқариш соҳасидаги муаммолари билан қизиқиб қолади. Б.Г.Ананьев уни инсонларнинг меҳнат амалиётига психологик қонунларни қўллашга ҳаракат масаласи устида ишлашга ундайди. Ёш олим бу муаммо устида ишлайди ва психологиянинг назарий асосларини ижтимоий меҳнат амалиётига қўллашнинг бир қанча усулларини ишлаб чиқади. Унинг “Инсон ва техника: инженер психологияси очерклари” китоби 1966 йилда чоп этилади ва катта тиражда чиқарилиб, кўплаб ишлаб чиқариш раҳбарлари томонидан фойдаланилади. Б.Ф.Ломов психологик қонунларга асосланган меҳнат унумдорлигини оширишнинг бир қанча методларини таклиф этади. Бундан ташқари, у ходимлар кайфияти ва соғлиғини сақлаб қолишнинг шарти сифатида корхонада дўстона ва соғлом муҳитни қўллаб-қўлтиқлаш зарурлигини таъкидлайди.

Ўзининг меҳнатсеварлиги ва юксак қобилияти сабабли Б.Ф.Ломов тезда инженерлик психологияси соҳасидаетакчи мутахассислардан бирига айланади. 1964 ва 1967 йилларда Москвада

мазкур муаммога бағишланган умумиттифоқ форуми бўлиб ўтади ва унинг ташкилотчиси ва раҳбари Б.Ф. Ломов эди.

Б.Ф.Ломов Моквада Психология институтининг яратилишида фаол иштирок этади ва 1972 1 январдан бошлаб унга раҳбарлик қила бошлайди. Кейинчалик бу институтда лаборатория ташкил этилади ва унда назарий ва амалий масалалар бўйича эмпирик тадқиқотлар ўтказилади. Институт ишининг марказий масаласи мамлакатда психологик хизматни йўлга қўйиш, шунингдек психология соҳасида ёш мутахассисларни тайёрлашдан иборат эди.

Б.Ф.Ломов нафақат олим эди, балки талантли педагог ҳам эди. Унинг ҳамкасабалари ва шогирдлари унинг “ломовча тортиш майдони” ҳақида гапиришар эди. Мана шу “майдонда” кўплаб олимлар тарбия топдилар. Б.Ф. Ломов психологик муаммоларни ишлаб чиқишга бошқа соҳаларнинг кўзга кўринган мутахассисларини ҳам жалб этди.

1975 йилада “Вопросы психологии” журналида Б.Ф.Ломов “Психологияда тизимли ёндашув” деган мақоласини чоп эттирди. Тизимли ёндашувни асослар экан, у шундан келиб чиқдики, психик ҳодисалар моддий олам жараёнларининг умумий ўзаро алоқасига боғланади ва барча тирик организмларнинг маҳобатли бирлигида ўз аксини топади. Психиклик воқеликнинг акси сифатида қатнашади ва табиийлик ва ижтимоийлик, онглилик ва англанмаганлик сифатида воқеликка нисбатан маносабатини билдиради.

Б.Ф.Ломовнинг фикрича, психика кўп ўлчамли, иерархик ташкил топган, динамик яхлитлик, яъни у тизим сифатида қатнашади. Тизимли ёндашувнинг ядроси, Б.Ф.Ломовнинг фикрига кўра, олтита асосий тамойиллардан ташкил топади:

1) Психик ҳодисалар тадқиқотчи томонидан бир неча нуқтаи назардан идрок этилади: ўзига хос сифат бирлиги, объектнинг муҳит билан ўзаро алоқаси ва ўзаро таъсири ички шарт-шароити, индивид томонидан ўзлаштириладиган сифатлар тўплами ва организм микротизимлари фаоллиги натижаси сифатида. Ҳодисаларнинг яхлит тавсифи тадқиқотнинг барча даражаларини ўзаро боғлайди.

2) Психик ҳодисалар кўп ўлчамли, шунинг учун улар ўлчамнинг барча тизимларида кўриб чиқилиши лозим. Агар уларни ўрганишда бир ёқламаликка йўл қўйилса, ҳодиса ҳеч қачон яхлит ўгнанилмайди.

3) Психик ҳодисалар тизими кўплаб даражалардан ташкил топади, психика умуман когнитив, коммуникатив, регулятив даражаларга бўлинади. Уларнинг ўзи ҳам яна даражаларга бўлинади.

4) Б.Ф.Ломовнинг фикрича, инсоннинг хусусиятлари яхлитда ташкил топади, пирамидани эслатадиган тузилишга эга бўлади, бунда унинг юқорисида асосий психик хусусиятлар туради, ўртасида уларни очадиган хусусиятлар, пситида эса хусусиятларнинг турли хил категориялари жойлашади. Шундай қилиб, тизимли ёндашувда турли хил даражадаги хусусиятларнинг тўпламини инобатга олмоқ зарур.

5) Психик ҳодисани яхлит билиш уни ташкил этадиган детерминантларини инобатга олиш билан бўлади. Бу детерминантларга сабабли алоқалар, психик ҳодисаларнинг умумий ва махсус асослари, билвосита звенолар, шунингдек ички ва ташқи омиллар киради. Битта детерминантларнинг ўзи баъзи вақтларда асос бўлиб, бошқа пайтларда, масалан, омил ёки билвосита звено бўлиб келиши мумкин.

6) Психик ҳодисалар динамикада ва тараққиётда ўрганилиши лозим. Психик ҳодисаларнинг динамиклиги ва дифференциалланганлиги индивиднинг тараққиёти жараёнида пайдо бўлади, шаклланади ёки инқирозга юз тутаяди. Шундай қилиб, индивиднинг психик тараққиётини асосий сифат ва хусусиятларнинг доимий ҳаракатида, пайдо бўлишида, шаклланишида ва ўзгаришида тасаввур этмоқ лозим.

Барча бу тамойиллар инсон борлигининг политизимлигини ва унинг психик хусусиятларининг интеграллигини назарда тутаяди. Айнан шу ғоя Б.Ф.Ломовнинг тизимли ёндашувининг асосини ташкил этади. 1976 йилнинг 23 декабрида Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ бўлими бўйича кореспондент аъзолигига сайланади.

1984 йилда олим ўзининг “Психологиянинг методологик ва назарий муаммолари” китобини чиқаради. У психология фанининг асосий вазифаси сифатида психиканинг табиатини ўрганишни, унинг муҳитда ҳаракат қилаётгандаги механизмлари ва қонунларини ўрганишни кўради. Психологик қонунлар психиканинг турли хил даражаларига тааллуқли бўлиб, унинг ҳар томонлама ўлчанишига имкон беради. Қонунларнинг барча гуруҳи қандайдир маълум текисликда психиканинг муҳми ва турғун алоқаларини акс эттиради. Ҳаракатдаги қонунларнинг кўплиги, уларнинг турли хил йўналганлиги психик ҳодисалар вариативлигининг манбаси ҳисобланади.

Шунингдек, Б.Ф. Ломов мазкур ишда инсон ва унинг психикасининг тадқиқ қилинишининг даражалари тўғрисида ўз қарашларини илгари суради. Энг юқори даражада инсон инсоний муносабатлар тизимида шахс сифатида ўрганилади. Бу ҳолда тадқиқотлар предмети бўлиб шахс тараққиёти ва ижтимоий-психологик ҳодисалар ҳисобланади. Олдинги даражада шахс унинг шахсий сифатлари ва унинг фаолияти, бевосита мулоқоти ва хулқ-атвори нуқтаи назаридан кўриб чиқилади. Пастроқ даражада эса инсоннинг жараёнлари ва хусусиятлари, унинг идроки, тафаккури, хотираси ва ҳ. ўрганилади. Бу даража психологияни физика ва математика билан, кейинги даража эса нейрофизиология ва биологик фанлар билан боғлайди.

Энг пастки даража психик ҳодисаларнинг физиологик таъминланиши ёки нейродинамика тадқиқотлари соҳаси билан боғланади. Бу иерархия психологиянинг ўзга фанлар билан алоқасини кўрсатади, шунингдек, у психологияда қўлга киритилган маълумотларни

тизимлаштириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Борис Федорович Ломов 11 июль 1989 йилда Москвада вафот этади.

**Александр  
Романович  
Лурия  
(1902 - 1977)**



Александр Романович Лурия 1902 йилнинг 16 июлида Қозонда врач оиласида дунёга келади. Гимназияни тугатгандан кейин у Қозон университетининг ижтимоий фанлар факультетига ўқишга киради. 1921 йилда университетни тугатгач, у экспериментал психология билан шуғилланади ва унинг биринчи тадқиқотлари меҳнат психофизиологиясига бағишланади.

1923 йилда Лурия Москвага кўчиб ўтади ва бу ерда Психология институтида ишлади. У инсоннинг аффектив ҳолатлари билан шуғилланади ва “ёндоз мотор реакциялари” методикасини ишлаб чиқади. Унинг маъноси шундаки, сўз стимулларга сўзли ва ҳаракат жавобларини бир вақтнинг ўзида регистрация қилинади. А.Р. Лурия кўрсатадики, айнан шундай қўшилиши инсон эмоционал ҳолатини адекват ҳолда акс эттиради.

Аффектив жараёнларнинг тадқиқ этилиши бир қанча муҳим ҳулосалар чиқаришга асос бўлди. Эмоционал ҳолатлар бир бири билан боғлиқ бўлган турли компонентлардан ташкил топган яхлит тизимли тузилмадир. Эмоцияларни ўрганиш бўйича ишлаб чиқилган мазкур методика жиноятда гумон қилинаётган, руҳий хаста бўлган талабаларда ўтказилди. Натижалар умумий психология методологиясини ва эмоция психологиясини бойтди. Бу методика кейинчалик АҚШда яратилган “ёлғонни аниқлаш детектори”нинг яратилиши учун асос бўлиб хизмат қилди.

1924 йилда Александр Романович Л.С. Виготский билан учрашади. У билан бўлган мулоқот натижасида Лурияда ақлий жараёнларнинг миёдаги тузулмасини ўрганишга нисбатан қизиқиш пайдо бўлади. Кейинчалик эса бу йўналиш унинг ҳаётининг асосий ишига айланади. Бундан ташқари, Лурия бола тараққиёти муаммоларини ва бу тараққиётга ирсий ва муҳит омилларининг таъсирини ўрганади. Баъзи бир психологлар билан бирга у перцептив, мнемик ва нутқий функцияларни эгизакларда қиёсий тадқиқ қилиш билан шуғилланади.

1926 йилда Александр Романович ўз тадқиқотларини Паркинсон



касалига ва афазия (нутқнинг бузилиши) йўлиққанларга алоҳида эътибор қаратади. Касалларда психик жараёнларнинг бузилишини ўрганишга бағишланган бу тадқиқотлар психологияда янги йўналиш – нейрпсихологиянинг дунёга келишига сабаб бўлди.

Л.С.Лурия Виготский билан биргаликда замонавий психология тараққиёти йўлини белгилаб берган инсон олий психик функциялари ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқишади. Бу ерда гап ихтиёрий диққат, билвосита эслаб қолиш, абстракт тафаккур сингари функциялар ҳақида кетаяпти. Уларнинг шаклланишини ўрганар экан, Лурия “инструментал методикаси”дан, ёки “икки ёқлама стимуляция” методикасидан фойдаланади. Мазкур тадқиқотлар натижалари Виготский ва Лурияларнинг биргаликда чиқарган 1930 йилда чоп этилган “Хулқ-атвор тарихи бўйича этюдлар” ўз аксини топди.

1936 йилда Александр Романович ўзининг биринчи докторлик диссертациясини ёқлайди. Сўнги йилларда олим кўпроқ пейрпсихология билан шуғиллансада, унинг диссертацияси инсоннинг аффектив ҳолатига бағишланган эди ва “Аффектив жараёнлар психофизиологияси” деб номланади. Унинг мазмуни 1923—1924 йилларда ўтказган тадқиқотлари натижаларидан иборат эди.

Шу йилнинг ўзида А.Р. Лурия Москва тиббиёт институтини тугатади ва врач мутахассислиги бўйича иккинчи олий таълимни олади. Кейинги беш йил давомида у СССР ТФАнинг нейрохирургия институтида ва СССР ТФАнинг неврология институтида ишлади. Бу ерда у афазиология муаммолари муаммоларини батафсил ўрганади ва ўзининг иккинчи докторлик диссертациясини 1942 йилда ёқлайди.

Улуғ Ватан уруши йилларида Александр Романович Уралда ҳарбий госпиталга раҳбарлик қилади. Оғир жароҳат олган ҳарбийларнинг психологик адаптацияси билан шуғилланади. Бу даврда у афазия ва касалларда мия ўчоқ қисми бузилишлари натижасида нутқнинг бузилиши муаммолари билан шуғилланади. Бу тадқиқотлар натижалари унинг 1947 йилда чоп этилган “Жароҳатли афазия” ва 1948 йилда чоп этилган “Ҳарбий жароҳатдан кейинги функцияларни тиклаш” номларида китоблар чиқаради.

Уруш тугагандан кейин Лурия нейрпсихология соҳасидаги ишларини давом эттиради. Уни янги типдаги нейрпсихологиянинг асосчиси ҳисобланади. Медицнадан ўсиб чиққан ғарб нейрпсихологиясидан фарқли ўлароқ унинг томонидан ишлаб чиқилган назария кўпроқ психологияга асосланиши билан характерланади. Унинг асосида психик функцияларнинг структураси ва тузилиши тўғрисидаги умумпсихологик тасаввур ётади. Лурия томонидан яратилган нейрпсихология учта фаннинг синтезидан – физиология, медицина ва психология фанларининг бирикиuidан пайдо бўлган ва алоҳида фан соҳаси сифатида юзага чиққан.

Унинг инсон миясининг ташкилий жиҳати тўғрисидаги назарияси

фан учун муҳим аҳамият касб этади. Александр Романович олий психик функцияларни психик фаолиятнинг мураккаб шакли сифатида талқин этади. Мазкур назария ўзида ҳаракат мотивларини, мақсадларни, психик жараённинг ижро ва назорат механизмларини мужассамлаштиради. Психик функцияларнинг реализацияси учун маълум мия структуралари жавобгардир. Бу структуралар аъдий фарқланган тузилмалар бўлиб, турли хил тизимларга бирлашган. Умумий ва локал физиологик жараёнлар (мас нейтронларнинг фаолияти қонуниятлари) олий психик функцияларнинг турли хил жиҳатлари учун ва уларнинг бузилишларининг турли хил шакллари жавоб беради. Бу назарияга асосида Лурия олий психик функциялар бузилишларининг нейропсихологик диагностикаси методларини ва уларни тиклаш усулларини ишлаб чиқди.

1950 йилларнинг бошларида у тагин болалар психик жараёнларини ўрганиш билан шуғиллана бошлайди. Бу соҳада уни кўпроқ нутқни бошқариш функциясини шаклланиш муаммолари қизиқтиради. Бу вақтда унинг РСФСР ПФАнинг дефектология институтида ишлаётган эди. Бу ерда у катта клиник материални ўрганиш имконияти мавжуд эди. Унинг икки томлик 1956—1958 йилларда чиққан “Нормал ва аномал боланинг олий нерв фаолияти муаммолари” китоби шу даврдаги ҳаётининг мантиқий якуни бўлди.

Жумладан, Лурия болада билвоситаликнинг ташқи усулларидан ички усулларига ўтишини батафсил тадқиқ қилди. Маълум бўлишича, ихтиёрий диққатнинг билвосита жараёни бир қанча босқичлар орқали ўтиар экан. Масалан, кичик мактабгача ёшдагилар ўз суратини мнемотехник восита сифатида фойдалана олмас экан, катта мактабгача ёшдагилар эса ўз суратларини эслаб қолиш мақсадида фойдаланишлари мумкин экан, бироқ эслаб қолинаётган материалнинг характерли хусусиятларини уларда акс эттирмас экан.

Кичик мактаб ёшида тасвир нисбатан ифодалироқ бўла бошлайди ва уларда эслаб қолинадиган объектнинг типик хусусиятлари ажралиб чиқади. Бу эса эслаб қолиш жараёни самарадорлигини оширади. Ўсмирларда расм ихтиёрий хотирани яхшилайдиган воситалик аҳамиятини йўқотади, чунки унинг самарадорлиги рам билан боғлиқ бўлган усул қўлланилаяптими ёки йўқ бунга алоқаси бўлмайди. Лурия ушбу китобда келтирадиган асосий хулоса шундаки, тараққиётнинг бундай йўли – ташқи билвоситаликдан ичкига ўтиш – ўзга билиш жараёнлари ҳам худди шундай йўлни бошидан кечиради. Александр Романович тарихий психологияга ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Психиканинг ижтимоий-тарихий детерминацияси муаммосини ўрганар экан, у шуни аниқладики, инсон яшаётган ташқи (тарихий, ижтимоий) шароитлар, ижтимоий формалар асосан унинг билиш жараёнларининг характерини ва психологик структурасини белгилайди. Бу қоидалар кейинчалик экспериментал тасдиғини топди.

Александр Романович 1977 йилнинг 14 августида оламдан ўтди. Унинг ижодининг илк давларига Лев Семенович Виготский катта таъсир кўрсатди ва ўша давларда ҳамкорликда бир қанча китоблар чоп этдилар. У болалар ва тарихий психология тараққиётига ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Олий психик функциялар диагностикаси ва тикланиши методлари унинг бутун дунё психологлари томонидан эътироф этилишига сабаб бўлди.

# Абрахам Маслоу

(1908 - 1970)



Абрахам Маслоу 1908 йилнинг 1 апрелида Нью-Йоркда яҳудий иммигрантлар оиласида дунёга келади. У Нью-Йоркда ўси, Висконсин университетидан ўқиди. Бакалавр даражасини 1930 йилда, гуманитар фанлар магистри даражасини 1931 йилда докторликни 1934 йилда қўлга киритди. Висконсинда ўқир экан, Маслоу Малиновский, Мид, Бенедикт и Линтон сингари ижтимоий антропологлар ишлари билан жиддий қизиқиб қолади. Бихевиоризм таълимотини Маслоу машҳур экспериментатор Кларк Халл раҳбарлигида ўрганади. Приматларнинг хулқ-атворини Хария Харлоу раҳбарлигида ўрганади. Унинг диссертацияси приматларнинг устунлиги ва жинсий хатти-ҳаракатлари орасидаги муносабатларга бағишланган эди.

Висконсиндан кейин инсоний жинсий хатти-ҳаракатларни кенг масштабда ўрганишни бошлади. Инсоний хулқ-атвор учун секснинг муҳимлиги тўғрисидаги психоаналитик тасаввурлар ҳар томонлама унинг тадқиқотларини маъқуллади. Маслоунинг фикрича, жинсий фаолиятни тўғри тушуниш инсоннинг мослашувчанлигини ошириб юборади.

Психоаналитик назария Маслоунинг ҳаётига ва тафаккурига катта таъсир кўрсатади. Шахсий “эго”сининг психоанализи интеллектуал билим билан актуал тажриба ўртасида катта фарқ мавжудлигини кўрсатди. “Содда қилиб айтганда, айтиш мумкинки, Фрейд психологиянинг оғриқли қисмини кўрсатди ва биз уни соғлом қисми билан тўлдиришимиз зарур”, - таъкидлайди Маслоу.

Докторлик даражасини қўлга киритгандан сўнг Маслоу Нью-Йоркка қайтади ва у ерда тадқиқотлар ўтказди, сўнгра Бруклин коллежида психологиядан дарс бера бошлади.

Бу пайтларда Нью-Йорк нацистлардан қочган кўплаб немис олимларини ўзига қабул қилган катта маданий марказ ҳисобланар эди. Маслоу Альфред Адлер, Эрих Фромм и Карен Хорни сингари кўплаб психотерапевтлар билан ҳамкорликда тадқиқотлар ўтказди.

Маслоу шунингдек гештальтпсихологияни чуқур ўрганади. У чин дилдан Макс Вертхаймер билан фахрланар эди. Унинг продуктив

тафаккур ҳақидаги иши Маслоунинг билиш ва ижодга бағишланган шахсий тадқиқотларига яқин.

Шунингдек, Маслоунинг тафаккурига нейропсихолог Курт Гольдштейннинг ишлари катта таъсир кўрсатади. Олим ўзининг китобида организмни ягона, яхлит деб ҳисоблайди ва организмнинг бирор қисмида содир бўладиган ҳодиса бутун организмга таъсир кўрсатади дея таъкидлайди. Маслоунинг ўз ўзини актуализация қилиш терминини қўллашда ҳам Гольдштейндан миннатдор эди. Чунки бу терминни у Гольдштейннинг асарларидан олганди.

Бундан ташқари, Маслоуга Самнернинг “Халқларнинг йўллари” деб номланган китоби катта таъсир кўрсатади. Бу китобда инсоний хулқ-атворнинг катта қисми маданий намуналар (паттернлар) билан белгиланиши таҳлил қилинади. Маслоуга бу китоб шунчалик кучли таъсир кўрсатадики, у ўзининг кейинги тадқиқотларини шу соҳага бағишлашга қарор қилади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Маслоу мавҳум назарий психология асосий оламшумул муаммоларни ҳал этишда қанчалар кам аҳамиятга эга эканлигини сезиб қолади. Натижада унинг қизиқишлари экспериментал психология, ижтимоий психология ва шахс психологияси доирасида айланади.

Маслоунинг психологиядаги қўлга киритган асосий ютуғи инсонни ўрганишга нисбатан яхлит ёндашув концепциясини ишлаб чиққанлигида ва олий инсоний қадриятларни (муҳаббат, ижод, руҳий қадриятлар ва ҳ.) таҳлил қилишда ётади. Олий инсоний қадриятлар фаннинг кўплаб соҳаларига, жумладан иқтисодий фикрлар тараққиётига ҳам таъсир кўрсатади.

Маслоу мотивациянинг иерархик моделини яратади (Бу унинг 1954 йилда чоп этилган “Мотивация ва шахс” деб аталган китобида ўз аксини топган). Моделга кўра, қуйи эҳтиёжлар қондирилгандагина олий эҳтиёжларнинг қондирилиш имконияти пайдо бўлади. Уларнинг қондирилиши қуйидаги тартиб бўйича амалга оширилади:

- 1) физиологик эҳтиёжлар;
- 2) хавфсизликка нисбатан эҳтиёж;
- 3) муҳаббатга ва яқинликка нисбатан эҳтиёж;
- 4) тан олишга ва баҳолашга нисбатан эҳтиёж;

5) ўз ўзини актуаллаштиришга нисбатан эҳтиёж – инсоннинг майлларини, қобилиятларини ва талантиларини амалга ошириш. Ўз ўзини актуаллаштириш инсон талантидан, қобилиятидан, имкониятларидан ва ҳ.к.лардан тўлиқ фойдаланиш дегани.

Ўз ўзини актуаллаштирадиган кишилар қуйидаги характеритикаларга эга бўлишар экан:

- 1) воқеликни нисбатан самаралироқ идрок этиш ва воқелик билан нисбатан комфортабел муносабатда бўлиш;
- 2) қабул қилиш (ўзини, ўзгаларни, табиатни);

- 3) кутилмаганлик, соддалик ва табиийлик;
- 4) масалага эътиборни қаратиш (ўзига эмас);
- 5) одамлардан узоқлашиш ва хилватга бориш эҳтиёжи;
- 6) автономлик, маданият ва муҳитга боғланиб қолмаслик;
- 7) баҳоларнинг доимий янгиланиши;
- 8) мистиклик ва олий ҳолатларнинг тажрибаси;
- 9) ҳамдардлик туйғуси, ўзгалар билан қўшилиш;
- 10) характернинг демократик структураси;
- 11) нисбатан чуқур шахслараро муносабатлар;
- 12) воситалар ва мақсадларнинг, эзулик ва ёвузликнинг фарқланиши;
- 13) фалсафий, душманларча бўлмаган юмор туйғуси;
- 14) ўз ўзини актуаллаштирадиган ижод;
- 15) аккультурациянинг қаршилиги ва маданиятнинг исталган қисмининг кўчирилиши.

Маслоу “Инсон табиатининг узоқдаги ютуқлари” деб номланган сўнгги китобида индивид ўз ўзини актуаллаштириши мумкин бўлган саккизта йўлни кўрсатади. Бошқача айтганда, ўз ўзини актуаллаштиришга олиб келадиган хулқ-атворнинг саккизта типини белгилайди.

1. Ўз ўзини актуаллаштириш тўлиқ, тирик, тўлиқ концентрация билан кечадиган кечинмадир.

2. Доимий танлов билан яшаш, ўз ўзини актуаллаштириш англатадики, ҳар бир танловда тараққиётнинг фойдасига қарор қабул қилиш.

3. Актуаллаштириш нафақат имконият, балки реал бўлиш дегани, амалда яшаш дегани. Бу ерда Маслоу янги терминини киритади. “Ўзлик” деганда олим индивидуум табиатининг моҳиятини (темперамент, уникал таъмлар ва қадриятлар) тушунади. Шундай қилиб, ўз ўзини актуаллаштириш – ўзининг шахсий ички табиатини намоён қилиш деганидир.

4. Ўз ўзини актуаллаштиришнинг муҳим жойи шундаки, инсон ўз ҳатти-ҳаракатлари учун масъулиятни қабул қилади, ҳалол бўлади.

5. Инсон ўзининг ҳукмларига ва инстинктларига ишонади ва уларга мос ҳолда ҳаракат қилади. Бу ҳар бир индивидуум учун тўғри бўлган яхши танловларга олиб келади.

6. Ўз ўзини актуаллаштириш, шунингдек деганда нафақат ўзининг амалдаги қобилиятларини, балки ўзининг потенциалларини ривожлантиришнинг доимий жараёни ҳисобланади.

7. Маслоу, шунингдек “кечинмалар чўққиси” терминини ҳам қўллайди. Бу ўз ўзини актуаллаштиришнинг ўтиш моментларида инсон нисбатан яхлитроқ, ўзини англайди ва тинч ҳолатига нисбатан бу ҳолатда чуқурроқ англайди, яхшироқ тушунади.

8. Ўз ўзини актуаллаштиришнинг сўнггиси эмас, бироқ кейингиси –

бу ўзининг "ҳимоя майдонларини" аниқлаш ва улардан доимий воз кечишга тўғри келади. Инсон ўз образини, ташқи дунё образини нотўғри идрок этаётганини англаши лозим. Ўзининг барча фаолиятини ҳимоя механизмларига, яъни шу нотўғри идрокларга қаратмоғи керак.

Муттасил давом этган касалликлар вақтида Маслоу оилавий бизнесга аралашиб қолади ва оилавий бизнесда психологияни қўллаш тажрибаси "Эупсихик менеджмент" деган китобининг ёзилишига сабаб бўлади. Бунда у менежмент ва индустриал психология билан боғлиқ бўлган фикрлари ва мақолаларини илгари суради.

1951 йилдан Маслоу яқинда ташкил этилган Брейде университетига психологик бўлимнинг раиси сифатида ишлай бошлайди. У бу ерда то умрининг охиригача ишлайди. 1967—1968 йилларда у Америка психологлар ассоциациясининг президенти лавозимида ишлайди. 1968—1970 йилларда эса Калифорниядаги Лафлин хайрия фонди кенгашининг аъзоси бўлиб ишлади.

Маслоу адолатли ҳолда Америкада Уильям Джемсдан кейинги иккинчи йирик психолог ва психологияда гуманистик йўналишнинг асосчиси сифатида баҳоланади.

Маслоунинг асосий устунлиги унинг кўпчилик психологлар томонидан инкор этиладиган инсон ҳаётининг соҳаларига қизиқиш билдирганлигидадир. У биринчилардан бўлиб инсоний тажрибанинг яхши томонга ўзгариши мумкинлигини тадқиқ қилади.

Абрахам Маслоу 17 февраль 1970 йилда вафот этди.

# Жекоб Леви Морено

(1889 - 1974)



Жекоб Леви Морено 1889 йилнинг 6 майида Руминияда туғилади. У олий маълумотни Вена университетиди олади ва у ерда асосан тиббиёт ва фалсафани ўрганади. Морено у ерда Зигмунд Фрейднинг ишлари билан танишади ва бу унинг кейинги ижодига кучли таъсир кўрсатади. Ўқиш жараёнида Морено психиатрия билан қизиқиб қолади. 1925 йилда ўқишни тугаргандан кейин у Австриянинг турли психиатрик клиника ва институтларида ишлайди.

Бу вақтга келиб Морено кичик гуруҳларда кечадиган психик жараёнлар билан қизиқиб қолади. Унинг фикрича, бундай гуруҳларни ўрганиш эамиятдаги норасмий микротузилмаларни тушуниш имкониятини беради. Унинг психоанализ билан танишуви катта аҳамиятга эга бўлди. Моренонинг кичик гуруҳларни ўрганишда қўллаган методлари психоанализ ва гештальт-психологияга асосланган эди. Унинг фикрича, кичик гуруҳ эмоционал алоқалар, ўзаро симпатия ва антипатиялар, тортишиш ва итаришишлар билан белгиланадиган шахслараро муносабатлар тизимини ўзида мужассамлаштиради. Бу тизимда шахс қандай ўринни эгаллашлигини асосан унинг психик ҳолати белгилайди.

1927 йилда Морено АҚШга кўчиб кетади ва у бу ерда умрининг охиригача яшайди. Кичик гуруҳлар билан боғлиқ бўлган муаммолар билан шуғилланар экан, Морено социометрия методини ишлаб чиқади. Социометрия методи универсал метод ҳисобланади, чунки у нафақат диагностик мақсадларда қўлланилади, балки трансперсонал муносабатлар тизимида шахс ҳолатини мақсадли ўзгартириш йўли орқали зиддиятларнинг турли хил турини бартараф этиш учун хизмат қилади. Мазкур методни ишлаб чиқиш жарвёнида Морено амалиётда уни тест кўринишида фойдаланади. Масалан, у лагерларда, мактабларда, ишчи жамоаларда кичик гуруҳларнинг шаклланишида иштирок этади. Социограммани шахсан ўзи ишлаб чиқар экан, Морено методнинг камчиликларини тўғрилаб боради, муаммонинг янги ечимларини топади.

1936 йилда Морено биринчи терапевтик театрга, шунингдек



Бикон-Хиллада клиникага ҳам асос солади. У социометрия соҳасидаги ишларини давом эттиради ва бу фаннинг амалиётда қўлланилиши бўйича амалий методни ишлаб чиқади. Унинг методи бўйича кичик гуруҳнинг барча аъзолари унча катта бўлмаган тестдан ўтишади. Унда синалувчи ўзи афзал билган нарсаларини, агар зарур бўлса антипатияларини кўрсатади. Бу тадбирни ўтказиб бўлгачсоциометрик матрица тузилади, бошқача айтганда, социограмма. Бундан ташқари, коммуникатив жамоа сифатида кўриладиган гуруҳий уюшганликнинг социометрик коэффициенти ҳисоблаб чиқилади.

Социометрик тадбирлар натижалари бўйича унинг барча иштирокчилари учта асосий гуруҳларга бўлинишади. Улардан иккитаси, бундайлар одатда камчиликни ташкил этишади, “юлдуз”лар, буларни кўпчилик танлашган ва “сўнган юлдуз”лар, буларни қарайиб ҳеч ким танламаган ҳамда оралиқ зенолар бўлган катта гуруҳ ҳам мавжуд. Социограмма шу натижадарнинг график ифодасидир ва у ўзаро симпатия ва антипатияларнинг мураккаб қоришмасини кўргазмали ҳолда кўрсатиб туради. Социограммани қуриш жараёнида танлов, ўзаро танлов, кутилаётган танлов, четга оғиш, ўзаро инкор, кутилаётган инкор сингари тушунчалардан фойдаланилади.

Бундай таҳлил кичик гуруҳда пайдо бўладиган барча алоқаларни ҳам белгилайвермайди. Шунинг учун социограмма фақатгина гуруҳ ичидаги эмоционал танловлар картинасини ўзида акс эттиради. Шундай бўлсада социограмма методи ёрдамида гуруҳдаги муносабатлар структурасини кўргазмали ҳолда тасаввур қилиш мумкин бўлади. Шунингдек, маълум бир ишонч билан лидерлик стиллари ва гуруҳнинг ташкилий даражаси тўғрисида хулоса чиқариш мумкин бўлади.

Социометрияда коллектив ва индивидуал социограммалар фарқланади. Жекоб Морено ўз тадқиқотларида асосан коллектив социограммаларга эътибор қаратади. Бундай социограммани қуришда Морено алоҳида эътиборни ҳар бир индивиднинг унинг машҳурлиги нуқтаи назардан ҳолатини ўрганишга қаратади. Кимга кўп овоз берилган бўлса, у марказда жойлаштирилади, кам овоз олганлар перифериядан жой олишади. Шундай қилиб, бундай социограмманинг афзаллиги шундаки, унда етарли даражада тез кичик гуруҳдаги алоқалар занжирини, учбурчакларни, квадратларни кўриш мумкин бўлади. Бу методнинг камчилиги ҳам бор: агар гуруҳ аъзоларининг миқдори 13-15 кишидан ошиб кетса, барча шахслараро алоқаларнинг график тасвири амалда мумкин бўлмай қолади.

Индивидуал социограммага келсак, у конкрет одамнинг гуруҳдаги ҳолатини чуқур, майда-чуйдаликлариғача ва кенгайтирилган ҳолда тасаввур қилиш имконини беради. Масалан, индивидуал социограмма ёрдамида гуруҳнинг “машҳур” аъзолари позициясидан лидернинг позициясини ажратиб олиш мумкин бўлади.

1943 йилда Жекоб Морено “Социограмма” деб номланган китоб

чиқаради. У социометрия усулларига асосланган гуруҳий терапия методига бағишланган эди. Социодрама – бу одамларнинг турли хил тоифаларидаги конфликтларни бартараф этадиган методдир. Терапия иштирокчилари навбат билан актерлар ва тамошабинлар ролига киришади, уларнинг роли иштирокчилар учун шахсан аҳамиятга эга бўлган ҳаётий вазиятларни моделлаштиришни назарда тутди. Бундай иш гуруҳда иштирокчиларнинг ўз ўзини чуқурроқ билишига ёрдам беради, салбий эмоционал реакцияларнинг олдини олади.

Шундай қилиб Морено даставвал врач эди, уни кўпроқ бу методнинг турли хил касалликларни даволашда қўллаш масаласи қизиқтирар эди. Шундай қилиб гуруҳий психотерапиянинг бир тури сифатида психодрама методи дунёга келади. Моренонинг фикрича, бундай процедуранинг муваффақияти унинг кутилмаганлигида, хулқ-атворнинг фаоллигида, импровизациянинг бир парчаси борлигида ётади. Олим ўз клиникасида бу методни неврозларни даволашда қўллайди, шу жумладан болалар неврозларида, шунингдек, психосоматик касалликларда ва алкоголизмда, ўсмирлардаги четга оғишларни даволашда қўллайди. Бундан ташқари, у бу методдан оилада пайдо бўладиган муаммоларни ҳал этишда қўллашни тавсия этади.

Кейинчалик Морено томонидан бутун бошли социометрия деган фан ишлаб чиқилди. У ўз фикрларини 1953 йилда чоп этилган “Социометрия ва инсонни ўрганиш” китобида илгари суради. Бу жамиятнинг психологик назарияси эди ва унинг асосида ижтимоий ҳаётнинг барча қирраларини – иқтисодий, сиёсий одамлар ўртасидаги эмоционал муносабатлар орқали, уларнинг бир бирига нисбатан бўлган симпатияси ва антипатияси орқали тушунтиришга интилишдир. Моренонинг фикрича, ҳозирги замон жамиятининг барча муаммолари одамларнинг эмоционал афзал кўрган нарсаларига мос ҳолда қайта қуриб чиқилса ечилиши мумкин. Бундан ташқари, социометрия – бу психологик тест ҳам ҳисобланади ва унинг ёрдамида гуруҳдаги шахслараро эмоционал алоқаларни баҳолаш имконияти пайдо бўлади.

Морено ижтимоий муносабатларни жамиятдаги барча одамларнинг ўзаро қабул қилиши ёки инкори тизими сифатида тасаввур қилади. Бундай йирик тизимлар кўп одамлардан ташкил топган ижтимоий атомлардан иборатдир. Ўз навбатида ҳар бир ижтимоий атом кўп сонли телеструктуралардан ташкил топади. Телеструктура – бир одамдан иккинчи одамга узатиладиган ҳиссиётнинг энг содда бирлигидир ва у шахслараро муносабатларнинг миқдорини ва муваффақиятини белгилайди. Морено уни энергиянинг кўринмас, номоддий қоришмасидир, деб атайди.

Жекоб Леви Морено 1974 йилнинг 15 майида оламдан ўтди.

# Гордон Олпорт

(1897 - 1967)



Гордон Олпорт 1897 йилда Индиана штатида врач оиласида дунёга келади. Кливленда шаҳарчасида давлат мактабини якунлайди ва Гарвард университетига ўқишга киради. Бу университетнинг психология факультетида унинг катта акиси ўқир эди. Гордон фалсафа ва иқтисодни ўрганади. 1919 йилда у мазкур фанлар бўйича бакалавр даражасини қўлга киритади ва коллежда социология ва инглиз тили бўйича ўқитувчилик қила бошлайди.

Бироқ орадан бир йил ўтиб Гордон Олпорт Гарвардга қайтади ва психология бўйича докторлик даражасини олишга тайёргарлик кўра бошлайди. 1922 йилда у бу даражани қўлга киритади, бироқ ўз маълумотини бошқа шаҳарларда, яъни Берлин, Гамбург и Кембриджларда оширади. Турли хил мамлакатларда оширилган бундай академик тажриба унда катта таъсирот уйғотади. Балки шунинг учун ҳам Олпорт кейинчалик халқаро муносабатлар билан қизиқишига таъсир кўрсатгандир. Бу қизиқиш унинг ишларида аниқ кўзга ташланади.

Икки йил ўтиб Европага қайтган Олпорт Гарвард университетининг ижтимоий этика департаментида ўқитувчилик қила бошлайди. Уни дунё ҳамжамиятининг ижтимоий-ахлоқий муаммолари қизиқтиради. У асосий диққатини алоҳида индивид шахсининг жамиятдаги ривожланиши масалаларини ўрганишга қаратади. Олпорт ишларида инсон хулқ-атворининг мураккаблиги ва улканлиги тадқиқ қилинади. Яна икки йил ўтиб Гордон Олпорт Дармут коллежида психология бўйича асистент лавозимида ишлайди, бироқ 1930 йилдан тагин Гарвардга қайтади ва бу ерда умрининг охиригача яшайди.

1930 йилларда Олпорт ўз ходимлари билан экспрессив хулқ-атвор бўйича қатор тадқиқотлар ўтказади. У ҳар қандай инсонга хос бўлган реакцияларнинг иккита компонентини ажратиб кўрсатади – адаптив ва экспрессив. Биринчиси момент билан белгиланади ва иродага ёки шахснинг малакаларига боғлиқ. Иккинчиси эса нисбатан чуқурроқ кечади, англамаган ва кучанишсиз ҳолда юзага чиқади, у ҳаракатларнинг манерасини ва стилини белгилайди. Реакциянинг экспрессив қисми адаптивга нисбатан инсон хулқ-атворида эркинроқ ва чегараланмаганроқдир, шунинг учун у ўрганиш учун қизиқарлироқ.

Олпорт бошқа психологларни ҳам уни тадқиқ этишга чақиради. Э.Вернон билан ҳамкорликда олим экспрессив ҳаракатнинг келишувчанлиги муаммосини тадқиқ этадиган тадқиқотларни ўтказди. Натижада улар шундай хулосага келадиларки, экспрессив ҳаракатлар бир бири билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлар эмас, аксинча яхши ташкил этилган ва етарли даражада келишилган ҳаракатлардир.

Ўз ҳамкасабаси Кентрил билан биргаликда фақат овозга асосланган ҳукмларнинг аниқлигини баҳолаш бўйича тадқиқот ўтказадилар. Экспериментда 600 га яқин 16 та овозда гапирадиганлар иштирок этдилар. Натижада тадқиқотчилар маълум хулосаларга келишди:

1) товуш ва шахс хусусиятлари ўртасидаги ўзаро муносабат тасодифийлик даражасини ошириб юборади;

2) қандайдир жисмоний сифатларга нисбатан ташкил этилган хусусиятлар ва қизиқишларнинг баҳоси нисбатан аниқроқ.

Олпорт шахс хулқ-атворида экспрессив ҳаракатлар соҳасидаги ўзининг ва ўзга психологларнинг маълумотларини умулаштиради. У шундай деб ёзади: экспрессив ҳаракатлар ўзаро боғлиқ, бироқ уларнинг мослиги мутлоқ эмас, экспрессив мотивлар бир бирини ҳеч қачон такрорламайди. Уларнинг мослиги инсон шахси яхлит ҳолда эга бўладиган мослик даражасидадир. Экспрессив ҳаракатларнинг тузилиши – ўта мураккаб жараён бўлиб, шу соҳада ўтказиладиган тадқиқотлар ҳам мураккаб ҳисобланади. Комплекс феноменларни ўрганишга нисбатан комплекс даражада ёндашув зарур бўлади.

1937 йилда Олпорт “Шахс: физиологик интерпретация” деб номланган ишини чоп эттиради ва унда шахснинг ривожланиши организмнинг психофизиологик жараёнлари билан яқин ўзаро алоқада тадқиқ қилинади. Олпортнинг таърифи бўйича шахс инсонда жисмонийлик ва психикликни бир яхлитликда боғлайдиган ментал ва нерв системалари ўртасидаги қандайдир ораликдаги нарсадир. Шахс организмнинг келишилган ҳаракатларини ҳам анланганлик, ҳам анланмаганлик даражаларда ташкил этади. Олпорт умумий ва индивидуал хусусиятлар ўртасидаги фарқларни ўрганади. Индивидуал хусусиятларни у “шахсий диспозициялар” деб номлайди, уларни умумий хусусиятлардан маълум индивидларга тааллуқлигига қараб фарқлайди. Олпорт шахсий диспозицияларни кардинал, марказий ва иккиламчиларга бўлади.

Кейинчалик у шахсий диспозициялар ва умумий хусусиятларнинг инсон хулқ-атворида таъсирини ўрганади: улар фақатгина инсон хулқ-атворини бошқаришда иштирок этадими ёки хулқ-атворни қўзғатишда ва сценарийсини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этадими. Олпорт умумий хусусиятлар ва шахсий диспозицияларнинг индивидга таъсири даражасидаги фарқларни ҳам аниқлайди, шунингдек шундай хулосага келадикки, уларнинг ташқи юзага чиқишига ҳар доим ҳам қандайдир

стимул таъсир кўрсатади.

Олим шундай хулосага келадикки, турли хил хусусиятлар нозик даражада бир бири билан чатишиб кетган ва улар ўртасига аниқ битта чегарани қўйиб бўлмайди. Улар инсон хулқ-атвориغا ўзаро келишган ҳолда таъсир кўрсатади ва шунинг учун ҳам уларни таснифлаш методини ишлаб чиқиш жуда қийин. Олпорт таъкидлайдики, унинг назарияси тўлиқ бир бирига мос келмайди. Аксинча, шахснинг бир қанча турли хил хусусиятларининг бир вақтдаги фаоллашуви хулқ-атворда кўзга ташланиб турадиган номувофиқликни келтириб чиқаради. Бироқ мазкур номувофиқлик ҳақиқатдан ҳам мураккаб ички тузилманинг акси бўлиши мумкин. Уни психологик тадқиқотларнинг одатдаги методлари ёрдамида кузатиш ва аниқлаш мушкул, бироқ шундай бўлсада ички чуқур мутаносиблик мавжуд.

Индивиднинг келажақдаги ҳаракатларига нисбатан ниятларини Олпорт ўз ишида “интенциялар” деб номлайди ва шунини таклиф қиладики, улар инсон хулқ-атворини ҳозирда белгилайди. Бу назария ҳозирги замон психологлари ўртасида катта тортишувларга сабаб бўлди. Бугунги белгилаш учун кўплаб замонавий назариётчилар ўтмишга мурожаат қилишадилар, Олпортга ўхшаб келажаққа эмас.

1940 йилларда Олпорт ўзининг педагогик фаолиятида ўрта ёшдаги аёл (Дженни Мастерсон) томонидан ёш эр-хотинларга 12 йил давомида ёзилган хатларидан фойдаланади. Улар шахс психологияси бўйича мунозараларнинг қўзғалишига ёрдам беради. Олпорт ўз шогирдлари билан бирга Дженнининг асосий хусусиятларини аниқлаш учун хатларга нисбатан таҳлилнинг бир қанча турларидан фойдаланди. Унинг хатларини ўқиган 36 киши бу аёлга характеристика беришга ҳаракат қилдилар. Унинг 198 номдаги шахс хусусиятлари келтирилди ва улар 8 та мезон бўйича гуруҳлаштирилди. Барча ҳукмлар орасидан характерли хусусиятлар деб қуйидагиларни белгилади: шубҳага мойиллик, ўзига нисбатан эътибор ва автономия. Кейинчалик Олпорт унинг барча вербал хулқ-атворини кўрсатадиган қандайдир битта умумлаштирувчи мавзунини чиқариш топшириғини берди. Жавоблар ўта турли туман бўлди. Мазкур баҳо контент-анализ қилинди ва Олпортнинг фикрича, бу таҳлилнинг натижалари Дженни шахси структурага нисбатан етарли даражада ишончли бўлган илк хулосаларни чиқаришга ёрдам беради.

1943 йилда унинг “Ҳозирги замон психологиясида Эго”, 1955 йилда эса “Шаклланиш: шахс психологиясининг асосий қоидалари” деб аталган ишлари чоп этилади. Уларда инсоннинг “Мен” муаммоси ва “ўзлик” тушунчаси ёритилади. Иккала тушунча ҳам шахснинг шахсий функциялари ҳисобланади, айтиш мумкинки, шахснинг алоҳида моҳияти эмас, балки реал қисмларидир. Барча хусусиятлар (проприум) туғма эмас, балки ўзлаштирилган ва вақт ўтиши билан ривожланади. Проприум, Олпортнинг фикрича, 7 та жиҳатни ўзида

мужассамлаштиради:

1. Жисмонийлигини ҳис этиш.
2. Узликсиз ўзини ўзи мослаштириш.
3. Ўзини ўзи ҳурмат қилиш (бу учта жиҳат илк уч ёш давомида юзага чиқади).
4. Ўз ҳаёт йўлини англаш.
5. Ўзининг образи (тўрт ва олти ёшлар ўртасида ривожланади).
6. Ўз ўзини англаш (тўрт ва олти ёшлар ўртасида ривожланади).
7. Интенциялар, узоқ муддатли режалар ва узоқлашган мақсадлар (Ўспириликда ривожланади).

1961 йилда Олпорт “Шахс модели ва унинг тараққиёти” китобини чиқаради ва унда инсон шахси тараққиётини тадқиқ қилади. Олдинга у “функционал автономия” тушунчасини киритади. Унинг ортида инсоний мотивациянинг зиддиятли назарияси ётади. Бу назариянинг моҳияти шундаки, бошида маълум мотивлар билан белгиланган инсон хулқ-атвори кейинчалик уларга боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатади ва ривожланади. Бу бизнинг психикамининг маълум реакцияни сақлаб қолиш майлларидан келиб чиқади, ҳатто уни келтириб чиқарган сабаб йўқолганда ҳам.

Олпорт биринчилардан бўлиб 1937 йилда бу тамойилни шакллантиради ва шунинг орқасидан ўзга тадқиқотчилар томонидан танқид остига олинади. Танқидчилар томонидан келтирилган баъзи муҳим масалалар Олпортни янги тадқиқотларга ундайди. У функционал автономиянинг иккита даражасини ажратиб кўрсатади: персевератив ва проприатив. Биринчиси ўзида одатлар, такрорланадиган ҳаракатлар, мавжуд стереотипларни; иккинчиси эса ўзлаштирилган қизиқишлар, қадриятлар, ҳис-туйғулар, интенциялар, бош мотивлар, шахсий диспозициялар, ўз образи ва ҳаётий стилни мажассамлаштиради.

Функционал автономия принципининг уникаллиги шундаки, у организмнинг ўтмиши билан нисбий ажралишни кўрсатади. Бу тадқиқотчига индивиднинг ҳозир ва келажаги устида кўпроқ диққатини тўплаш имкониятини беради.

Илк болалиқда инсонга қандайдир ички бирлик хос бўлади. Бу бирлик шундан сўнг майда бўлақларга бўлиниб кетади, кейинчалик интеграцион жараёнлар билан тўлдирилади. Унинг “эго”си ўсади, индивидуал хусусиятлар структураси кенгаяди, келажақдаги мақсадлар ва талаблар нишонаси пайдо бўла бошлайди. Бунда функционал автономия принципининг роли муҳим бўлади. Бошида маълум биологик мақсадларга хизмат қилган нарса илк пайтидаги куч билан кейинги хулқ-атворни йўналтирадиган автоном мотивга айланади.

Олпортнинг фикрича, етук шахс “ўз ҳаёт йўлини англаш” сифатига эга бўлиши лозим. Инсоннинг ҳаёти фақат эҳтиёжлар ва мажбуриятларга боғланиб қолиши керак эмас. Инсон ҳаётдан қониқиш олиши лозим ва бунда унинг ўзига ва ташқи оламга муносабати муҳим

роль ўйнайди. Етук шахс нисбатан бардошлироқ бўлиши керак, бунга ундаги ўзига ва атроф воқеликка реал муносабати ёрдам беради. Бундай ўз ўзини объективлаштиришнинг асосий копонентлари юмор ва инсайт ҳисобланади. Юмор оддий вазиятларда хурсандчилик ва яхшилиқни топишга ёрдам беради. Бу эса ўз ўрнида яқин ва яхши кўрган кишилар билан бўладиган умносабатларда ўз аксини топади.

Инсайт инсонга тўғри баҳолаган ҳолда, хатолардан тўғри хулоса чиқарган ҳолда ўзлигини англашга ёрдам беради. Бу эса ижобий ички эмоцияларга ва ҳаётдан қониқишга олиб келади. Етук шахснинг яна бир характеристикаси – унда маълум ҳаётий фалсафа бор. Инсоннинг мавжудлиги унинг ҳаётга жиддий муносабатини белгилайдиган маъно билан тўлдирилиши лозим. Индивидуум фалсафаси тараққиётининг муҳим манбаларидан бирини Олпорт дин билан боғлайди. Олимнинг фикрича, шахс шаклланишининг бундай қиёфаси ўта идеаллаштирилган ва ҳамма катталар ҳам етукликка етиша олмайди.

Олпортнинг психология фанига қилган хизматлари ва катта ҳиссаси жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди. 1963 йилда у Америка психологлар фонди томонидан Олтин медаль билан 1964 йилда ўзи Президент бўлган Америка психологлар ассоциацияси томонидан нишон билан мукофотланди. Шунингдек у ижтимоий муаммоларни психологик ўрганиш бўйича Жамиятнинг Президенти ҳисобланар эди. Иккита кенг қўлланиладиган тестларнинг яратилишида ҳаммуаллифлик қилди.

Гордон Олпорт 1967 йилнинг 9 октябрида Американинг Массачусетс штатидаги Кембриж шаҳрида оламдан ўтади.

# Павел Петрович Блонский

(1884 - 1941)



Таниқли рус файласуфи, психологи ва педагоги Павел Петрович Блонский 1884 йил 14 майда Киевда майда чиновник оиласида дунёга келади. 1902 йилда у Киев университетининг тарих-филология факультетига ўқишга кириб, уни 1907 йилда “Берклида реаллик муаммоси” иши учун олтин медални қўлга киритган ҳолда тугатади.

Блонскийнинг талабалик йиллари инқилобий уйғониш ва Россиядаги биринчи инқилобга тўғри келади. Социалист-инқилобчилар партиясига яқинлашган Блонский уч марта қamoққа олинади. Кейинчалик 1917 йилнинг июль ойига келиб, у бу партиядан чиқади. Блонский ўз илмий фаолиятини Киев университетининг психология ва фалсафа кафедрасида бошлайди. Бу ерда унга ҳал қилувчи таъсирни фалсафа профессорлари А.Н.Гиляров и Г.И.Челпановларнинг маърузалари кўрсатади.

А.Н. Гиляров антик фалсафадан маърузалар ўқирди; айниқса Блонскийда унинг Плотин назарияси катта таассурот уйғотади. Кейинчалик у Блонскийнинг севимли мутафаккурига айланади. Плотиннинг фалсафий концепциясини Блонский магистрлик диссертациясининг мавзуси сифатида танлайди.

Блонский диссертацияни ҳимоя қила олмайди, чунки Октябрь инқилобидан кейин илмий даражалар бекор қилинади. Амалда унинг магистрлик диссертациясини ўзида мужассамлаштирган “Плотин фалсафаси” китоби 1918 йилда чоп этилади.

Г.И.Челпанов билан танишув Блонскийнинг тақдирига кучли таъсир кўрсатади – айнан унинг раҳбарлигида у психологик семинарларда иштирок эта бошлайди. Челпанов унинг Киевдан Москвага кўчиб ўтишига ёрдам беради ва Блонский Москва университетида унинг аспиранти бўлади. Бироқ кейинчалик психология марксизм асосига қурилади деган Блонский ўз устозидан ажралади.

Блонскийнинг моддий ҳолати Октябрь инқилобидан кейин жуда оғир кечди: илмий фаолият амалда яшаши учун манба бермас эди. Шунинг учун Блонский ўқитувчи сифатида амалий ишга ўтишга мажбур бўлади. Бу яшаши учун зарур воситани етказиб берар эди. У нафақат психологиядан, балки педагогикадан ҳам дарс берарди. Педагогика Блонский учун янги предмет эди, психология ва фалсафани киритган ҳолда курснинг шахсий дастурини ишлаб чиқади ҳамда ўта тушинарли



тилда талабаларга баён этиб беради.

1922 йилда Блонский Н.К.Крупская томонидан мактаблар учун ўқув дастурларини тузишда иштирок этиш учун Давлат илмий кенгашининг Илмий-педагогик секциясига таклиф этилади. Бу иш Блонскийга катта таъсир кўрсатади, марксизм йўналишларидаги қарашлари эволюциясини белгилаб беради.

Гражданилар уруши даврида Блонский фаол ишлайди: Унинг “Қийин мактаб” (1919), “Фан реформаси” (1920), “Илмий психология очерки” (1921) асарлари шу йилларда чоп этилади.

1918 йилдан 1930 йилгача унинг юзга яқин ишлари чиқади. Уларнинг ичида ўрта ва олий мактаблар учун илк совет дарсликлари бор эди. Унинг мақолалари АҚШ ва Германияда чоп этилади. 1920 йилда “Фан реформаси” китоби чиқади. У совет фалсафаси ва психологияси тараққиёти даврининг ёрқин гувоҳидир.

Фалсафий идеализмни мутлақо инкор этар экан, Блонский у билан боғлиқ бўлган идеалистик психологияни “мифологик фан” баҳолайди ва уни батамом ислоҳ этишга чақиради. Бу вақтда совет психологиясида фалсафий мантиқий психология (Л.М.Лопатин, С.Л.Франк, Н.О.Лосский, Н.Н.Лапшин) иккинчи планга ўтади. Эмпирик психология (Г.И.Челпанов, А.П.Нечаев, Ю.Ю.Португалов ва бошқ.) ҳали ҳам ўз таъсир кучини йўқотмаган эди. Табиий-илмий йўналиш (П.П.Блонский, В.М.Бехтерев, В.А.Вагнер ва бошқ.) табиий-илмий психологик фанларни қуришнинг дастурини объектив психология концепциясига яқин бўлган, кейинчалик – Бехтерев психорефлексологиясини объективизм принципи асосида амалга оширишга киришади. “Фан реформаси” китобида Блонский психологиянинг предметига ўзига хос таъриф беради: “Илмий психология, - ёзади у, - инсон хулқ-атвори ҳақидаги фан, яъни баъзи ўзгаришларнинг функциялари ҳисобланган ҳаракатлар ҳақидаги фан”.

Мазкур ғояларнинг давомида Блонский 1921 йилда “Илмий психология очерки”ни чоп эттиради. Унда совет психологияси тарихининг илк инқилобдан кейинги даври учун асосий бўлган хулқ-атвор ёки объектив психологиянинг принципларини кўрсатилади.

“Илмий психология очерки”да Блонский илмий психология предмети ва унинг методлари тўғрисидаги тасаввурларни умумлаштиради, тирик мавжудотлар ва одамларнинг хулқ-атвори умумий хусусиятларини характерлайди; инсоний хулқ-атворнинг ижтимоий-иқтисодий асосларига, инстинктив-эмоционал ва фикрий хатти-ҳаракатларнинг шаклларига батафсил тўхталади.

“Фан реформаси”да Блонский совет психологияси учун муҳим фикрларни илгари суради: “Илмий психология ижтимоий психологиядир” ва “Инсон homo technicusдир”. Инсоний хатти-ҳаракатлар “ижтимоийдан бошқача бўлиши мумкин эмас”, “генетик нуқтаи назардан ўзга ҳайвонлар фаолияти билан инсон фаолиятини таққослайдиган бўлсак, инсон фаолиятини қуроллар билан ишлайдиган

инсон фаолияти дейишимиз мумкин”.

1920 йилларда совет психологияси Блонский ишларида психологик ҳодисаларни тадқиқ қилишга материализмни киритиш билан боғлиқ ғоялар ҳар томонлама ўз ифодасини топади. У инсон ҳулқ-атворида генетик жиҳатдан ёндашган ҳолда тадқиқотнинг объектив методларидан фойдаланишга ва психологияни ҳаёт билан боғлашга ва амалда жамиятни қайта қуришга ундайди.

1924-1928 йилларда Блонский педологиянинг асосий назариётчиларидан бирига айланади. Педология учун характерли бўлган тараққиётнинг комплекс ёндашуви Блонскийга жуда маъқул эди.

Болалар ёшларининг характеристикаси педологик тадқиқотларнинг йўналишларидан бири эди. 1920 йилларда ёш давларининг классификацияси биологик белгиларга асосланиб (тишларнинг ўсиши, эндокрин безларнинг ривожланиши, қон таркиби ва ҳ.) аниқланар эди. “Ёш давлари симптомокомплекси”ни ташкил этадиган бола ҳулқ-атворининг турли хил хусусиятлари материя миқдорининг ортиши (организм массасининг ортиши) билан тушунтирилар эди.

Бироқ кейинчалик Блонский эълон қиладики, “ҳар бир ёш босқичининг характеристикаси комплексли бўлиши лозим: қандайдир битта белги эмас, белгиларнинг ўзига хос алоқасиу ёки бу белгини характерлайди”.

1928 йилдаёқ олимларнинг фаннинг бу соҳасига нисбатан ҳафсаласи пир бўлишди, Блонскийнинг ўзи ҳам ундан узоқлашди. “Педология билан машғул бўлиш, - деб ёзади у, - мени шу нарсага ишонтираяптики, одатдаги педологик тадқиқотларнинг юзакидир. Уларни чуқурлаштира туриб, мен тобора психологияга чуқур кириб кетаяпман”.

Блонский илмий ижодининг сўнгги даврини тадқиқотчилар соф психологик деб аташадилар. Бу вақтда у психологиядаги психоанализ йўналиши билан мунозарага киришади ва “Болалар жинсияти очерклари” китобини ёзади.

Блонский “Хотира ва тафаккур”, “Ўқувчи тафаккурининг тараққиёти” ва шунга ўхшаш китобларида хотира, идрок, тафаккур ва ирода жараёнларини таълим жараёнидаги инсон фаолияти билан боғлиқлигини диалектик таҳлил қилади. У хотиранинг генетик ёки босқичли назариясини шакллантиради. Бу назария уни нутқ ва тафаккур билан алоқада очиб беради.

Эмпирик психологияда хотиранинг бир бири билан боғлиқ бўлмаган, ҳаракатсиз бўлган тўртта тури (моторли, аффектив, образли и вербаль) келтирилади. Блонский уларга тўртта кетма кет босқич сифатида қарайди. Улардан ҳар бири ўзининг специфик қонунларига эга. Унинг фикрича, хотира нисбатан юқори даражага кўтарилса, тафаккурга яқинлашади. “Нутқ – шундай соҳаки, бунда хотира ва


тафаккур шунчалик яқин келадики, баъзида нутқ хотирага тааллуқлими ёки тафаккурга: биттаси иккинчисига ўтади”.

Блонскийнинг сўнгги асарларида хотира ва тафаккурнинг тараққиёти инсоннинг умумий тараққиёти билан боғланади. Блонский психик процессларнинг - идрок, хотира, тафаккур, нутқ, ирода ва ҳиссиётлар комплексини бирликда ва тараққиётда ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари дастурини амалга оширишни режалаштирган эди.

Блонский талабалар ва ҳамкасабалари орасида катта ҳурматга эга эди, бироқ у ўзининг ғояларини давом эттирадиган мактабни ярата олмади. Бунда унинг шахсий сифатлари катта роль ўйнади: у ўта биқик ҳаёт тарзини бошидан кечиради. Сўнгги йилларда оғир хасталиқдан Психология институтига кам келадиган бўлди.

П.П.Блонский 1941 йилнинг февраль ойида вафот этади.

**Артур  
Владимирович  
Петровский**  
*(1924 - 2006)*



Машхур россиялик психолог Артур Владимирович Петровский 1924 йилнинг 14 майида Севастополда таваллуд топди. Унинг тақдири жуда қизиқарли ва мураккаб кечди. Улуғ Ватан уруши бошланганда у ўз хоҳиши билан фронтга кетади. Уруш тугагандан сўнг Петровский бир муддат ҳарбий заводда ишлайди ва ҳунармандчилик билим юртига ўқишга киради. Унинг таълим олишининг кейинги босқичи ишчи ёшлар мактаби бўлди ва бу ерда у филологияга қизиқиб қолади. Мактабни тугатгандан кейин Петровский В.П. Потемкин номидаги Москва шаҳар педагогика институтининг филология факультетига, кейинчалик эса аспирантурага ўқишга киради. Унинг номзодлик диссертациясининг мавзуси иккита фаннинг бирикишидан пайдо бўлган эди: филология ва психология. Бу вақтга келиб Петровский психологияга қизиқиб улгурган эди ва 1950 йилга келиб унинг “А.Н.Радишевнинг психологик қарашлари” деган номланишда биринчи илмий ишининг ҳимояси бўлиб ўтади.

Кейинчалик Петровский томонидан психология назарияси соҳасида жиддий тадқиқотлар олиб борилади. У Волгоград педагогика институтининг, В.И. Ленин номидаги Москва давлат педагогика институтининг Москва шаҳар педагогика институтида психология кафедраларида ишлайди. Унинг фаолиятининг натижаси ўлароқ 1961 йилда “Психология тўғрисида суҳбат” деб номланган китоб дунё юзини кўради. Шу билан биргаликда Петровский психология тарихи билан шуғилланади; бу мавзу уни бутун ҳаёти давомида қизиқтиради, шунинг учун 1965 йилда ҳимоя қилинган унинг докторлик диссертациясининг “Совет психологияси асосларини шакллантириш йўллари” деб аталиши ҳам тасодиф эмас эди.

Россиядаги психологик фикрлар тараққиёти тарихини тадқиқ қилар экан, Петровский илк маротаба асримизнинг бошида ўта оммавий бўлган педагогикани, шунингдек психотехникани, рефлексологияни,

реактологияни ва В.М. Бехтерев, В.А. Вагнер, П.П. Блонский ва бошқаларнинг ишларини объектив илмий баҳолаш зарурияти тўғрисидаги масалани кўтариб чиқади. 1966 йилда Петровский ҳаётида сезиларли ўзгариш бўлади: у профессор унвонини қўлга киритади ва Москва давлат педагогика институтининг психология кафедрасига мудир бўлади. 1967 йилда олимнинг “Совет психологияси тарихи” китоби чоп этилади.

1968 йилда у СССР ПФАнинг кореспондент-аъзоси бўлади, сўнгра психология ва ёш даврлари физиологияси бўлимининг академик-котиби ва 1971 йилдан СССР ПФАнинг ҳақиқий аъзосилигига сайланади. Шу билан бир вақтда у “Психология масалалари” ва “МДУ хабарлари” журналларида ишлайди. 1972 йилда Петровский МДПИдан кетади ва РСФСР ПФАнинг умумий ва педагогик психология илмий-тадқиқот институтининг шахс психологияси лабораторияси раҳбари сифатида ишлайди. Бу лаборатория унинг раҳбарлиги остида 1972 йилдан 1993 йилгача ишлайди. Лаборатория ишлари таҳлил қилинса, иккита илмий оқимни кузатса бўлади.

Биринчиси – илдизлари 60-йилларага бориб тақаладиган бизга маълум тарихий-психологик йўналишдир. Бу соҳадаги тадқиқотлар Петровский ва унинг шогирдлари томонидан бугунги кунда ҳам давом эттирилаяпти. Ҳаммуаллифликда кўплаб китоблар чоп этилди. Бу вақт ичида мазкур ғояга бағишланган 20 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертацияси ҳимоялари амалга оширилди.

Иккинчи йўналиш шахс ва турли типдаги гуруҳларда шахслараор муносабатлар масалалари билан боғлиқ. А.В.Петровский томонидан ишлаб чиқилган шахслараро муносабатларнинг фаол билвоситалиги (деятельное опосредствование) назарияси, аниқроғи стратометрик концепция мазкур йўналишнинг асосини ташкил этади. Бу концепция ривожланиш даражаси бўйича гуруҳларни табақалаштириш ва гуруҳ ичидаги алоқалар структурасини тадқиқ этиш имконини беради. А.В. Петровский томонидан турли хил гуруҳларнинг аъзолари ўртасидаги алоқалар ўрганилди ва тараққиётнинг битта даражасидаги гуруҳларда аниқланган боғлиқликларни бошқа гуруҳларга тарқалишидаги номуносиваликни кўрсатилди.

А.В.Петровский томонидан шакллантирилган шахс тараққиётининг уч фазали концепцияси шахснинг янги гуруҳга кириш жараёнида адаптация, индивидуализация ва интеграция босқичларининг алмашилиш қонуниятини тушунтириб беради. Шунинг асосида Петровский ёш даврларини таклиф этади. Бунинг моҳияти шундаки, ҳар бир ривожланаётган индивидуаллик учун ижтимоий етукликка йўл болаликнинг макрофазаларидан (асосан шахс адаптацияси), ўспиринлик (асосан индивидуализация) ва шахснинг жамиятдаги интеграциясига олиб борадиган ёшлик. Ҳар бир даврда ҳал қилувчи фаолият турининг мавжудлиги тўғрисидаги концепцияси

Петровский томонидан шу позициядан туриб танқид остига олинди.

Шахслараро муносабатлар умумий назариясида А.В.Петровский субъект учун ўзга кишининг аҳамиятлилигини аниқлаб берадиган факторларни ўрганар экан, уч фазали “аҳамиятли ўзга” моделини таклиф этади. Бу модул учун базис сифатида А.В.Петровский ҳукм чиқариш ваколатлари, аттракция (жозибадорлик) ва референтлик (обруйлик) ларни кўриб чиқади. Мазкур факторларнинг мураккаб ўзаро муносабатлари ва миқдорий ўзгаришлари аҳамиятли ўзганинг акс эттирадиган субъектлилигини ташкил этади.

1980 йилларнинг бошларида А.В.Петровский персонализация концепциясини ишлаб чиқади. Бу концепция ривожланаётган шахс муаммолари соҳасидаги лаборатория тадқиқотларининг назарий асосини ташкил этади. Юқорида айтилган концепция базасида қуйидаги илмий ишлар яратилди: “Коллективнинг психологик назарияси” деб аталган жамоа монографияси (1979), А.В.Петровскийнинг “Шахс, фаолият, коллектив” (1982), “Психология ҳақида оммабоп суғбатлар” (1981), “Риводланаётган шахс психологияси (1987) сингари қатор китоблари. Тадқиқотларда қўлга киритилган асосий маълумотлар асосида А.В.Петровский раҳбарлигида бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари чоп этилди: “Умумий психология” (1970), “Ёш даврлари ва педагогик психология” (1973), “Коллективнинг ижтимоий психологияси” (1978), “Ижтимоий психология” (1987), “Психологияга кириш” (1995) ва ҳ.лар.

1976 йилда А.В.Петровский СССР ПФАнинг вице-президенти лавозимини олади, 1978 йилдан то 1985 йилгача бу ўта меҳнаткаш инсон лабораторияни бошқаришни ташламасдан МДУ малака ошириш факультетида олий таълимда дарс бериш педагогикаси, психологияси ва методикасикафедрасига ҳам раҳбарлик қилади. Бироқ ҳарқалай шахс психологияси лабораторияси унинг асосий қизиқишларини қондирар эди, шунинг учун у бу ерга ўзининг асосий вақтини ва кучини бағишлар эди. А.В.Петровский ўз ходимларини яхшилаб танлаб олади ва улар билан биргаликда чиройли ишлар қилади.

1990 йилларнинг бошларида лаборатория сезиларли даражада торайтирилди, яъни кўплаб ходимларнинг ўрни қисқартирилди ва 1993 йилга келиб шахс психологияси гуруҳига айлантилди. Кейинчалик 1999 йил январидан яна лаборатория мақомини олади, бироқ илмий тадқиқотлар йўналиши ўзгартирилди, яъни психология назарияси ва тарихи лабораториясига айланади. Эътибор назарий психология асосларини ишлаб чиқишга қаратилади ва даставвал психологик билимларнинг категориал-тушунчавий тизимини яратишга қаратилади. А.В.Петровский 1996 йилдаёқ психологиянинг алоҳида соҳасини, яъни назарий психологияни ишлаб чиқишни бошлаган эди.

Бу фаннинг предмети психология рефлексияси ҳисобланади ва унинг категориал тизимида тадқиқотлар асосий принципларининг ҳал

қилувчи муаммолари аниқланади. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида Петровский кўп даражали категориал тизимни таклиф этади. Бундай тизим ёрдамида инсон психикасини протопсихологик, базис, метапсихологик и экстрапсихологик даражаларда тўлиқроқ тушунтириш мумкин бўлади, шунингдек даражалараор ва даража ичидаги алоқаларни кўрсатиш мумкин. Шундай қилиб, Петровский амалда психологик назариялар тизимини қуриш имкониятига эга бўлди. Бу назариядан ҳар бири умумий категориал тизимгакирадиган категориялардан бирига асосланади.

1990 йилларнинг охирида Петровский ва унинг шогирдлари тарихий-психологик тадқиқотларнинг алоҳида соҳаси – психологиянинг сиёсий тарихини ишлаб чиқдилар. Бу ерда ўрганиш предмети бўлиб тоталитар давлатларда шаклланадиган сиёсий конъюнктурага боғлиқ бўлган психологик фаннинг ривожланиши хизмат қилади.

Психология назарияси ва тарихи лабораторияси ишида мустақил йўналиш бўлиб Л.А. Карпенконинг тадқиқотлари ҳисобланади. Улар психологиянинг кўпсонли йўналишлари тушунчалари таҳлили муаммоларига ва фанлараро ўзаро алоқаларига бағишланади. Тадқиқот ишлари билан бир вақтда лаборатория ходимлари психология бўйича луғатлар устида ҳам ишладилар ва улар 1983 йилда чоп этилади. Бу вақтга келиб А.В.Петровский ва М.Г. Ярошевскийларнинг умумий таҳрири остида ва Л.А.Карпенконинг тузувчилиги асосида куйидаги луғатлар чоп этилади: “Қисқача психологик луғат” (1985), “Психология. Луғат” (1990). Лабораторияда “Психологик энциклопедия”ни яратиш устида иш кетаяпти.

А.В.Петровский раҳбарлигида лаборатория ходимлари билан қарайиб 30 йиллик тадқиқотлари давомида 63 та докторлик ва номзодлик диссертациялари ҳимоя қилинди.

Ўзининг илмий фаолияти давомида у 1500дан ортиқ мақолалар, қўлланмалар, ўқув қўлланмалари, монографиялар чиқарди ва улардан кўпчилиги чет тилларига ҳам таржима қилинган.

Артур Владимирович Петровский 2006 йилнинг 2 декабрида оламдан ўтди.

## **Жан Пиаже** **(1896 - 1980)**



Жан Пиаже Швейцариядаги Невшателе шаҳарчасида 1896 йилнинг 9 августида таваллуд топди. Болалигида у механика, қушлар, ҳайвонла ва денгиз қисқичбақалари билан қизиқар эди. Унинг биринчи илмий мақоласи чоп этилганда у бор йўғи ўн ёшда эди.

1906 йилда Жан Пиаже табиий тарих музейида моллюскалар бўйича мутахассисга лобарант бўлиб ишга жойлашади. Тўрт йил давомида у ўрта мактабдаги машғулотлардан кейин ўша ерда ишлайди. Бу муддат ичида турли хил журналларда унинг 25 та мақоласи чоп этилади. Улар моллюскаларга ва зоологиянинг турли хил масалаларига бағишланган эди. Мазкур ишларнинг асосида моллюскалар коллекцияси куратори иши таклиф этилади, бироқ унинг ҳали мактаб ўқувчиси эканлиги маълум бўлгач, раҳбарият ўз фикридан қайтади.

Пиаже мактабни тугатгач Невшател университетига ўқишга киради ва унда 1915 йилга келиб бакалавр даражасини қўлга киритади, 1918 йилга келиб табиий фанлар доктори бўлади. Ўқиш давомида у биология, психология, шунингдек фалсафа, социология ва дин бўйича кўплаб китобларни ўқир эди.

Университетни тугатгандан сўнг Пиаже шаҳардан чиқиб кетади, турли хил жойларда тўхтаб-тўхтаб бир муддат саёҳат қилади. Масалан, у Решнер и Липпс лабораториясида, Блейернинг психиатрик клиникасида, шунингдек Сорбоннада ишлайди. Ниҳоят, 1919 йили у Олий Париж мактабидаги Бине лабораториясига ишга таклиф этилади. Унга болалар томонидан бажариладиган стандарт тестлар ишлаб чиқиш топшириғи берилади. Даставвал Пиаже бу ишни зерикарли деб ўйлайди, бироқ секин-аста бу нарса уни қизиқтириб қолади ва тадқиқотлар ўтказишда шахсан ўзи қатнаша бошлайди. Блейер клиникасида ўрганган психиатрик ўрганиш методини шаклан бироз ўзгартириб, Пиаже тезда “клиник метод”ни муваффақият билан амалиётда қўллай бошлади. Ўз тадқиқотлари натижасини 1921 йилда чоп этилган тўртта мақолада келтиради.

Илк маротаба Пиаженинг клиник методи психологик тест



процедурасига нисбатан реакция сифати кўрилди. Тест методикаси тўғри жавобларнинг миқдорини баҳолаш асосида қурилади, бироқ Пиаженинг фикрича, хато фикрлар нисбатан муҳам ҳисобланади, чунки улар айнан болалар тафаккурига мос бўлган схемаларни “чиқариб беради”. Шу билан бирга интеллектуал фаолиятни тадқиқ қилиш жараёнида боланинг ишлари ва ҳукмларини регистрация қилиш кўринишида эмас, балки синалувчи ва экспериментаторнинг ўзаро таъсири кўринишида юзага чиқади. Бу ўзаро таъсир жараёнида экспериментатор маълум хулосаларни қилади.

Уша йилнинг ўзида Пиаже Женевадаги Жан-Жак Руссонинг институтига илмий директор лавозимига ишга таклиф этилади. У рози бўлади ва ҳаётининг кейинги икки йилини болалар психологиясини тадқиқ қилишга бағишлайди: болалар нутқининг хусусиятларига, болалар тафаккурининг сабабларига, уларнинг кундалик ҳодисалар, ахлоқ ва табиий ҳодисалар тўғрисидаги тасаввурларига. Тажрибалар асосида у болаларнинг туғма эгоцентризми ва катталар билан мулоқот жараёнида секин аста кечадиган социализацияси тўғрисида хулоса чиқаради.

Социализация ҳақида гап кетар экан, Пиаже кейинчалик шундай хулосага келади: ижтимоий омиллар психологик аниқланиши лозим. Ижтимоий ҳаёт, унинг фикрича, унинг психикага муносабати бўйича яхлит ҳолда кўриб чиқилмайди, бунинг ўрнига маълум ижтимоий муносабатлар қатори кўриб чиқилади. Бундай муносабатларнинг мазмунига Пиаже психологик омилни киритади, яъни ўзаро таъсир кўрсатаётган индивидларнинг ақлий соҳасининг даражасини.

1923—1924 йилларда Пиаже катталар англамаган тафаккури ва болалар англаган тафаккури структурасини боғлашга ҳаракат қилиб кўради. Болалар афсоналари талқин қилинганда у Фрейднинг хулосаларидан фойдаланади, бироқ ўзининг шахсий ғояларининг тараққиёти бўйича психоанализдан тобора камроқ фойдалана бошлайди.

Пиажени Невшатель университетига ўқитувчиликка таклиф этишади, у рози бўлади ва 1923 йилдан 1929 йилгача у иккита олий таълим муасасаларида бир вақтнинг ўзида Женевадан Невшательга қатнаб ишлади. Шу билан бирга у илмий ишни ҳам ташламади. Хотини Валентина Шатененинг фаол ёрдами билан Пиаже ўзининг кичкина болалари устида тажрибалар ўтказади. Уларда оғирлиги ва ҳажми ўзгармаган ҳолда қум бўлагининг шаклини ўзгартиришга қилган реакциясини ўрганади.

Қўлга киритилган натижалар уни мактаб ёшидаги болаларда эксперимент ўтказишга илҳомлантиради. Экспериментлар жараёнида у нафақат сўзлар билан боғлиқ бўлган топшиқларни қўллаш томонига силжиш кўзга ташланади. Шу билан бирга Пиаже ўз фарзандлари билан ўтказадиган тадқиқотларини ҳам ташлаб қўймади. Уларнинг ташқи

қўзғатувчиларга нисбатан кўрсатадиган хатти-ҳаракатларини ва реакцияларини кузатади. Шу пайтларга келиб у ўзининг малакология соҳасида қилган ишларини якунлайди.

Бу пайтга келиб Пиажеда тирик организмлар билан муҳит ўртасидага ўзаро муносабатларига нисбатан маълум қарашлари шаклланади. Мазкур муаммога психологик нуқтаи назардан ёндашган Пиаже биологик омилларни ҳам назардан четда қолдирмайди.

1929 йилда Пиаже Невшатель университетидagi ўқитувчилик фаолиятини тугатади ва ўзини тўлиқ Жан-Жак Руссо институтига бағишлайди. Бу вақтга келиб у асосан мурғаклик ёшидаги болаларнинг интеллектуал тараққиёти тўғрисидаги ўзининг шахсий назарияси билан шуғиллана бошлайди.

Ҳаётининг кейинги ўн йилини Пиаже генетик эпистемология деб аталган билимлар соҳасига бағишлайди. Эпистемология ёки билиш назарияси субъект ва объект ўзаро муносабатлари нуқтаи назаридан билишни тадқиқ этади. Эпистемологиянинг илгариги тушунилиши статистик нуқтаи назардан эди, бироқ Пиаженинг фикрича, фақатгина генетик ва тарихий-танқидий ёндашув илмий эпистемологияга олиб келиши мумкин. Генетик эпистемология илмий фикрлар тарихининг экспериментал психик тадқиқотлари ва фактлари натижаларидан келиб чиқан ҳолда ишлаб чиқилиши лозим. Шу билан бирга Пиаже мантиқий ва математик методлардан кенг фойдаланади. Бундай кенг миқёсдаги тадқиқот уч томлик китобнинг (“Генетик эпистемологияга кириш” (1-том – “Математик фикр”, 2-том - “Физик фикр”, 3-том – “Биологи, психологик ва ижтимоий фикр”)) ёзилиши билан якун топади.

1941 йилда Пиаже мурғаклик ёшидаги болалар билан ўтказадиган тажрибаларини тўхтатади ва нисбатан каттароқ ёшдаги болалар интеллектуал тараққиётини ўрганишга ўтади. У болалар билиш фаолиятининг рақам ва миқдор, ҳаракат, вақт ва тезлик, фазо, ўлчаш, эҳтимоллик ва мантиқ сингари образларини тадқиқ этади. Пиаже томонидан қурилган мантиқий алгебраик моделлардан ўз даврининг кўплаб катта олимлари ўз тадқиқотларида фойдаландилар.

Бу вақтга келиб у болалар интеллектининг асосий босқичларини аниқлайди. Икки ёшгача бўлган ёшда боланинг сенсомотор фаолияти тўлиқ қайтмайди, бироқ шунга мойиллик кузатилади. Масалан, бола хона бўйлаб юрар экан, юриши бошланган жойга қайтишга қодир

2 ёшдан 7 ёшгача даврда болаларнинг интеллектини Пиаже оперативгача интеллект деб аталади. Бу вақтда болада нутқ ривожланади, шунингдек атрофдаги предметлар тўғрисидаги ўз тасаввурлари шаклланади, образ ва сўз билиш методи сифатида ҳаракатни сиқиб чиқаради, “интуитив”, образли тафаккур ривожлантирилади. Шундан сўнг 12 ёшгача бола интеллекти конкрет операциялар босқичини ўтказди. Ақлий ҳаракатлардан операциялар шаклланади ва улар тўлиқ маънода ортга қайтмасдир ва фақатгина

реал предметларда бажарилади.


Интеллект шаклланишининг охирги босқичи – бу формал операциялар босқичи. Болада гипотетико-дедуктив тафаккурга нисбатан қобилият ривожланади ва у конкрет ҳаракатларга боғлиқ бўлмайди.

1942 йилдан Пиаже Парижда яшай бошлади ва у ерда маърузалар ўқийди, Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Манчестерга кўчиб ўтади. Бу вақтда у Гарвард, Брюссел, Сорбонна университетларининг фахрий унвонларини қўлга киритиб бўлган эди. Ақлан заиф болаларнинг интеллектуал қобилиятларини текшириш методини танлашда Пиаже вазифалар миқдорига эътиборни қаратади. Шунингдек, Парижда олим генетик эпистемология бўйича қилаётган ишларини давом эттиради ва бу мавзуда бир қанча мақолалар чиқаради. 1955 йилда Рокфеллер фондидан субсидия олган Пиаже генетик эпистемология халқаро марказини ташкил этди.

Жан Пиаже 1980 йилнинг 16 сентябрида Женевада вафот этади.

# Карл Рожерс

(1902 - 1987)



Бугунги кунда К.Рожерсни ХХсарнинг буюк психологларидан бири деб атасак, хато қилмаган бўламиз. Унинг номи Ф. Перлз, Ш. Бюлер, К. Хорни, Э. Фромм сингари таниқли психологлар қаторида эсланади. К.Рожерслар оиласида олти бола тарбияланади. Карл Рожерс 1902 йилнинг 8 январидида тўртинчи фарзанд бўлиб таваллуд топди.

Карл Рожерс уятчан ва тортинчоқ бола эди. Унинг отаси кўпинча сафарларда бўлар ва тарбияси билан асосан онаси шуғилланар эди. Рожерснинг яхши кўрган машғулоти китоб ўқиш эди. Унинг ота-онаси диндор кишилар бўлса-да, унинг бадий асарларни мутоала қилишини вақтни беҳуда ўтказиш деб ҳисоблашарди. Карл кўп вақтини китоб ўқиш билан ўтказарди. Етти ёшга тўлганида у мактабга боради. Унинг китобхонлиги фойда беради ва уни бирданига иккинчи синфга ўқишга қабул қилишади. Бу ерда у ўзининг бўлғуси хотини Хелен Эллот билан танишади. Карлнинг тан бериб айтишича, у учрашувга таклиф этган биринчи қизи эди. Ўн беш йил ўтиб улар турмуш қурдилар.

Рожерснинг болалиги фермада ўтди. Қишлоқ хўжалигида қилган ишлари унинг дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Рожерс қишлоқ хўжалигини ўрганиш учунгина коллежга ўқишга киради. Бироқ икки йилдан сўнг унинг ниятлари ўзгаради: у диний таълим йўналишидан кетишга қарор қилади. Бу шу билан боғлиқ эдики, у Ёшларнинг христиан ассоциацияси ётоқхонасида яшарди ва акаси шу ассоциациянинг фаолларидан бири эди. Карл шахсининг шаклланишида муҳим роль ўйнаган христианлик ғояларини қабул қилади.

Карл Хитойда Халқаро христианлар конференциясига қатнашгач, унинг ота-онаси берган ғояларида кескин ўзгаришлар кузатилади. Бу ўзгаришлар унинг ота-онаси билан муносабатларининг ёмонлашувига олиб келади. Бироқ Рожерс ўз ғоясини ҳимоя қилади ва мустақил одамга айланади.

Кейинчалик Рожерс диний саводини теологик семинарида давом эттиради. Шарққа боргач, дин тўғрисидаги унинг қарашлари ўзгаради: унинг фикрича, унинг ҳаётининг мақсади – руҳий мададга муҳтож бўлган кишиларга ёрдам бериш бўлади. Бу мақсадга эса черковдан ташқарида ҳам эришса бўлади, деган фикрга келади. Унинг эътиборини кўпроқ

психология тортар эди. Рожерс ишондики, психологнинг иши арзигулик иш ва унинг ёрдамида ҳам фаровон ҳаётни таъминлаш мумкин, ҳам одамларга ёрдам бериш мумкин.

Рожерс Висконс университетининг сиртқи бўлимида психология курсини ўқийди, сўнгра эса Колумбия университетининг Педагогик коллежида билимларини оширади. Университетни тугатгач, Карл Рочестере шаҳрида (Нью-Йорк штати)ги Болаларга ёрдам марказида клиник психолог бўлиб ишлай бошлайди. У бу ерда 12 йил давомида фаолият кўрсатади. Рожерс бирорта ҳам психологик мактабга тааллуқли эмасди. Вақт ўтиб у ўзининг шахсий назариясини ва пациентлар билан ишлаш методини ишлаб чиқади.

Расмий психотерапияда қабул қилинган анъанавий ёндашувдан воз кечган ҳолда у кейинчалик клиентда жамланиш терапиясига ўтади. Агар бошқа психотерапевтлар бемор билан, пациент билан ишлашсалар, Рожерс ўзининг психологик ишларига “клиент” атамасини киритади. Бу шунчаки сўз ўйини эмас эди. Атамаларнинг ўзгариши замирида психотерапиянинг бутун бошли тузулмасини қайтадан кўриб чиқиш ётарди. Чунки пациент – бу врач-психиатрнинг профессионал ёрдамига муҳтож бўлган бемор киши, клиент эса ўз муаммоларини ҳал этиш зарур деб биладиган, хизматга муҳтож бўлган киши бўлиб, у ўз қийинчиликларидан ўзи қутилиши мумкин, бироқ психологдан ёрдам сўрашни афзал билади.

Психологнинг вазифаси деб Рожерс врач томонидан минимал миқдордаги кўрсатмалар билан унинг муаммоларини ҳал этишга ёрдам беришни тушунади. Яъни Рожерснинг тасаввуридаги терапия – бу “конкрет индивидуумда мавжуд қобилиятни чиқаришдан иборат, нисбатан пассив бўлган шахсни касбий манипуляция қилиш эмас”. Унинг фикрича, ҳар қандай киши унга халақит берадиган омилларни англамоғи лозим ҳамда ўзини ва ўз ҳаётини маълум усулда қайта қурган ҳолда уларни бартараф этиши керак.

Карл Рожерс шахс тузилмасида “Мен” концепцияни энг муҳими деб ҳисоблайди. “Мен” концепция субъектнинг атроф-муҳит билан (биринчи навбатда ижтимоий муҳит) алоқаси жараёнида ташкил топади. Шундай қилиб, унинг томонидан ишлаб чиқилган психотерапия тизими реал тажриба билан “Мен” концепция ўртасидаги диссонанс бартараф этишдан ва уларнинг бир-бирига мослашишига ёрдам беришдан иборатдир. Унинг ҳисоблашича, ишончли суҳбат, эмпатия ва клиентга дўстона муносабатда бўлиш шахсни реалликдан чегаралайдиган ҳимоя механизмларини заифлаштиради, ҳатто келажакда тўлиқ йўқ ҳам қилиши мумкин. Шу йўл билан клиентда “ички локус баҳо”нинг шаклланишига эришиш мумкин бўлади. “Ички локус баҳо” реал ҳаётий тажриба билан “Мен” концепция ўртасидаги мосликдаги ўзгаришлар ва уларни англашда ётади.

1939 йилда Рочестере шаҳрида ишлар экан, К.Рожерс “Тарбияси қийин бола билан клиник ишлаш” деган китобини ёзади. Бу китоб кўпчилик томонидан илиқ қабул қилинади ва Огайо университетнинг профессори унвонини олишига сабаб бўлади. Кейинчалик у “Маслаҳат бериш ва психотерапия” деб номланган китобини чиқаради ва унда психотерапия муаммоларини батафсил ёритади.

1945 йилда Рожерс Чикаго университети базасида ўзининг консултатив марказини очади. Унда ишлар экан, К.Рожерс бу ерда ўз муаммолари бўйича ёрдам сўраб мурожаат қилган катта миқдордаги кишилар билан мулоқот қилиш имкониятига эга бўлади. Бу марказда директор лавозимида К.Рожерс 1957 йилгача ишлайди.

1951 йилда у “Пациентга йўналган терапия” деган китобини чоп эттиради ва унда ўз тамойилларини нисбатан батафсил акс эттиради. Унинг китоби ўзга терапевтлар томонидан кескин танқидга учрайди. Улар бу китобда психотерапиянинг расмий методларига нисбатан хавфни кўради.

Рожерснинг фикрича, биринчи суҳбатда инсоннинг тўқнаш келадиган муаммоси шуҳбасиз ўзгаришга учрайди ва кейинчалик у бошқа муаммога учрайди, психотерапевт қабулига ўнинчи марта кирганида эса муаммолар қатори пайдо бўлади. Ҳақиқатда эса барча шахсий муаммолар асосида битта глобал муаммо ётади: “Мен аслида кимман?”, “Менинг ҳозирга “Мен”им билан қандай қилиб алоқага киришаман?”, “Ўзлимизни қандай топишим мумкин?”...

К.Рожерснинг фикрича, “инсоннинг асосий мақсади ўзлигини сақлаб қолишдир”. Психологларнинг вазифаси клиент билан шундай муносабатларни ташкил этишки, токим у ўзини тинч ва хавфсиз ҳис этсин. Секин-аста маълум бўлаяптики, инсон ўзлигида қолиш учун ўз эркинлигидан фойдаланади. У бутун ҳаёти давомида яшаган маскалар ва ролларини четга итқитади, кўникиб қолинган стереотипларни синдиради, унинг моҳиятини тўғри характерлаб берадиган қандайдир муҳим нарсани топишга ҳаракат қилади. У унинг хулқ-атвори ва ҳис қилаётган кечинмалари нореаллигини билди, бу кечинмалар аслида девор ва унинг орқасига пациент яшириниб олган.

К.Рожерснинг нисбатан машҳур китоби “Шахснинг шаклланиши” ҳисобланади. Ҳамкасабаларининг негатив муносабатига қарамасдан китоб жамоатчилик томонидан қизиқиш билан қабул қилинди. Китоб муаллифга яхшигина гонорар келтиради. Унда муаллифнинг ғоялари якуний қиёфага келади.

1963 йилдан унинг фаолияти Шахсни ўрганиш маркази билан боғланди. Олим умри давомида 16 та китоб ва 200 тадан ортиқ мақолалар ёзади.

Карл Рожерс 1987 йилда вафот этади.

# Сергей Леонидович Рубинштейн

(1889 - 1960)



Сергей Леонидович Рубинштейн 1889 йил 18 июнда Одесса шаҳрида адвокат оиласида дунёга келди. 1908 йилда у Ришель гимназиясини олтин медаль билан тугатади. Олий маълумотни у Европада олишга қарор қилади ва гимназияни тугатиши биланоқ ўша ёққа жўнаб кетади. Олдинига у Фрайбург университетига ўқишга киради, бироқ 2 семестрдан сўнг Марбургга кетади ва ўша ерда ўқишини давом эттиради.

Рубинштейн 1914 йилда Марбург университетининг фалсафа факультетини тугатади ва шу ернинг ўзида унинг “Метод муаммосига” деб номланган биринчи йирик мақоласи чоп этилади. Мақоланинг биринчи қисми унинг докторлик диссертацияси бўлди.

Бошланган биринчи жаҳон уруши С.Л. Рубинштейнни қайтишга мажбур қилди ва 1917 йилдан бошлаб у гимназияда ишлай бошлади. Ўша йили Сергей Леонидович Новороссия университет қошидаги фалсафа жамиятида “Когеннинг фалсафий системаси” мавзусида доклад қилади.

1919 йил апрелда Новороссия университетининг тарих-фалсафа факультети уни фалсафа кафедрасининг приват-доценти лавозимига сайлайди. Бу ташаббус Н.Н. Ланге томонидан илгари сурилади. Мазкур университетда С.Л. Рубинштейн психология, мантиқ ва фалсафа тарихидан маърузалар ўқийди, 1919 йилнинг декабридан “Фалсафага кириш” курсини ҳам ўқий бошлайди.

Лангенинг вафотидан кейин С.Л. Рубинштейн 1921 йилда халқ таълимининг Одессадаги институтида профессор лавозимига сайланади.

С.Л. Рубинштейн янги сайланган лавозимида туриб чиқарган илк мақоласи Лангенинг хотирасига бағишланади ва “Ижодий ҳаваскорлик тамойили” деб аталади. Унда олим ўзининг асосий қоидалари ва принципларини илгари суради, идеалистик концепциядан келиб чиқадиган билимларнинг объективлиги ва конструктивлиги ўртасидаги низони танқид остига олади. Муаллифнинг фикрича, объектив борлиқ

ижодий конструктивлик унсурини ўзида мужассамлаштиради.

1922 йилда у онг ва фаолият бирлиги принципини илгари суради. Бу принцип нафақат психологияда, балки педагогикада ҳам асосий принцип ҳисобланади. С.Л. Рубинштейннинг фикрича, субъект ўз ҳатти-ҳаракатларида, ижодий фаолиятининг актларида нафақат юзага чиқади, балки яратилади ва аниқланади. Мазкур метод инсоннинг ва унинг психикасининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Келажакда олим бир неча марта педагогик амалиёт учун бу тамойилнинг аҳамияти катталигини таъкидлайди.

Кейинги йилларда С.Л. Рубинштейн Харьковга бир неча марта хизмат сафарида бўлади. Шу сафарлардан бирида у Украина илмий ходимларининг съездида иштирок этади. 1925 йилдан Одесса илмий кутубхонасида директор лавозимида ишлар экан, у Россиядаги кутубхоначилик ишлари ривожига фаол қатнаша бошлади. Москвада хизмат сафарида бўлганида у бутунроссия кутубхоначилар съездида доклад тайёрлади. Шунингдек у Ленинграддаги кутубхоначилар съездида иштирок этади, 1927 йилнинг апрелида Киевдаги бутунукраина кутубхоначилар бюроси пленуми йиғилишида қатнашади.

1928 йилнинг ўрталарида олим Халқ таълими институтида профессорлик қилади. Бу давр унинг илмий фаолиятида самарали йил ҳисобланади. Одессада С.Л. Рубинштейн қатор мақолалар, жумладан “Ўсмирларда тафаккур тараққиёти” деган мақоласини ҳам ёзади.

1930 йилда С.Л. Рубинштейн Ленинградга кўчиб ўтади ва Ленинград педагогика институтида психология кафедрасини бошқаради. Ленинградда ишлар экан, у 1935 йилда “Педагогика ва психология” деб номланган китобини нашр эттиради. Унда олим ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ҳамкорлик ғоясини илгари суради. Унинг фикрича, педагогик жараёнда инсон онгига таъсир этадиган ва унинг шахсини шакллантирадиган барча муносабатлар ўзига хос характерга эга бўлади. Бунда ўқувчи ва ўқитувчи ҳамкорлигида шуни инобатга олмоқ керакки, ўқувчи ҳали объектив воқеликни ўзгартириши мумкин бўлмайди, янги тушунча ва билимларни яратиши қийин кечади. Унга ҳозирча маълум билимларнинг мазмунини ўзлаштириши мумкин бўлади. Таълимнинг сифатига, Рубинштейннинг фикрига кўра нафақат ўқувчиларнинг интеллектуал жиҳатлари ва таълимнинг қўйилиши, балки ўқувчиларнинг фанга ва ўқитувчига муносабати ҳам таъсир кўрсатади.

Рубинштейн шу нарсага эътиборини қаратдики, педагогнинг ўқувчиларга ва ўқувчиларнинг педагогга муносабатлари педагогик вазиятнинг моҳиятини белгилаб бериши билан бирга бир хил эмас. Юқоридагиларда олим қуйидаги хулосани чиқаради: педагог ўқувчилар билан тўғри муносабатни ўрнатиши лозим, агарким у ўз олдида нафақат билим, кўникма ва малакаларни узатишни, балки шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйган бўлса.



Шунингдек, Рубинштейн бу китобида тафаккурнинг ижодий жараёнларини тадқиқ қилади. Унинг фикрича, Психиклик яшашининг асосий усули – фаолият ёки жараён сифатида мавжудлиги эди. Шунга асосланган ҳолда у тафаккурни жараён сифатида талқин этади. Бу жараён билиш субъекти ва объекти доимий ўзаро таъсирларини ташкил этади. Бу жараён айниқса аниқ юзага чиқади инсон ҳаёт илгари сурган муаммоларни (иқтисодда, юриспруденцияда, педагогикада, ишлаб чиқаришда, фанда ва ҳ.) ҳал этишда қатнашади. Рубинштейн айтгандек, бу муаммолилик билишнинг олиб ташлаб бўлмайдиган қисми ҳисобланади. Тафаккур эса асосида муаммолилик бўлган билвосита билишдир. Бу назария олим томонидан кейинчалик экспериментал жиҳатдан ўрганилди.

1940 йилда Рубинштейн бир неча йиллар давомида устида ишлаган “Умумий психология асослари” деб номланган китобини чиқаради. Унда жумладан шахсга тааллуқли бўлган ва шахс томонидан бошқатиладиган барча психик жараёнларнинг асосини ташкил этадиган шахсни кўриб чиқади. Бундан ташқари, шахс унинг томонидан фаолият, билиш ва мулоқот ёрдамида амалга ошириладиган атроф муҳит билан бўладиган муносабатлари тўплами сифатида кўрилади.

Бу назария доирасида Рубинштейннинг педагогикада ўқувчи шахсига нисбатан гуманистик ёндашуви пайдо бўлди. Бироқ давлатдаги уравниловкага нисбатан тенденциянинг мавжудлиги, шахсизлантиришга қаратилган сиёсат субъект индивидуаллиги тараққиётини сустлаштирди. Шунга қарамасдан Сергей Леонидович таълим ва тарбияда индивидуал ёндашув зарурлигини таъкидлашдан толмади. Сергей Леонидович мазкур асарида муҳим ташкил этувчи сифатида онг муаммосига эътиборни қаратади, шунингдек онгни шахснинг дунёга муносабатини ифодалаш услуги, яъни кечинма деб ҳисоблайди. Рубинштейнни онгнинг нутқ билан боғлиқ бўлган коммуникатив функцияси қизиқтиради. У нутқ тараққиётининг 2 та онтогенетик босқичини бола ҳаётининг турли хил босқичларида пайдо бўладиган психологик коммуникатив вазифалар контекстида кўриб чиқади. Биринчи босқичда боланинг катталарни тушунишга нисбатан интилиши вазифаси турса, иккинчи босқичда улар томонидан тушунарли бўлишга нисбатан интилиш туради.

Рубинштейн 1942 йилнинг 19 мартигача Ленинградда қолди ва унда турли хил шаҳарлардан (Ярославль, Вологда, Урал пединститутларидан) Ленинградга келган илмий ходимлар тайёргарлигига раҳбарлик қилди. Улуғ Ватан уруши даврларида у Денинград мудрофаасида иштирок этади. Март ойида ЛДПИ турли хил шаҳарларга эвакуация қилинганда, Сергей Леонидович психология кафедраси билан биргаликда Кисловодскка кўчиб ўтади. Бироқ у ерда узоқ вақт қолмайди. 1942 йилнинг кузида у Москвага жўнайди ва у ерда МДУ қошидаги Психология институтида ишлай бошлайди. 1945 йилда

С.Л.Рубинштейн СССР ФАнинг Философия институти базасида психология секторини ташкил этади ва уни бошқаради. Мазкур сектор базасида СССР ФАда илк психологик лаборатория ташкил этилади.

1946 йилда Рубинштейн “Умумий психология асослари” китобини қайта ишлаб, тўлдириб чоп эттиради ва у олим ҳаётида аянчли роль ўйнайди. Психолог совет олими учун ёт бўлган космополитизмда, чет элни улуғлашда ва ватанимиз фанини паст баҳолаганда айбланади. 1948—1949 йилларда уни барча лавозимлардан олишди. Кейинги 5 йил давомида унинг барча ишлари танқид остига олинади.


Танқиднинг босими катта эди. Рубинштейн асарларини чоп этишмасди, бироқ у ижодини давом эттирди. Фаолиятли ёндашув назарияси устидаги ишларини давом эттиради ва бу изланишлари натижаси ўлароқ 1957 йилда “Борлиқ ва онг” деб номланган фундаментал иши дунёга келади.

Олим ўзининг сўнгги йилларини инсон коцепциясини ишлаб чиқишга бағишлайди. Унинг ғоялари 1973 йилда ўлимидан кейин чиққан “Инсон ва олам” деб аталган китобида ўз аксини топди. Инсон муаммоси унинг томонидан шахсдаражасида, ижтимоий-фалсафий даражада, психологик ва ахлоқий даражаларда кўриб чиқилди. Рубинштейн учун асосий муаммо бўлиб ахлоқни сақлаб қолиш, ижодга қобилият, шахснинг индивидуаллиги масалалари ҳисобланади. Олим ҳаётнинг марказида конкрет одамни, шахсни, унинг ҳаётий курашини ва шахсий ғалабаларини кўради.

Сергей Леонидович Рубинштейн 1960 йилда вафот этди.

# Беррес Фредерик Скиннер

(1904 - 1990)



Беррес Фредерик Скиннер 1904 йил 20 мартда Пенсильвания штатининг Саскуэханна шаҳарчасида таваллуд топади. У меҳрибон оилавий муҳитда ўсади, лекин бу оилада қатъий интизомга риоя қилинар эди. Бундай умумий яхши кайфият ота-оналарнинг жазодан кам фойдаланишлари эвазига сақланар эди. Ота-оналар болаларини аксинча қўллаб-қўлтиқлашар, тартиб-интизомни сақлаганлиги учун рағбатлантиришар ва мукофотлашар эдилар.

Болалиқда ва ўсмирликда бўлғуси олимнинг қизиқишлари турли-туман эди. У механик қурулмаларни эксперимент қилишни ёқтирар, қўлдан тайёрланган пневматик қуролни текшириб кўрар эди, ҳатто бир куни у ўзининг кийимини чиройли қилиб осиб қўйиш учун мураккаб конструкцияни ишлаб чиқади.

Мактабда ўқиб юрганида Скиннер адабиёт билан қизиқиб қолади. У 14 ёшга тўлганида Шекспир асарларини чуқур таҳлил қилиш асосида ўзининг бу асарларни Френсис Бэкон ёзганлиги тўғрисидаги тахминини ишлаб чиқади. Шу билан бирга Беррес яхшигина мусиқачи ҳам эди: у мактаб оркестрида саксофонда ўйнар эди.

Беррес Скиннер олий таълимни Нью-Йорк штатидаги кичикроқ гуманитар ўқув муамсасаси ҳисобланган Гамильтон коллежида олади. У инглиз тили ва адабиёти бўйича мутахассис бўлади ва келажакда ўзини бадий ижодга бағишламоқчи бўлади. Ўқишдаги ўртоқлари билан муносабатлари яхши эмас эди, қолаверса Скиннер тез-тез талабалар намойишларида иштирок этади. Унинг ташаббуси билан бўлган бир нечта чиқишлардан кейин ўқишдан ҳайдалишига яқин қолади. Коллежни тугатиш ҳарқалай унга насиб этади ва 1926 йилда у бакалавр даражасини қўлга киритади.

Беррес Скиннерда психологияга қизиқиш коллежни тугатгандан кейин пайдо бўлди. 1928 йилда у Гарвард университетининг психология бўлимига ўқишга киради. Ўқиш давомида у ўзи учун жуда қатъий тартиб ўрнатиб олади, яъни ҳар куни 15 дақиқасини дарсдан ташқари машғулотларга ажратади. Уч йиллик шундай тартибли таълимдан сўнг Скиннер докторлик даражасини қўлга киритади ва ўша 1931 йилда у ўзининг илк жиддий илмий тадқиқотини эълон қилади.

Номини танитган бу публикация унинг “Хулқ-атвор таърифларида

рефлекс тушунчаси” номли кичикроқ мақоласи эди. Унда Скиннер шартли рефлекснинг янги талқинини илгари суради. У рефлексни ҳаёт фаолиятининг реал акти сифатида кўриш керак эмас, балки экспериментатор операциясидан келиб чиққан акт сифатида кўриш керак деб ҳисоблайди.

1931 йилдан 1936 йилгача Скиннер Гарвардда ҳайвонлар хатти-ҳаракатларини ўрганишга бағишланган илмий иш билан шуғилланади. Бу вақтда у экспериментал қути кашф этади. Кейинчалик бу қутини скиннер қутиси деб аташади. Бу қутида бўлар экан каламуш ёки кабутар маълум кнопкани босади ва маълум бир рағбат, ёқимли таъсири олади. Ўша кнопка уларнинг ҳаракатини ёзиб боради. Кнопкани босиш намуна ва “оперант реакция”нинг мустақил бирлиги сифатида кўрилади. Бу фиксация учун жуда қулай. Унга қўшимча сигналлар (товуш, ёруғлик ва ҳ.) ҳам қўйиш мумкин.

Скиннер шартли рефлексларнинг иккита типини ажратиб кўрсатади: S ва R. S типига шундай рефлекслар кирадики, бунда реакция фақатгина қандайдир стимулнинг таъсирига жавоб сифатида пайдо бўлади, яъни қўзғатувчига. Шундай йўл билан яратилган хатти-ҳаракатлар респондент деган ном олади. R типигаги шартли рефлексларда ҳайвон олдинга реакция кўрсатади, кейин эса бу реакция мустақамланади. Бундай хатти-ҳаракатлар Скиннерда оперант хатти-ҳаракатлар деб аталади. Эксперимет жараёнида R ва S типлари реакциялари динамикаси ўртасида сезиларли фарқ кузатилади.

Скиннер “стимл-реакция” анъанавий хатти-ҳаракатлар формуласининг чегараланганлиги тўғрисида гапиради. Унинг фикрича, бу формула кейинги хатти-ҳаракатларга бўладиган реакциялари натижаларининг таъсирини инобатга олмайди. Реакция организмни ўзгартирадиган мумкин бўлган детерминанталар сифатида эмас, балки фақат стимулнинг ҳосиласи, оқибати сифатида кўриб чиқилади. “Организмнинг муҳит билан ўзаро таъсири тўғрисидаги адекват формула – деб ёзади Скиннер, - ҳар доим учта омилни инобатга олмоғи лозим: реакция кўсатилишга сабаб бўлган ҳодиса, реакциянинг ўзи ва мустақамловчи натижа”. Бу ўзаро муносабатлар стимул билан реакция ўртасидаги муносабатларга нисбатан қиёслаб бўлмас даражада мураккабдир.

Шундай қилиб, оперант таъминланишдан классик таъминланишнинг фарқи шундаки, оперант таъминланиш ҳодисасида тирик организм ўз хатти-ҳаракати билан атроф-муҳитга фаол таъсир кўрсатади ва у ёки бу оқибатлар билан тўқнаш келади. Шартли рефлекс шаклланган ҳолда бундай таъсир кузатилмайди. Шу маънода оперант хатти-ҳаракатлар фаол ва атроф-муҳитни тадқиқ қилига мўлжалланган, респондент хатти-ҳаракат реактив ва фақат шундай таъсирларга бериладики, ббу таъсирлар классик таъминланиш жараёнида организм

учун маълум сигнал таъсирига эга бўлади.

1936 йилда у Миннесот университетида ўқитувчи лавозимини эгаллайди ва бу ерда 1945 йилгача ишлайди. Бу ерда у “оперант таъминланиш” техникасини ишлаб чиқади ва у АҚШда амалиётда кенг қўлланилади. Ундан ақлан заиф болаларни тарбиялашда, руҳий хаста ва невротикларни даволашда фойдаланилади. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хатти-ҳаракатлар бу ерда секин аста мустаҳкамланиш ҳисобига эришилади. Масалан, касалнинг даволаш схемасида назарда тутилган, қадам ба қадам мақсадга олиб бораётган ҳар бир ҳаракати рағбатлантирилади.

1945 йилнинг кузида Скиннер Индиана штатининг университетида психология кафедрасини бошқаради. У бу постда 1947 йилгача ишлайди ва шундан кейин Гарвард университетида маърузачи сифатида ишлайди. У бу ерда то 1974 йил пенсияга чиққунгача ишлайди.

1948 йилда Скиннернинг кўплаб мунозараларга сабаб бўлган “Уолден 2” номли китоби чоп этилади. Бу ижтимоий утопияда Скиннер беллетристик шаклда техника ёрдамида янги ижтимоий адолатли куришнинг оперант таъминланганлигини яратишнинг перспективалари ўз ифодасини топади. Бу китобида Олдос Хакслининг “Ёввойи янги олам”ига ўхшатиб асар ёзади. Шунинг асосида танқидчилар уни фашизмда айблашларига бир баҳя қолади.

1953 йилнинг 11 ноябрида Скиннер қизи ўқийдиган мактабда арифметика дарсига қатнашади. Бу унга шунчалик кучли таъсир кўрсатадики, ўзининг мустаҳкамлаш назариясини мактаб фанлари бўйича дарс беришни яхшилаш йўлида қўллашга ҳаракат қилади. Бундай ҳаракатнинг натижаси ўлароқ дунёга унинг томонидан ўргатувчи машиналар сериясини лойиҳалаштириш ғояси келади. Шундай қилиб, таълимни дастурлаштириш деб номланган йўналиш пайдо бўлди. Бунинг асосига ҳар қандай ўқув вазифасини алоҳида операцияларга бўлиш принципи киритилди. Ҳар бир операция қайтар алоқа сигнали бўлиб хизмат қиладиган мустаҳкамланиш билан назорат қилинди.

Скиннер ўзининг экспериментларида ҳайвонлар устида, айниқса каламушлар ва кабутарларда тадқиқотлар ўтказишни афзал кўради. Унинг фикрича, одамнинг ҳайвондан фарқи ҳақиқатда унчалик фарқ қилмайди.

Скиннер статистик умумлаштиришларга салбий қарарди. Унинг фикрича, алоҳида организмлар реакцияларининг мукамал белгиланиб бориши психологиянинг асосий вазифасини, яъни конкрет индивидлар хатти-ҳаракатларини олдиндан башорат қилиш ва назорат қилиш вазифасини ҳал этади.

Шундай қилиб, 1957 йилда чоп этилган Ч.Ферстер билан ҳамкорликда қилган “Мустаҳкамланиш режалари” ишида кабутарларда 70000 соат давомида 250 миллион реакция кузатилади ва 921 та

диаграмма чизилади.

Ўша 1957 йилда Скиннер “Вербал хатти-ҳаракатлар” деб номланган яна бир китобини чиқаради. Унда у шундай ғояни илгари суради: нутқни эгаллаш оперант шартли рефлексларнинг пайдо бўлишининг умумий қонунлари бўйича содир бўлади. Бир организм нутқ товушини амалга оширганди, бошқаси уларни (ижобий ёки салбий) мустаҳкамлайди, шу билан бирга бу жараён бу товушлар билан турғун маъноларни назорат қилади.

Скиннер таълимоти педагогикада ва тиббиётда кенг қўлланила бошланди. Бундан ташқари, бизнеслар оламига ҳам кириб келди. Масалан, ташкилотларда ташкилот учун муҳим бўлган ҳаракатлар тезда мустаҳкамланадиган бўлди. Рекламада ҳам кичик совғалар ва бонусларнинг асосида ҳам шу принцип ётади.

Скиннернинг илмий библиографияси жуда кенг: ярим аср давомида 19 та йирик монографиялар ва кўрлпб мақолалар чоп этилди. 1972 йилда Америка психологлар ассоциацияси асрнинг нисбатан таниқли психологлари рўйхатида Беррес Скиннернинг исмини биринчи ўринга қўйдилар.

Скиннер 1990 йилнинг 18 августида лейкомия сабаб оламдан кўз юмади.

# Эдвард Торндайк

(1874 - 1949)



Эдвард Торндайк 1874 йилнинг 31 августида Массачусетс штатининг унча катта бўлмаган Вильямсбург шаҳарчасида туғилади. отаси методик черковининг роҳибиди. Оила хулқ-атворнинг қатъий қоида ва нормаларига амал қилар эди. Бу оила болаларида болалигиданоқ меҳнатга муҳаббат ва тўғри ишга тўлиқ ўзини бағишлаш сингари сифатлар шакллантирилган эди. Балки шунинг учундир бу оиланинг учта ўғли ҳам университетга ўқишга киради ва илмий фаолиятда катта натижаларга эришади.

Эдвард Торндайк Уэсли шаҳридаги университетга ўқишга киради. Ҳали талабалигиданоқ у У. Жемснинг “Психология асослари” китобини ўқиб, психологияга нисбатан меҳри уйғонади. Бу китоб уни шу даражада қизиқтириб қўйган эдики, Торндайк муаллиф билан учрашишга қарор қилади ва Гарвард университетига боради.

Олим ўзининг илк психологик экспериментини болалар билан ўтказишга қарор қилади. Одам бирорта сўзни топади ва уни фикран тасаввур этишга ҳаракат қилади. Болалардан олдиндан ўйланган нарсани топиш сўралади, шунда улар конфет олишади. Бу тажриба ўша вақтнинг психологик ҳолатини акс эттиради. фикр ва сўз ўртасидаги ўзаро алоқа ҳамма томонидан тан олинган эди. Торндайк таклиф этадики, инсон “ўзи ҳақида” қандайдир сўзни айтаётганда ёки нима ҳақидадир ўйлаётганда унинг нутқ аппаратининг мускуллари анланмаган ҳолда зўрға сезиладиган ҳаракатларни амалга оширади. Бу ҳаракатлар одатда атрофдагилар учун сезилмайди. Торндайк конфетлардан микроҳаракатларни ва фикрни ўқишни балиб олишда керак бўладиган сезгирликни ошириш учун рағбатлантирувчи стимул сифатида фойдаланади. Эксперимент давомида шунингдек бундай сезгирликнинг ортиши тахмин қилинади.

Институт маъмурияти унинг тажрибаларини таъқиқлайди ва бу иш тугамасдан қолади. Бироқ бу илк экспериментал ҳаракатлар Торндайкнинг кейинги тадқиқотларининг йўналишини белгилаб беради. У ўз тажрибаларида ҳайвонлардан фойдалана бошлайди. Олдинига товуқларда, кейин мушуклар ва итларда, шунингдек маймунларда. Барча тажрибалар учта момнтни ўз ичига қамраб олади:

- 1) ақлга мурожаат шарт эмас;

- 2) ҳайвоннинг ўргатишга мойиллиги тадқиқ қилинди;
- 3) рағбат сифатидаги мустаҳкамланишнинг ижобий омили тадқиқ қилинди.

Торндайк тажрибаларининг моҳияти қуйидагича: ҳайвонлар турли хил мосланмалар билан таъминланган махсус аппаратга жойлаштирилади. Ташқарига овқат синалаётган ҳайвоннинг кўз ўнгига қўйилади. Овқатнинг ўзи истаган қисмини қўлга киритиш учун ҳайвон маълум қурилмани ишга тушириши зарур. Торндайк ҳайвоннинг ҳаракатларини яхшилаб кузатади экспериментнинг бошланган вақтидан то ҳайвоннинг озод бўлганигача бўлган вақтни ўлчади. Қорнини тўйдирмоқчи бўлса, ҳайвон тагин аппаратни ишга туширадиган бўлди. Эксперимент шундай давом эттирилди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, қафасга тушганда мавжуд ҳолатдан норози бўлган ҳолда ҳайвон ҳамиша озод бўлишга интилади. У қафасдан чиқишга интилишларидан бирида тўсатдан шундай бир ҳаракат қиладики, у озодликка чиқади. Тажрибани бир неча марта такрорлагандан сўнг ҳайвонда самарасиз ҳаракатлари камайиб, натижа берадиган ҳаракатлари кўпаяди. Уни озодликка чиқарадиган ҳаракатлари аниқлаша боради ва у нолга тушади. Буларнинг бари ҳайвонни тезроқ озодликка чиқишини тезлаштиради.

Эксперимент натижалари ва Эдвард Торндайкнинг шахсий хулосалари унинг “Ҳайвонлар ақли. Ҳайвонларда ассоциатив жараёнларнинг экспериментал тадқиқоти” (1898) деб номланган докторлик диссертациясида ўз ифодасини топади. Ҳайвонлар реакция ҳаракатлари тадқиқотининг асосий нуқтаси “текшириш ва хато, тасодифий муваффақият” тамойилига таянади. Ҳар қандай ҳаракат маълум вазиятга реакция ҳисобланади, қандайдир ташқи импульсга эмас. Шундай қилиб, Торндайк хулосага келадики, ҳар қандай тирик мавжудотларнинг хатти-ҳаракати учта анаикловчи билан белгиланади:

- 1) индивидумга таъсир кўрсатадиган ташқи ва ички жараёнларни ўзида мужассамлаштирган вазиятлар билан;
- 2) мазкур таъсир натижасида содир бўладиган реакциялар ёки ички жараёнлар билан;
- 3) вазият ва реакция ўртасидаги нозик алоқа билан, яъни ассоциация билан.

Торндайк ўзининг тажрибаларида кўрсатадики, интеллектни ва унинг фаоллигини ўрганиш мумкин.

Ички алоқаларнинг ўрнатилиши ташқи вазият ва ҳаракатлар ўртасидаги алоқаларнинг ўрнатилишига айлантирилди ва бу нарса ассоциатив психологияга янгича шукуҳ бағишлади. Механик детерминизмни Торндайк биологик, кейинчалик биопсихик детерминизм билан боғлади ва илгари чегараланган онг чегараларини кенгайтirdи.

Ўз тадқиқотлари асосида Торндайк ўргатишнинг (научение) бир



қанча қонунларини кашф этади:

1) Машқ қонуни (вазият билан реакция ўртасидаги пропорционал алоқа - нисбатан тез-тез такрорлаш натижасида).

2) Тойёрлаш қонуни (машқ билан боғлиқ бўлган нерв импульсларини ўтказишга организмнинг тайёрлигининг ўзгариши).

3) Ассоциатив илгарилаш қонуни (маълум вазиятда иштирок этадиган бир вақтнинг ўзида таъсир қиладиган бир қанча кўзғатувчилардан биттасига кўрсатиладиган реакцияда кейинчалик шунга ўхшаш реакцияни чақиради).

4) Эффект қонуни.

Охирги тўртинчи қонун кўплаб мунозараларга сабаб бўлди. Чунки унда мотивация фактори мавжуд (соф психологик йўналганлик). Эффект қонунда айтиладики, маълум вазиятда қониқиш ҳиссини чақирадиган ҳар қандай ҳаракат у билан ассоциацияга киришади ва келажакда шунга ўхшаш вазиятларда мазкур ҳаракатни такрорлаш эҳтимолини ошириб юборади, маълум бир вазият билан ассоциацияга киришадиган ҳаракатда пайдо бўладиган қониқмаслик туйғуси эса шунга ўхшаш вазиятларда мазкур ҳаракатни такрорлаш эҳтимолини пасайтириб юборади. Демак, ўргатиш асосида, шунингдек организм ичида баъзи қутбий ҳолатлар ётади.

Торндайк томонидан таклиф этилган яна бир қонун ҳаракатларнинг туғма комплексига алоқадор. Агар маълум вазиятларда амалга ошириладиган ҳаракатлар яхши натижалар кўрсатадиган бўлса, уларни қониқтирадиган деб аташ мумкин, акс ҳолда улар бузғунчи ҳисобланади. Муваффақиятли натижа тушунчасини Торндайк нейронлар даражасида беради. Муваффақиятли ҳаракатда тайёргарликка келтирилган нейронлар ҳаракатсиз бўлиб қолмайди, балки ҳақиқатда фаолият кўрсатади.

“Ҳайвонлар интеллекти” деган диссертациясини ёзгандан сўнг Торндайк ҳайвонлар устида тажриба ўтказмай қўяди ва одамларни ўрганишга ўтади. 1899 йилда у Колумбия университетининг педагогик коллежига психология ўқитувчиси лавозимига ишга кирилади. Бу ерда у одамларга таълим бериш муаммолари бўйича психологик тадқиқотлар ўтказди, шунингдек ақлни тест синовларидан ўтказишдек илмий фаолият соҳаси билан қизиқади.

1912 йилда Торндайк Америка психологлар ассоциациясининг президенти бўлади. Унинг томонидан 500 дан ошиқ илмий ишлар чоп этилади ва уларнинг кўпчилиги китоб бозорида оммалашиб кетади ва катта даромад келтиради. Шунинг орқасидан 1924 йилда олимнинг йиллик даромади 70 минг долларни ташкил этади. Бу миқдор шўа пайтларда катта миқдор ҳисобланар эди.

1939 йилда Э.Л.Торндайк истеъфога чиқади, бироқ илмий фаолиятини то ўлганича давом эттиради.

Эдвард Торндайк 1949 йилда вафот этади.



# Жон Бродес Уотсон

(1878 - 1958)



Жон Бродес Уотсон 1878 йилнинг 9 январида Жанубий Каролина штатида таваллуд топди. Жон 13 ёшга кирганда унинг отаси оиласини ташлаб кетади ва бола қаттиққўл ва диндор онаси билан қолади. 1894 йилда роҳиб бўлиш ниятида Уотсон Гринвиллдаги Фурман баптистлар университетига ўқишга киради. Уни 1900 йилда тугатгач, у магистр даражасини қўлга киритади, бироқ онаси вафот этгандан кейин у илк ниятларидан воз кечади ва Чикаго университетига ўқишга киради. Ўша пайтлар бу ерда Жон Дьюи ва Жеймс Энджел сингари машҳур олимлар ишлашар эдилар. Улар Уотсоннинг психологияга меҳр қўйишлигига катта таъсир кўрсатишдалар. У университетни 1903 йилда тугатади ва энг ёш доктор бўлади. Мазкур Чикаго университетида кейинги беш йил давомида дарс беради. Бундан ташқари, у профессор Энджел раҳбарлигида илмий иш билан шуғилланади. Оқ каламушларни ўрганар экан, Уотсон шундай фикрга келадики, ҳайвонлар билан ўтказилган тажрибаларда у одамлар устида ўтказган тажрибаларда қўлга киритилган натижаларга эга бўлаётганини сезиб қолади ва бевосита одамларнинг ўзининг устида тажрибалар қилиш керак деган хулосага келади.

1908 йилда Уотсон Балтимордаги Жона Гопкинс университетига ишга ўтади ва бу ерда экспериментал қиёсий психология кафедрасини бошқаради. Университет лабораториясида ишлар экан, у секин аста психологияда мақсади хулқ-атворни ўрганиш бўлган, “бихевиоризм” деб аталган янги йўналишга асос солиш кераклиги тўғрисидаги фикрга келади. Олимнинг фикрига кўра, онгни ва инсоний туйғулардан кўра айнан хулқ-атворни кузатиш ва ўрганиш осон кечади. Бу ғоялар илк мартаба 1913 йилда чоп этилган “Бихевиорист нуқтаи назарида психология” номли китобда ўз ифодасини топди.

Бу ишда Уотсон хулқ-атворни тадқиқ қилиш зарурлиги тўғрисидаги фикрни илгари суради. Чунки илгари ўтказилган шунга ўхшаш тажрибалар инсон сезги аъзолари билан боғлиқ бўлган психик жараёнлар назарияси тараққиётига катта ҳисса қўшди. Бироқ мазкур тадқиқотлар экспериментал тадқиқотларнинг бундай янги йўналиши учун етарли эмас эди. Шундай қилиб, олим компромисснинг зарурлиги тўғрисидаги хулосага келади: ёки психология хулқ-атвор фактларини қандай бўлса шундай уларнинг онг масалаларига муносабати борми

ёки йўқми, бунга боғлиқ бўлмаган ҳолда ўрганади, ёки бихевиоризм психологияга боғлиқ бўлмаган алоҳида фан сифатида тушинилади.

Бихевиористик ёндашувнинг хусусияти шундаки, инсон ва ҳайвонни тадқиқ қилиш моҳиятан бир биридан фарқ қилмайди; Уотсоннинг фикрича, инсоний хулқ-атвори ўрганишга ҳайвонларни ўрганишда қўлланиладиган методларни қўлласа бўлади. Бунда асосийси стимул ва реакция тушунчалари ҳисобланади. Ҳар қандай хатти-ҳаракатни организмнинг муҳит стимулларига нисбатан реакцияси сифатида қараш мумкин. Шундай қилиб, олимнинг таъкидлашича, реакцияга қараб уни чақирган стимул тўғрисида хулоса чиқариш мумкин, худди шундай стимулни билиб, чақириладиган реакция тўғрисида башорат қилиш мумкин бўлади.

“Бихевиорист нуқтаи назарида психология” китобида Уотсон шундай фикрни билдирадики, инсон психологияси аниқ фанларга қўйиладиган талабларга жавоб бермайди. Асосан онгни ўрганиш билан шуғилланар экан, психологлар кузатганларини фикрлашга таянишади, чунки экспериментлар ўтказиш мумкин эмас. Шундай қилиб, Уотсоннинг фикрига кўра, психология экспериментал жиҳатдан кам ўрганиш мумкин бўлган ва ўта ақлий фан, шунинг учун ҳам ҳаётий муҳим бўлган муаммоларни ҳал этиб бера олмайди. Бихевиоризм табиий фанларнинг экспериментал ва объектив соҳасидир. Инсон ва ҳайвоннинг хулқ-атвори оннинг таъсирини инобатга олмаганда бир хил. Шу нуқтаи назардан турли ҳайвонларнинг хулқи-атворини ўрганишда қўлга киритилган фактлар аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, Ж. Уотсон ўзининг ишида онгни тадқиқотнинг мустақил объекти сифатида ўрганишдан қайтаради ва шу билан психологияни ўзга табиий фанларга киритади. Олимнинг тан олишича, психология предметининг ўзгариши баъзи муаммоларни ҳал этилишига халақит беради, бироқ бихевиористик методлар қолган муаммоларни келажакда ҳал этишга ёрдам беради.

Каламушларни қўлга ўргатиш бўйича тажрибаларда Ж. Уотсон мустаҳкамлаш методидан фойдаланади. Пайдо бўлиши зарур бўлган реакциялар рағбатлантирилади, исталмаган реакциялар учун улар жазо оладилар. Бу методни одамлар хулқ-атворида қўлланганда шу нарса аёнки, мустаҳкамлаш ёрдамида инсоннинг хулқ-атворини керакли томонга йўналтириш мумкин бўлади.

Уотсоннинг китоби чиққандан икки йил ўтиб, у Америка психологлар ассоциациясининг президентлигига сайланади. Бихевиоризм омма орасида кенг тарқалди, унинг методлари турли хил фанларда, социологияда, антропологияда ва педагогикада фойдаланилди. Айниқса педагогикада кенг қўлланилди. Уотсоннинг фикрича, мустаҳкамлаш принципи ёрдамида исталган натижани қўлга киритиш учун боланинг шаклланаётган шахсига таъсир кўрсатиши мумкин. Унинг фикрича, боладан унинг илк қобилиятларига,

майлларига ёки келиб чиқишига боғлиқ бўлмаган ҳолда хоҳлаган касбнинг вакилини ёки ўғрини ва дайдини ҳам яратиш мумкин,

Бу ёндашув кўплаб тарбия муассасаларида узоқ вақтлар давомида ҳукмрон ёндашув бўлди. Агар тўғри тарбияланадиган бўлса, ҳар қандай боладан генийни ҳам тарбиялаб етказиш мумкин деб ҳисоблашар эди. Агар педагог яхши таълим бермаса ҳам бу камчилик тарбия билан боғлаб тушунтирилар эди.

Ж. Уотсон 1903 йилда ўз талабасига уйланади. Бироқ 1919 йилда улар ажралишадилар ва бу жараён катта жанжал билан кечади. Унинг хотини Мери унинг ёш хуштори Розалия Рейнерга ёзган мактубини газетага чиқариб юборади. Бу иш атрофида кўтарилган шов-шув Уотсоннинг илмий карьерасига салбий таъсир кўрсатади. У университетдан ишдан бўшайди ва кейинчалик бирор жойга ҳам ишга кира олмайди.

У фанни ташлайди ва савдо билан шуғиллана бошлайди. 1921 йилда у Ж. Уолтер Томпсоннинг реклама агентлигига ишга киради ва у ерда хизмат лавозимида тез юқорига кўтарилади. Шундай бўлсада, Ж. Уотсон ўз ғояларини тарқатиш билан шуғилланади, бироқ бунда ўзгача усуллардан фойдаланади. У ўз ғояларини тарғиб қилади, радиода чиқишлар қилади, оммавий журналларда мақолалар чиқаради.

Розалия Рейнер Уотсоннинг янги хотини бўлади. Улар биргаликда “Болага психологик ғамхўрлик кўсатиш” китоб чиқаришади ва унда ёш ота-оналарга амалий тавсиялар беради. Тарбиянинг асосий методлари албатта бихевиоризм принципларига таянар эди. 1930 йилда Уотсон “Бихевиоризм” деб аталган китобини чоп эттиради. Бу китобнинг асосини Нью-Йоркдаги ижтимоий тадқиқотлар янги мактабида илгари ўқиган маърузалари ташкил этар эди.

1936 йилда у ишини ўзгартиради ва бошқа агентликка ишга ўтади ва уерда 1945 йилгача ишлайди. Бироқ унинг савдо карьераси уни ўз қарашларидан воз кечишга мажбур қила олмади. Аксинча бихевиористик ҳоялар реклама соҳасида ҳам фойда берди. Уотсон реклама ижодининг янги принципларидан фойдаланади: у реклама маълумотини етказиб бериш шаклига эътиборини қаратади. Унинг фикрича, зарур стимул ёрдамида харидорда исталган реакцияни чақириш мумкин бўлади. Шунинг учун асосий иш ўша стимулни топа олишдадир.

1945 йилда Розалия оламдан ўтади ва бу олимнинг ҳаётига кучли таъсир кўрсатади. У одамлардан узоқлашади, ёлғиз ва уалр билан мулоқот қилишдан қочиб умр кечиради. Дўстларининг гувоҳлик беришига кўра, вақти вақти билан кимлар биландир учрашар, нималарнидир ёзар, фан билан шуғилланар эди. Бироқ Уотсон ёзганларини чоп эттирмади, ўлимидан олдин уларнинг барчасини йўқ қилди. У 1958 йилда вафот этади.

# Карен Хорни

(1885 - 1952)



Карен Хорни 1885 йилнинг 16 декабрида Гамбург шаҳрида протестант оиласида таваллуд топди. Унинг отаси Берндт Даниельсен норвегия флотининг капитани ва ўта диндор одам эди. Онаси Клотильда Ронзелен даниялик бўлиб, аксинча эркин фикрлаши билан ажралиб турарди ва унинг бу хислати қизига ирсий томонлама ўтган эди. Карен ёшлигида баъзида сафарларда отасини кузатиб борарди.

Тиббиёт билан шуғилланиш қарори ўша давр аёллари учун кутилмаган қарор эди. Карен бу қарорга онасининг таъсирида келади. У маълумотни Берлин университетиди олади. Бу ерда у берлинлик юрист Оскар Хорни билан танишади ва 1909 йилда унга турмушга чиқади. Университетда Карен психиатрия ва психоанализ билан шуғилланади ва 1913 йилда гуруҳнинг энг яхши талабаси сифатида университетни якунлайди. Ўша 1913 йили Карен Хорни тиббиёт доктори даражасини қўлга киритади ва ўттиз ёшида Берлин психоанализ институтида энг тан олинган ўқитувчи сифатида кўзга ташланади. Ўз қарашларини танқидий нуқтаи назардан қарасада Зигмунд Фрейд назарияси билан боғлади.

Карен Хорни ўзининг шахсий назариясини ишлаб чиқар экан, шундай хулосага келади: универсал психик нормалар мавжуд эмас. Бир маданиятда невроз сифатида баҳоланадиган хулқ-атвор бошқасида нормада деб баҳоланиши мумкин ва аксинча. Карен Хорнининг фикрича, норма ёки норма эмаслигини индивид яшаётган маданият контекстидан келиб чиққан ҳолда баҳо беришимиз мумкин.

Карен Хорни илк билимларини Зигмунд Фрейднинг ҳамфистри, биринчи психоаналитик жамиятнинг асосчиси Ганс Заксдан олади, ихтисослигини Фрейднинг шогирдларидан бири Карл Абрахамдан ўзлаштиради.

Ўзининг илк ишлариданоқ Хорни Фрейд билан полемикага киришади. Ортодоксал психоанализ (фрейдча типдаги психоанализ) Хорнининг фикрига кўра, ҳозирги замон жамиятининг эркаклар қисми учун яратилган. Унда аёлларнинг ўрни камайтирилган. Айнан шунинг учун ҳам фрейдизм - бу эркаклар психологияси ғақидаги таълимот ҳисобланади. Бундан ташқари, психоанализ – эркаклар яратган

таълимот ва айнан эркаклар психологиясини асос қилиб олган ҳамда аёллар психологияси хусусиятларига эътиборни етарли даражада қаратмаган ҳолда мазкур назарияни эркаклар ривожлантирдилар. Шунинг учун фақат эркаклар ва аёллар психологиясига дифференциал ёндашувгина шахс концепциясининг яхлит қиёқасини ишлаб чиқишга йўл очади. Ўзининг бу ғояларини олима “Психоанализда янги йўллар” китобида илгари суради.

Берлинда ишлар экан Карен Хорни ўзининг невроз назариясини ривожлантирди. Неврознинг ўзини у қўрқувларга қарши бўлган қўрқув ва ҳимоялар, шунингдек психикада низоли тенденциялар ўртасида компромисс топишга интилишлар чақирадиган психик касаллик сифатида баҳолайди. Невротик хулқ-атворнинг аниқ белгиларини белгилаш мақсадида у барча невротиклар характерланадиганиккита моментни ажратиб кўрсатади: реакцияларнинг ригидлиги ва имкониятлар ва ютуқлар ўртасидаги номувофиқлик. “Реакцияларнинг ригидлиги” деганда у невротикнинг хатти ҳаракатларининг олдиндан аниқлигини тушунади. Чунки унинг ҳаракатлари олдиндан қайд этилган ғоя билан белгиланади. Соғлом одам эса объектив вазиятлар талабларига мослашувчан бўлади. Албатта мазкур ригидлик агар у ўша индивидга тааллуқли бўлган гуруҳнинг маданий нормаларидан четга оғишса невротик ригидлик сифатида қаралиши мумкин.

Иккинчи момент ҳам неврознинг мутлоқ мезони бўла олмайди. Имконият ва ютуқлар ўртасидаги номувофиқлик объектив сабаблар билан тушунтирилади ва индивид вазиятлар қурбонига айланиши мумкин. Бироқ невротикнинг ўзи барча омадсизликларининг сабабчиси ҳисобланади. Фрустрациянинг (ховотирланганликнинг англамаган ҳиссиёти) ички низодир.

Барча неврозларнинг асосини Хорни “базал ховотир”да кўради. “Базал ховотир”ни олима “бу хиёнаткор, ҳужумкор, ҳақорат қиладиган, ёмон, ҳасадга тўла ва ярамас дунёда шахсий ҳимоясизлиги, заифлиги, ёрдамга муҳтожлиги туйғуси” сифатида таърифлайди. Бу барча ҳиссиётлар болалиқда ота-оналар болани ўз меҳри ва эътибори билан чулғаганда пайдо бўлади. Сўзсиз меҳр-муҳаббат боланинг нормал тараққиёти учун муҳим, агар бу нарса бўлмаса ташқи муҳит унинг учун душманона бўлади. Бола уни қуршаб олган дунёнинг ҳавfli ва душманоналигини ҳис қилган ҳолда улғаяди. Бола ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмайди, “ёмон” эмаслигини исботлай олмайди ва бу ҳолатда у ёлғизланиб қолади. У заиф ва уни ҳимоя қилишларини, унга ғамхўрлик қилишларини, барча масъулиятни ўзига олишларини истайди.

Бошқа томондан унинг атроф-муҳитга нисбатан шубҳа-гумондалиги унга ишончни йўққа чиқаради. Қарама қаршилиқ пайдо бўлади ва ундан қутилиш учун боланевротик ҳимояларни кучайтиради: боғланиб қолиш, ҳокимият, хизмат қилиш ва бўйсиниш ва мутьелик.

Келгусида Карен Хорни невротик ҳимояларнинг ҳар бирини нисбатан мукамал кўриб чиқади.

Невротик ҳимоя турларидан бири боғланиб қолиш хавфсизликка нисбатан интилиш асосланади. Нормал муҳаббат эса “Сен мени яхши кўрасан, сен ҳеч қачон мени қийнамайсан” – мана невротик майлнинг ўзига хос “шиори”. Юқоридаги сабабларга кўра одамларга ҳақиқий ишонишга қодир эмас, шунинг учун невротик севимли бўлишга ўзини арзитайман деб ҳисоблайди. Бу вазият қуйидаги зиддиятни юзага келтиради: невротик доимий ҳолда меҳр-муҳаббатга интилади, бироқ эмоционал боғлиқ бўлиб қолишдан чўчиб, бировга меҳр-муҳаббат кўрсата олмайди.

Ҳокимиятга нисбатан невротик майл ҳам Карен Хорни томонидан бу ҳиссиётнинг нормал юзага чиқиши билан қиёслаб ўрганилди. Катта ҳокимиятга эга бўлиш истаги невротик ҳисобланмайди, балки, масалан, юксак қобилиятларнинг натижаси бўлиши мумкин. Унинг невротик кўриниши қўрқув, ховотир ва мукамал эмаслиги туйғуси таъсирида пайдо бўлади. Ҳокимиятга интилар экан, невротик ҳар доим ҳақ бўлишини истайди, барчани назорат қилишни ва ҳар доим ўзининг айтгани бўлишини хоҳлайди. Карен Хорни шундан келиб чиққан ҳолда унга хос бўлган учта асосий характеристикани белгилайди:

- У ҳамма нарсада биринчи бўлишни истайди ва унинг мақсадларига ҳеч қандай алоқаси бўлмаганлар билан ҳам рақобатга киришади.

- Унинг ҳокимиятга майли атрофдагиларга нисбатан душманликка асосланадигани у рақибини ерга уради, унга зарба беради.

- У ҳисоб-китоб қилишдан қўрқади ва улар томонидан меҳр-муҳаббатга сазовор бўлишни истайди – ҳал қилиб бўлмайдиган дилемма пайдо бўлади.

Худди биринчи воқеадагига ўхшаб, К. Хорни ҳокимиятга нисбатан майлнинг ўзига хос “шиорини” келтиради: “Агар мен сендан кучлироқ бўлсам, сен мен учун хавфсизсан”. Шундай қилиб, у одамларга боғлиқ бўлмасликка интилади: “Агар мен сендан қочсам, сен менга зарар етказа олмайсан”.

Ўз ожизлигини доимий ҳолда сезган невротик анъанавий нуқтаи назарни қабул қилишга мойил бўлади ёки нисбатан таъсирлиларини қабул қилади. У ўзининг барча шахсий талабларини узатиши, ўзини ҳақорат қилишларига йўл қўйиши, танқиддан қочиши ва барчага ўзининг ёрдамини таклиф этиши мумкин: “Агар мен ўзгаларнинг иродасига бўйсинсам ёки ёрдам берсам, ўзимни ҳимоялаган бўламан”. Шундай қилиб, Карен Хорни невротик ҳимоялардан бири – мутьеликнинг пайдо бўлишини белгилади.

1932 йилда Франц Александер Карен Хорнини Чикагога Чикаго психоаналитик институтига директор ўринбосари лавозимига ишга таклиф этади ва улар икки йил давомида бирга ҳамкорликда



ишлашади. 1941 йилда К. Хорни Нью-Йоркда америка психоанализ институтини ташкил этади. Бу вақтда у ўзининг неврозлар назариясини ривожлантиради.

“Замонамизнинг невротик шахси” китобида Хорни қўшимча невротик тенденцияларни кўриб чиқади. У невротик структурани микрокосма кўринишида талқин этади. Микрокосманинг ядросида унинг томонидан таърифланган невротик хусусиятлар ётади. Карен Хорнининг фикрича, уларнинг бари атрофдагиларга бўлган учта муҳим установакаларга таянади: одамларга нисбатан ҳаракат, одамларга қарши ҳаракат ва одамлардан ҳаракат.

“Одамлардан ҳаракат” стратегияси қуйидагида ўз ифодасини топади: индивид бировларга алоқадор бўлишни истамайди, одамларга рақиб бўлишни ҳам истамайди ва четлашган позицияни танлайди. “Одамларга қарши” стратегиясини эса Хорни қуйидагича тушинтиради: индивид одамлар билан курашиш йўлини танлайди. “Одамларга ҳаракат” стратегиясида эса невротик ўзининг ёрдамга муҳтожлигини тан олади ва уларга орқа қилиб яшашни танлайди.

Ҳар бир санаб ўтилган установакаларда Карен Хорни базал ховотирнинг бирорта элементига урғу беради: изоляцияга, душманликка ёки ёрдамга муҳтожликка. Установакалардан бири устунликка эга бўлиши мумкин, бироқ бу индивид ҳамма нарсадан озод бўлди дегани эмас – бошқалари ҳам мавжуд ва улар албатта тўқнаш келадилар. Хорнининг фикрича, мазкур учта тенденциялар ўртасидагизиддият неврознинг ялросини ташкил этади. Бу ҳолат унинг ижодида “базал зиддият” деган ном олди.

Карен Хорни 1952 йилнинг 4 декабрида вафот этади.

# Герман Эббингауз

(1850 - 1909)



Герман Эббингауз 1850 йилнинг 24 январида Германияда туғилади. Германнинг ота-оналари унинг яхши даромад топадиган касбни эгаллашларини истайди, бироқ боланинг фанга иштиёқи баланд эди. Оиласининг қарши туришига қарамасдан у университетга ўқишга киради ва у ерда Г.Фехнер томонидан яратилган психофизика назарияси асослари билан танишади. Фехнер назариясининг хусусияти шунда эдики, у барча психик жараёнларни миқдорий жиҳатдан ўлчаш мумкин деб ҳисобларди. Ўқишни тугатгандан сўнг Эббингауз мазкур назария негизида эксперимент ўтказишга қарор қилади. Унинг фикрига кўра, миқдорий ва экспериментал методлар ёрдамида нафақат элементар психик жараёнларни, балки, масалан, хотирага ўхшаган мураккаб феноменларни ҳам тадқиқ қилса бўлади.

У пайтлар экспериментал психология ҳали унчалик ривожланмаган эди. Вильгельм Вундт 1879 йилда Лейпцигда экспериментал психология бўйича ўзининг биринчи лабораториясини очган эди. Эббингауз турли хил объектларни ўрганиш бўйича ўзининг методларини яратишга киришди ва тадқиқот объекти сифатида ўзини танлади.

Олим тадқиқотларининг асосий йўналиши хотира психологияси муаммоларини миқдорий жиҳатдан тадқиқ этиш бўлди. 1885 йилда Эббингауз “Хотира тўғрисида” деб номланган китобини чиқаради ва унда психологиянинг бу бўлимига тааллуқли бўлган баъзи қонуниятларини кашф этади. У хотирани маълумотни қабул қилиш, сақлаш ва керакли пайтда чиқаришдан иборат бўлган тизим сифатида баҳолайди. Унинг ишининг асосини унинг томонидан этказилган тадқиқотлар ташкил этади. Маълумотни эслаб қолиш ва кейинчалик қайтадан чиқаришнинг маълум қонунларини аниқлаш мақсадида олим 2300 та орасида иккита ундош ва унлилардан ташкил топган уч ҳарфли сўзларни тузади. Бу сўзлар бирорта маънога эга эмас ва ҳеч қандай маъно ҳам чақирмайди.

Тажрибалар давомида у ёдлаш вақти ва ҳажмини ҳисоблаб чиқади, уларни унитиш қонуниятларини очади. Мазкур тажрибалар

асосида чиқарилган “Унитиш қийшиқ чизиғи” хотира психологияси асосий элементларидан бири ҳисобланади. Унинг кўрсатишича, ёдлаб олинган материалнинг қарайиб ярими ёдлаб бўлгач, биринчи ярим соатда унтилади, бир соат давомида эса маълумотларнинг қарайиб 60 фоизи унтилади. Секин аста унитиш жараёни секинлашади, бир ҳафта ўтгач хотирада 20 фоиз маълумот қолади. Улар энди узоқ муддат сақланади.

Бу қийшиқ чизиқ ёдлаш қийшиқ чизиғи билан биргаликда классик ҳисобланади ва касбий кўникмаларни таҳлил қилишда, шунингдек турли хил психологик муаммоларни ҳал этишда асос сифатида қабул қилинади. Бундан ташқари, Эббингауз ўз ишида турли хил ҳажмдаги материалларни қайтадан чиқаришнинг баъзи хусусиятларини, шунингдек шу материалларнинг турли хил фрагментлари бўйича тартибини тушунтириб беради. Хотиранинг математик моделини ишлаб чиқар экан, Г. Эббингауз биринчилардан бўлиб эслаб қолиш ва унитиш жараёнлари тўғри чизиқли бўлмаган характерга эгаллигини кўрсатиб беради.

Олим ўтказган барча тадқиқотлар маъноси бўлмаган сўзлар бирикмаларини эслаб қолишга асосланади. Маълумларга эга бўлган материаллар эса нисбатан тезроқ ёдланади ва у ҳам ўзига хос қонуниятларга эгадир. Масалан, охиригача ечилмаган масала ечилган масалага нисбатан яхшироқ эсда қолади.

Бундан ташқари, четкилик эффекти мавжуд. Рўйхатнинг четида бўлган маълумот, яъни бошида ёки охиридаги маълумотлар яхши эсда қолади, ўртадагилари эса хотирадан тезда ўчиб кетади.

Турли хил тажрибалар ўтказар экан, Г. Эббингауз шу нарсани аниқладикки, маълумот эслаб қолинадиган муддат эслаб қолинадиган пайтдаги синалувчининг установкасига боғлиқ бўлади. Тажрибалардан бири ўқувчилар билан боғлиқ эди. Уларга иккита ҳикояни эслаб қолиш топширилди. Уларга айтилдики, биричи ҳикоя эртанги куни сўралади, иккинчи ҳикоя эса тезда сўралади. Ҳақиқатда эса бир ойдан сўнг сўралди. Маълум бўлишича, иккинчи ҳикояни ўқувчилар биринчисига нисбатан яхшироқ эслаб қолишган экан. Шундай қилиб, Эббингауз хотирада маълумотнинг яхшироқ эсда қолиши учун шундай методни таклиф этади: эсда қолиш учун маълумотни албатта келажакда талаб этилиши айтилади.

Шунингдек, турли хил маълумотларнинг катта ҳажмини эслаб қолишда “изларнинг топталиши” эффекти кузатилади. Маълумотлар мазмуни ва шакли бўйича қанчалар кўп ўхшаш бўлса, у шунчалик қийинчилик билан эсда қолади. Мазкур қонуниятларни ўрганиш жараёнида Г. Эббингауз хотира жараёнини тадқиқ қилиш мумкин бўлган бир қанча методикаларни ишлаб чиқади.

Эббингауз хотира тадқиқотларидан педагогиканинг турли хил муаммоларини ўрганишга табиий ҳолда ўтади. Боланинг хотираси

катталарга нисбатан жуда ҳам фаол ва катта, болалар ва ўсмирлар истасалар кўпроқ маълумотни эсда сақлаб қолиши мумкин. Бироқ болалар эсда сақлаб қолишда кўпроқ хатога йўл қўядилар, маълумотларни тез эсдан чиқардилар.

Г. Эббингауз педагоглар, ота-оналар ва болалар учун қатор мақолалар ёзади. Бу ишларида у хотирани яхшилашга хизмат қиладиган талай тавсиялар беради. Боланинг дарсда оладиган маълумоти унинг томонидан фаол ўзлаштирилиши лозим. Агар бола билим олиш жараёнида уларни ҳар томонлама ўйлаб кўрса, савол ва шарҳларни шакллантирса, хотира нисбатан самаралироқ бўлади.

Ўқувчилар оладиган маълумотлар эмоционал бой бўлиши лозим, шунда энгил эслаб қолинади. Мабодо шундай бўлмаса, уни яратиш керак бўлади. Бошқача айтганда, Г. Эббингауз таълимда юмористик интерпретацияни киритиш таклифи билан чиқади.

Катта ҳажмдаги материални эслаб қолишда ўқув материалининг ўртасидаги маълумотни мукамал ёдлаш керак, чунки айнан мана шу жойлари кўпроқ эсдан чиқади. “Изларнинг топталиши” эффекидан қочиш учун доимий ҳолда эслаб қолинадиган материалларнинг спецификасини ўзгартириб туриш талаб этилади. Олим табиий фанларни гуманитар фанлар билан алмаштириб туриш, шунингдек материални узатиш шаклини алмаштириб туриш лозим.


Болалар психологияси муаммолари билан фаол шуғилланган Г. Эббингауз турли хил ёшдаги болаларнинг ақлий қобилиятларини тадқиқ қилди ва натижада ақлий имкониятлар шкаласини яратди. Бу қобилиятларнинг миқдорий ифодасини қўлга киритиш учун олим “Эббингауз тести” деб ном олган тестни ишлаб чиқади.

1890 йилларнинг бошидан Эббингауз лабораторияда ишлайди ва бу ерда кўплаб экспериментлар ўтказди. У эмпирик йўл билан ҳиссий сезги муаммоларини, хусусан кўриш идрокини ўрганади. Етарли даражадаги фактларни қўлга киритган олим бк муаммо бўйича бир қанча мақолалар ёзади.

Герман Эббингауз 1909 йилнинг 26 феврилида вафот этади.

# Эрик Эриксон

(1902 - 1994)



Таниқли америка психологи Эрик Эриксон Франкфурт-Майнда 1902 йилнинг 15 июнида дунёга келади ва Карлсруэ шаҳрида ўсиб-улғайди. Унинг ота-оналари келиб-чиқиши данияликлар бўлиб, улар ёшлигида ажрашиб кетганлар. Кичкина Эрик немис бўлган ўғай отасининг уйида тарбия топди. Классик гимназияни тугатгач, Эриксон бошқа расмий маълумот олмади.

Эрик Эриксон ёшлигида санъатни ўрганади ва ўз карьерасини портретчи рассом сифатида бошлайди. 1927 йили у болалик дўсти Питер Блос томонидан Венага таклиф этилади. Доротeya Бэрлинг-хэм и Анна Фрейдлар ташкил этган ва ўша пайтлар Блос раҳбарлик қилган экспериментал мактабда болаларнинг портретларини чизишни ният қилади. Бу пайтлар Эриксон психоанализ тўғрисида бирорта ҳам тушунчага эга эмас эди. Бироқ унинг Анной Фрейд билан танишуви унинг келажак режаларини бутунлай ўзгартириб юборди.

Бироз вақт ўтгач, Эриксон болаларни кузата туриб ва Вена ва Фрейдларнинг псианалитик оламига кириб борар экан, педагогик жамоанинг аъзосига айланади. Психоанализ назарияси ва амалиётини 1927—1933 йиллар давомида фаол ўзлаштиради. У психоаналитакага номзод бўлади ва Анна Фрейднинг таълимий таҳлилидан ўтади. Таъкидлаш жоизки, Эриксон унинг З.Фрейд ғояларига муносабати ижобий бўлган, бироқ психоанализни тадқиқ қилар экан, у ижодий ва ўта танқидий жиҳатдан Фрейд таълимотини қайта кўриб чиқади ва мурғакликдан то қариликкача инсон тараққиётининг шахсий оригинал концепциясини илгари суради.

1928 йилда Эриксон Вена психоаналитик институтида таълим олади. Уни тугутгандан сўнг тезда 1933 йилда ўзга психоаналитиклар билан бирга сиёсий сабабларга кўра (бу вақтда Эрик ўғай отасининг фамилияси – яҳудий педиатри Хомбургер фамилиясида яшар эди) АҚШга кўчиб ўтади. Бу ерда унинг академик карьераси муваффақиятли давом этади: у Бостонда ишлайди, кейинроқ Йельда, кейинчалик эса Берклида (бу ерда у ўн йилларга яқин ишлайди), ҳаётининг сўнгги йилларини Гарвард университетиде кечиради. 1939 йилда у Америка фуқаролигини олади ва ўзига номаълум бўлган даниялик отасининг фамилиясини, Эриксон фамилиясига ўтади.

Иккинчи жаҳон урушигача Эриксон антрополог Микел билан

ҳамкорликда Жанубий Дакота штатидаги резервацияда яшайдиган ҳиндуларнинг сиу қабиласининг ҳаётини ўрганади. Ҳиндулар ишлари бўйича комиссия ҳинду ёшларига таълим беришдаги ўта паст самарадан безовта эди. Эриксонга шунинг учун ҳам тадқиқот ўтказишга розилик берилди. Сиу ҳиндуларининг ҳаётини мукамал ўрнана экан, Эриксон шундай хулосага келади: сиу турмуш тарзи бузилган ва янги тизимда уларда янги кадриятлар пайдо бўлмаган. Бунга ўхшаш ҳолатларда ягона қўллаш мумкин бўлган хулоса улардаги кадриятларнинг илгариги тизимини сақлаб қолишдан иборат.

1950 йилда Эриксоннинг энг машҳур китоби “Болалик ва жамият” деган ном билан дунё юзини кўради. Бунда олим инсон ҳаётида ёшликнинг ва бошқа ёш даврларининг катта аҳамиятини таъкидлаб кўрсатади. Унинг нуқтаи назарига кўра, “ҳаётий цикл кризислар кетма-кетлиги билан белгиланади. Улар бартараф этилади ва уларнинг ўрнига бошқалари келади. Натижада индивид ўзининг имкониятларини амалга оширади”. Инсон ҳар қандай ёшда ўз-ўзи билан келишиб яшаши мумкин, ёки уни ички зиддиятлар эзиб ташлаши мумкин. Эриксон инсонга таъсир қилишнинг кенг спектрини таъкидлаб кўрсатади ва улар нафақат болаликда, балки ёшликда, етукликда ва қариликда тараққиётни белгилаб беради.

1958 йилда чоп этилган “Ёш Лютер” китобида Эриксон ўзининг шахс ўхшашлигининг шаклланиш назариясини ривожлантиради. Бу ерда у “мораторий” концепциясини илгари суради, яъни кўзга кўринган ҳаракатсизлик ёки четга сурилиш, қидириш ва фикрлаш сингари ҳолатлар ёшларда етуликка етишига сабаб бўлади. Эриксон Лютернинг “идентиклик (ўхшашлик) кризиси”ни ва ички низоларни қандай қилиб бартараф этиш усулини кўриб чиқади. “Ёш Лютер” китоби психологик жиҳатдан кадрли бўлишидан ташқари бадиий аҳамиятга ҳам эгадир. У амалда янги психобиография жанрига асос солади.

1968 йилда унинг машҳур иккинчи китоби “Идентиклик – ёшлик ва кризис” номи билан чоп этилади ва унда “идентиклик” тушунчаси тўлиқ камраб олинади. Эриксоннинг фикрича, идентиклик болалар идентификациясининг ўзаро таъсири натижасида пайдо бўлади. Болалар идентификациялари жамиятдаги ўзгаришларга боғлиқ ҳолда қандайдир янги конфигурацияга ўзгаради. Уларнинг ёрдамида индивид ким бўлмоқчи бўлса, ўшанга ўхшашга интилади. Идентиклик фаоллаштириш ва социализация жараёнида шаклланади. Идентиклик мавжудлигининг зарурий шарти сифатида Эриксон “ҳаёт усули”ни кўрсатади, яъни умумий дунёқараш, ички мантиқ.

1969 йилда яна битта психобиография – “Ганди ҳақиқати” деган номда чоп этилади ва бу асар олимга АҚШнинг миллий мукофотини ва Пулитцеров мукофотини қўлга киритишига сабаб бўлади.

Эрик Эриксон инсоннинг вояга етишида ва тараққиётида психосоциал идентиклик шаклланишининг ижтимоий-психологик

механизмлари ва усулларини тадқиқ қилади. У индивиднинг ижтимоий нормалар билан ривожланишига боғлаган ҳолда тараққиётнинг фрейдча психосексуал босқичлари тўғрисидаги концепциясини кенгайтиради ва ривожлантиради. Етук шахс, Эриксоннинг фикрига кўра, ҳам ички психик, ҳам ижтимоий омилларнинг маҳсули ҳисобланади. Эриксон тараққиётнинг саккизта босқичини ажратиб кўрсатади. У буларни низолаар кўринишида беради ва ҳар бир босқичдаги низолаар бартараф этилишига боғлиқ ҳолда тараққиёт муваффақиятли давом этади. Олим бу босқичларни 20 йил давомида ишлаган жадвалга солади. Эриксон уни уч марта (1959, 1963, 1968) чоп этади. Бугунги кунда бу босқичлар жадвали ёш давлари психологияси бўйича чиқарилган барча қўлланмалардан жой олган.

Ҳар бир босқичда мазкур ҳаётӣ масалаларни ҳал этиш ўз навбатида кейинги босқичларнинг ўтиши учун муҳимдир.

Биринчи босқич: ишонсизликка қарши таянч ишонч. Боланинг бир ёшгача бўлган ҳаёт даври. Бунда ўзига нисбатан асосий тамойил ўрнатилади. Соғлом шахснинг асоси бўлган таянч ишонч туйғуси болага ғамхўрлик қилаётган кишилар (бирини навбатда онаси) билан бўладиган ўзаро муносабатлар тажрибаси асосида пайдо бўлади. Ишонч унинг эҳтиёжларини қондиради, ноқулайликларни бартараф этади, хавфсизлик муҳитини яратади.

Иккинчи босқич: уят ва шубҳага қарши автономия. Боланинг бир ёшдан уч ёшгача бўлган даврига тўғри келади. Бунда болада дунёга муносабат шаклланади. Бу босқич Эриксон томонидан “мустақиллик учун кураш” деб аталади ва бунда муҳаббат ва нафрат, ўз ўзини ифодалаш эркинлиги ва депрессия ўртасида баланс ўрнатилади. Ота-оналар томонидан керагидан ортиқ назоратга олинган бола ижтимоий зулм таъсирига тушади ҳамда уят ва қатъиятсизликка гирифтор бўлади.

Учинчи босқич: айбдорликка қарши ташаббус. Бу боланинг 4 ёшдан 5 ёшгача бўлган даврига тўғри келади, бу давр бола ярим ролли идентиклигининг шаклланиш давридир ва ота-онага нисбатан боланинг прегенитал боғлиқлигига барҳам берилади. Болада фаоллик ошади, жинс ва секс масалаларига қизиқиш пайдо бўлади, бола шахслараро ўзаро муносабатларда ташаббускор бўлади, акс ҳолда айбдорлик туйғуси унинг очиқ мулоқотини чеклайди.

Тўртинчи босқич: номукамалликка қарши маҳорат. Бу мактаб давларига, 6 ёшдан 11 ёшгача даврга тўғри келади. Бу давр фаол социализация даври деб аталади. Бола ижтимоий ролларни гўёки “ўлчаб кўради”, зарур кўникма ва малакаларни ривожлантиради. Моҳирлик ва ютуқлар ҳисси мос ролли моделлар (ўқитувчилар, тенгқурлари) мавжуд бўлгандагина шаклланади.

Бешинчи босқич: идентиклик диффузиясига қарши идентиклик. Бу ўсмир ёшига тўғри келади, яъни 12 ёшдан 18 ёшгача давр. Бу даврда эгоидентиклик шаклланади, шахснинг фаол интеграцияси даври

бошланади. Ўсмирнинг идентиклик туйғуси унинг ижтимоий сексуал ролида ва гуруҳий идентификацияда ривожланади. Шунингдек, ўсмирда касбий идентиклик туйғуси ҳам ривожланади. Бу даврда болага максимализм, маълум ўсмир “идеаллари”га боғлиқлик, кумирларга тақлид хос бўлади. Булар идентиклик туйғусидаги турғунлик камчилигига нисбатан ўзига хос ҳимоя бўлиб хизмат қилади.

Олтинчи босқич: изоляцияга қарши яқинлик. Ўзга ёки ўз жинси билан яқин муносабатлар тараққиёти даври. Жинсий идентиклик яқин мулоқотдан ва ўзга кишига ғамхўрлик қилишдан қониқиш топиш имкониятини беради. Изоляция идентиклик туйғусининг йўқолиши натижасида пайдо бўлади.

Еттинчи босқич: турғунликка қарши ижод. Бу босқичда асосийси – ижодий маҳсулдорлик ва болаларга ғамхўрлик қилиш ётади.

Саккизинчи босқич: умидсизликка қарши яхлитлик. Бу босқич ҳаётнинг кульминациясидир. Шахснинг яхлит “эго”си ўзини ўзи қабул қилиш ва шахсий ҳаёти қадриятларини кўриш билан характерланади. Эго-интеграциянинг камчилиги ўлим кўрқуви билан бирга кечади.

“Психоанализда тушларнинг намуналари” ишида (1954) Эриксон психоанализдаги машҳур тушлардан бири, яъни Ирме инъекцияси тўғрисидаги тушни (Фрейднинг тушига киради ва у батафсил таҳлил қилган) талқин қилишни таклиф этади.

Эриксон туш кўришни ўзининг тараққиёт назарияси нуқтаи назаридан туриб кўриб чиқади. У Фрейднинг дўсти Вильгельм Флисс билан ёзишмаларига эътиборини қаратади. Аслида шу нарса унинг тушларни ўрганишига сабаб бўлган эди. 39 ёшли Фрейд шахсий, касбий, интеллектуал кризисга тушиб қолади.


Эриксон учун бу туш тарихий зарурат эди ва у алоҳида тақдир ҳисобланар эди. Эриксоннинг нуқтаи назарига кўра, Фрейд тақдир томонидан берилган вазифасини бажаришга интилди. Туш ўтмишдаги низоларни ҳал этиш учун эмас, балки Фрейдга унга керак бўлган материални олиш учун кўринди. Англинмаганликка назарини қаратиш учун зарур эди. Шу билан психоанализнинг тақдири ҳал бўлди.

Эрик Эриксон 1994 йилнинг май ойида вафот этади.



# Эрих Фромм

(1900 -1980)



Эрих Фромм 1900 йилнинг 23 мартда Франкфурт-Майн шаҳрида яҳудий оиласида таваллуд топди. Ёш Эрих келажакда иудаизм билан шуғилланишни ният филади. Бундай фикрнинг пайдо бўлишига оилавий турмуш тарзи сабаб бўлади – унинг онаси раввиннинг қизи эди, отаси эса раввиннинг невараси эди. Франкфуртда Фромм асосан эътиқод таълимоти асослари ва диний анъаналар ўргатиладиган мактабга қатнайди.

Бироқ у динни ўрганишни давом эттирмади, аксинча Гейдельбергга бориб психология ва социология билан шуғиллана бошлайди. Психоаналитик тайёргарликни у Берлин университетиде яқунлайди ва шундан сўнг ўзининг хусусий клиникасини очади. Катта тажриба ва пациентлар билан муомала Фроммга инсон психикасининг шаклланишида биологик ва ижтимоий асосларнинг ўзаро муносабатини англаш учун бой материал беради.

Фроммнинг нуқтаи назарига кўра, шахс туғма эҳтиёжлар билан ижтимоий қоидалар ва нормаларнинг босими ўртасидаги динамик ўзаро таъсирнинг маҳсулидир. Эрих Фромм шундай хулосага келади: бизнинг давримизда инсоний борлиқнинг ажратиб бўлмас хусусияти ёлғизлик ва изоляция. Унинг шу нарсага ишончи комил эдики, ҳар бир тарихий давриндивидуалликнинг ривожланиши билан характерлидир. Чунки инсонлар ўзларининг барча потенциал имкониятларини ривожлантиришда катта шахсий эркинликка эришиш учун курашдилар. Фроммнинг фикрича, ҳозирги замон эркалари ва аёлларининг олдида шундай дилемма туради: қатъий ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий чегараланишлардан эркин бўлишлик хавфсизлик ҳиссиёти ва социумга тааллуқлилиқ туйғуси кўринишида компенсация талаб қилади.

Фроммнинг фикрича, эркинлик билан хавфсизлик ўртасидаги бўшлиқ инсоний борлиқнинг барча қийинчиликларининг сабабидир. Инсонлар эриктнлик учун курашадилар, бироқ бу курашнинг ўзи табиат ва жамиятдан бегоналик ҳиссини чақиради. Эркинлик билан бирга кечадиган ёлғизлик, аҳамиятсиз эканлиги ва ҳамма нарсадан бегоналик туйғуларини енгилш учун инсон бу йўллардан бирини танлаши зарур.

Биринчи йўл – бу эркинликдан воз кечиш ва ўз индивидуаллигига

сингиб кетиш. Фромм “эркинликдан қочиш учун” одамлар томонидан қўлланиладиган бир қанча стратегияларни ажратиб кўрсатади. Улардан биринчиси – авторитаризм – индивидуал “Мен” томонидан йўқотилган кучга эга бўлиш учун ўз ўзини кимдир нимадир ташқи нарса билан боғлаш тенденцияси сифатида тушунтирилади. Авторитаризм ҳам мазохистик, ҳам садистик анъаналарда юзага чиқади. Характернинг садомазохистик типдаги кишилар ўзларининг ҳаётий омадсизликларининг сабабини кўргач, уларни йўқ қилишга ҳаракат қилади. Ундайлар ўз агрессиясини барча омадсизликларида айбдор деб билган одамга йўналтиради.

Мазохистик тенденцияларга эга бўлган кишилар атрофдагилар билан муносабатларда ҳасад, бўйсинувчанлик ва ёрдам олишдан умидсизлик сингари ҳолатларни намоён этади. Улар ўзларига ёққан ишларни қилишга интилишмайдилар, балки ташқи томондан бўладиган таъсирларга бўйсинадилар. Одатда уларда “мен истайман” деган туйғуни ҳис этиш қобилияти ва шахсий “Мен” туйғуси йўқ. Улар барча ишларда ўзларини айблайдилар, аслида айбдор бўлмасаларда айбни ўзларига олишга интиладилар.

Садистик тенденциялар одамларни ўзига мутъе қилишда, уларнинг устидан тўлиқ ҳокимиятни эгаллашда, уларга зулм қилишда, уларда оғриқ ва изтироб чақиритишда, уларнинг қийналишини кўриб роҳатланишда юзага чиқади. Одамларнинг бундай типини Фромм авторитар шахс деб атайди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир одамда иккала тенденция ҳам кузатилади. Масалан, ҳарбий тизимдаги одам ўзидан юқорида турувчи зобитларга бўйсиниши ва ўзидан пастдагиларни ерга уриши мумкин.

Одамлардан қочишнинг иккинчи усули – деструктивлик ҳисобланади. Инсон характеридаги “ҳалокатга олиб борувчи” хусусиятлари ёрдамида мукамал бўлмаганлик туйғусини енгитишга ҳаракат қилади. Фроммнинг фикрига кўра, “ҳалокатга бориш – бу кучсизликнинг чидаб бўлмайдиган туйғусидан қочиш воситасидир”. Ўзининг ҳаётий муаммоларини ҳал этиш воситаси сифатида ҳалокатга боришга иродасизлик ва ховотир туйғусини бошидан кечираётган, ўз интеллектуал имкониятларини амалга оширишда чегараланган кишилар мурожаат қилишадилар. Ижтимоий тўнтаришлар ва тўполонлар даврида улар барча эскиларни, жумладан маданиятни ҳам ҳалокатга олиб борувчи асосий куч сифатида қатнашадилар.

Фроммнинг фикрича, ватанпарварлик ва патриотизм – бу деструктив ҳаракатларнинг умумий тарқалган мисолларидир.

Эркин бўлгач инсон ўз хатти-ҳаракатлари, фикрлари ва танлови учун масъул бўлади. Агар у бу юкни кўтара олмаса, унда тўдавий конформизмда бўлиб “ертўла”ни излаб қолади ва ўрнатилган нормаларни кўр-кўрона бажаради. Бундай ҳолатда одамлар ўзларини умумий қабул қилинган қоидаларга мувофиқ тутишадилар.

Конформизм ўзгалар томонидан инкор этилмаслик ва одамлар билан яхши муносабатларни сақлаб қолиш ёки уларнинг қўллаб-қўлтиқлашига эришиш учун “оммага эргашиш” заруратини пайдо қилади.

Фроммнинг фикрича, эркинликдан қочишнинг учта механизмларига қарама қарши бўлган позитив эркинлик тажрибаси мавжуд. Унинг ёрдамида ёлғизлик ва четга чиқарилганлик туйғуларидан қутилиш мумкин бўлади. Фроммнинг фикрига кўра, одамлар жамият билан қўшилганлик туйғусини йўқотмаган ҳолда автоном ва уникал бўлишлари мумкин. Олим эркинликнинг шундай турини айтадики, бунда инсон ўзини оламнинг бир қисми сифатида ва шу билан бирга унга боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳис этади. Бу турни позитив эркинлик деб атайди.

Унга эришиш одамлардан ҳаётда қутилмаган фаолликни талаб этади. Бу фаоллик айниқса ижтимоий нормалар ва таъқиқларга эмас, балки ўз ички табиатига мос ҳолда ҳаракат қилишга кўниккан болаларда кузатилади. Муҳаббат ва меҳнат асосий компонентлар ҳисобланади. Уларнинг ёрдамида қутилмаган фаолликни кўрсатиш орқали позитив эркинликни ривожлантириш амалга оширилади.

Фромм ўз концепциясида инсоний хулқ-атворнинг биологик мотивларидан ижтимоий омилларга эътиборни қаратишга ва шу билан биологиклик ва ижтимоийликни мувофиқлаштиришга интилади. У ижтимоий характерларнинг типларини таҳлил қилади ва шундай хулосага келади: инсон ҳокимиятнинг ташқи обрўсига ва ўзининг шахсий ақли ва иродасига нисбатан жамоатчилик фикрининг аноним обрўсига қарши қўйиши мумкин ва керак ҳам. Яъни Фромм авторитарликнинг бўлиши мумкин бўлган барча турларидан қутилишни инсоннинг мустақиллигида кўрди.

Норози бўлиш қобилияти – мана эркинлик шартларидан бири. Бироқ бошқа томондан эркинлик протест кўринишида ҳам юзага чиқади. Эркинлик ва протест қилиш қобилияти бир биридан айро эмас, уларсиз шахснинг ўсиши мумкин эмас. Эрих Фромм айтган қуйидаги сўзлар бугунги кун учун ҳам долзарб: “Инсон эътиқодсиз яшай олмайди. Бизнинг ва кейинги авлод учун муҳим бўлган савол шундаки, у доҳийларга, машинадарга, омадларга нисбатан иррационал эътиқодми ёки ўзининг самарали фаолияти тажрибасига асосланган инсонга нисбатан рационал эътиқодми?”.

Эрих Фромм ўз тадқиқот фаолиятини Ғарбда билишнинг сирлари ҳақида, мантиқнинг қонунлари ҳақида, феноменологик қоидалар ҳақида ёзиш яхши деб ҳисобланган пайтларда бошлади. Фромм ўзининг бутун ҳаёти давомида антропологик мавзуларга садоқатини кўрсатди. Бироқ бирорта ҳам китобида шахсий антропологик қарашлариниқатъий тизимда бермайди. Бу мазуларнинг асосий жиҳатлари – инсоннинг табиати ва моҳияти, инсоний субъективликнинг характери, инсоннинг шаклланиши асарларида аниқ қилиб берилади. Битта мавзу

асарларидан асарларига янги мазмун билан бойиган ҳолда ўтади. Фромм ўзининг асарларини олдингисининг давоми сифатида ёзади.

Инсонни мавжудликнинг алоҳида тури сифатида баҳолар экан, Фромм унинг табиатининг янги ва янги белгиларини излаб ўтирмайди. Инсон – шундай мавжудотки, у табиатга тааллуқли бўлсада, шу билан бирга ундан ажралган ҳамдир. Инсон мавжудлигининг усуллари тўғрисида фожеавий тасаввурга эга ва ҳар бир конкрет индивид бу ҳақиқатни янгидан кашф этади.

Инсон ўз борлигининг чуқур драмасини доимий ҳолда ҳис қилиб яшайди. Ва бу унинг учун шунчаки кўрқувларни орттириш эмас, балки унинг шахсий субъективлигининг очилишидир. Фромм катта ҳаётий фазони “очиқ ташлайди”, бунда инсон ўзлигини юзага чиқаради ва шу билан бирга таъкидлайдики, инсон тана ва руҳга эга бўлсада, улар тўғрисида тузукроқ нарсани билмайди.

Фроммнинг фикрича, инсоний табиатни қандай бўлса, шундайлигича кузатиб бўлмайди. Бироқ конкрет вазиятларда унинг ўзига хос чиқишини кузатса бўлади. Инсонда кўплаб бетакрор нарсалар бор – бу унинг эҳтиросларидир. Улар Фромм томонидан инстинкснинг маҳсули сифатида қаралмайди, ёки эҳтирос инсоний характернинг индивидуаллигини акс эттиради.

“Инсон ўзи учун” китобида Фромм ажратиб кўрсатади: эҳтирос ва интилишларнинг интенсивлиги – мана инсонни нима мағлуб этади. Улар умуман инстинктларнинг маҳсули эмас, балки инсоний оламнинг инъикосидир. Айнан тана ва руҳнинг шу ажралмас жойларида қандайдир ҳайвоний инстинтуал эмас, балки ўзига хос инсоний нарсалар кўзга ташланади.

Инсоннинг эҳтиёжлари, таъкидлайди Фромм, ҳайвоний сифатлар доирасидан ташқарида мавжуддир. Кимдир маваффақиятга ва обрўга интилади, кимдир аксинча ўзида аскетик идеалларни ташийдир. Яна кимдир ҳокимиятга интилади, бошқаси бўйсинишга интилади. Қадриятларнинг бундай тўпламини Фромм йўналишлар тизими ва авлодлар деб атайдир. Инсон эҳтирослар қуршовида пайтида айнан шунда унда барча инсонийлиги, ерга тааллуқлиги ва ухровийлиги очилади.

Эрих Фромм инсоний қалбнинг феноменологиясига бағишланган “Инсон ўзи учун” китобида инсоний субъективлик соҳасига киради. Инсон, унинг фикрига кўра, ижтимоий шарт-шароитларга қийинчилик билан мослашади, чунки у эҳтиросларга эга. Балки айнан унинг бошқарилмаслиги унинг нажотидир.

Фромм инсоннинг йўналишини шахсий индивидуалликка эришишга, ўзгалардан фарқ қилишга ўзгартирмоқчи бўлади. Инсонни ҳаётда тез-тез кузатиладиган ёлҳон эҳтиросларидан фарқли ўлароқ соғлом, ҳақиқий эҳтиёжларини аниқлашга чақиради.

Фроммнинг таъкидлашича, қадриятлар шахснинг ақлидан ҳам,

англанмаганлигининг чуқурликларидан ҳам ўсиб чиқмайди. Уларнинг манбаи – инсоний субъективликнинг, кутилмаганлигининг бой дунёсидир. Европалик психологларнинг ёзганларига мурожаат қилар экан, Фромм уларда даставвал инсон хулқ-атвори ва эҳтиросларининг мотивларини излайди. Шу билан бирга у таъкидлайдики, ҳар бир муаллифда уни биричи навбатда психолог, психиканинг нозик тадқиқотчиси қизиқтиради. Инсоний тарихнинг конкрет босқичларини Фромм ўзининг мезони – инсоний бахт, фаровонлик ва руҳий уйғунлик ёрдамида ўлчайди.

Фромм психологизми нафақат инсоннинг интим дунёсини эгаллашга қаратилган. Уни инсон конкрет тарихий вазиятларда қандай тутишлиги, у қандай танлов қилишлиги, ўзида қандай қобилиятларни ривожлантираётганлиги – ахлоқий масалалар қизиқтиради.

Инсоннинг хулқ-атвори қатор омиллар билан белгиланади. Улардан баъзилари туғма, масалан, темперамент. Бошқалари ҳаёти давомида ўзлаштирилади ва инсоннинг шахс сифатидаги хусусиятига айланади. Бу қобилият Фромм томонидан характер деб номланади. У характернинг шаклланиш манбаини инсоннинг атроф-муҳит ва одамлар билан мулоқотида кўради.

Характер ҳақида гапирар экан, Фромм инсоннинг шундай турғун структурасини назарда тутадими, бу структура унинг хулқ-атворини, тафаккурини, ҳиссиётларини ва қилаётган ишларини йўналтиради. У шунингдек ориентациянинг турли хил типлари - мазохист, садист, деструктив ва конформист типлари учун асос бўладиган ўзига хос психологик механизмларини ажратиб кўрсатади.

Муомаланинг у ёки бу шаклининг ривожланиши ижтимоий характернинг шаклланишига олиб келади. Социализациянинг бешта шаклига мос ҳолда (мазохизм, садизм, деструктивизм, конформизм ва муҳаббат) социумга мослашишнинг бешта усули (рецептив, зулм қилувчи, тўпловчи, бозор ва маҳсулот усуллари) пайдо бўлади.

Инсон шахсий ҳаётий установакаларини танлашда эркиндир. Унинг асосий ғояси инсонда кутилмаганлик сифатини ривожлантиришдир. Индивид ўзини ўзи ривожлантиришнинг буюк нуқтасида ўзлигини намоён этади.

Эрих Фромм психоанализ ғояларига таянган ҳолда эгоизм и альтруизм ўртасидаги инсоннинг асосий зиддиятини ҳал этишга интилади. Цивилизациянинг бундай кризисидан чиқишнинг йўлини у гуманистик этикага асосланган “соғлом жамият”да кўради. “Соғлом жамият”нинг асосида муҳаббатни, индивид билан табиат ўртасидаги, шахс билан жамият ўртасидаги гармонияни тиклаш ётади.

Эрих Фромм узоқ ва самарали умр кечиради. У 1980 йилда 80 ёшида оламдан кўз юмади.



# Карл Густав Юнг

(1875 - 1961)



Карл Густав Юнг 1875 йилда Швейцариянинг Кесвиль деган кичкинагина жойида унча бой бўлмаган қишлоқ руҳонийси оиласида таваллуд топди. Юнглари оиласи зўрға кунни кунга улаб яшар эди. Унинг болалиги ва ёшлиги камбағалликда ўтади. Юнг қариндошларининг ёрдами эвазига Базел шаҳрининг энг яхши гимназиясида ўқиш имкониятига эга бўлди. Тунд, одамови ўсмир бўлганлиги сабабли унинг дўстлари йўқ эди. Ташқи муҳитга у қийинчилик билан мослашар, артофидагилар ҳам уни унчалик тушунмас эди. У ўз оламида яшашни афзал кўрар эди. У кейинчалик ўзи ном берган “интроверсия” ҳолатида яшашни маъқул кўрарди.

Базелдаги гимназияни тугатгач, Юнг 1895 йили университетга ўқишга киради. Юнг ўзини келажакда врач сифатида тасаввур қилар ва хирургия билан жиддий шуғилланар эди. Бироқ бир қанча муддат ўтгач, у ўзининг илк қарорини ўзгартиради. Юнг клиникада амалиёт ўтаётганда ва давлат имтиҳонига тайёргарлик кўраётганда, унинг кўлига тасодифан психиатрия бўйича дарслик тушиб қолади.

Юнг биринчи бетда психиатриянинг шахс ҳақидаги фан эканлигини ўқиб қолади. Шу жойнинг ўзида мазкур фан билан шуғилланиш қарорини чиқаради. Ўша йиллари психиатрия тиббиёт фанлари ичида энг эътиборсиз фан сифатида баҳоланар эди. Чунки тиббиётнинг бу соҳасида руҳий касалларни даволаш бўйича жиддий ишлар қилинмаган эди.

Карл Густав ўсмирлик даврида атрофидагиларнинг диний тасаввурларини инкор этарди. Илоҳийликнинг амалдаги тажрибаси кўплаб у кўрган тушлар билан юзага чиқди: унинг тушига даҳшатли образлар кирар эди. Шунинг учун у ўзининг эсдаликларини бекордан бекорга “Эсдаликлар, тушлар, фикрлар” деб номламади. Чунки унинг ҳаёт йўлида тушлар катта аҳамият касб этди. Кейинчалик тушларнинг таҳлили асосига у ўзининг психотерапевтик амалиётини қуради.

Юнгнинг тушларида ўша пайтлар мотивлардан биттаси муҳим бўлди: у тушларида мўъжизавий кучга эга бўлган бир қариянинг образини кузатади. Узоқ ўтмишга қизиқиш ёшлиқдан бери Юнгга хос бўлган сифат эди. Ҳеч кимга қўшилмайдиган одамови ўсмирнинг

кундалик ҳаётида биринчи рақамли шахс яшар эди, тушларида эса биринчига қарама қарши бўлган иккинчи рақамли шахс яшар эди..

1900 йили Карл Юнг Бургхельцли клиникасида асистент сифатида ишлашга қарор қабул қилиди. Бу клиникада йиллар давомида ишлаш жараёнида Юнг кўп ютуқларга эришади – кўплаб касалларнинг руҳий ҳолатини яхшиланишига эришади. Юнг психиатриянинг структурасини ўзгартиришни мақсад қилиб қўяди, чунки унгача психиатрлар руҳий хасталарнинг психологиясини инкор этишар эди. 1905 йилга келиб у Цюрихда психиатрия курсини ўқийди ва бу вақтга келиб у университет клиникасида бош врач ловозимида ишлар эди. Шу йилнинг ўзида у психиатрия касалхонасида экспериментал психопатология лабораториясига асос солади. Бу ерда у ўз талабалари билан биргаликда барча мумкин бўлган психик реакцияларни ўрганади.

Психология Юнг учун фанларнинг фанига айланади. Айнан шу фан ҳозирга замон кишисига яхлит тасаввур, дунёқарашни беради. “Ҳаёт фалсафаси”дан ташқари у оккультизм билан ҳам шуғилланади. Бир қанча йиллар давомида Юнг спиритик сеансларда иштирок этди, астрология бўйича кўплаб адабиётлар билан танишди.

1902 йилда Карл Юнг “Оккульт феноменлар психологияси ва патологияси” мавзусида докторлик диссертациясини ёқлади. Мазкур иш шу пайтгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Юнг унда медиумик транс ҳолатини психологик ва патологик жиҳатдан таҳлил қилади. Маълумки, бу ҳолат галлюцинациялар билан, ақлнинг тўсилиши билан кечадиган ҳолатдир. Юнгнинг фикрига кўра, шоирларда, пайғамбарларда, авлиёларда, турли хил диний ҳаракатларнинг асосчиларида шундай ҳолат кузатилади. Шунга ўхшаган ҳолатни психиатр касалларда ҳам кузатади.

1906 йилдан бошлаб Карлом Юнг билан Фрейд ўртасидаги ёзишувлар кўпаяди ва бу 1913 йилгача давом этади. Бу йилларда улар ўзаро тажриба алмашинадилар, турли хил назариялар ва ишлар тўғрисида муҳокамалар қилишади. Жумладан, Юнг Фрейдга ўзининг “Dementia praecox психологияси” деб номланган ишини жўнатади. Фрейд билан Юнг мунозарали бўлса-да ўзлариинг культурологик концепциясини ишлаб чиқишади. Бироқ у культурологик билимлар тизимида ўзининг ўрнини топади.

1890 йилда Юнг Цюрих клиникасида ишлар экан, мазкур назариянинг тарғиботчисига айланди. Фрейд билан Юнг ўртасидаги муносабатлар ҳар доим ҳам дўстона бўлган дея олмаймиз. Юнг Фрейднинг обрўсини тан оларди, ҳатто уни ўзининг устози деб биларди, бироқ кўплаб масалаларда у билан келишмас эди. 1913 йилга келиб уларнинг ўртасидаги муносабатлар бутунлай барҳам топди.

Юнгнинг ўзи Фрейдни фожеавий шахс, деб биларди, бироқ шу билан бирга катта олим, деб ҳам ҳисобларди. Юнгнинг “Либидонинг метамарфозалари ва рамзлари” асарида уларнинг ғоялари мутлақо



бир-биридан фарқ қилди. Фрейд ҳамма нарсада жинсий мотивларни ва зулмга нисбатан майлни кўрган бўлса, Юнгда бу нарса кўп асрлик тарихга (архитиплар) эга бўлган аёллик ва эркаклик, шахсий ва жамоавийликнинг қўшилишида мавжуд, деб билди. Барча тушунчаларни битта тизимга солишда унга маданият ва дин тарихи соҳасидаги тадқиқотлари ва албатта психотерапия соҳасидаги тажрибалари ёрдам берди.

Шундай бир савол доимо кўндаланг турган: Карл Юнг нацистлар билан ҳамкорлик қилганми? Маълумки, у психотерапия журналининг редактори эди. Айрим нацистик характердаги мақолалар чиққанлиги рост. Юнгнинг ўзи нацизмни жамиятни инқирозга олиб келадиган оммавий психознинг бир типи сифатида баҳолайди. Ўзининг баъзи ёзишмаларида 1930 йилларда унинг пациентларидан айримлари “тоза ирқ” тўғрисидаги фантазияларини айтганини ёзади ва буни у , деб ҳисоблайди.

Инсон оғзаки нутқдан баъзи маънога эга бўлган маълумотларни атрофдагиларга узатиш учун фойдаланади. Шу билан бирга ҳар қандай тилда кўп бўлган сўз-рамзлардан ташқари нутқда тез-тез сўз-белгилар ишлатилади ва улар қатъий маънога эга эмас. Улар ўзича маънога эга, рамз ҳисобланмайди. Улар шунчаки белгилар холос ва улар маъносида мустаҳкамланган объектларни билдиради.

Юнгнинг фикрича, инсоният томонидан кечириладиган психик тажриба изсиз кетмайди. У алоҳида олинган инсоннинг мия структурасида қайд этилади ва шундан сўнг жамоавий англомаганлик архитипи кўринишида инстинктив даражада юзага чиқади. Улар англомаганликнинг тили бўлади ва инсон хатти ҳаракатларининг мотивини белгилаб беради.

Дин психологияси бўйича ишларида архитипик образлар характеристикаси учун Юнг “нуминозлик” (илоҳиёт) терминини қўллайди. Бу терминни илк мартаба немис теологи Р. Отто ўзининг “Муқаддаслик” (1917) китобида келтиради. Оттода турли хил динларда ғайритабиийликни идрок этиш маъносида, айнан махсус Лютерча “Худодан кўрқиш” маъносида келади. Худо ғояси архитипик ғоя бўлиб, у ҳар бир кишининг психикасида мавжуд, бироқ бундан бизнинг руҳимиздан ташқарида илоҳиёт мавжуд деган хулосага келиб бўлмайди.

Юнгнинг фикрича, тафаккурнинг иккита типи мавжуд – мантиқий ва интуитив. Мантиқий тафаккур учун ташқи дунёга йўналганлик характерлидир. Бундай тафаккур ҳукм чиқаришимизда, хулоса яшашимизда керак бўлади ва ҳамиша ирода талаб қилади. У билан даставвал реалликнинг устидан назорат қуроли ҳисбланган фан, техника, индустрия боғлиқ. Бадиий ижод, мифология ва дин учун инсонга хаёл ўйинлари зарур бўлади. Бундай тафаккур ташқи дунёга мослаша олмайди, чунки у реалликдан хаёлот ва орзулар оламига ўтиб

кетади.

Инсоний психика анланмаган ва анланган жараёнларнинг тўпламидан иборат. Бунда элементлар орасида доимий энергия алмашинуви содир бўлади. Қадимги одамлар тушни, алаҳсираш (галлюцинациялар)ни Худонинг марҳамати деб қабул қилишган. Чунки бунда биз жамоавий анланмаганлик (коллективное бессознательное) билан алоқага киришамиз.

Юнгнинг фикрича, инсон томонидан бошидан кечирилаётган психик тажриба изсиз йўқолиб кетмайди, балки инсон хатти-ҳаракатларини мотивлаштирадиган архитиплар кўринишида инстинктив даражада миянинг структураларида қолади. Архитиплар – бутун инсоният учун умумий бўлган афсонавий образлардир. Бу исмлар ҳам эмас, ҳатто фалсафий тушунчалар ҳам эмас. Бу тирик инсонлар ва эмоциялар билан бевосита боғлиқ бўлган ҳаётнинг бўлаклари, образларидир.

Конкрет инсоннинг ҳаётини ўргана туриб, унга тўқнаш келган архитипни тушунтириб бериш мумкин. У Одамларнинг иккита умумий типларини, яъни “экстроверт” ва “интроверт” тушунчаларини ажратиб кўрсатади. Экстровертлар атроф муҳитга нисбатан очиқлиги билан характерланади. Интровертлар эса объектга боғлиқ бўлмаган ҳолда эътибори ўзига йўналтирилган бўлади. Экстровертлар ва интровертлар – инсонларнинг иккита турларидир. Улар тез-тез учрайди ва ажратиб олиш қийин эмас. Бироқ психологик типларни ажратиш учун Юнг томонидан келтирилган терминлар догматик эмас. Масалан, Ганди бир вақтнинг ўзида ҳам аскет (интроверт), ҳам сиёсат кишиси (экстроверт) эди.

Юнг одамларнинг типини аниқлаб берадиган “психологик компас” методини ҳам ишлаб чиқди. Компаснинг ҳар бир нуқтасида қарама қарши полюс мавжуд. Ҳиссиёт интуиция билан, тафаккур сезги билан мустаҳкамланади. Масалан, “фикрлайдиган” одамда ҳиссий соҳа камроқ ривожланган бўлади.

1944 йилда Юнг кучли юрак хуружини бошидан кечиради. Соғайганидан сўнг унинг энг самарали йиллари бошланади ва ўзининг асосий ишларини мана шу вақт мобайнида ёзади. Юнг ҳаётининг сўнгги ўн йиллиги Лаго Маджоре яқинидаги очиқ осмон остидаги улкан маъруза залида кечади. Маълумки, бу ерга дунёнинг турли хил ерларидан маърузалар ўқиш ва мунозаралар қилиш учун олимлар тўпланишади. Ҳаётининг сўнгги йилларидаги энг муҳим ишлари биринчи бўлиб мана шу жойда илмий жамоатчиликка тавсия этилган эди.

Карл Густав Юнг 1961 йилнинг 6 июнида Кюснахтдаги ўзининг уйида унча узоққа чўзилмаган касалликдан сўнг оламдан кўз юмди.

# Карл Ясперс

(1883 - 1969)



Карл Ясперс XX асрнинг таъсирли фалсафий йўналиши бўлган немис экзистенциализмининг таниқли вакилидир. Бироқ Ясперс ўз фаолиятини психиатр сифатида башлайди ва бу нарса унинг фалсафий масалаларни тушунишда катта роль ўйнайди. Карл Ясперс 1883 йилнинг 23 февralида Ольденбургда таваллуд топади. Унинг отаси юрист эди, кейинчалик у банкнинг юрректору бўлди. Ясперснинг ўзи классик гимназияни тугатиб, Гейдельберг университетининг юридик факультетига ўқишга киради. Бироқ уч семестр ўқигандан сўнг у тиббиёт факультетига ўтади. У бу ерни 1908 йилда тугатади, сўнгра 1909 йилда тиббиёт доктори даражасини қўлга киритади. Тиббиёт университетини тугатгач ва врач-психиатр касбини эгаллагандан сўнг Ясперс 1909 дан 1915 йилгача Гейдельбергдаги психиатрик ва неврологик клиникада илмий ассистент бўлиб ишлайди.

Тиббиёт факультетини тугатгач ва врач-психиатр касбини эгаллагач, Ясперс психиатрия ва неврология клиникасида илмий ассистент бўлиб ишга киради. 1916 йилда психология профессори унвонини қўлга киритади. 1921 йилга келибгина философия профессори унвонига эга бўлади. Нацистларнинг ҳокимият тепасига келгач уни барча лавозимларидан озод қилишади (Ясперс яҳудий аёлига уйланганлиги сабабли). 1938 йилда унинг ишларини чоп этиш тақиқланди. Бироқ урушдан кейин унинг барча лавозимлари тикланади. У янги Германиянинг руҳий лидерларидан бирига айланади. 1949 йилда олим Базел университети (Швейцария) профессори бўлиб ишлайди.

Ясперс ўзининг “Умумий психопатология” (1913) ишида психопатологик ҳодисаларда шахснинг ҳалокатини эмас, балки инсон томонидан ўз индивидуаллигини қатъиян қидиришни кўради. Бу эса муаммонинг психология доирасидан чиқишига ва тадқиқ қилинаётган муаммога фалсафий тус беришига олиб келди. 1919 йилда Ясперс “Дунёқарашлар психологияси” китобини нашр этади ва унда фалсафий масалаларни кўтариб чиқади. Икки йил ўтиб у Гейдельберг университетининг профессори бўлди.

Психологиянинг асосий вазифаси, Ясперснинг фикрига кўра шунда ётадики, “шифр” мазмунини очиш учун ҳеч бўлмаганда шундай ҳолни аниқлаштириб олиш зарур: инсоннинг барча анланган ишлари

(фан, санъат, дин ва б.) асосида экзистенциянинг (эркин руҳнинг) англомаган фаолияти ётади. Экзистенция телба дунёда ҳукмронлик қилади ва олий донишмандликнинг манбаи ҳисобланади (“Ақл ва экзистенция”, 1935).

Ясперс экзистенциализмининг ўзига хослиги унинг “чегара олди вазиятлари” тўғрисидаги таълимотда ётади. Бу таълимот кейинчалик “маданий-психологик қадрият”ни ҳимоя қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади (“Атом бомбаси ва инсон келажаги”, 1958). Ясперснинг фикрича, борлиқнинг ҳақиқий маъноси инсонда чуқур ҳаётӣ кечинмалар пайтида (касаллик, ўлим, кечирилмас айб ва ҳ.) очилади. Айнан шу пайтда “шифр”нинг ҳалокати содир бўлади: инсон ўзининг кундалик ташвишлари юкидан (“мавжуд борлиқ-оламда” ) ва ўзининг идеал қизиқишлари ва борлиқ тўғрисидаги илмий тасаввурларидан (“ўзида трансцендентал борлиқ-ўзида”) қутилади. Унинг олдида чуқур интим мавжудлиги (“экзистенциянинг очилиши”) ва унинг Худонинг (трансцендент) ҳақиқий кечинмалари очилади.

Ясперс таълимотининг асосий мавзуси инсоний борлиқнинг бошланғич ўлчови ҳисобланган инсон ва тарихдир. Табиий фанлардан фарқли ўлароқ тарих инсонни ўрганади, шунинг учун ҳам унинг ўрганиш методлари фарқ қилади. Тарихни тушуниш учун инсоннинг нима эканлиги тўғрисида ўзимизга ҳисобот беришимиз лозим, ўз ўрнида инсон мавжудоти вақт орқали, тарихийлик орқали очилади.

Инсон муаммоси даставвал Ясперс томонидан алоҳида нуқтаи назар билан қаралди. У ўзининг фаолиятини врач-психиатр сифатида бошлади ва бирданига руҳий хаста пациентлар билан муомалада қийинчиликка учради. Ясперс касал асосан физиологик усуллар ёрдамида тадқиқ қилинадиган ёндашувнинг чегараланганлигини аниқлади, тана даволанадиган ёндашув эди бу ёндашув. Бироқ яна шуни таъкидлаш жоизки, “инсоннинг ҳаёти ҳайвонларникига ўхшаб соф объектив эмас, балки руҳ билан яхлит бир бутунликни ташкил этади. Руҳ эса танага боғлиқ, ҳатто маълум даражада уни аниқлайди”.

Фрейд томонидан яратилган психотерапия методида кмчилик бор: психоаналитик касал билан алоқага киришгани билан уни шахс сифатида эмас, балки тадқиқ қилинаётган объект сифатида талқин этади. Шундай қилиб, инсонга экзистенция сифатида муносабат кўрсатиш насбатан кўпроқ самара беради. Инсонни тушуниш учун, Ясперс бўйича, касални “ичига кириб ҳис этиш”, “ичига кириб у билан фикрдош” бўлиш, унинг хулқ-атворининг моҳиятига кириб бориш лозим. Бу экзистенциал коммуникация тушунчасига олиб келди.

Ясперс бўйича: “Инсонни яхлит ҳолда объективлаштириш мумкин эмас. Уни объективлаштира олмаганимиздан кейин, у предмет ҳисобланади. Бироқ бундай кўриниша у ҳам эмас. Энди объектив-предметлини инсонда аралаштириб юбориш керак эмас. ...Эмпирик маънода коммуникацияни очиб берадиган экзистенция сифатида кўриш

керак”.

Экзистенция – бу шундай нарсаки, у ҳеч қачон объект бўла олмайди, чунки у нафақат илмий билишнинг, балки фалсафий етилишнинг ҳам предмети ҳисобланади. Биринчисини эмпирик қуруқликнинг мавжудлиги билан, аниқроқ айтганда, “умуман онг” билан қиёслаш мумкин, иккинчисини эса руҳ билан. Экзистенция предметли олам ичидан “топилмайди”, ёки экзистенция бу эркинликдир. Шундан қуйидаги ҳолат келиб чиқади: “инсон ёки тадқиқот предмети, ёки эркинликдир”.

Шу ўринда ақл билан руҳ қарама қаршилиги муаммоси келиб чиқади. Рационализм ва сциентизмни танқид қилиш йўлини танлаган Ясперсга 1930 йилларда ечими осон бўлмаган дилемма билан тўқнашишга тўғри келади: ёки экзистенция ва эркинлик учун ўрин қолмайдиган формал рационалик, ёки Ницшега ўхшаб ақлга қарши исён. Ясперснинг фикрича, “бугунги куннинг вазифаси ҳақиқий ақл яна экзистенциянинг ўзининг ичида амалга ошишидадир. Улар ўртасидаги алоқа шунчалик мустақамки, бирортаси йўқолса, ҳолатларнинг ҳам ўша моменти йўқолади. Экзистенция – борлиқнинг манбаидир, ақл эса бундай манба бўла олмайди. Бироқ ҳиссиётга, кечинмага, кўр эҳтиросга, инстинктга таянган экзистенция кўр-кўрона зулм ҳисобланади”.

Ақл ва экзистенция(эркин руҳ)нинг алоқаси тўғрисидаги масалани ҳал этар экан, Ясперс унинг таълимоти қурилган илк нуқтага, яъни коммуникация нуқтасига қайтаб келади. Одамларнинг мулоқоти, уларнинг ўзига ўхшаганлар билан алоқаси – инсоний болиқнинг тузилмавий жиҳати. Коммуникациядан ташқарида инсониятнинг жисмоний ва руҳий эркинлиги бўлиши мумкин эмас.

Шундай қилиб, коммуникациянинг олий шакли инсоннинг маърифатли ақли билан “қоронғу руҳ”ининг қўшилиши услуби сифатида боҳоланади. “Агар экзистенция – борлиқ бўлса, унда ақл руҳни тушунишни, қоронғу борлиқни ёритишни бошлайди”.

Экзистенция шахснинг борлиқ ядроси сифатида юқорида айтганимиз “чегара яқини вазиятларида” инсонга очилади. Экзистенциянинг тугабини очиб берадиган чегара яқинининг нисбатан аниқроқ ҳодисаси – бу ўлимдир. Нафақат ўлим, балки ўлимга олиб борадиган касаллик, изтироб, айбдорлик ҳисси, кураш индивидуни чегара яқини вазиятига солиб қўяди. Улар шахсий якунини англашади, кундалик ҳаётдан чиқариб ташлайди. Фақатгина ўзининг мавжудлигининг заифлиги ва якуни борлигини бошидан кечиргандан сўнг инсон ўзи учун трансцендент дунёникашф этади, мавжуд реалликдан юқорига кўтарилади ва абадиятни, ўзининг руҳининг кучини сезади.

Карл Ясперс 1969 йилнинг 26 феввалида Базел шаҳрида бу ёруғ оламини тарк этди.

## ХУЛОСА

Юқорида таърифи келтирилган мактаблар, йўналишлар ва ёндашувлар ташқаридан қараганда бир-бирини тўлдирмаётгандай, аксинча фарқ қиладигандай туюлади. Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг ҳар бири психологиянинг предметига у ёки бу томонлама ёндаўганлигининг гувоҳи бўламиз. Муҳими, уларнинг барчаси ҳақиқатни билишга қараб интилганлар.

Уларнинг қайси бирига ишониш керак? Қайси лагерни тўғри деб эълон қилмоқ керак? Бу масаланинг ойдинлашуви учун индивидуумнинг хулқ-атвори қандай шаклланиши тўғрисидаги тасаввурларга мос ҳолда турли хил мактаб ва йўналишларни тартибга солишимиз лозим бўлади.

Масалан, мавжуд йўналишларнинг ҳар бири учун қуйидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилиб кўриш керак бўлади: хулқ-атворни туғма деймизми ёки ўзлаштирилган деймизми? у ички ёки ташқи омиллар билан детерминация бўладими? у маълум йўналишларда ўз йўналишини топадими ёки вазиятларга боғлиқ ҳолда шаклланадими?..

**Хулқ-атворни туғма деймизми ёки ўзлаштирилган деймизми?** Кўплаб йўналишлар, жумладан этология ва айниқса социобиология, шунингдек, гештальтизм хулқ-атвор турли хил шаклланишининг шаклланишида туғма омилларга кўпроқ урғу беради.

Гуманистларнинг фикрича, инсон инсон ўз имкониятларини максимал даражада реализация қилиш тенденцияси билан туғилган.

Психоаналитиклар, аксинча, айтишадиларки, ҳатто биз айрим инстинктларни ирсиятдан олсакда, шахснинг шаклланишида бош ролни болалиқда кечирилган ҳодисалар ўйнайди.

Пиаже мактабига тааллуқли бўлган конструктивистлар ҳам шунга ўхшаш қарашга эга. Уларнинг фикрига кўра, инсон фақатгина интеллект фаолиятининг услубинигина ирсиятдан олади. Чунки интеллект асосан 12 ёшгача бўлган даврда индивидуумнинг турли хил предметлар билан бўладиган ўзаро таъсири натижасида пайдо бўладиган ўзгаришларни ўзлаштириш йўли билан ривожланади.

Ижтимоий психологлар, айниқса бихевиористлар фикрича, шахснинг шаклланиши асосан жисмоний ва ижтимоий атроф муҳит билан бўладиган ўзаро таъсирларга боғлиқ.

**Индивидуум тараққиёти йўналганми?** Психологларнинг баъзи мактаблари босқичма босқич тараққиёт ғоясини илгари сурадилар, яъни барча индивидуумлар бир хил кетма-кетликда маълум босқичларни бошидан кечирадилар. Психоаналитикларнинг шахс тараққиёти концепцияси ва конструктивистлар интеллект тараққиёти концепцияси шундай фикрдалар.

Этологлар ва социобиологларнинг фикрига кўра, хулқ-атвор туғма берилган дастур билан белгиланади. Бу дастурда хулқ-атвор турли хил

шаклларининг тараққиёт йўналиши аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Гуманистларнинг фикрига кўра ҳам организм тараққиётининг йўналиши олдиндан белгиланган ва у ягона мақсадга, яъни тўлиқ гуллаб-яшнашга эришишга интилади. Баъзи бир назарийчилар ҳаётнинг турли босқичларининг ривожланиш характери ҳам олдиндан белгиланганлини ёзишганлар.

Фақат бихевиористларгина инсон тараққиётини шартли ва шартсиз рефлексларнинг таъсири ва вазиятларга боғлаб тушунтиради.

**Хулқ-атворимиз детерминация қилинганми ёки эркин танлов қилиш имкониятига эгамизми?** Биз киммиз – объект мавжудотларимизми ёки субъект мавжудотларимизми?

Бихевиористлар ва социобиологлар учун бизнинг хулқ-атворимиз детерминациялашган. Биринчидан, бизнинг хулқ-атворимиз ўзимиз яшаётган муҳит билан детерминациялашган, иккинчидан, бу детерминация бизнинг генларимиз ва ирсиятдан олган механизмларимиз билан белгиланади.

Психоаналитикларнинг фикрича, инсонни унинг болалиги ўтган шарт-шароитлар ва бу тажриба билан белгиланадиган босдирилган истаклар белгилайди.

Конструктивистларнинг фикрига мувофиқ, интеллектнинг шаклланиши етуклик даврига кириш билан якун топади. Демак, ақлий тараққиёт болалиқдаги мос тузилмалар қандай шаклланиши мумкинлигига боғлиқ ҳолда белгиланади.

Фақат гуманистларгина эркин ироданинг мавжудлигига ишонадилар. Бу ирода ҳар бир одамга ўзи англаган нарсаларга боғлиқ ҳолда ўз ҳаётини йўналтириш имкониятини беради.

**Назариялар ва ижтимоий-иқтисодий ҳолат.** Илгари сурган ғояларига боғлиқ бўлмаган ҳолда ёндашувларнинг ҳар бирининг ўз тарихи бор, маълум ижтимоий-иқтисодий ҳолатга ва инсон тўғрисидаги маълум фалсафий тасаввурга боғлиқ. Фан ҳамиша инсон фаолияти соҳаларидан бири бўлиб қолади ва ўз мустақиллигини сақлашга қанчалик ҳаракат қилмасин, ўзи тараққий қилаётган мавжуд тизим ва жамият билан ҳисоблашади. Бу бошқа фанларга нисбатан кўпроқ психологияга тааллуқлидир.

Бихевиоризмнинг АҚШда пайдо бўлиши капитализм дунёга келтирган саноатнинг тараққиёти билан бир вақтга тўғри келди. Павловнинг тадқиқотлари эса коммунистик ғояга мос тушар эди. Демак, муҳитга мос ҳолда шаклланган инсон образи ўша жамият олдига қўйган янги инсон тўғрисидаги тасаввурларга тўғри келади.

Фрейд Венада ҳамма нарсани бўғадиган буржуа муҳитида яшади. Бу муҳитда жинсиятнинг ҳар қандай кўриниши қаттиқ тазйиқ остига олинар эди. Балки айнан шу ҳолат психоанализнинг дунёга келишига сабаб бўлгандир.

Психологияда гуманистик йўналишнинг пайдо бўлиши (Колифорнияда) 60-йилларга тўғри келади. Ажабланмаслик керакки, инсонга нисбатан бундай оптимистик қараш ўша даврда ҳукмрон бўлган “тинчлик ва муҳаббат” муҳитида пайдо бўлгандир. Худди шунга ўхшаш социобиологик назария 70-йилларда бошланган кризис даврида дунё юзини кўрди. Бу билан илмий йўналиш табиатдаги тартиб ижтимоий ҳаётда бўлиши кераклигини гўё шама қилаётгандай.

**Эклектик ёндашув.** Албатта, назарияларнинг пайдо бўлишига нисбатан ижтимоий ҳаётдан келиб чиққан ҳолда амалга оширилган бундай ёндашув бир ёқлама ҳам бўлиши мумкин. Фикримизча, турли хил мактабларнинг илгари сурган ғоялари тўқнашуви натижасида қўлга киритилган ютуқларни ҳам айтмасдан иложимиз йўқ. Қарама қарши йўналишлардан кўпчилиги XX-асрнинг биринчи ярмида инқирозга учради. Турли хил мактаблар ўртасидаги кўплаб қарама қаршилиқларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши 50-йилларда айниқса авж олди. Сўгра мунозаралар камайди ва бугунги кунга келиб секин-аста сўнди. Бугун психология бўйича билимларимиз кўпайгани сари қатор муҳим масалаларда келишиш ҳолати юзага келди.

Энди психологлар мавжуд назариядан бирортасини танлаб олади ва бирорта ҳодисани ёрқинроқ кўрсатиб ва тушунтириб берадиган концепциядан фойдаланади. Бундай эклектик ёндашув шунга олиб келадикки, баъзи ҳолатларда бихевиористлар томонидан яратилган тушунча ва методлардан фойдаланилса, бошқа ҳолатларда фрейдистлар ёки гуманистлар назарияларидан фойдаланадилар. Бунда муҳими қандайдир йўналишнинг тўғрилигини исботлашга уриниш эмас, балки жамият ҳаётида мавжуд бўлган муаммони ҳал этишнинг нисбатан мос усулларини топиш ва ёрдамга муҳтож бўлган одамга самарали ёрдам кўрсатишдир.

Психология нисбатан ёш фан ҳисобланади. У физика, кимё сингари фанлар ривожидан қарайиб 200 йилга ортда қолди. Тўлақонли фан даражасига етган бўлса-да, ҳали кўп ишлар қилиниши лозим.

Психология одамларда пайдо бўладиган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилмоқда. У барча саволларга тўлиқ жавоб беролмасда, одамларнинг хулқ-атворининг кўплаб жиҳатларини тушунтириб бериш имкониятига эга. Илмий тадқиқотлар билан шуғилланаётган психологлар янги гипотезаларни илгари суришмоқдалар, уларни текшириб кўрмоқдалар, нисбатан яхшироқ назарияларни яратиш умидида тадқиқотлар ўтказмоқдалар. Кейинчалик мазкур назариялар ҳар қандай тушиши мумкин бўлган вазиятлардан келиб чиққан ҳолда алоҳида индивидуумларга қўлланилиши мумкин бўлади.

Психологиянинг олдида иккита муҳим вазифа турибди: биринчиси, у назарий тадқиқотларни янада ривожлантириши лозим, иккинчидан, баъзида жуда тезлик билан амалий муаммоларни ечиши зарур. Психология тараққиётининг бугунги босқичи турли хил мактаб ва



Йўналишлар ўртасидаги фарқлар устида мунозара юритиш даври, деб эмас, балки маълум муаммоларни ечиш жараёнида уларнинг муқобилидан фойдаланиш даври, деб аталса тўғри бўлади. Шу нуқтаи назардан психология фанига қуйидагича таъриф берса бўлади: психология хулқ-атвори ва ақлий фаолиятни илмий тадқиқ қилиш ва ўзлаштирилган билимларни амалий қўллаш фанидир.

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажегимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 485-б.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
3. Ананьев Б.Г. Избранные психологические труды: В 2-х т. Т.1. – М.: Педагогика, 1980. – С. 232.
4. Андреева Г.М. Социальная психология. – М.: Изд-во МГУ, 1980. – С. 416.
5. Батыршина А.Р. История психологии: Учебное пособие / А.Р. Батыршина. - М.: Флинта, 2011. - 224 с.
6. Большой психологический словарь. – СПб. Прайн – ЕВРОЗНАК, 2004. – С. 672-б.
7. Бреслав Г.М. История научной психологии: Уч. / Г.М. Бреслав. - М.: Инфра-М, 2019. - 432 с.
8. Веракса Н.Е., Веракса А.Н. История возрастной психологии. Детская психология / Н. Е. Веракса. А. Н. Веракса Веракса. - М.: Academia, 2008. - 304 с.
9. Гальперина П.Я. История зарубежной психологии / П.Я. Гальперина. - М.: Книга по Требованию, 2012. - 344 с.
10. Годфруа Дж. Что такое психология: В 2-х т. Т.1: Пер. с франц. – М.: Мир, 1992. – С. 376.
11. Ждан А.Н. История психологии: от античности к современности. - М.: ПО России, 1999.- 510 с.
12. Ильин Г. Л. История психологии / Г.Л. Ильин. - М.: Юрайт, 2013. - 400 с.
13. История зарубежной психологии, 30-е - 60-е гг. XX в.: Тексты / Под ред. П.Я. Гальперина. - М.: Изд-во МГУ, 1986. - 344 с.
14. История зарубежной психологии конца XIX - начала XX века. - М.: Флинта, Наука, 2009. - 136 с.
15. История психологии [Текст]: учеб. пособие для студ. вузов / Н.О. Леоненко / Урал. гос. пед. ун-т. – Екатеринбург: [б. и.], 2013 – 132 с.
16. Марцинковская Т. Д. История психологии / Т.Д. Марцинковская, А.В. Юревич. - М.: Академический Проект, Трикста, 2011. - 528 с.
17. Мехтиханова Н. Н. История отечественной психологии конца XIX - начала XX века / Н.Н. Мехтиханова. - М.: Флинта, НОУ ВПО МПСИ, 2010. - 192 с.
18. Морозов А. В. История психологии / А.В. Морозов. - М.: Академический проект, 2003. - 288 с.

19. Петровский А. В. История и теория психологии (комплект из 2 книг) / А.В. Петровский, М.Г. Ярошевский. - М.: Феникс, 1996. - 832 с.
20. Саугстад П. История психологии. От истоков до наших дней / П. Саугстад. — Самара : Бахрах-М, 2008.
21. Фрейджер Р., Фейдимен Д. Большая книга психологии. Теории, упражнения, эксперименты / Роберт Фрейджер, Джеймс Фейдимен / Пер. с англ. – СПб.: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2008 –С.704.
22. Хант Мортон История психологии / Мортон Хант. - М.: АСТ, АСТ Москва, Харвест, 2009. - 864 с.
23. Якунин В. А. История психологии / В.А. Якунин. - М.: Издательство Михайлова В. А., 2001. - 376 с.
24. Ярошевский М. Г. История психологии / М.Г. Ярошевский. - М.: Мысль, 1996. - 568 с.

## **МУНДАРИЖА**

**КИРИШ**.....

**I-БОБ. ПСИХОЛОГИЯ ТАРИХИГА НАЗАР**

- 1.1. Ибтидоий психология даври.....
- 1.2. Психологиянинг антик маданият даври.....
- 1.3. Психологиянинг уйғониш давридан XIX-асргача бўлган даври.....
- 1.4. Табиий фанларнинг пайдо бўлиш даври.....
- 1.5. XXVIII – XIX-асрларда психологиянинг ривожланиш даври.....

## **II-БОБ. ИЛМИЙ ПСИХОЛОГИЯНИНГ БОШЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ ДАВРИ**

- 2.1. Тузилмавий ёндашув.....
- 2.2. Функционал ёндашув.....

## **III-БОБ. XX-АСР ПСИХОЛОГИЯСИ ДАВРИ**

- 3.1. Бихевиористик ёндашув.....
- 3.2. Биологик ёндашув.....
- 3.3. Когнитив ёндашув.....
- 3.4. Психоаналитик ёндашув.....
- 3.5. Гуманистик ёндашув.....
- 3.6. Ижтимоий-психологик ёндашув.....

## **IV-БОБ. ПСИХОЛОГИК МАКТАБЛАР, ЙЎНАЛИШЛАР, ЁНДАШУВЛАРНИНГ АСОСЧИЛАРИ ВА ДАВОМЧИЛАРИ.....**

**ХУЛОСА.....**

**Фойдаланилган адабиётлар.....**